



USAID
FROM THE AMERICAN PEOPLE



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY SUDI



Empowered lives.
Resilient nations.



КОРПОРАТИВ НИЗОЛАР: ТУШУНЧАСИ, ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИ СУДДА КЎРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

АМАЛИЙ ҚЎЛЛАНМА

Ташкент – 2019



USAID
FROM THE AMERICAN PEOPLE



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY SUDI



КОРПОРАТИВ НИЗОЛАР: ТУШУНЧАСИ, ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИ СУДДА КЎРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Амалий қўлланма

Тошкент - 2019

КОРПОРАТИВ НИЗОЛАР: ТУШУНЧАСИ, ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИ СУДДА КЎРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ [Матн]: судьялар ва аҳоли учун амалий қўлланма / М.Саидов. – Тошкент, 2019. – 196 б.

Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатлар ривожланиб борган сари ушбу муносабатлардан келиб чиқаётган низоларнинг ҳам янгича кўринишлари вужудга келмоқда. Шундай низоларнинг бир кўриниши – корпоратив низолардир.

Мазкур тоифадаги низоларни судларда кўриб чиқиш тартиби билан боғлиқ процессуал ҳуқуқ нормаларининг миллий қонунчилигимизга яқинда кириб келганлиги, уларнинг етарли даражада акс этмаганлиги, айниқса “корпорация”, “корпоратив ҳуқуқ” атамаларининг юридик жиҳатдан ёритиб берилмаганлиги боис суд амалиётида ушбу процессуал нормаларни қўллашда айрим муаммолар вужудга келмоқда, судьялар ва ишда иштирок этувчи шахслар томонидан камчилик ва хатоликларга ҳам йўл қўйилмоқда. Шу сабабли қўлланмада иқтисодий судлардаги амалиёт ва хорижий давлатларнинг тажрибаси чуқур ўрганилган ҳолда корпорациялар, корпоратив ҳуқуқ ва корпоратив низолар ҳақида умумий тушунчалар, бу тоифадаги низоларнинг турлари, улар юзасидан судларга мурожаат қилиш ва қонуний ҳал этишга оид асосий тартиб-қоидалар, эътибор қаратилиши лозим бўлган муҳим ҳолатларни ёритиб беришга ҳаракат қилинди. Уйлаймизки, қўлланма корпоратив низоларни ҳал этишга оид муаммолар масалаларнинг ечимини топишга, йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни бартараф этишга, ягона суд амалиётини шакллантиришга хизмат қилади.

Қўлланмадан судьялар, суд ходимлари, судьялик лавозимига номзодлар, адвокатлар, корхона раҳбарлари ва юристлари, иқтисодий суд ишларини юритишда иштирок этувчи шахслар, юридик соҳада таълим олаётган талабалар, тегишли мавзуда илмий изланиш олиб бораётган назариячи олимлар ҳамда корпоратив ҳуқуққа оид билим ва савиясини ошириш истагида бўлган ҳар қандай фуқаролар фойдаланишлари мумкин.

МУАЛЛИФ:

Мақсудбек САИДОВ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси

НАШР КООРДИНАТОРИ:

Собир ХОЛБАЕВ

“Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик”
қўшма лойиҳаси компонент менеждери

Мазкур нашр Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID) ва БМТ Тараққиёт Дастурининг “Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик” қўшма лойиҳаси доирасида **БЕПУЛ ТАРҚАТИШ УЧУН ТАЙЁРЛАНГАН**. Нашр мазмуни Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID) ва БМТ Тараққиёт Дастурининг расмий нуқтаи назарини акс эттирмайди.

Қўлланмада Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлар бўйича судлов ҳайъати материалларидан фойдаланилди. Қўлланмада келтирилган мисоллардаги барча номлар, саналар ва далиллар ўзгартирилган. Ҳар қандай мос келишлар тасодиий ҳисобланади.

Қўлланманинг электрон нусхаси Ўзбекистон Республикаси Олий судининг www.oliysud.uz ва БМТ Тараққиёт Дастурининг www.uz.undp.org интернет сайтыда жойлаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди,
Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1.
Телефон: (+998 71) 239-02-67

Мундарижа

Кириш	5
I боб. Корпорация тушунчаси ва унинг турлари	9
II боб. Корпоратив ҳуқуқий муносабатлар тушунчаси ва уларнинг турлари	23
III боб. Ўзбекистон Республикасида корпоратив қонунчилик тизими	33
IV боб. Корпоратив низолар бўйича судларга мурожаат қилиш тартиби	51
V боб. Корпоратив низоларни кўришда суд харажатларини тақсимланиши	65
VI боб. Корпоратив низоларнинг турлари ва уларни судда кўришнинг ўзига хос хусусиятлари	75
6.1. Корпоратив низолар ҳақида умумий тушунчалар	75
6.2. Юридик шахсни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш билан боғлиқ низолар	87
6.3. Хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларнинг, улушларнинг, кооперативлар аъзолари пайларининг мансублиги, уларга юкламалар белгилаш ва улардан келиб чиқадиган ҳуқуқларни амалга ошириш билан боғлиқ низолар, бундан хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни, улушларни, кооперативлар аъзоларининг пайларини ўз ичига олувчи мерос мол-мулкни ёки эр-хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган низолар мустасно	102
6.4. Юридик шахс иштирокчиларининг (муассисларининг, аъзоларининг) юридик шахс томонидан тузилган битимларни ҳақиқий эмас, деб топиш ва (ёки) бундай битимларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш ҳақидаги даъволари бўйича низолар	118

6.5.	Қимматли қоғозлар эмиссияси билан, шу жумладан, эмитентнинг бошқарув органлари қарорлари юзасидан низолашиш билан, эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштириш жараёнида тузилган битимлар, эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқариш (қўшимча равишда чиқариш) натижалари бўйича ҳисоботлар (хабарномалар) юзасидан низолашиш билан боғлиқ низолар	131
6.6.	Қимматли қоғозларни номинал сақловчиларнинг акциялар ва бошқа қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш, қонунда назарда тутилган бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларни қимматли қоғозларни жойлаштириш ва (ёки) уларнинг муомаласи муносабати билан қимматли қоғозларнинг номинал сақловчилари томонидан амалга ошириш билан боғлиқ фаолиятдан келиб чиқадиган низолар	142
6.7.	Юридик шахс иштирокчиларининг умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги низолар	149
6.8.	Хўжалик ширкатлари ва жамиятлари бошқарув органларининг қарорларини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги низолар	157

VII боб. Корпоратив низолар бўйича қабул қилинган суд ҳужжатлари устидан шикоят қилиш тартиби ва муддатлари

7.1.	Суд ҳужжатлари устидан шикоят бериш ҳуқуқи	167
7.2.	Апелляция шикоятини бериш тартиби ва муддатлари	168
7.3.	Кассация шикоятини бериш тартиби ва муддатлари	170
7.4.	Назорат шикоятини бериш тартиби ва муддатлари	171
7.5.	Суд ҳужжатлари устидан шикоят беришда тўланадиган суд харажатлари	172

VIII боб. Корпоратив низолар бўйича қабул қилинган суд ҳужжатларини қайта кўриш тартиби

8.1.	Апелляция шикоятини судда кўриш тартиби ва муддатлари	175
8.2.	Кассация шикоятини судда кўриш тартиби ва муддатлари	180
8.3.	Назорат шикоятини судда кўриш тартиби ва муддатлари	186

КИРИШ

Бозор иқтисодиёти шароитида корпоратив муносабатларнинг ривожланишида давлатнинг муҳим ўрни бор албатта. Давлат жамиятдаги ижтимоий, шу жумладан, иқтисодий муносабатларни ривожлантиришдан манфаатдор субъект сифатида унинг ўзи тадбиркорлик билан бевосита шуғулланмайди, балки соҳага оид умумий жараёнларнинг асосий сиёсий ташкилотчиси бўлиб, ишлаб чиқаришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди, тадбиркорликнинг тараққий этишига ҳуқуқий, иқтисодий шарт-шароит яратиб беради. Ушбу функцияларни у қонунлар ва қонун ости ҳужжатларини чиқариш (қонунчилик ҳокимияти функцияси), қонунларнинг лозим даражада ижро этилишини ташкил этиш (ижро ҳокимияти функцияси) ва ижтимоий низоларни ҳал этиш, тадбиркорлик субъектларини турли ноқонуний ҳатти-ҳаракат ёки ҳаракатсизликлардан ҳимоя қилиш (суд ҳокимияти функцияси) усуллари орқали амалга оширади. Айниқса, хусусий мулкнинг ва хусусий мулк ҳуқуқига асосланган корхоналар томонидан олинадиган даромадларнинг дахлсизлигини кафолатлаш, рақобат муҳитини шакллантириш ва шунга ўхшаш чораларни кўриш ўзининг ижобий натижасини беради. Шу нуқтаи назардан тадбиркорлик соҳасини ривожланишига тўртки берувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланган корпоратив муносабатларни ҳам ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлатнинг доимий диққат марказида бўлади.

Замонавий коммуникация технологиялари жадал тараққий этиб, жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув жараёнлари ва эркин рақобат тобора кучайиб бораётган ҳозирги даврда ҳар қандай давлат жаҳон иқтисодиётининг ривожланишига сабаб бўлаётган асосий қоидаларга риоя қилишга мажбур бўлади.

Бундай қоидалардан бири – давлатнинг иқтисодий соҳага, айниқса хусусий корхоналар (корпорациялар) фаолиятига бевосита аралашувининг кучайиб кетмаслигидир.

Маълумки, ҳар қандай давлатда иқтисодий тизим асосан қуйидаги икки турдаги принциплар асосида ривожланади:

1. Хусусий сектор субъектларининг фаолият кўрсатиши, бунда бозор механизмлари хусусий ташаббускорлик бўйича тартибга солиб турилади.
2. Давлат мулкига асосланган иқтисодий сектор субъектларининг фаолият кўрсатиши, бунда ишлаб чиқариш давлат томонидан қатъи назорат қилиб борилади.

Хорижий ривожланган давлатларнинг тажрибаси шуни кўрсатмоқ-

даки, бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг иқтисодий сектордаги тартибга солувчилик роли қанчалик кам бўлса, ривожланиш шунчалик кучли бўлган. Яъни давлат иқтисодий жиҳатдан ижобий натижаларга эришиш учун аввалом бор, ўз тараққиёт йўли ва моделидан, унинг ўзига хослигидан келиб чиқиб, доимий равишда табдиркорлик фаолиятини турли йўللار билан қўллаб-қувватлаши шарт.

Бу борада Ўзбекистонда ҳам сўнгги йилларда қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан юртимизда олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида “2017–2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланди.

Ушбу дастуриламал ҳужжатда 5 та йўналиш бўйича яқин йиллар ичида амалга оширилиши лозим бўлган асосий вазифалар белгилаб берилди. Шу жумладан, иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш бўйича миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий табдиркорлик ривожини рағбатлантириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш лозимлиги қайд этилди ва шу йўналишда қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Иқтисодий ислохотларни самарали руёбга чиқариш, табдиркорлик фаолияти эркинлигининг ҳуқуқий кафолатларини таъминлаш ҳамда мулкий муносабатларнинг қонун ҳужжатлари асосида тартибга солиниши механизмларини янада кучайтириш борасида бошқа тегишли ҳуқуқ соҳалари каби корпоратив ҳуқуқнинг ҳам роли юқоридир.

Корпоратив ҳуқуқ хорижий давлатларда яхши ривожланган бўлиб, Ўзбекистонда ҳуқуқ тизимиغا янги ҳуқуқий институт сифатида у яқинда кириб келди. Амалдаги қонун ҳужжатларида корпоратив ҳуқуққа оид нормалар кам. Бу ҳолат ушбу ҳуқуқнинг ўзига хос жиҳатларини, шу жумладан, корпоратив ҳуқуқ субъектлари фаолияти билан боғлиқ муносабатларни кенгроқ ўрганишда турли қийинчиликлар келтириб

чиқармоқда. Ўз навбатида, корпоратив ҳуқуқни амалда қўллаш борасида судлар фаолиятида ҳам муайян хатоликлар, камчиликлар, муаммолар юзага келмоқда.

Мазкур хато ва камчиликларни бартараф этиш, соҳага оид ягона суд амалиётини шакллантириш учун, аввалом бор, бу борадаги суд амалиётини ўрганиб, қонун ҳужжатлари нормаларини бир хилда ва тўғри қўллаш бўйича тегишли тавсиялар тайёрлаш, тушунтиришлар ва изоҳлар беришга ҳозирги пайтда зарурат пайдо бўлмоқда. Шу нуқтаи назардан ушбу қўлланмани тайёрлаш лозим деб топилди.

Қўлланмада корпорация, корпоратив ҳуқуқ, корпоратив ҳуқуқий муносабатлар тушунчаларини ёритиб беришга ҳаракат қилинди. Бундан ташқари, корпоратив низоларнинг турлари, уларни судда кўришнинг ўзига хос хусусиятлари, ушбу низоларни кўриш натижасида чиқарилган суд ҳужжатлари ва улар устидан шикоят бериш тартиби ҳамда муддатлари, шикоятларни кўриб чиқиш билан боғлиқ процессуал қоидалар оддий тилда, суд амалиётидан мисоллар келтирилган ҳолда тушунтириб берилди.

Шунингдек, мавзуга оид масалаларни ёритишда хорижий давлатларнинг бу борадаги қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳам ўрганилиб, ўзига хос жиҳатлари кўрсатиб ўтилди.

Ушбу қўлланма нафақат корпоратив низоларга оид ишларни кўраётган иқтисодий судларнинг судьялари, балки судьяликка номзодлар, суд ходимлари, хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари ва ҳуқуқшунослари, адвокатлар, юриспруденция соҳасида илмий изланиш олиб бораётган тадқиқотчилар, юридик таълим муассасаларининг ўқитувчилари ва талабалари, қолаверса, корпоратив ҳуқуқ соҳасига қизиқувчи фуқароларга ҳам ўз билим ва савияларини оширишига ёрдам беради, деган умиддамиз.

КОРПОРАЦИЯ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

Корпоратив низолар ҳақида сўз юритилар экан, аввалом бор, таъкидлаш керакки, “корпоратив ҳуқуқ”, “корпоратив низо”, “корпоратив бошқарув” жумлалари “корпорация” атамасидан келиб чиққан. Хўш, корпорациянинг ўзи нима, унинг ўзига хос белгилари нималардан иборат?

Сўнгги пайтларда ҳуқуқий адабиётларда “корпорация” тушунчаси тез-тез учрамоқда. Ушбу атама хорижий давлатлар қонунчилигида асосан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган юридик шахснинг бир тури сифатида тушунилади.

Лекин Ўзбекистонда “корпорация” тушунчасига ҳуқуқий жиҳатдан таъриф берилмаган. Қолаверса, республикамининг процессуал қонун ҳужжатларида ҳам корпоратив низолар ҳақида қоидалар қисқа тарзда баён қилинган. Бу ҳолат мазкур тоифадаги низоларни кўриб чиқишда ва уларни ҳал этишда, умуман, ҳуқуқ нормаларини амалиётга тадбиқ этишда турли мураккабликларни ва қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Шу боис дастлаб “корпорация” атамасининг мазмун-моҳиятини ёритиб беришга ҳаракат қиламиз.

“Корпорация” тушунчаси лотин тилидан олинган бўлиб, муайян шахсларнинг бирлашмаси, жамияти, уюшмасини, уларнинг ҳамкорлик қилишини, улар ўртасидаги умумийликнинг мавжудлигини билдиради.

Ҳозирги “корпорация” тушунчасининг пайдо бўлиши қадимги рим ҳуқуқига бориб тақалади. “Корпорация” сўзи (лотинча “corporation” атамасидан олинган) профессионал ёки табақалар манфаатлари бирлиги бўйича уюшган шахслар гуруҳини, иттифоқини англатади.

Рим ҳуқуқини ўрганаётган олимларнинг изоҳлашича, “корпорация” тушунчаси лотинча “*corpus habere*” бирикмасидан келиб чиққан бўлиб, юридик шахснинг ҳуқуқларини билдиради. Лекин хусусий корпорациялар қадимги Римда юридик шахсни эмас, ҳар бир иштирокчи мулкдаги ҳиссасини эгаллайдиган ва учинчи шахслар билан мустақил ҳолда муносабатларга киришадиган оддий ширкат тарзидаги уюшмани билдиради¹.

Қадимги Рим давлатида илк пайдо бўлган хусусий тадбиркорлик фаолиятини юритиш шакли ҳозирги “корпорация” тушунчасига бироз

¹ Е.А. Дорожинская. Корпоративное право: курс лекций / Е.А. Дорожинская; Новосибирск: Изд-во СибАГС, 2016.— 264 с.

мос келса-да, аммо рим ҳуқуқида “юридик шахс” атамаси ишлатилмаганлиги учун бундай уюшма таъкидланганидек, фуқароларнинг оддий бирлашмасидан (юридик шахс сифатида эмас – *муаллиф*) иборат бўлган. Римда бундай уюшмалар хусусий корпорациялар, диний жамоалар, касаначиларнинг профессионал уюшмалари сифатида фаолият олиб боришган.

Кейинчалик уюшма (фирма)да ташкилий алоқалар мураккаблашиб борган ва унинг алоҳида мол-мулки ташкил қилиниб, иштирокчилари ушбу мол-мулкни уюшма номидан бошқара бошлаган ва улар уюшма (фирма)нинг мажбуриятлари бўйича солидар-субсидиар жавобгар бўлишган.

“Корпорация” тушунчаси Ғарбий Европада ўрта асрларда пайдо бўлган. Яъни турли давлатлар ўртасида савдо алоқалари ривожланган сари ўз товарларини бошқа давлатларга ўтказишни мақсад қилган савдогарларни бирлаштирган – савдо гилдиялари вужудга кела бошлаган. Дастлаб бундай уюшмалар ягона (тўлиқ) хўжалик бирлиги (юридик шахс-муаллиф) сифатида фаолият юритишмаган. Ҳар бир савдогар биргаликда юриш қилиш, ўз мол-мулкларини қароқчилардан химоялаш учун ягона гилдияга бирлашиб, унинг қоидаларига риоя қилишган. Савдогарларнинг умумий мулки мавжуд бўлмаса-да, бундай уюшмани қўллаб-қувватлаб (таъминлаб) туриш учун ҳар бир аъзо унга ўз тўловини қўшиши керак бўлган. Шу билан бирга, гилдия ҳам биргаликдаги фаолияти давомида ўз аъзоларининг ҳар бирини қарзи учун жавоб берган.

Тадбиркорликнинг корпоратив шакли (компания, артел, оддий ширкат, ўртоқлик ширкати) XVII–XVIII асрларда пайдо бўла бошлаган. Мануфактура, қурилиш, молиявий соҳаларнинг ривожланиши иқтисодий фаолиятнинг турли ташкилий-ҳуқуқий шаклларининг ҳам ўсишига сабаб бўлган.

XIX асрнинг бошларидаги саноат тўнтариши корпорациялар ривожланишининг янги босқичини бошлаб берган. Индустриализация жараёнлари йирик капиталларнинг жалб қилинишига олиб келган, натижада ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг акциядорлик шакли оммалашган.

XIX–XX асрларда ишлаб чиқариш кескин тараққий этиши натижасида корпоратив шакллар ҳам ўзгара бошлаган ва капиталларнинг бир жойга тўпланиши, марказлашуви жараёнлари кучайиб, монополистик бирлашмалар пайдо бўлган¹.

Юқоридагилардан шундай умумий тушунча пайдо бўладики, корпорация – бу тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни мақсад қилиб

¹ <https://studfiles.net/preview/2852073/>.

қўйган муайян шахсларнинг ташкилий бирлиги ҳисобланади. Масалан, 3 та жисмоний шахс бирор корхона, яъни масъулияти чекланган жамиятни тузишади ёки 4 та жисмоний шахс ва 1 та юридик шахс акциядорлик жамиятини тузишади ва ҳоказо.

Корпорация тушунчасининг мазмун-моҳиятини кенгроқ ёритиш учун, аввалом бор, унинг ўзига хос ҳуқуқий белгилари ҳақида сўз юритамиз:

Биринчидан, корпорация деганда, асосан фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган ташкилот тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (кейинчалик матнда – ФК деб юритилади)нинг 40-моддасида юридик шахслар ўз фаолиятининг мақсадига кўра, 2 турга бўлинади. Биринчиси, фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган тижоратчи ташкилот, иккинчиси фойда олишни ана шундай мақсад қилиб олмаган тижоратчи бўлмаган ташкилот.

Фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмайдиган юридик шахслар, яъни нотижорат ташкилотларининг аксариятини, масалан, давлат бюджетидан молиявий таъминланадиган муассасалар (боғчалар, мактаблар, касалхоналар, илмий-текшириш институтлари), давлат органлари ва шунга ўхшаш бошқа ташкилотларни корпорация, деб ҳисоблаш мумкин эмас. Аммо тижоратчи бўлмаган айрим ташкилотлар ҳам корпорация ҳисобланиши мумкин ва биз бу ҳақда кейинроқ тўхталамиз.

ФКнинг 40, 58-72-моддаларига кўра, тижорат ташкилотлар тўлиқ ширкат, коммандит ширкат, масъулияти чекланган жамият, қўшимча масъулиятли жамият, акциядорлик жамияти, шўъба хўжалик жамияти, қарам хўжалик жамияти, ишлаб чиқариш кооперативлари, унитар корхона ва қонунларда назарда тутилган бошқача шаклда тузилиши мумкин.

Шунингдек, хусусий корхона, оилавий корхона, фермер хўжалиги, деҳқон хўжалиги шаклидаги юридик шахслар ҳам фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олганлиги учун тижорат ташкилотлари ҳисобланишади.

ЁДДА ТУТИНГ!

Корпорация тушунчаси фақат тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган тижорат ташкилотларини ўз ичига қамраб олади, деган маънони англатмайди. Яъни тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган баъзи тижорат ташкилотлари ҳам корпорация ҳисобланмаслиги мумкин.

Тижорат ташкилотларидан акциядорлик жамияти, масъулияти чекланган жамияти, қўшимча масъулиятли жамият, тўлиқ ширкат, коммандит ширкат, шўъба хўжалик жамияти, қарам хўжалик жамияти, ишлаб чиқариш кооперативи, оилавий корхона, деҳқон хўжалиги каби ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги ташкилотларни корпорация, деб ҳисобласа бўлади, аммо истисно ҳолатлар ҳам мавжуд. Бу ҳақда кейинчалик батафсилроқ тўхталиб ўтаемиз.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, тижоратчи ташкилотларнинг ичида айниқса, акциядорлик жамиятлари корпорация тушунчасига кўпроқ мос келади. Чунки унда “корпорация” тушунчасига мос бўлган белгиларнинг барчаси мужассамдир ва уни корпорация учун эталон сифатида кўрсатса бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунида устав фонди (устав капитали) акциядорларнинг акциядорлик жамиятига нисбатан ҳуқуқларини тасдиқловчи муайян миқдордаги акцияларга тақсимланган тижорат ташкилоти акциядорлик жамияти деб, жамиятни ташкил этиш тўғрисидаги таъсис шартномасини имзолаган юридик ва жисмоний шахслар жамиятнинг муассислари (муассиси) деб эътироф этилиши, акциядорларнинг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва ижроия органи жамиятнинг бошқарув органлари ҳисобланиши каби корпорациянинг ҳуқуқий мақомига оид бўлган белгилар акс этган.

Англияда “корпорация” тушунчаси юридик шахснинг бир тури сифатида ягона корхонани (corporation sole) ҳам, юридик шахснинг яна бир тури сифатида бир нечта шахслар гуруҳини (corporation aggregate) ҳам ўз ичига олади.

Франция ва Германияда юридик шахсларни турларга ажратишда “корпорация” атамаси умуман ишлатилмайди, яъни Францияда юридик шахслар ширкатлар ва ассоциацияларга бўлинса, Германияда юридик шахслар тижорат ва нотижорат ташкилотларига бўлинади¹.

Иккинчидан, корпорация юридик шахс мақомига эга бўлиши керак.

Чунки Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (кейинчалик матнда – ИПК деб юритилади) 37-моддасининг бешинчи қисмида ёзилишича, корпоратив низолар бўйича даъволар ушбу Кодекснинг 30-моддасида кўрсатилган **юридик шахс** жойлашган ердаги судга тақдим этилади. Яъни ушбу қонданинг мазмунидан корпорация юридик шахс мақомига эга бўлиши керак, деган маъно келиб чиқади.

¹ Кашанина Т.И. Корпоративное право (Учебник для вузов). Москва, “Норма-Инфра.М”, 1999, стр 129-131.

ФКнинг 39-моддасида юридик шахс тушунчаси берилган бўлиб, унинг биринчи қисмига кўра ўз мулкида, хўжалик юртишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулккий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади.

Ушбу Кодекс 44-моддасининг биринчи ва тўртинчи қисмларидаги қоидага биноан, юридик шахс қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги маълумотлар барчанинг танишиб чиқиши учун очиқ бўлган юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилади.

Юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан бошлаб ташкил этилган ҳисобланади.

Демак тегишли белгиларга эга бўлган юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан бошлаб юқорида қайд этилган “корпорация” тушунчасига мос келади.

ИПК 37-моддасининг бешинчи қисми мазмунидан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкинки, ҳар қандай шахс тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ёки шуғулланмаслигидан қатъи назар, шахс юридик шахс мақомига эга бўлмас экан, унда корпорациянинг белгилари мавжуд бўлмайди.

ФК 24-моддасининг биринчи қисмида ёзилишича, фуқаро якка тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан бошлаб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасидаги қоидаларга кўра, якка тартибдаги тадбиркорлик жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркор) томонидан тадбиркорлик фаолиятини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда амалга оширишдир.

Якка тартибдаги тадбиркорлик якка тартибдаги тадбиркор томонидан мустақил мулк ҳуқуқи асосида ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида, шунингдек, мол-мулкка эгаллик қилиш ва (ёки) ундан фойдаланишга йўл қўядиган ўзга ашёвий ҳуқуқ асосида амалга оширилади.

ЁДДА ТУТИНГ!

Якка тартибдаги тадбиркорлар юридик шахс мақомига эга бўлмасликлари боис уларни корпорация тушунчаси қамраб олмайди.

“Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддаси мазмунига кўра, жисмоний шахслар юридик шахс ташкил этмаган ҳолда биргаликдаги тадбиркорлик фаолиятини қуйидаги 3 хил шаклда амалга ошириши мумкин:



“Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасига кўра, **оилавий тадбиркорлик** оила аъзолари томонидан таваккал қилиб ва ўз мулкый жавобгарлиги остида даромад (фойда) олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолиятидир.

Оилавий тадбиркорлик юридик шахс ташкил этган ёки ташкил этмаган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Юридик шахс ташкил этган ҳолда амалга ошириладиган оилавий тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли оилавий корхонадир.

Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Юқорида таъкидланганидек, корпорация тушунчаси бу ерда юридик шахс ташкил этган ҳолда амалга ошириладиган тадбиркорликнинг бир кўриниши бўлган фақат оилавий корхонани қамраб олади.

Мазкур Қонун 5-моддасининг биринчи қисмига кўра, оила бошлиғи, унинг хотини (эри), болалари ва набиралари, ота-онаси, меҳнатга қобилиятли ёшга тўлган бошқа қариндошлари (болалари ва набираларининг эрлари (хотинлари), туғишган ҳамда ўгай ака-ука ва опа-сингиллари, уларнинг эрлари (хотинлари) ҳамда болалари, тоға ва амаки ҳамда амма ва холалари) оилавий корхона иштирокчилари бўлиши мумкин. Фақат муомалага лаёқатли шахслар оилавий корхона иштирокчилари бўлиши мумкин. Яъни бу ерда оилавий корхона унинг таъсисчи (иштирокчи)лари бўлган бир нечта кишилар томонидан тузилади.

Аммо юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги оилавий тадбиркорлик эса корпорация ҳисобланмайди.

Фуқаролик кодексининг 53-бобида **оддий ширкат** билан боғлиқ ҳуқуқий нормалар акс этган бўлиб, унинг 962-моддасида оддий ширкат шартномасига қуйидагича таъриф берилган: оддий ширкат шартномаси (биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартнома) бўйича шериклар

(иштирокчилар) деб аталувчи икки ёки ундан ортиқ шахс фойда олиш ёки қонунга зид бўлмаган бошқа мақсадга эришиш учун ўз ҳиссаларини қўйиш ва юридик шахс тузмасдан биргаликда иш қилиш мажбуриятини оладилар.

Фақат якка тадбиркорлар ва (ёки) тижорат ташкилотлари тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун тузиладиган оддий ширкат шартномасининг тарафлари бўлишлари мумкин.

Оддий ширкатда ишларни юритиш, яъни бошқарув ўзига хос тарзда ва шартномада назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Фаолият кўрсатиш ва бошқарувнинг амалга оширилиши таъсисчи (иштирокчи)лар томонидан шартномавий муносабатларга оид мажбуриялардан келиб чиққанлиги ҳамда юридик шахс мақомига эга бўлмаганлиги сабабли оддий ширкатни ҳам корпорациянинг бир кўриниши, деб ҳисоблаб бўлмайди.

Аммо баъзи хорижий давлатлар қонунчилигида оддий ширкатлар корпорациянинг тури сифатида тан олинади.

Масалан, Францияда оддий коммандит ширкат (societe en commandite simple) корпорациянинг муҳим кўринишларидан бири ҳисобланади¹.

“Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги Қонуннинг 1-моддасига кўра, **деҳқон хўжалиги** оилавий майда товар хўжалиги бўлиб, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиради ва реализация қилади.

Деҳқон хўжалигидаги фаолият тадбиркорлик фаолияти жумласига киради ҳамда деҳқон хўжалиги аъзоларининг истагига кўра юридик шахс ташкил этган ҳолда ва юридик шахс ташкил этмасдан амалга оширилиши мумкин.

Бу ерда ҳам юридик шахс ташкил этган ҳолда амалга ошириладиган деҳқон хўжалигида тегишли белгилар мавжуд эканлиги боис у корпорация ҳисобланади.

Учинчидан, ташкилот корпорация ҳисобланиши учун у икки ёки ундан ортиқ шахслар (таъсисчилар) томонидан ташкил этилган, яъни муайян шахсларнинг ташкилий бирлиги мавжуд бўлиши керак.

Дарҳақиқат, юқорида таъкидланганидек, корпорация тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни мақсад қилиб қўйган муайян шахсларнинг ташкилий бирлиги ҳисобланар экан, агар бирор юридик шахснинг иштирокчиси (таъсисчиси) битта шахсдан иборат бўлса, уни корпорация

¹ **Е.А. Дорожинская.** Корпоративное право: курс лекций / Е.А. Дорожинская; Новосибирск: Изд-во СибАГС, 2016.— 264 с

тушунчаси қамраб оладими-йўқми, деган ҳақли савол туғилиши мумкин.

Корпорацияда икки ёки ундан ортиқ шахслар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ва муайян фойда олиш мақсадида ҳар бири маълум миқдордаги мол-мулкни ёки маблағини бирга қўшган ҳолда у ёки бу ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги юридик шахсни ташкил этишади. Шунинг учун фикримизча, агар юридик шахснинг иштирокчиси (таъсисчиси) битта шахсдан иборат бўлса, у корпорация ҳисобланмайди.

Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий корхона тўғрисида”ги Қонуни 3-моддасининг биринчи қисмида ёзилишича, мулкдор ягона жисмоний шахс томонидан тузилган ва бошқариладиган тижоратчи ташкилот хусусий корхона, деб эътироф этилади. Хусусий корхона тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий шаклидир.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни 3-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларидаги қоидага биноан, фермер хўжалиги ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектидир. Фермер хўжалиги Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий субъектидир. Ушбу Қонуннинг 4-моддасида фермер хўжалигининг бошлиғи шу хўжаликнинг муассиси – фермер эканлиги, ўн саккиз ёшга тўлган, қишлоқ хўжалигида тегишли малака ёки иш тажрибасига эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси фермер бўлиши мумкинлиги, бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатларда фермер хўжалиги номидан ана шу хўжалик бошлиғи иш кўриши, қонунда назарда тутилга ҳоллардан ташқари фермер хўжалиги бошлиғининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа шахсга ўтказиш тақиқланиши қатъи белгилаб қўйилган.

Мазкур қоидалардан кўринадики, хусусий корхона ва фермер хўжаликлари битта шахс, ягона таъсисчи томонидан ташкил этилади. Яъни бу ерда шахсларнинг ташкилий бирлиги мавжуд эмас. Шу сабабли уларни юқорида тилга олинган шартли равишдаги корпорация тушунчаси қамраб олмайди.

Булардан ташқари, амалдаги қонун ҳужжатларида битта шахс, ягона таъсисчи томонидан ташкил этиладиган бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги корхоналар ҳам корпорация ҳисобланмайди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 10-моддасининг биринчи қисмидаги қоидада ёзилишича, жамиятни таъсис этиш йўли билан ташкил этиш муассисларнинг (муассиснинг) қарорига кўра амалга

оширилади. Жамиятни таъсис этиш тўғрисидаги қарор таъсис йиғилиши томонидан қабул қилинади. Жамият бир муассис томонидан таъсис этилган тақдирда жамиятни таъсис этиш ҳақидаги қарор шу муассис томонидан якка тартибда қабул қилинади. Яъни акциядорлик жамияти бир шахс томонидан ҳам таъсис этилиши мумкин ва бундай ҳолда уни корпорация, деб кўрсатиш нотўғридир.

Ёки Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонуни 3-моддасининг биринчи қисмида қайд этилишича, бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди (устав капитали) таъсис ҳужжатлари билан белгиланган миқдорларда улушларга бўлинган хўжалик жамияти масъулияти чекланган жамият, деб ҳисобланади. Шу боис, агар масъулияти чекланган жамияти бир шахс томонидан таъсис этилган бўлса, у корпорация ҳисобланмайди, агар икки ёки ундан ортиқ шахслар томонидан таъсис этилган бўлса, ҳисобланади. Бу қоида Қонун 4-моддасининг биринчи қисмига кўра, қўшимча масъулиятли жамиятларга нисбатан ҳам тадбиқ қилинади.

Битта шахс (мулкдор, таъсисчи) томонидан ташкил этиладиган юридик шахснинг яна бир тури унитар корхонадир.

ФКнинг 70-моддасида ёзилишича, ўзига бириктириб қўйилган мол-мулкка нисбатан мулкдор томонидан мулк ҳуқуқи берилмаган тижоратчи ташкилот унитар корхона ҳисобланади.

Унитар корхонанинг мол-мулки бўлинмасдир ва у қўшилган ҳиссалар (улушлар, пайлар) бўйича, шу жумладан, корхона ходимлари ўртасида ҳам, тақсимланиши мумкин эмас.

Унитар корхонанинг уставида ушбу Кодекс 43-моддасининг тўртинчи ва бешинчи қисмларида кўрсатилган маълумотлардан ташқари, корхона устав фондининг миқдори тўғрисидаги, уни ташкил этиш тартиби ва манбалари тўғрисидаги маълумотлар бўлиши керак.

Унитар корхонанинг мол-мулки унга хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи асосида тегишлидир.

Яъни битта шахс томонидан ташкил этилиши, мол-мулки бўлинмас ҳисобланиши, ҳиссаларга ажратилмаслиги (тақсимланмаслиги) сабабли хўжалик юритиш ҳуқуқи ёки оператив бошқариш ҳуқуқи асосида фаолият кўрсатишидан қатъи назар, унитар корхоналар корпорация дейилмайди.

Қонун ҳужжатларида иштирокчиси (таъсисчиси) битта шахсдан иборат бўлган шу каби бошқа турдаги юридик шахслар ҳам мавжудки, уларни корпорация, дейиш нотўғри ҳисобланади ва шу сабабли уларнинг давлат рўйхатига олинishi, фаолият кўрсатиши, тугатилиши билан

боғлиқ муносабатлар ҳам корпоратив муносабатлар ҳисобланмайди. Ўз навбатида мазкур муносабатлардан келиб чиқадиган низолар ҳам корпоратив низо сифатида кўрилмайди.

Тўртинчидан, юридик шахсларнинг бирлашмалари республика-мизнинг амалдаги қонун ҳужжатларига кўра, нотижорат ташкилотлар бўлганлиги сабабли корпорация ҳисобланмайди.

ФК 40-моддасининг бешинчи қисмига кўра, юридик шахслар уюшмалар (иттифоқлар)га ва бошқа бирлашмаларга қонунга мувофиқ бирлашишлари мумкин.

Бундай бирлашмалар фаолият мақсадларидан келиб чиққан ҳолда консорциум, корпорация, концерн, бирлашма, холдинг каби турли шаклларга эга бўлишлари мумкин.

ФК 77-моддасининг биринчи қисмида ёзилишича, тижорат ташкилотлари ўзларининг тадбиркорлик фаолиятларини мувофиқлаштириш, шунингдек, муштарак мулкрий манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида **нотижорат ташкилотлар ҳисобланувчи** уюшмалар (иттифоқлар) ва ўзга бирлашмаларига бирлашишлари мумкин. Агар иштирокчиларнинг қарорига мувофиқ, уюшмага (иттифоққа) ва ўзга бирлашмага тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш вазифаси юклатилса, бундай уюшма (иттифоқ) ва ўзга бирлашма ушбу Кодекда назарда тутилган тартибда хўжалик ширкати ёки жамиятига айлан-тирилиши керак ёхуд тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун хўжалик жамиятлари тузиши ёки уларда иштирок этиши мумкин.

Мазкур ҳуқуқ нормасига кўра, уюшма (иттифоқ)лар тадбиркор-лик фаолияти билан шуғулланишни мақсад қилиб қўйган муайян шахсларнинг ташкилий бирлигидан иборат бўлса-да, аммо нотижорат ташкилоти ҳисобланганлиги учун уларни корпорация, деб аташ нотўғри ҳисобланади.

ЁДДА ТУТИНГ!

Уюшмалар (иттифоқлар) тадбиркор-лик субъектларининг бирлашишлари ёки тадбиркорлик субъекти ҳисобланмаган ташкилотларнинг бирлашишлари натижасида ҳам тузилиши мумкин. Аммо қайси шаклда тузилишидан қатъи назар, улар корпорация тушунчасига мос келмайди.

Яна бир муҳим ҳолат, амалдаги қонун ҳужжатларига кўра, уюшма (иттифоқ)ларнинг бир тури корпорация ҳисобланади. Аммо бу ердаги корпорация шаклидаги бирлашма биз тушунчасини ёритиб бераётган “корпорация”дан фарқ қилади. Чунки Ўзбекистон Республикаси Фуқаро-

лик кодекси 77-моддасининг биринчи қисмидаги қоидадан келиб чиқиб, нотижорат ташкилот сифатида ўзи бевосита тадбиркорлик фаолияти билан шуғуллана олмаслиги сабабли корпорация кўринишидаги бирлашмани ҳам юқорида тилга олинган корпорация тушунчаси ўз ичига қамраб олмайди.

Хорижий давлатлар қонунчилигига мурожаат қилинадиган бўлса, Францияда корпоратив муносабатларнинг асосий ташкилий-ҳуқуқий шакллари бўлиб:

- ✓ тўлиқ ширкат (societe en nom collective);
- ✓ оддий коммандит ширкат (societe en commandite simple);
- ✓ масъулияти чекланган жамияти (societe a responsabilite limitee - SARL);
- ✓ акциядорлик жамияти (societe anonyme - SA) – оддий;
- ✓ акциядорлик-коммандит жамияти;
- ✓ соддалашган акциядорлик жамияти;
- ✓ бир шахсга тегишли бўлган масъулияти чекланган жамияти иштирок этишади.

АҚШда эса корпоратив муносабатларнинг асосий ташкилий-ҳуқуқий шакллари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- иштирокчиларининг масъулияти чекланмаган ҳамкорлиги (general partnership) – тўлиқ ширкатга ўхшаш (АҚШда юридик шахс ҳисобланмайди);
- иштирокчиларининг масъулияти чекланган ҳамкорлиги (limited partnership) – коммандит ширкатга ўхшаш;
- масъулияти чекланган компания (limited liability company);
- корпорация – акциядорлик жамиятига ўхшаш – очиқ турдаги корпорация ёки оммавий корпорация (publicly held corporation) ва ёпиқ турдаги корпорация (close corporation).

Ўз навбатида, АҚШда корпорациялар юридик шахсларнинг ягона шакли ҳисобланмаса-да, уларнинг қуйидаги 4 хил кўриниши мавжуддир:

1. Оммавий корпорациялар (буларга – давлат ва муниципал органлар киради);
2. Квазиоммавий (яримоммавий) корпорациялар (буларга – аҳолининг умумий эҳтиёжларига хизмат қилувчи ташкилотлар, масалан, аҳолини газ, сув, электр энергияси билан таъминловчи корпорациялар, ирригация, темир йўллари бўйича корпорациялар киради. Уларни ташкил этиш ва бошқаришда давлат қисман иштирок этади);
3. Тадбиркор бўлмаган корпорациялар (буларга – диний ташкилотлар, мактаблар, коллежлар, университетлар, хайрия фондлари ва

шу каби бошқа мақсади фойда олишдан иборат бўлмаган ташкилотлар киради);

4. Тадбиркор корпорациялар (буларга – ширкатлар, банклар, суғурта компаниялари ва шу каби мақсади фойда олишдан иборат бўлган бошқа тадбиркорлик (тижорат) ташкилотлари киради)¹.

Японияда корпоратив муносабатларнинг қуйидаги 2 та асосий ташкилий-ҳуқуқий шакли амал қилади:

- масъулияти чекланган компания (limited liability corporation);
- акциядорлик компанияси (joint stock corporation)².

Бешинчидан, ташкил этилиши, фаолият кўрсатиши ва бошқарувни амалга ошириш тартиби ва усуллари мос келганлиги учун айрим тоифадаги нотижорат ташкилотлари ҳам корпорация ҳисобланади.

Жумладан, ФКнинг 3-параграфида **матлубот кооперативлари** нотижорат ташкилотлар туркумига киритилган ва унинг 73-моддасида иштирокчиларнинг моддий (мулкий) эҳтиёжларини қондириш мақсадида фуқароларнинг аъзоликка асосланган ихтиёрий бирлашмаси матлубот кооперативи ҳисобланиб, бу бирлашув унинг аъзолари томонидан ўз мулкий (пай) бадалларини қўшиш йўли билан амалга оширилиши кўрсатилган.

Шу билан бирга, Кодекс мазкур моддасининг олтинчи қисмида матлубот кооперативининг тижорат фаолиятига нисбатан ушбу Кодекснинг тижоратчи ташкилотлар тўғрисидаги қоидалари қўлланилиши ҳақидаги қоида акс этган. Демак тижоратчи ташкилот ҳисобланмаса-да, матлубот кооперативини корпоративнинг бир тури сифатида кўрсатса бўлади.

Бундан ташқари, ушбу модданинг еттинчи қисмида матлубот кооперативларининг ҳуқуқий мавқеи, шунингдек, улар аъзоларининг ҳуқуқ ва бурчлари ушбу Кодексга ва бошқа қонунларга мувофиқ белгиланиши қайд этилган. Бу ерда бошқа қонунлар деганда, Ўзбекистон Республикасининг “Кооперация тўғрисида”ги Қонуни ҳам назарда тутилган.

Мазкур Қонуннинг 1–3-моддаларида Ўзбекистон Республикасида кооперация жисмоний ва юридик шахсларнинг иқтисодий ҳамда ижтимоий фаолиятнинг турли соҳаларида умумий мақсадларга эришиш учун ташкилий жиҳатдан расмийлаштирилган, мулкнинг ширкат (жамоа)

¹ **Кашанина Т.И.** Корпоративное право (Учебник для вузов). Москва, “Норма-Инфра.М”, 1999, стр 129-131.

² **Е.А. Дорожинская.** Корпоративное право: курс лекций / Е.А. Дорожинская; Новосибирск: Изд-во СибАГС, 2016.— 264 с.

шаклига асосланган ихтиёрий бирлашмаларидан (кооперативларидан) иборат эканлиги, фойда (даромад) олиш мақсадида тузиладиган матлубот, ишлаб чиқариш ва аралаш ишлаб чиқариш матлубот кооперативлари амал қилиши, барча турдаги кооперативлар ва уларнинг хўжалик уюшмаларини тузишнинг, улар фаолиятининг, уларни қайта тузиш ва тугатишнинг умумий, ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий асослари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солиниши, ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш-матлубот кооперативларининг фаолияти ўз аъзоларининг, шунингдек, меҳнат шартномалари (контрактлар, битимлар) бўйича ишлаётган кишиларнинг ўз меҳнатлари билан шахсан иштирок этишига асосланиши, кооперативлар қонунда тақиқланганларидан ташқари, фаолиятнинг ҳар қандай тури билан шуғулланишга ҳақли эканлиги каби корпорациянинг ўзига хос белгиларини акс эттирувчи ҳуқуқий нормалар ўрнатилган.

Яна бир нотижорат ташкилоти ҳисобланган хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатини корпорациянинг тури сифатида қараш мумкин ёки мумкин эмаслиги тўғрисида назарийётчи ва амалиёчи мутахассислар ўртасида баҳсли мунозаралар мавжуд.

Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида”ги Қонуни 3-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилишича, хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкати кўп квартирали битта ёки яқин, зич жойлашган, ободонлаштириш элементлари бўлган умумий ер участкаси билан қамраб олинган бир нечта уйдаги хусусий турар жойлар мулкдорларининг бирлашмасидир.

Ширкат хусусий турар жойлар мулкдорларининг ташаббуси билан ташкил этилади, у **нотижорат ташкилоти бўлиб**, ўз уставига мувофиқ, ўзини ўзи бошқариш асосида фаолият кўрсатади.

Бундан ташқари, мазкур Қонунда хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкати бир неча шахслар томонидан ташкил этиладиган тузилма ҳисобланиши, юридик мақомига эга бўлиши, ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши ва ширкат бошқаруви каби бошқарув органлари томонидан бошқарилиши, ҳатто тадбиркорлик фаолияти билан ҳам шуғулланишга ҳақли эканлиги кўрсатилган бўлса-да, аммо Қонун 19-моддаси биринчи қисмининг 20-хатбошисида бошқарув раиси ва бошқарувчи (ижрочи директор) ширкат аъзоларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этмаган тақдирда, маҳаллий давлат ҳокимияти органи бошқарув раисини чақириб олиш ҳамда бошқарувчини (ижрочи директори) лавозимидан озод қилиш тўғрисида таклиф, шунингдек, ана шу лавозимларга номзодлар бўйича тавсия беришга ҳақли эканлиги, 29-моддасининг бешинчи қисмида жой мулкдорининг умумий мол-мулкдаги улуши

асл ҳолида ажратиб берилиши мумкин эмаслиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 30 майдаги 100-сон қарори билан тасдиқланган “Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг Намунавий устави”нинг 9.4-бандида ширкатнинг тадбиркорлик фаолиятдан олинадиган даромадлар ширкат аъзолари ўртасида тақсимланмаслиги, тадбиркорлик фаолиятдан олинадиган даромадлар қонун ҳужжатларида белгиланган солиқлар тўлангандан сўнг ширкат аъзолари умумий йиғилиши қарорига кўра, фақат ширкатнинг устав мақсадларига сарфланиши ёки келгусида устав мақсадларига сарфлаш учун ширкатнинг махсус жамғармаларига йўналтирилиши ҳақидаги корпорациянинг ҳуқуқий мақомига мос бўлмаган қоидалар ўз аксини топган.

Ушбу қоидалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда фикримизча, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати корпорация, дейиш нотўғридир.

II БОБ

КОРПОРАТИВ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР ТУШУНЧАСИ ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

Корпоратив-ҳуқуқий муносабатлар ҳақида сўз юритилганда, аввалом бор, таъкидлаш керакки, бу тушунча ҳақида назариячи олимлар ўртасида ягона фикр мавжуд эмас. Баъзилари бу муносабатларни ташкилий муносабатларга тенглаштиришса, баъзилари мулкӣ муносабатларнинг бир кўриниши сифатида баҳолашади. Яна бир тоифа олимлар эса уни ҳам ташкилий, ҳам мулкӣ муносабатлар йиғиндисидан иборат эканлигини билдиришади. Фикримизча, охириги вариант бир мунча тўғрироқ. Чунки корпоратив муносабатлар тарафларнинг тенглиги принципига асосланган мулкӣ ва номулкӣ характердаги муносабатлардан ташқари корпорацияни тузиш, унинг фаолиятини бошқариш, қайта ташкил этиш, тугатиш каби ташкилий масалаларни ўз ичига олган ташкилий характердаги муносабатлардан ҳам иборат бўлади (бу ҳақда кейинроқ батафсил тўхталамиз).

Корпоратив муносабатлар, аввалом бор, муайян корпорациянинг ичида юзага келадиган ички муносабатлар ҳисобланади.

Масалан, таъсисчилар (иштирокчилар, аъзолар)нинг бирор корпорацияни ташкил этишдан асосий ва умумий мақсади тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланган ҳолда фойда (даромад) олиш ҳисобланади.

Корпорациянинг ичида умумий мақсад (манфаатдорлик) мавжуд бўлган, корпорациянинг ягона тизим сифатида фаолият юритишини таъминлайдиган бутун муносабатлар тизими амал қилади. Бу тизим натижасида корпорацияда ўз-ўзини бошқариш механизми яратилади, яъни корпорация у ёки бу муносабатларни қандай ва қай даражада тартибга солиш кераклигини ўзи ҳал қилади.

Шу билан бирга, баъзи ҳолларда корпорациядаги иқтисодий, молиявий ва бошқарув муносабатлари ривожланган сари уни таъсисчилари (иштирокчилари, аъзолари)нинг манфаатлари кучая бориб, бир-бирига мос келмай қолади, улар ўртасида ўзаро манфаатлар тўқнашуви юзага келади, бу манфаатлар ҳатто корпорациянинг ўзини манфаатларига қарама-қарши ҳам бўлиб қолади. Корпорация таъсисчилари (иштирок-

чилари, аъзолари) ўртасида ёки улар билан корпорациянинг бошқарув органлари ўртасидаги бу каби ички муносабатлар турли хил низоларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, корпорация қанчалик йириклашган ва иштирокчиларининг сони ошиб боргани сари ҳар бир иштирокчи шу корхонадаги ўз улуши ҳисобланган мол-мулки (маблағи)ни бошқаришдан йироқлаша бошлайди. Бу ҳолат корпорациянинг нафақат ташқи муносабатлардаги бошқарув жараёнларининг, балки унинг ичкарасида олиб бориладиган бошқарув жараёнлари, ички фаолиятга оид иқтисодий ва молиявий муносабатлар, турли тартиб-қоидаларнинг ўзгаришига сабаб бўлади.

Дастлаб корпорация иштирокчилари шу корпорациянинг устав фондига улуш сифатида қўшган мол-мулкани бевосита бошқарган бўлишса, эндиликда иштирокчиларнинг сони кўпайиб кетганлиги боис уларнинг корпорацияни бошқариш билан боғлиқ фаолиятига таъсири камаяди, улар оддий омонатчиларга ўхшаб қолишади, корпорацияни бошқариш, шу жумладан, мол-мулкларни тасарруф қилиш ваколатлари улар сайлайдиган профессионал бошқарувчилар, менежерларга ўтади. Шу сабабли баъзида мол-мулкдан фойдаланиш, уни тасарруф қилиш, шартномавий муносабатларга киришиш, олинган фойдани (даромадни) тақсимлаш каби корпорацияни бошқариш билан боғлиқ масалалар юзасидан иштирокчилар (акционерлар)да эътирозлар, норозиликлар пайдо бўла бошлайди. Натижада иштирокчилар (акционерлар) билан корпорация раҳбарияти (директорлар кенгаши, раёсат), иштирокчилар (акционерлар) билан иштирокчилар (акционерлар) ўртасида келишмовчиликлар юзага келади. Корпорация ичида содир бўлаётган бундай муносабатлар корпоратив муносабатлар ҳисобланади ва уларга оид низолар корпоратив ҳуқуқ нормалари орқали ҳал этилади.

ЁДДА ТУТИНГ!

Корпоратив муносабатлар деганда, корпорация иштирокчилари (акционерлари) билан корпорация раҳбарияти (директорлар кенгаши, раёсат) ўртасида, иштирокчилар (акционерлар) билан иштирокчилар (акционерлар) ўртасида, корпорация ишчилари билан корпорация раҳбарияти (директорлар кенгаши, раёсат) ўртасида, корпорация билан давлат, давлат органлари, кредиторлар, ҳамкорлар, бошқа ташкилотлар, фуқаролар ўртасида бўладиган корпорация фаолиятига боғлиқ муносабатлар тушунилади.


Корпоратив муносабатларда иштирок этаётган ҳар бир шахснинг корпорация фаолияти бўйича муайян қизиқиши, манфаати мавжуд бўлади. Масалан, бирор фуқаро корпорациянинг акциясини сотиб олиб, унинг акциядорига айланган бўлса, унда корпорациянинг фойдасидан дивиденд олиш бўйича манфаати мавжуд бўлади.

Корпоратив муносабатларнинг мазмун-моҳиятини ёритишда ушбу муносабатларда қандай шахслар иштирок этишлари мумкинлиги муҳим аҳамият касб этади.

Режалик иқтисодиёт шароитида корпоратив муносабатларнинг асосий ташкилий-ҳуқуқий шакллари сифатида юридик шахсларнинг унитар шакли – давлат мулкига асосланган корхона ва ташкилотлар муҳим ўрин тутар эди. Ишлаб чиқаришга мўлжалланган мулкларнинг национализация қилиниши мустақил юридик шахс бўлган – ҳуқуқнинг объекти эмас, субъекти сифатидаги давлат корхоналарининг пайдо бўлишига олиб келди. Уларнинг кейинги ҳукмронлиги бошқа мулк шаклидаги корхоналарнинг (хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг) ва уларга мос институтларнинг йўқолиб кетишига сабаб бўлди.

Мустақиллик йилларидан бошлаб тадбиркорлик фаолиятининг эркинлигига ва хусусий мулкка нисбатан давлатнинг сиёсати ўзгара бошлади ва бу ҳолат миллий қонунчилигимизда ҳам жиддий ўзгаришларга олиб келди. Натижада ишлаб чиқаришда давлат монополиясига барҳам берилган ҳолда шахсларнинг иқтисодий фаолиятини тартибга солиш бўйича янгича ёндошувлар пайдо бўлди. Олдинги бобда таъкидланганидек, турли мулк шаклларига асосланган хўжалик субъектларининг пайдо бўлиши ва улар фаолиятининг ривожланиши, улар ўртасида тенглик принципига асосланган шартномавий алоқаларнинг кучайиши, эркин рақобатга кенг имконият берилиши ҳозирги пайтда корпоратив муносабатлар деб аталаётган муносабатларнинг шаклланишига туртки бўлди.

Хорижий давлатларда корпоратив муносабатларда иштирок этадиган шахсларнинг турлари бир хил эмас. Масалан, Швейцарияда корпоратив муносабатларнинг асосий ташкилий-ҳуқуқий шакллари бўлиб, корхоналардан ташқари муассасалар ҳам тушунилади.



Агар муносабатлар корпорациянинг ичкарасида содир бўлса, бундай муносабатлар – **ички корпоратив муносабатлар**, агар корпорациянинг ташқарисида содир этилган бўлса, улар – **ташқи корпоратив муносабатлар** дейилади.

Ички корпоратив муносабатларга бирор масъулияти чекланган жамияти устав фондидаги (устав капиталидаги) улушнинг иштирокчилар ўртасида қайта тақсимланиши ёки акциядорлик жамияти акциядорлари умумий йиғилишининг жамиятни қайта ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилиши ва ҳоказо шунга ўхшаш масалалар билан боғлиқ муносабатлар киради. Бу ерда ҳуқуқий муносабатларга киришаётган тарафлар (субъектлар)нинг сони кўп бўлиши ҳам мумкин.

Ташқи корпоратив муносабатларга бирор кооперативнинг ўзига тегишли кўчмас мулкни тегишли давлат кадастр органидан рўйхатдан ўтказиши ёки оилавий корхонанинг ўзи етиштирган маҳсулотини бошқа корхонага олди-сотди шартномаси асосида сотиши ва ҳоказо шунга ўхшаш масалалар билан боғлиқ муносабатлар киради.

Ички ва ташқи корпоратив муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиниши жиҳатидан қуйидаги 2 турга бўлишимиз мумкин

Оммавий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган оммавий корпоратив муносабатлар

Хусусий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган хусусий корпоратив муносабатлар

Оммавий корпоратив муносабатда муайян корпоратив муносабатнинг иштирокчиси (иштирокчилари) шу муносабатнинг бошқа иштирокчиси (иштирокчилари) билан бўйсунув, ўзаро тобелик асосида муносабатга киришади. Оммавий корпоратив муносабатлар корпорациянинг ичида ҳам, ташқарисида ҳам содир этилиши мумкин.

Ички оммавий корпоратив муносабатга қуйидаги мисолни келтириш мумкин. Масалан, фуқаро акциядорлик жамиятининг овозга эга бўлган акциясини сотиб олса, у акциядорлар умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқига эга бўлади. Лекин акциядорлар умумий йиғилиши бирор масала юзасидан муайян қарор қабул қилган бўлиб, мазкур акциядор ушбу қарорга қарши овоз берган бўлса-да, қарор кўпчилик акциядорлар томонидан қўллаб-

қувватланганлиги сабабли, қарши овоз берган акциядор ҳам ушбу қарорни бажаришга мажбур бўлади. Бундан ташқари, ҳар қандай акциядор жамиятнинг директорлар йиғилиши, бошқаруви, раёсати, бош директори томонидан чиқарилган қарор ёки буйруқларга буйсуниши керак.


Шу билан бирга, корпорация бошқа субъектлардан ажралган ҳолда, якка тартибда фаолият кўрсата олмайди, яъни у кишилик жамиятининг ичида (доирасида) бошқа субъектлар билан бирга амал қилади. Шунинг учун у муайян масалалар юзасидан ташқи муносабатларга ҳам киришади. Бундай муносабатларнинг корпорация фаолиятини давлат томонидан тартибга солиб туриладиган қисми **ташқи оммавий корпоратив муносабатлар** ҳисобланади.

Жумладан, корпорация фаолиятини давлат томонидан тартибга солиб туриш механизмнинг асосий қисмини қонунчилик ташкил қилади. Яъни давлат корпорация фаолиятини қонуний тартибга солиш мақсадида турли хил қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари қабул қилади, уларнинг ижросини таъминлайди ва назорат қилади.

Хусусий корпоратив муносабатда муайян корпоратив муносабатнинг иштирокчиси (иштирокчилари) бир-бири билан ўзаро тенглик принципи асосида муносабатларга киришади. Хусусий корпоратив муносабатлар ҳам оммавий корпоратив муносабатлар каби корпорациянинг ичида ҳам, ташқарисида ҳам содир этилиши мумкин.

Ички хусусий корпоратив муносабатга муайян корпорациянинг бир акциядори билан иккинчи акциядори ўртасидаги ёки иштирокчиси билан иштирокчиси ўртасидаги корпоратив муносабатни, масалан, корпорация устав фондидаги улушини тақсимлаш ёки акциясини сотиб олиш каби масалалар юзасидан вужудга келган муносабатни киритса бўлади.

Ташқи хусусий корпоратив муносабатда эса корпорация бошқа корпорация ёки жисмоний шахслар билан ўзаро тенглик принципи асосида муносабатга киришади. Масалан, корпорациянинг ўзи бирор акциядорлик жамиятининг акциясини сотиб олган бўлиб, ушбу жамиятдан дивиденд олиш масаласида шу жамиятнинг акциядори ҳисобланган бошқа корпорация ёки жисмоний шахс билан муносабатга киришса ёки эмитент ҳисобланган бирор корпорация ўзининг қимматли қоғозини чиқариш ва уларни тақсимлаш бўйича бошқа инвесторлар билан муносабатга киришса, бундай муносабатлар **ташқи хусусий корпоратив муносабатлар** ҳисобланади.



Мулкый характердаги корпоратив муносабатларга корпорация таъсисчилари (иштирокчилари, акциядорлари, аъзолари)нинг корпорацияни ташкил этиш учун муайян мол-мулкларини ёки маблағларини устав фондига улуш сифатида бериши, корпорация томонидан олинган фойда (даромад)нинг тақсимланиши, дивиденд ёки улушларнинг ажратилиши каби ҳолатлар билан боғлиқ муносабатларни киритиш мумкин.

Масалан, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни-нинг 17-моддасида қайд этилишича, жамият устав фондининг (устав капиталининг) энг кам миқдори жамият давлат рўйхатидан ўтказилган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича тўрт юз минг АҚШ долларига тенг суммадан камни ташкил этмаслиги керак. Ушбу қоида талабидан келиб чиқиб, ҳар бир акциядор жамиятнинг устав фондига ўз улушларини тегишли миқдорда киритишар экан, улар мулкый характердаги корпоратив муносабатларнинг иштирокчиларига айланишади.

Шунингдек, мазкур Қонуннинг 18, 19-моддаларида жамиятнинг устав фонди (устав капитали) қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкинлиги ёки акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан, акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкинлиги, 26-моддасида акциядорлар жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олишлари, жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ, мол-мулкнинг бир қисмини олишларига ҳақли эканлиги, 32-моддасида жамиятда жамият уставида назарда тутилган, аммо унинг устав фондининг (устав капиталининг) ўн беш фоизидан кам бўлмаган миқдорда захира фонди ташкил этилиши, ушбу фонд жамият уставида белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойдадан ҳар йилги мажбурий ажратмалар орқали шакллантирилиши

ва шу каби қатор мулкӣй характердаги корпоратив муносабатларни тартибга солишга оид қоидалар, талаблар мавжуд.

Ташкилий характердаги корпоратив муносабатларга эса корпорация фаолиятини бошқариш, шу жумладан, бошқарув органлари томонидан муайян масалаларни ҳал этиш бўйича йиғилишлар ўтказиш, муҳокама қилиш, қарорлар қабул қилиш, тегишли ҳужжатларни тасдиқлаш, уларнинг ижросини назорат қилиб бориш ва ҳоказо шу каби ҳолатлар билан боғлиқ муносабатларни киритиш мумкин.

Жумладан, “Хўжалик ширкатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 18, 19 – моддаларида тўлиқ ширкатнинг фаолиятини бошқариш тартибини белгиловчи қатор қоидалар ўз аксини топган.

Жумладан, уларнинг мазмунига кўра, тўлиқ ширкат иштирокчиларнинг умумий йиғилиши ширкатнинг олий бошқарув органи ҳисобланади.

Тўлиқ ширкат фаолиятини бошқариш унинг барча иштирокчиларининг умумий келишувига биноан амалга оширилади. Ширкатнинг таъсис шартномасида қарор иштирокчиларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинадиган ҳоллар назарда тутилиши мумкин.

Ширкатнинг ҳар бир иштирокчиси, агар таъсис шартномасида иштирокчилар овозининг сонини аниқлашнинг бошқача тартиби назарда тутилган бўлмаса, бир овозга эга бўлади.

Ширкатнинг ҳар бир иштирокчиси, у ширкатнинг ишларини юриштишга ваколатли ёки ваколатли эмаслигидан қатъи назар, ишларни юриштишга доир барча ҳужжатлар билан танишишга ҳақлидир. Бундай ҳуқуқдан воз кечиш ёки уни чеклаб қўйиш, шу жумладан, ширкат иштирокчиларининг келишувига биноан чеклаб қўйиш ҳақиқий эмас.

Мазкур ҳуқуқ нормалари ва шу каби қоидалар асосида тартибга солинадиган муносабатларнинг ташкилий характердаги корпоратив муносабатлар туркумига киритилишига сабаб шуки, бу ерда муносабат иштирокчилари ўзаро бўйсунув тартибига амал қилишади, яъни улар ўртасидаги муносабатларга мулкӣй характердаги муносабатлардаги каби тенглик тамойили тадбиқ этилмайди. Масалан, ширкат иштирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган ҳар қандай қарор унинг иштирокчилари учун мажбурий ҳисобланади. Ҳатто бирор иштирокчи ушбу қарорнинг қабул қилинишига норози бўлган ёки унга қарши овоз берган тақдирда ҳам у кўпчилик овоз билан қабул қилинган мазкур қарорни ижро этиши лозим бўлади.

Таъкидлаш лозимки, тўлиқ ширкатнинг жорий фаолиятини бошқариш мақсадида таъсис шартномасида ширкатнинг ижро этувчи органини тузиш назарда тутилиши мумкин.

Масалан, ширкатнинг иштирокчилари сони кўпроқ бўлиб, унинг фаолияти кенгайиб кетган тақдирда, албатта уни бошқаришда ҳам бир қанча мураккабликлар юзага келади. Бундай ҳолатда юқоридаги Қонуннинг 18-моддасида кўрсатилган ширкат иштирокчилари умумий йиғилишининг бевосита ваколат доирасига кирмайдиган масалаларни ҳал этиш учун раёсат, бошқарув, директор каби ижро этувчи органлардан бири ташкил этилиши мумкин. Мазкур ижро этувчи органнинг ваколатлари, унинг аъзоларига ҳақ тўлаш тартиби ширкатнинг таъсис шартномаси ёки бошқа ҳужжатларида белгилаб берилади.

Агар тўлиқ ширкатнинг таъсис шартномасида унинг ишлари барча иштирокчилар томонидан биргаликда юритилиши белгилаб қўйилмаган ёхуд ишларни юритиш айрим иштирокчиларга топширилмаган бўлса, ширкатнинг ҳар бир иштирокчиси ширкат номидан иш юритишга ҳақлидир.

Ширкат ишлари унинг иштирокчилари томонидан биргаликда юритилаётганда ҳар бир битимни амалга ошириш учун ширкат барча иштирокчиларининг розилиги талаб қилинади.

Агар ширкат ишларини юритиш унинг иштирокчилари томонидан улардан бири ёки айримларига топширилса, қолган иштирокчилар ширкат номидан битимларни амалга ошириш учун ширкат ишларини юритиш зиммасига юклатилган иштирокчидан (иштирокчилардан) ишончнома олишлари керак.

Мазкур Қонуннинг 29-моддасида коммандит ширкат фаолиятини бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари, яъни тўлиқ ширкатни бошқаришдан фарқли жиҳатлари кўрсатиб берилган.

Жумладан, тўлиқ ширкатдан фарқли равишда коммандит ширкатда унинг фаолиятини бошқаришда ҳисса қўшувчи шериклар бевосита иштирок эта олишмайди, яъни ширкатнинг фаолияти фақат тўлиқ шериклар томонидан амалга оширилади. Бундай ширкатни унинг тўлиқ шериклари томонидан бошқариш ва унинг ишларини юритиш тартиби

ЁДДА ТУТИНГ!

Корпоратив муносабатлар амал қилиш доирасига кўра, корпорация фаолияти билан боғлиқ турли соҳа (йўналиш)ларга тааллуқли бўлиши мумкин. Масалан, бухгалтерия, солиқ, молия, божхона ва ҳоказо. Ҳатто корпорация фаолиятдан келиб чиқадиган процессуал ҳуқуқий муносабатлар ҳам корпоратив муносабатлар ҳисобланади. Бундан ташқари, корпорация фаолиятига оид айрим маъмурий ҳуқуқий муносабатларни ҳам корпоратив муносабат сифатида баҳолаш мумкин.

улар томонидан тўлиқ ширкат тўғрисидаги қоидаларига кўра белгиланади. Бу ерда ҳисса қўшувчилар ҳатто ширкатни бошқариш ва унинг ишларини юритиш бўйича тўлиқ шерикларнинг хатти-ҳаракатлари хусусида баҳслашишга ҳам ҳақли эмаслар.

Яна бир муҳим ҳолат, хорижий давлатлар қонунчилигининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, меҳнатга оид муносабатларни корпоратив муносабатларнинг кўриниши сифатида баҳоласа бўлади. Аммо миллий процессуал қонунчилигимизга кўра, корпоратив низолар иқтисодий судлар томонидан кўриб чиқилади ва корпоратив низоларнинг турлари ИПКнинг 30-моддасида санаб кўрсатилган. ИПК 25-моддаси биринчи қисмининг 5-бандидаги қоидага биноан, ушбу Кодекснинг 30-моддасида кўрсатилган корпоратив низолар бўйича ишлар иқтисодий судга тааллуқлидир, **бундан меҳнатга оид низолар мустасно**. Ушбу низолар ҳақида кейинги бобларда батафсил сўз юритилади. Аммо мазкур ҳуқуқий норма мазмунидан келиб чиққан ҳолда бу ерда қуйидаги 2 та ҳолатга эътибор бериш муҳимдир:

биринчидан, таъкидланганидек, иқтисодий судлар томонидан кўриб чиқиладиган корпоратив низолар (бундай низолар корпоратив муносабатлардан келиб чиқади) доираси чекланган. Яъни корпоратив муносабатлардан келиб чиқадиган низолар судларнинг судловига тааллуқли бўлса-да, уларнинг барчаси ҳам корпоратив низолар дейилмайди. ИПК 30-моддасининг иккинчи қисмида қайд этилишича, қонунга мувофиқ корпоратив низолар бўйича ишлар жумласига бошқа низолар ҳам киритилиши мумкин. Шу боис ушбу моддада санаб ўтилган 7 турдаги корпоратив низолардан ташқари, қонунда назарда тутилган ҳолларда корпоратив муносабатлардан келиб чиқадиган бошқа низолар ҳам кўрилиши мумкин. Демак, шундай экан, қонунда назарда тутилмаган, аммо корпоратив муносабатлардан келиб чиқадиган қолган низолар эса тегишлича фуқаролик, иқтисодий ёки маъмурий низолар сифатида кўриб чиқилади;

иккинчидан, ИПК 25-моддаси биринчи қисмининг 5-банди мазмунига кўра, корпоратив муносабатлардан келиб чиқадиган меҳнатга оид низолар корпоратив низолар ҳисобланмайди. Шундай экан, бундай низолар корпоратив низолар сифатида иқтисодий судлар томонидан эмас, балки меҳнат низоларини кўриш тартиби асосида фуқаролик ишлари бўйича судларда кўриб чиқилади.

III БОБ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРПОРАТИВ ҚОНУНЧИЛИК ТИЗИМИ

Бозор иқтисодиётига асосланган ҳар бир давлатда халқ хўжалиги, ишлаб чиқариш ривожланган сари мазкур соҳани бошқариб боришда давлатнинг роли камайиб, хусусий мулк шаклига асосланган корпорацияларнинг, тадбиркорлик субъектларининг роли ва аҳамияти ошиб бораверади.

Ўз навбатида, оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан кўра, хусусий-ҳуқуқий муносабатлар бир мунча жадал ривожлана бориб, тадбиркорликни, ишбилармонликни таъминлашга қаратилган хусусий ҳуқуқ нормаларини такомиллаштиришга эҳтиёж сезила бошлайди.

Иқтисодиёт тармоғини ривожлантиришда корпорацияларнинг роли тобора ошиб борар экан, аввалом бор, уларнинг фаолияти билан бево-сита боғлиқ бўлган корпоратив муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ва соҳага оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, бундай муносабатлар доирасида йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар, юзага келаётган муаммоларни аниқлаб, илғор хорижий давлатлар амалиётини ва қонунчилигини чуқур ўрганган ҳолда ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш, замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, бозор шароитига мос бўлган янги ҳуқуқий институтларни жорий этиш муҳим ҳисобланади.

Ҳуқуққа оид умумий назариясидан келиб чиқиб таъкидлаш мумкинки, қонун ҳужжатларининг корпоратив муносабатларни тартибга солувчи қисми корпоратив ҳуқуқ ҳисобланади. Яъни **корпоратив ҳуқуқ** деганда, фикримизча, хўжалик юритувчи субъект ҳисобланган корпорациялар фаолияти билан боғлиқ ташқи ва ички ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ нормалари йиғиндисига айтилади.

Корпоратив ҳуқуқ ҳуқуқнинг муҳим соҳаларидан ҳисобланса-да, аммо у бошқа ўхшаш соҳалар билан ўзаро боғланган ва аралаш ҳолда намоён бўлади.

Жумладан, корпоратив ҳуқуқ асосан фуқаролик ҳуқуқига оид нормаларни ўз ичига олади ва хўжалик ҳуқуқи, тадбиркорлик ҳуқуқи, тижорат ҳуқуқи, акциядорлик ҳуқуқи, молиявий ҳуқуқ каби ўзига ўхшаш ҳуқуқ соҳаларига оид қоидалар ҳам ўзида мужассам бўлади. Шу билан бирга, ушбу ҳуқуқ соҳаларидан ўзига хос фарқли жиҳатлари билан ҳам ажралиб туради.

Масалан, фуқаролик ҳуқуқининг фуқароларнинг ҳуқуқ лаёқати, муомала лаёқати, уларни бедарак йўқолган, деб топиш асослари, хўжалик юритиш ҳуқуқи ёки оператив бошқариш ҳуқуқларининг вужудга келиши ва бекор бўлиши, шартномаларни тузиш, ўзгартириш, бекор қилиш каби масалаларни тартибга солувчи қоидаларини корпоратив ҳуқуқи ўз ичига олмайди ва юридик шахснинг жавобгарлиги, унинг қайта ташкил этилиши, тугатилиши, хўжалик ширкатлари ва жамиятларининг фаолият кўрсатиши каби масалаларни тартибга солувчи фуқаролик ҳуқуқига оид қоидалар корпоратив ҳуқуққа ҳам тегишли қоидалар ҳисобланади.

Шу билан бирга, юқорида таъкидланганидек, корпорация фаолиятини тартибга солиб турадиган фуқаролик, иқтисодий, маъмурий процессуал ҳуқуқий қоидалар, ҳатто корпорация фаолиятига оид айрим маъмурий ҳуқуқий қоидаларни ҳам корпоратив ҳуқуқ сифатида баҳолаш мумкин. Бу ҳақда кейинчалик тўхталамиз.

Корпоратив ҳуқуқ деганда, корпорацияларнинг ҳуқуқий ҳолатини, уларнинг ташкил этилиши, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши тартибини, фаолият кўрсатишини тартибга соладиган ҳуқуқ нормалари, шунингдек, корпорация мулкдорлари ёки маъмурияти томонидан ўрнатиладиган ва турли ички муносабатларни тартибга соладиган қоидалар йиғиндисини тушуниш мумкин.

Айрим олимларнинг фикрича, корпоратив ҳуқуқнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- ✓ корпорацияга улуш сифатида берилган мол-мулк ёки бошқа хил маблағлар мулкдорлар бошқарувидан алоҳида бўлади. Яъни мулкдорлар мол-мулкни бирор корпорациянинг устав фондига улуш сифатида киритар экан, улар ушбу мол-мулкни бевосита бошқариш ҳуқуқидан маҳрум бўлишади. Яъни корпорацияга берилган мол-мулк улар томонидан билвосита, корпорация маъмурияти орқали бошқарилади;
- ✓ корпорация бошқарув органларининг ваколатлари тақсимланган бўлади. Яъни акциядорларнинг умумий йиғилиши, раёсат, бошқарувчи каби бошқарув органларининг ҳар бири белгиланган тартибда ўз ваколатларига эга бўлишади;
- ✓ ихтиёрийлик ва оқилоналик.
- ✓ корпоратив муносабат иштирокчилари манфаатларининг тенглиги, мол-мулкнинг дахлсизлиги¹.

Аксарият хорижий давлатлар қонунчилигига кўра, корпоратив ҳу-

¹ (<https://studfiles.net/preview/2852073/>)

қуқ бошқа ҳуқуқ соҳаларидан фарқли равишда нафақат давлат томонидан белгиланган ва ўрнатилган ҳуқуқ нормаларини, балки корпорацияда ишлаб чиқилган ва қабул қилинган, шахсларнинг ва маблағларнинг бирлашишига асосланган, унинг меҳнат жамоаси эркини, хоҳиш-иродасини ифода қиладиган, корпорация фаолиятининг турли жиҳатларини тартибга соладиган қоидалар ва ахлоқ нормаларини ҳам ўз ичига олади. Шу маънода корпоратив ҳуқуқни автоном принципларга риоя қиладиган, фаолият мақсади ва вазифаларига эришиш учун ўзининг аъзоларигагина тадбиқ этиладиган корпорациянинг ичидаги ҳуқуқ, деб ҳам аташ мумкин.

Масалан, Россия Федерациясида корпоратив ҳуқуқни “хўжалик жамиятлари ва ширкатлари ҳуқуқи” ҳам деб аташса, Франция корпоратив қонунчилигининг асосини “Савдо ширкати тўғрисида” 1965 йил 27 июлдаги Қонун ва “Савдо ширкати тўғрисида” 1967 йилдаги Декрет ташкил қилади¹.

АҚШ, Канада ва бошқа шунга ўхшаш давлатларда корпоратив ҳуқуқ анъанавий равишда бошқа давлатларга нисбатан тор доирада қўлланилади. Яъни фақат устав капитали акцияларга бўлинган корпорацияларга, яъни акциядорлик жамиятларига нисбатан тадбиқ этилади ва ҳатто “акциядорлик ҳуқуқи” ҳам деб аталади.

АҚШда корпоратив ташкилий-ҳуқуқий шаклларнинг тузилиши ва фаолият кўрсатиши штатларнинг қонунлари ва 1969 йилдаги “Ҳамкорлик тўғрисида”ги Қонун билан тартибга солинади. АҚШнинг аксарият штатларида тадбиркорлик корпорациялар тўғрисидаги қонунлар учун АҚШнинг “Тадбиркорлик корпорациялар тўғрисида” 1969 йилдаги Қонуни асос бўлган².

АҚШ ва Буюк Британиянинг корпоратив қонунчилигида “асосий ва шўъба жамияти” тушунчаси остида, шунингдек, “холдинг” (holding – инглиз тилида, “эгалловчи, ушлаб турувчи” маъноларида) атамаси ҳам ишлатилади. АҚШ ва Европа давлатларида холдинглар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш амалдаги акциядорлик қонунчилиги билан амалга оширилади.

Япония корпоратив қонунчилиги 1899 йилдаги Савдо кодексини ва 1951 йилдаги “Компаниялар тўғрисида”ги Қонунларни ҳам ўз ичига олади³.

¹ (<https://studfiles.net/preview/2852073/>)


² (<https://studfiles.net/preview/2852073/>)

³ **Е.А. Дорожинская.** Корпоративное право: курс лекций / Е.А. Дорожинская; Новосибирск: Изд-во СибАГС, 2016.— 264 с.

ЁДДА ТУТИНГ!

Корпоратив ҳуқуқнинг мақсади – муайян шахсларнинг мустақил манфаатларини эмас, балки бир нечта шахсларнинг умумий манфаатларини ҳимоя қилиш ва таъминлашга қаратилган бўлади.

Фикримизча, корпоратив ҳуқуқ корпоратив қонунчиликдан кенгроқ маънога эга бўлади. Жумладан, корпоратив қонунчилик корпорациянинг ташкил этилиши, қайта ташкил этилиши, тугатилиши ва фаолият кўрсатиши билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий нормаларни ўз ичига олса, корпоратив ҳуқуқ деганда, бундай норматив-ҳуқуқий актлардан ташқари корпорациянинг ичида амал қиладиган тегишли ички локал ҳужжатлар, суд амалиёти ва урф-одатларга оид қоидалар ҳам тушунилади.



Корпоратив қонунчилик деганда, корпоратив ҳуқуқ нормаларини ўз ичига оладиган қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни мазмунидан келиб чиқиб таъкидлаш керакки, бундай қонун ҳужжатларига корпоратив-ҳуқуқий муносабатларга оид:

1. Қонунлар.
2. Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.
5. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари.
6. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларини кириштириш мумкин.

Улар ҳақида қисқача тўхталиб ўтамыз.

Аввалом бор таъкидлаш керакки, **халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормалари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари** Ўзбекистонда ҳуқуқий тизимнинг бир қисми сифатида тан олинади.

Хусусан, “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 27-моддасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ қатъий ва мажбурий равишда рияоз этмоғи лозимлиги кўзда тутилган бўлса, ФКнинг 7-моддасида белгиланишича, агар халқаро шартномада ёки битимда фуқаролик қонун ҳужжатларидагига қараганда бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома ёки битим қоидалари қўлланилади.

Шу боис Халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормаларининг ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида акс этган қоидаларнинг корпоратив ҳуқуқий муносабатларга оид қисми корпоратив ҳуқуқнинг манбаси ҳисобланади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси билан бирор хорижий давлат ўртасида тузилган иккиёқлама солиқ солишдан қочиш тўғрисидаги икки томонлама битимни шундай ҳужжат сифатида кўрсатиш мумкин.

Корпоратив қонунчилик бўйича сўз юритилганда, дастлаб Конституциянинг тегишли моддалари ҳақида тўхталиш жоиздир. **Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-54-моддаларида** қайд этилишича, бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин.

Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгаллик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.

Корпоратив қонунчиликка оид яна бир асосий ҳужжат – **Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодексидир.**

Мазкур Кодекснинг 4-бобида юридик шахс тушунчаси, турлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари, вужудга келиши, давлат рўйхатидан ўтка-

зилиши, қайта ташкил этилиши, тугатилиши, шу жумладан, банкрот деб топиллиши, жавобгарлиги, тижоратчи ташкилотларнинг турлари, уларнинг ҳуқуқий мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда корпорациялар фаолиятига оид бошқа шу каби муҳим қоидалар акс этган.

Ушбу Кодекснинг бошқа тегишли моддаларида ҳам корпоратив-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи кўплаб нормалар мавжуд.

Булардан ташқари, **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси** билан фуқаролар ва юридик шахслар, шу жумладан, корпорациялар фаолиятдан келиб чиқадиған солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг турлари, уларни ҳисоблаш ҳамда Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига тўлаш тартиби, солиқ мажбуриятларини бажармаслик оқибатлари ҳуқуқий тартибга солинган бўлса, **Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексида** ушбу субъектлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали товарларни ва транспорт воситаларини олиб ўтиш, улардан божхона тўловларини ундириш тартиби, божхона расмийлаштируви, божхона назоратини амалга ошириш, шунингдек, божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик каби масалалар юзасидан асосий қоидалар белгиланган.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, корпоратив қонунчилик деганда, нафақат моддий ҳуқуқ нормалари, балки корпорацияларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш тартибини белгилаб берувчи процессуал ҳуқуқ нормалари ҳам тушунилади. Шу маънода **Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексида** қайд этилган тегишли ҳуқуқ нормаларини корпоратив қонунчилик нормаларининг кўриниши сифатида ҳисобласа бўлади. Жумладан, мазкур Кодекс 25-моддаси биринчи қисмининг 5-бандида ёзилишича, ушбу Кодекснинг 30-моддасида кўрсатилган корпоратив низолар бўйича ишлар, бундан меҳнатга оид низолар мустасно, иқтисодий судга тааллуқлидир.

Корпоратив қонунчиликка оид асосий ҳужжатларнинг турларидан яна бири – **Ўзбекистон Республикасининг қонунлари** ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Хўжалик ширкатлари тўғрисида”ги, “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги, “Кооперация тўғрисида”ги, “Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида”ги, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги, “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Микрокредит ташкилотлари тўғрисида”ги, “Хусусий банк ва молия институтлари ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”ги,

“Суғурта фаолияти тўғрисида”ги ва бошқа бир қанча шу каби қонунларда у ёки бу ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги корпорацияларнинг тушунчаси, ҳуқуқий мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ташкил этилиши, қайта ташкил этилиши, тугатилиши, бошқарув органлари ва уларнинг ваколатлари, мол-мулкка эгалик қилиш тартиб-қоидалари, жавобгарлиги, филиаллар ва ваколатхоналар очиш тартиби ва ҳоказо шунга ўхшаш муҳим ҳуқуқий нормалар ўрин олган.

Булардан ташқари, баъзи қонунларда корпорациялар фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган ва турли соҳалар, йўналишларга оид қоидалар, тартиблар, талаблар батафсил белгилаб берилган. Улар жумласига “Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги, “Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида”ги, “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги, “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги, “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисидаги”, “Банкротлик тўғрисида”ги, “Фирма номлари тўғрисида”ги, “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги, “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги ва шу каби қонунларни киритиш мумкин.

Масалан, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 8-моддасида тадбиркорлик фаолияти субъектларининг асосий ҳуқуқлари санаб кўрсатилган бўлиб, унга кўра, тадбиркорлик фаолияти субъектлари:

- ✓ қонун ҳужжатларида тақиқланмаган ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга;
- ✓ юридик шахс бўлган бошқа тадбиркорлик субъектларининг муассислари (иштирокчилари) бўлишга;
- ✓ мулк ҳуқуқи асосида ўзига тегишли бўлган мол-мулкка эгалик қилишга, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишга;
- ✓ ўз фаолияти йўналишларини, товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчиларни ва ўз товарларининг (ишларининг, хизматларининг) истеъмолчиларини мустақил равишда танлашга;
- ✓ тадбиркорликдан чекланмаган миқдорда даромад (фойда) олишга, бундан товарлар (ишлар, хизматлар) бозорида устун мавқени эгаллаб турган тадбиркорлик фаолияти субъектлари мустасно;
- ✓ ўз товарларини (ишларини, хизматларини), ишлаб чиқариш чиқиндиларини бозор конъюнктурасидан келиб чиқиб, мустақил

равишда белгиланадиган нархлар ва тарифлар бўйича ёки шартнома асосида реализация қилишга, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

- ✓ барча ишлаб чиқариш харажатларининг ўрни қопланиб, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин қолган даромадни (фойдани) эркин тасарруф этишга, суд тартибидаги мажбурий ундирув ҳоллари бундан мустасно;
- ✓ кредитлар олишга, бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағларини ҳамда ўзга мол-мулкни шартнома шартлари асосида жалб этишга, шу жумладан, биноларни, иншоотларни, ускуналарни ва ўзга мол-мулкни олишга ва (ёки) текин, ижарага (лизингга) олишга ҳамда уларни тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга йўналтиришга;
- ✓ ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишга ҳақли.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари қонун ҳужжатларига мувофиқ, бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Шунингдек, ушбу Қонуннинг 11-моддасида тадбиркорлик фаолияти субъектларининг давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек, банклар билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳуқуқларининг устуворлиги принципи амал қилиб, унга мувофиқ қонун ҳужжатларида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлик фаолияти субъектининг фойдасига талқин этилиши, 13-моддасида эса тадбиркорлик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тегишли давлат органи томонидан “бир дарча” принципи бўйича ва қоида тариқасида, хабардор қилиш асосида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши, рўйхатдан ўтказувчи органлар ариза берувчини тадбиркорлик фаолияти субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтказишни уни ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас, деган важлар билан рад этишга ёки унга қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган қўшимча талабларни белгилашга ҳақли эмаслиги, ариза берувчини тадбиркорлик фаолияти субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтказишни рад этганлик, шунингдек, давлат рўйхатидан ўтказиш муддатларини бузганлик устидан судга шикоят қилиниши мумкинлиги, рўйхатдан ўтказувчи органнинг қарори, шунингдек, мазкур орган мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) суд томонидан қонунга хилоф, деб топилган тақдирда, улар ариза берувчига рўйхатдан ўтказишни рад этганлик ёки рўйхатдан ўтказиш муддатини бузганлик туфайли етказилган зарарнинг ўрнини

қоплаши ва маънавий зарар учун компенсация тўлаши ҳақидаги муҳим қоидалар белгилаб берилган.

Корпоратив қонунчиликка оид яна бир муҳим ҳужжатнинг тури – **Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари** ҳисобланади.

Бевосита корпоратив-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи бундай муҳим ҳужжатларга Президентнинг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4720-сон Фармони, 2016 йил 17 октябрдаги “Давлат улуши устувор бўлган акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2635-сон Қарори, 17.10.2016 йил 28 октябрдаги “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-2646-сон Қарори, 2017 йил 23 августдаги “Товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат ва корпоратив харидларини амалга оширишнинг замонавий шакл ва услубларини янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3237-сон Қарори, 2018 йил 11 апрелдаги “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва соддалаштириш, шунингдек, бизнес юритиш шарт-шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5409-сон Фармони, 2018 йил 27 июлдаги “Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5490-сон Фармони, 2018 йил 1 августдаги “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5495-сон Фармони, 2018 йил 5 сентябрдаги “Корпоратив, лойиҳа бошқаруви ва давлат харидлари соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3930-сон Қарорлари киради.

Корпоратив қонунчиликка оид яна бир муҳим ҳужжат сифатида **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларини** ҳам келтириш мумкин. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг “Сохта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасддан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” 2013 йил 14 августдаги 224-сон қарори, “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2014 йил 2 июлдаги 176-сон қарори, “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий

этиш тўғрисида” 2015 йил 28 июлдаги 207-сонли қарори, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” 2016 йил 28 октябрдаги ПҚ-2646-сон Қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 9 февралдаги 66-сон қарори шулар жумласидандир.

Тегишли тарзда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтган **вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг айрим буйруқлари ҳамда қарорлари ёки улар билан тасдиқланган Низом, йўриқнома, тартиб ва шунга ўхшаш қонун ости ҳужжатларини** ҳам корпоратив қонунчилик ҳужжатлари деб ҳисоблаш мумкин. Жумладан, бундай ҳужжатларга Адлия вазирлиги томонидан 2001 йил 27 октябрда 1077-сон билан рўйхатга олинган, ИИВ буйруғи билан тасдиқланган “Муҳрлар ва штампларни тайёрлаш, сақлаш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низом, Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 27 апрелда 1948-сон билан рўйхатга олинган, Марказий банк қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисида”ги Йўриқнома, Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 9 сентябрда 2263-сон билан рўйхатга олинган, Марказий банк ва Давлат мулк қўмитаси қарори билан тасдиқланган “Давлат улушларини ишончли бошқариш ва акциядорлик жамиятларини бошқаришда иштирок этиш махсус ҳуқуқи (“олтин акция”) бўйича давлат вакилларининг хизмат ҳақи тўловларини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом, Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 31 июлда 2383-сон билан рўйхатга олинган, Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази Бош директорининг буйруғи билан тасдиқланган “Қимматли қоғозлар бозорида ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш Қоидалари”ни мисол қилиб келтириш мумкин.

Булардан ташқари, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонун мазмунидан келиб чиқиб, таъкидлаш лозимки, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан корпорациялар фаолиятига оид чиқарилган қарорлар корпоратив қонунчилик ҳужжатлари ҳисобланади ва улардаги ҳуқуқий нормалар шу ҳудудда фаолият юритадиган корпорациялар учун мажбурий ҳисобланади. Масалан, Тошкент шаҳар ҳокимининг “Тошкент шаҳар ва туман ҳокимликлари, бош бошқарма, бошқарма, корхона ва ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари, ҳукумат ва шаҳар ҳокими қарорларининг бажарилишини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва назорат қилиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2003 йил

8 майдаги 272-сон қарори билан шу ҳақдаги Тартиб тасдиқланган ва қарорда Тошкент шаҳридаги корхона ва ташкилотлар мазкур Тартибга амал қилган ҳолда иш олиб бориши лозимлиги белгилаб қўйилган.

Юқорида билдирилганидек, қонунчилик ҳужжатлари тоифасига кир- масада, корпорациянинг таъсисчилари (акциядорлари, иштирокчилари, аъзолари) ёки ваколатли бошқарув органлари томонидан тасдиқланган ва корпорация фаолиятининг турли йўналишларини (бошқарув, молия, бухгалтерия, қимматли қоғозлар муомаласи, иш юритиш тартиби ва ҳоказо) тартибга солиб турадиган **ички локал ҳужжатлар** (низом, йўриқнома, тартиб, регламент ва ҳоказо) ҳам корпоратив ҳуқуқнинг манбаси сифатида тан олинади. Яъни бундай ҳужжатлар тегишли тартида тасдиқланиб, кучга кирган пайдан унда акс этган тартиб-қоидалар корпорациянинг таъсисчилари (акциядорлари, иштирокчи-лари, аъзолари), бошқарув органлари, ходимлари учун мажбурий ҳи-собланади. Ҳаттоки корпорацияга янги таъсисчи (акциядор, иштирокчи, аъзо) бўлиб кирган шахс бундай ҳужжатларни қабул қилишда иштирок этмаган бўлса-да, унинг учун ҳам мажбурий характерга эга бўлади.

Таъкидлаш керакки, корпорацияларда амал қиладиган ички тар-тиб-қоидалар аксарият ҳолларда уларнинг таъсис ҳужжатларида белгиланган бўлади. Масалан, бундай қоидалар акциядорлик жа-миятларида, кооперативларда – уларнинг уставларида, масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамиятларда – уларнинг уставлари ва таъсис шартномаларида, тўлиқ ширкат ёки коммандит ширкатларда – уларнинг таъсис шартномаларида кўрсатилган бўлади.

Шу билан бирга, айрим корпорацияларда таъсис ҳужжатларидан ташқари корпорациянинг ичидаги корпоратив муносабатларни тар-тибга солувчи тартиб-қоидалар уларнинг ваколатли бошқарув орган-лари томонидан тасдиқланган бошқа ички локал ҳужжатларда ҳам ўрнатилган бўлади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамият-лари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 14-моддасининг 4-қисмида белгиланишича, жамият давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан кўпи билан уч ой муддатда акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисидаги, жамиятнинг кузатув кенгаши, ижроия органи ҳақидаги (тегишинча директори, бошқаруви, ишончли бошқарувчи тўғрисидаги) ва тафтиш комиссияси (тафтишчиси) тўғрисидаги уларнинг фаолият тартибини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек, жамиятнинг мазкур органлари томонидан қарорлар қабул қилиш тартиб-таомилини белгиловчи низомларни тайёрлаши ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилишида тасдиқлаши шарт.

Ёки ушбу Қонуннинг 110-моддасида жамиятнинг уставида жамият кузатув кенгашига ҳисобдор бўлган ва корпоратив қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажарувчи жамият корпоратив маслаҳатчиси лавозимини жорий этиш назарда тутилиши мумкинлиги, жамият корпоратив маслаҳатчисининг фаолияти жамият кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида амалга оширилиши қайд этилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Кооперация тўғрисида”ги Қонунининг 9-моддасидаги қоидаларга биноан, кооперативнинг олий бошқарув идораси умумий йиғилиш, конференция, съезд бўлиб, улар кооператив раисини (бошқарувини), тафтиш комиссиясини (тафтишчини) сайлайди ва уларга кооперативни бошқариш бўйича ўз ваколатларини топширади.

Умумий йиғилиш кооперативнинг уставини қабул қилади, унга белгиланган тартибда ўзгартишлар ва қўшимчалар киритади, кооперативнинг ички тартиб қоидаларини, кооператив мулкига етказилган зарар учун моддий жавобгарлик тўғрисидаги, меҳнатга ҳақ тўлаш тўғрисидаги қоидаларни ҳамда кооперативнинг бошқа ички ҳужжатларини қабул қилади ва уларни ўзгартиради ва ҳоказо.

ЁДДА ТУТИНГ!

Корпорациянинг ички локал ҳужжатлари амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлмаслиги ҳамда корпорациянинг таъсис ҳужжатларига мос келиши керак. Чунки корпорациянинг таъсис ҳужжатлари унинг ички локал ҳужжатларига нисбатан юқори юридик кучга эга бўлади.

Яна бир эътиборли масала – корпорациянинг ички локал ҳужжатларининг ҳаммаси ҳам корпоратив ҳуқуқнинг манбаси сифатида тан олинмайди. Яъни, корпорация раҳбариятининг ёки бошқарув органларининг ташкилий-буйруқ берувчи ҳамда индивидуал характерга эга бўлган ички локал ҳужжатлари, масалан, ходимни моддий рағбатлантириш ҳақидаги директорнинг буйруғи, бирор ташкилотга ҳомийлик учун пул маблағи бериш ҳақидаги Бошқарувнинг қарори корпоратив ҳуқуқ манбаси ҳисобланмайди. Бундай манба ҳисобланиши учун ички локал ҳужжат умумийлик ва кўп маротабалик хусусиятига ҳамда корпорациянинг таъсисчилари (акциядорлари, иштирокчилари, аъзолари), бошқарув органлари, ходимлари учун мажбурий характерга эга бўлиши лозим.

Корпорациянинг ички локал ҳужжатларини корпоратив ҳуқуқнинг манбаси сифатида тан олиш учун яна бир асос шундан иборатки, ушбу

корпорациянинг ички фаолияти билан боғлиқ низо пайдо бўлган тақдирда судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар мазкур ички локал ҳужжатлардаги қоидаларни инобатга олишади.

Таъкидланганидек, бошқа ҳуқуқлардан фарқли равишда корпоратив ҳуқуққа оид нормалар ва қоидалар **суд амалиётига оид ҳужжатларда** ҳам белгиланиши мумкин. Бундай ҳужжатларга Олий суд Пленумининг тегишли қарорларини киритса бўлади. Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунида Олий суд Пленумининг қарорлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар туркумига киришлиги кўрсатилмаган бўлса-да, аммо унда корпорация фаолиятига оид корпоратив нормалар бевосита акс этганлиги ва ушбу нормалар республикадаги барча корпорациялар учун ижро этилиши мажбурий бўлганлиги боис уни корпоратив ҳуқуқнинг манбаси сифатида тан олса бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуни 21-моддасининг учинчи қисмида қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тушунтиришлари судлар, ушбу тушунтиришлар берилган қонун ҳужжатларини қўллаётган бошқа органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар учун мажбурий эканлиги қатъи белгилаб қўйилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг “Иқтисодий судлар томонидан корпоратив низоларни ҳал этишнинг айрим масалалари тўғрисида” 2014 йил 20 июндаги 262-сонли қарори ва бошқа корпоратив муносабатларни тартибга солувчи шу каби бошқа қарорларни корпоратив ҳуқуққа оид ҳужжат сифатида тан олса бўлади.

Бундан ташқари, “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий Қонуннинг 4-моддаси биринчи қисмининг 4 ва 5-хатбошиларида Конституциявий суд Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари нормаларига шарҳ бериши, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг муайян ишда қўлланилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида судлар ташаббуси билан киритилган мурожаатини кўриб чиқиши, мазкур Қонуннинг 13-моддасида эса Конституциявий суднинг ҳужжатлари барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий эканлиги, Конституциявий суднинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, ҳужжатлар ва уларнинг нусхаларини тақдим этиш тўғрисидаги, кўриб чиқиладиган масалалар юзасидан

тушунтиришлар ва маслаҳатлар бериш ҳақидаги талаблари улар юборилган барча органлар учун мажбурийлиги кўрсатилган бўлиб, Конституциявий суднинг тегишли қарорини корпоратив ҳуқуқнинг манбаларидан бири сифатида кўрсатса бўлади.

Корпорация фаолиятига оид муносабатларни тартига солиб турадиган ҳамда **маҳаллий одат, анъаналар ва ахлоқ нормаларини ўзида мужассам қилган баъзи ҳужжатларни** ҳам корпоратив ҳуқуқнинг манбаси, деб ҳисоблаш мумкин.

ФКнинг 6-моддасида белгиланишича, тадбиркорлик фаолиятининг бирон-бир соҳасида вужудга келган ва кенг қўлланиладиган, қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган хулқ-атвор қоидаси, бирон-бир ҳужжатда ёзилганлиги ёки ёзилмаганлигидан қатъи назар, иш муомаласи одати, деб ҳисобланади.

Фуқаролик қонун ҳужжатларида тегишли нормалар бўлмаган тақдирда, бу муносабатларни тартибга солишда маҳаллий одат ва анъаналар қўлланилади.

Тегишли муносабат иштирокчилари учун мажбурий бўлган қонун ҳужжатлари нормаларига ёки шартномага зид бўлган иш муомаласи одатлари, маҳаллий одат ва анъаналар қўлланилмайди.

Корпоратив муносабатлар билан боғлиқ муаммоли масалаларни ҳар доим ҳам мажбурий характерга эга бўлган қонун ҳужжатлари билан ҳал этиб бўлмайди. Яъни ҳар бир корпорациянинг фаолият мақсади, ташкилий-ҳуқуқий шакли, иштирокчи (таъсисчи)ларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, бошқарув органларининг ваколатлари, мол-мулкдан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш тартибининг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда корпорациянинг ичида (ўзида) амал қиладиган тартиб-қоидаларни таъсис ҳужжатларига киритиш ёки алоҳида ички (локал) ҳужжат шаклида ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш муҳим ҳисобланади. Ҳаттоки корпорациянинг ичида (ўзида) риоя этиш лозим бўлган одоб-ахлоқ, этика-эстетика, юриш-туриш, бизнес юритиш, мол-мулк (товар моддий бойликлар) билан муносабатда бўлиш қоидалари (нормалари, тартиблари)ни ишлаб чиқиш ҳам корпоратив муносабатларни такомиллаштириш, фаолият самарадорлигини оширишга, юзага келаётган муаммоли масалаларни ҳал этишга, камчиликларни бартараф этишга хизмат қилади.

Чунки корпоратив муносабат иштирокчилари ўртасида ўзаро ишончни қозониш, бир-бирини ҳурмат қилиш, инсоф ва диёнатни сақлаш, доимо тўғри йўлни танлаш, қонун талабларига ва олинган мажбуриятларга масъулият билан ёндошиш, ахборот ва маълумотларнинг очиқлиги ва ишончлилигини таъминлаш каби тадбиркорлик ва

ишчанлик обрўси билан боғлиқ муҳим хислатларни шакллантириш бу борада катта аҳамият касб этади.

Иқтисодчиларнинг тадқиқотлари шуни кўрсатдики, корпорацияларнинг мавқеи (обрўси), улар томонидан ахлоқ нормаларига ва корпоратив хатти-ҳаракатлар (поведение)нинг юксак стандартларига қатъи амал қилиниши уларнинг халқаро рейтингининг ошишига, акционерларни ва инвесторларни ўзига жалб этилишига, жаҳон фонд биржаларига рухсат берилишига ижобий таъсир қилар экан.

Шунинг учун корпорациянинг фаолияти ва уни бошқариш билан боғлиқ турли давлатлардаги амалиёт чуқур ўрганилиб, умумлаштирилган ҳолда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт халқаро ташкilotи (ИХТТ (ОЭСР) томонидан “Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт халқаро ташкilotининг корпоратив бошқарув принциплари” лойиҳаси ишлаб чиқилган ва у мазкур ташкilot Кенгашининг 1999 йил 26-27 май кунлари бўлиб ўтган йиғилишида тасдиқланган. Ушбу ҳужжатда соҳага оид қуйидаги 5 та асосий принциплар акс этган:

1. Акциядорларнинг ҳуқуқлари.
2. Акциядорларга тенг муносабатда бўлиш.
3. Корпорацияни бошқаришдан манфаатдор бўлган шахсларнинг роли.
4. Ахборотларнинг очиқлиги ва шаффофлиги.
5. Директорлар кенгашининг мажбуриятлари.

Ушбу принциплардан келиб чиққан ҳолда кўпгина давлатлар 1999 йилнинг охирларида ўзларининг миллий корпоратив бошқарув кодексларини ишлаб чиқишган ва тасдиқлашган. Уларнинг аксарияти тавсиявий характерга эга бўлган.

Корпоратив бошқарув кодексларини ишлаб чиқишдан мақсад корпоратив бошқарувга оид қоидаларга риоя этмаганлик учун давлат томонидан корпорацияларга тегишли санкцияларни қўллаш бўлмаган, балки уларга риоя этиш корпорацияларнинг обрўсининг ошишига, инвесторларнинг кўпроқ жалб қилинишига олиб келувчи омил ҳисобланган. Яъни уларга риоя этишдан ҳар бир корпорация манфаатдор бўлган. Ҳатто бундай кодексларда акс этган қоидаларга амал қилиш давлат томонидан мажбурий қоида сифатида қонун асосида белгилаб қўйилмаган бўлса-да, бу қоидалар амалиётдаги энг маъқул бўлган одоб-ахлоққа оид стандартларни ўзида мужассам этганлиги боис уларга ихтиёрий тарзда амал қилувчи корпорациялар сони ошиб бораверган.

Масалан, АҚШда 1998 йилда Корпоратив бошқарувнинг асосий принциплари ва йўналишлари, Буюк Британияда 1998 йилда Умумлашган кодекс қабул қилинган. Бундан ташқари, юқорида қайд этилган прин-

циплардаги қоидалар асосида Италияда 1999 йилда Корпоратив хатти-ҳаракатлар (поведения) кодекси, Германияда 2002 йилда Корпоратив бошқарув кодекси қабул қилинган.

Россия Федерацияси ҳукуматининг 2001 йил ноябридаги йиғилишида Россия Корпоратив бошқарув кодекси тасдиқланган. Унда ушбу Кодекс биринчи навбатда халқаро фондлар бозорига кирадиган йирик очиқ акционерлик жамиятларига, шунингдек, ундан фойдаланиш истагида бўлган бошқа хўжалик жамиятларига тадбиқ этилиши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сон Фармонининг 8-бандида акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда Германия ҳамда бошқа ривожланган давлатларнинг муваффақиятли тажрибаси асосида 2015 йил 1 августга қадар Корпоратив бошқарув кодексини ишлаб чиқиши ва тасдиқлаши лозимлиги кўрсатилган ва унда акс этиши лозим бўлган асосий йўналишлар, қоидалар белгилаб берилган.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистонда ҳам республикамизнинг амалдаги қонун ҳужжатлари ва корпоратив бошқарувнинг халқаро тамойилларига асосан Корпоратив бошқарув кодекси ишлаб чиқилиб, у Президент қарори билан ташкил этилган Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш Комиссиясининг 2015 йил 31 декабрдаги йиғилишида тасдиқланган.

Мазкур Кодекс акциядорлик жамиятлари фаолияти очиқлигини таъминлаш, уларнинг бошқарув фаолиятига корпоратив бошқарувнинг замонавий услубларини жорий этиш, корхоналарнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш, бошқарув органлари ишини самарали ташкил этиш билан боғлиқ муҳим йўналишлар буйича тавсиялар мажмуасидан иборат бўлиб, унинг 6-бандида ёзилишича, Кодекс тавсияларига риоя этиш мажбуриятини олиш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Шунингдек, Кодексда унинг тавсияларига риоя қилмаслик давлат органлари томонидан чора қўлланишга олиб келмаслиги, аммо акциядорларнинг умумий йиғилиши акциядорлик жамияти мансабдор шахсларига Кодекс тавсияларига риоя этмаганлик ёки Кодексда назарда тутилган ахборотларни ошкор этмаганлик учун жавобгарлик чорасини ўрнатишга ҳақли эканлиги қайд этилган.

Бундан ташқари, Кодексда акциядорлик жамиятларига ўз фаолиятларининг очиқлигини таъминлаш, самарали ички назорат, акциядорлар ва инвесторлар билан ўзаро самарали ҳамкорлик механизмларини жорий қилиш, акциядорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини амалга оширилишини таъминлаш мақсадида ўзининг тармоқ хусусияти ҳамда фаолиятининг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда ички корпоратив хатти-ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги кўрсатилган.

Чунки Кодекснинг тегишли бандларида акциядорлик жамиятлари томонидан бир қанча ички ҳужжатларни қабул қилиш зарурлиги тавсия қилинган. Масалан, фаолиятининг очиқлигини таъминлаш мақсадида “Ахборот сиёсати тўғрисида низом”, “Ички назорат тўғрисидаги низом”, “Манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги низом” ва ҳоказо.

Кодексдаги тартиб-қоидалар тавсиявий характерга эга бўлиб, улар қонун кучига эга бўлмаса-да, яъни давлат томонидан унинг ижро этилиши мажбурий таъминланмаса-да, республикамизнинг кўплаб акциядорлик жамиятлари томонидан ушбу тавсиялар ўз фаолиятига қабул қилинганлиги, уларга риоя қилишни ихтиёрий амалга ошириши ҳақидаги ахборот ўзларининг веб-сайтлари орқали эълон қилинган. Шу мазмундаги эълонлар Ўзбекистонда www.openinfo.uz веб-сайтида расмий равишда бериб борилмоқда.

**Тавсияларга
риоя қилишни
ихтиёрий қабул
қилиш қуйидаги
2 хил тарзда
амалга
оширилади**

Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларини тўлиқ ёки қисман инobatга олган ҳолда жамиятнинг Корпоратив бошқарув кодексини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш

Корпоратив бошқарув кодексида қайд этилган тавсияларнинг жамиятни ички ҳужжатларига киритган ҳолда бу ҳужжатларни қайта тасдиқлаш

Корпоратив бошқарув кодексида қайд этилган тавсияларнинг жамиятни ички ҳужжатларига киритган ҳолда бу ҳужжатларни қайта тасдиқлаш.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, назариячи олимлар ўртасида Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларини норматив-ҳуқуқий ҳужжат сифатида тан олиш ёки олмаслик масаласи бўйича фикрлар бир хил эмас. Айрим олимлар мазкур Кодексдаги қоидалар тавсия характерга

эга бўлганлиги боис уни корпоратив ҳуқуқга оид нормалар таркибига киритиш мумкин эмаслигини таъкидлашса, айримлари бу қоидаларни корпорация учун амал қилиши мажбурий эканлигини ҳисобга олиб, корпоратив ҳуқуққа оид нормалар, деб ҳисоблашади.

Фикримизча, Корпоратив бошқарув кодексидаги қоидалар тавсия характерга эга бўлганлиги боис у юқорида таъкидланганидек, норматив-ҳуқуқий ҳужжат сифатида тан олинмаса-да, корпоратив ҳуқуққа оид нормалар таркибига киради. Чунки ундаги тавсияларнинг корпорация томонидан қабул қилиниши ва ундаги қоидаларнинг корпорацияни ички локал ҳужжатларига терга эга бўлганлиги боис у ир хил эмас. корпорация ҳамда унинг унинг акциядорлари (иштирокчилари), ходимлари учун мажбурий бўлади. Ҳатто ушбу ҳолатда мазкур шахслар томонидан тавсиялардаги тартиб-қоидаларга риоя қилинмаслик уларга суд орқали тегишли жавобгарлик чораларини қўллаш учун ҳам асос ҳисобланади.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда қабул қилинган Корпоратив бошқарув кодексининг мазмунидан ундаги тавсияларнинг амал қилиши фақат акциядорлик жамиятлари учун белгилаб қўйилган бўлса-да, бироқ ундаги тартиб-қоидалар (тавсиялар) тегишлигига кўра, корпорацияларнинг бошқа турларига, шу жумладан, хўжалик жамиятлари ва ширкатларига ҳам, агар улар тавсияларга риоя қилишни ихтиёрий қабул қилишган бўлса, тадбиқ қилиниши мумкин, деб ҳисоблаймиз.

IV БОБ

КОРПОРАТИВ НИЗОЛАР БЎЙИЧА СУДЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

Судга мурожаат қилиш – суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқидан фойдалашдаги дастлабки қадам ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига кўра, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади. Шу боис, барча процессуал қонун нормаларида судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан воз кечиш ҳақиқий эмаслиги тўғрисида аниқ тушунтириш берилган.

Ҳар қандай манфаатдор шахс ўзининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун иқтисодий судга ИПКда белгиланган тартибда мурожаат қилишга ҳақли.

ИПКнинг 3-моддасида иқтисодий судларга бериладиган мурожаатлар уч хил шаклда, яъни даъво аризаси, ариза ёки шикоят тарзида расмийлаштирилиши белгиланган.

Иқтисодий судларга бериладиган мурожаатларнинг шакллари бўйича ҳолатлар

Даъво аризаси

- фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган даъво талаблари юзасидан;
- жавобгар томонидан даъвогарнинг даъвосига нисбатан билдирилган қарши даъво талаблари юзасидан;
- корпоратив низоларга оид талаблар юзасидан.

Ариза

- буйруқ тартибда иш юритишга оид талаблар юзасидан;
- юридик фактларни белгилаш тўғрисидаги талаблар юзасидан;
- банкрот деб топиш тўғрисидаги талаблар юзасидан;
- судьяни, прокурор ёки суд мажлиси котибини, экспертни рад этиш тўғрисидаги талаблар юзасидан;
- ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори асосида мажбурий ижро варақаси бериш тўғрисидаги талаблар юзасидан;

- ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги талаблар юзасидан;
- даъвои ёки ҳал қилув қарорининг ижросини таъминлаш чораларини кўриш тўғрисидаги талаблар юзасидан;
- ҳал қилув қарорини тушунтириш ва ёзувдаги хатони тузатиш тўғрисидаги талаблар юзасидан;
- чет давлат судининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва уни ижрога қаратиш тўғрисидаги талаблар юзасидан;
- йўқолган суд ишини ёки ижро ишини тиклаш тўғрисидаги талаблар юзасидан
- суд қарорларини янги очилган ҳолат бўйича қайта кўриш тўғрисидаги талаблар юзасидан;
- ижро варақасининг дубликатини бериш ва уни ижрога тақдим этиш муддатини тиклаш тўғрисидаги талаблар юзасидан;
- суд қарорининг қайтарма ижроси тўғрисидаги талаблар юзасидан;
- ижро ишини юритишни тўхтатиб туриш ёки тугатиш тўғрисидаги талаблар юзасидан;
- назорат тартибда протест келтириш тўғрисидаги талаблар юзасидан.

Шикоят (протест)

- корпоратив низолаarga оид талаблар юзасидан;
- апелляция инстанциясида ишни кўриш тўғрисидаги шикоятлар юзасидан;
- кассация инстанциясида ишни кўриш тўғрисидаги шикоятлар юзасидан;
- назорат инстанциясида ишни кўриш тўғрисидаги шикоятлар юзасидан.

ИПКда алоҳида тоифадаги ишлар юзасидан судга мурожаат қилиш ариза шаклида амалга оширилиши белгиланган. Гарчи корпоратив низола бўйича иш юритиш ҳам алоҳида тоифадаги ишлар сирасига киририлган бўлса-да, мазкур тоифадаги ишлар бўйича мурожаатлар даъво аризаси шаклида ҳам шикоят шаклида берилиши мумкин. Жумладан, юридик шахс иштирокчиларининг (муассисларининг, аъзоларининг) юридик шахс томонидан тузилган битимларни ҳақиқий эмас, деб топиш ва (ёки) бундай битимларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш ҳақидаги, таъсисчини корпорация таъсисчилари сафидан чиқариш тўғрисидаги, дивидед ундириш тўғрисидаги, юридик шахс иштирокчиларининг умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги мурожаатлар даъво аризаси шаклида расмийлаштирилса, юридик шахс бошқарув органларининг қарорлари устидан низолашиш, эмитентнинг бошқарув органлари қарорлари юзасидан низолашиш шикоят шаклида берилади. Мурожаат даъво аризаси шаклида берилганда тарафлар – “даъвогар”, “жавобгар”,

мурожаат шикоят шаклида расмийлаштирилганда эса тарафлар – “шикоят берган шахс”, “жавобгар” деб аталади.

ЁДДА ТУТИНГ!

Корпоратив низоларга оид аризалар билан судга мурожаат қилишнинг яна бир хусусияти шундан иборатки, улар бўйича суд буйруғи берилмайди. Шу боис корпоратив низо юзасидан суд буйруғи бериш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат қилинганда, ИПКнинг 140-моддасига асосан аризани қабул қилиш рад этилади.

Маълумки, иқтисодий процессуал қонунчиликка кўра, муайян тоифадаги низолар учун судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартиби қонунда белгиланган ёхуд бу тартиб шартномада назарда тутилган бўлса, тарафлар ўзаро муносабатларини ихтиёрий равишда ҳал қилиш чораларини кўрганларидан кейингина судда иш қўзғатилиши мумкин. Талабнома юбориш тартиби айрим корпоратив низоларга ҳам тааллуқли бўлиб, улар бўйича тарафлар ўртасида келишувга эришиш имконияти бўлмагандан кейин низоли ҳал қилиш масаласи судга ўтказилиши мумкин.

Масалан, таъсис шартномасига ўзгартириш ёки қўшимча киритиш тўғрисидаги масала юзасидан таъсисчилар (иштирокчилар) ўзаро келишувга эриша олмасаларгина, манфаатдор тараф таъсис шартномасига ўзгартириш ёки қўшимча киритиш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилишга ҳақли. Бунда шуни инобатга олиш лозимки, таъсис шартномаси ҳам битим ҳисобланади. Шунинг учун унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш масаласи битимларга оид қоидалар асосида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

ФКнинг 384-моддаси мазмунига кўра, манфаатдор тараф таъсис шартномасини ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки таклифда кўрсатилган ёхуд қонунда ёнки шартномада белгиланган муддатда, бундай муддат бўлмаганида эса – ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

Агар ушбу тоифадаги низо бўйича низоли судгача ҳал қилиш тартибига риоя этилмаса, бу ҳолат ИПК 155-моддаси биринчи қисмининг 7-бандига асосан даъво аризасини қайтариш учун, даъво аризаси иш юритишга қабул қилинган тақдирда 107-моддасининг 5-бандига мувофиқ, даъвони кўрмасдан қолдириш учун асос ҳисобланади.

Қимматли қоғозларни номинал сақловчиларнинг акциялар ва бошқа қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш, қонунда назарда тутилган бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларни қимматли қоғозларни жойлаштириш ва (ёки) уларнинг муомаласи муносабати билан қимматли қоғозларнинг номинал сақловчилари томонидан амалга ошириш билан боғлиқ фаолиятдан келиб чиқадиган низолар бўйича судларга мурожаат қилишда ҳам судга мурожаат қилинганда низонинг вужудга келганлигини аниқлаш, яъни тарафларнинг судгача бўлган муносабатларини ўрганиш ва низонинг судгача ҳал этилиши имконияти мавжуд бўлмаганлиги ҳолатини текшириш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг “Иқтисодий судлар томонидан корпоратив низоларни ҳал этишнинг айрим масалалари тўғрисида” 2014 йил 20 июндаги 262-сонли қарорини 13.1-бандида берилган тушунтиришга кўра, судлар шуни эътиборга олишлари керакки, акциядорнинг ўзига қарашли акцияларни қайтариб сотиб олиш тўғрисидаги талабини акциядорлар умумий йиғилишининг тегишли қарори қабул қилинган кундан эътиборан кечи билан ўттиз кун ичида жамиятга тақдим қилишлари керак. Ушбу талаб ёзма шаклда берилиши ва унда акциядорнинг яшаш манзили (жойлашган манзили) ҳамда у қайтариб сотиб олинишини талаб қилаётган акциялар сони кўрсатилган бўлиши керак. Бунда қайд этилган ўттиз кунлик муддат низони судгача ҳал этиш муддати ҳисобланишини назарда тутиш лозим. Судлар бундай даъволарни кўриш жараёнида акциядор томонидан талабнома жамиятга қарор қабул қилинган кундан эътиборан, ўттиз кун ичида юборилганлигини текширишлари лозим. Агар талабнома ушбу муддат ичида юборилган бўлмаса, даъво бўйича иш юритиш ИПК 110-моддасининг 8-бандига асосан тугатилиши лозим.

Амалдаги қонун ҳужжатларига кўра, акциядор жамиятга ўз акцияларини қайтариб сотиб олиш талабини қўйиши ҳам мумкин. Бундай ҳолда “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 41-моддасининг тўртинчи қисмига кўра, ўттиз кунлик муддат тугаганидан сўнг жамият қайтариб сотиб олиш талабини қўйган акциядордан акцияларни ўн кун ичида сотиб олиши шарт.

Шу боис бу ерда судлар эътиборга олишлари керакки, ўн кунлик муддатни ҳисоблаш акциядорлар умумий йиғилишининг тегишли қарори қабул қилинган кундан эътиборан ўттиз кун ўтганидан сўнг бошланади.

Агар ҳал қилув қарорини қабул қилиш пайтида мазкур модданинг биринчи ва иккинчи хатбошиларида кўрсатилган муддатлар ўтмаган бўлса, акциядорнинг ўз акцияларини қайтариб сотиб олиш ҳақидаги маж-

буриятни юклаш тўғрисидаги даъво талаби, жамият томонидан мажбуриятни бажариш муддати келмаганлиги сабабли, рад этилиши лозим.

Корпоратив низо бўйича даъво аризаси ИПКнинг 149-моддасида назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлиши керак. Ушбу моддага кўра, даъво аризаси судга ёзма шаклда берилади. У даъвогар ёки унинг вакили томонидан имзоланади.

Корпоратив низо бўйича даъво аризасида қуйидагилар кўрсатилиши керак

- 1) ариза берилаётган суднинг номи;
- 2) ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми), жойлашган ери (почта манзили) ёки яшаш жойи;
- 3) агар даъво баҳоланиши лозим бўлса, даъвонинг баҳоси;
- 4) даъво талабларига асос бўлган ҳолатлар;
- 5) даъво талабларининг асосларини тасдиқловчи далиллар;
- 6) ундирилаётган ёки низолашилаётган сумманинг ҳисоб-китоби;
- 7) даъвогарнинг қонун ҳужжатларига асослаб келтирган талаблари, даъво бир нечта жавобгарга нисбатан тақдим этилганда эса уларнинг ҳар бирига нисбатан талаблар;
- 8) жавобгар билан низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этилганлиги тўғрисидаги маълумотлар, агар бу шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса;
- 9) илова қилинаётган ҳужжатларнинг рўйхати.

Даъво аризасида даъвогарнинг ёки унинг вакилининг телефонлари, факслари рақамлари, электрон манзили кўрсатилиши мумкин. Бундай маълумотларнинг кўрсатилиши ишни суд муҳокамасига тайёрлаш учун қулайликлар яратиш билан бир қаторда, ишда иштирок этувчи шахсларнинг огоҳлантирилмаганлиги сабабли ишни кўришнинг кейинга қолдирилишини олдини олади, шунингдек, низоларни белгиланган муддатларда ҳал этилишига ёрдам беради.

Даъво аризасида, агар низони тўғри ҳал қилиш учун зарур бўлса, бошқа маълумотлар, шунингдек, даъвогардаги мавжуд илтимосномалар ҳам кўрсатилади. Масалан, бирорта акциядор акциядорлар умумий йиғилишининг қарори юзасидан келиб чиқадиган масала бўйича судга ариза билан мурожаат қилаётган бўлса, у ИПКнинг 69-моддаси талабидан

келиб чиқиб, суддан акциядорлар умумий йиғилишининг қарорини ёки ўзи мустақил олиш имконига эга бўлмаган бошқа зарурий далилларни жамиятдан талаб қилишни суддан илтимос қилиши мумкин.

Ишда иштирок этувчи шахс ҳаттоки ишда тараф сифатида иштирок этмаётган шахсдаги зарур далилни ҳам талаб қилиб олиш тўғрисида судга илтимоснома билан мурожаат қилишга ҳақли. Илтимосномада шу далил билан иш учун аҳамиятли қандай ҳолатлар аниқланиши мумкинлиги, далилнинг аломатлари ва унинг жойлашган жойи кўрсатилиши зарур.

Маълумки, даъвогар ўзаро боғлиқ бўлган бир нечта талабни битта даъво аризасига бирлаштиришга ҳақли. ИПК 25-моддасининг олтинчи қисмига асосан ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари маъмурий судга, бошқалари эса иқтисодий судга тааллуқли бўлган бир нечта талабни бирлаштиришга йўл қўйилмайди.

Масалан, даъвогар даъво аризасида бир вақтнинг ўзида жамият таъсисчилари умумий йиғилиши қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги талаб билан бирга, жамиятнинг таъсис ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказилганлигини ноқонуний, деб топиш тўғрисидаги талаб билан иқтисодий судга мурожаат қила олмайди. Чунки МСЮИтКнинг 25-моддасига кўра, давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қонун ҳужжатларига мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги, давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш ёхуд белгиланган муддатда давлат рўйхатидан ўтказишдан бўйин товлash устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни ҳал қилиш маъмурий судларга тааллуқли. Шу боис иқтисодий судга бундай даъвонинг тақдим этилиши даъво аризасини ИПК 154-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига мувофиқ қабул қилишни рад этиш учун асос бўлади.

Фикримизча, бундай ҳолатда ҳуқуқи бузилган шахс ИПК талабларидан келиб чиқиб, даставвал иқтисодий судга тааллуқли талаб билан мурожаат қилиши, (масалан, таъсисчиларнинг умумий йиғилиши қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги) даъво талаби суд томонидан қаноатлантирилган тақдирда, суд ҳужжати қонуний кучга киргандан кейин уни асос қилган ҳолда ваколатли давлат органига жамиятнинг таъсис ҳужжатларини рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этиши лозим. Мурожаат ваколатли давлат органи томонидан рад этилган тақдирдагина, МСЮИтКнинг 32-моддасига асосан, ушбу орган мансабдор шасларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилинаётган

маъмурий орган жойлашган ер ёхуд мансабдор шахснинг иш жойи бўйича туман (шаҳар) маъмурий судига ариза тақдим этиши мақсадга мувофиқ.

Шунга ўхшаш яна бир муҳим қоидага эътибор бериш керакки, ИПК 25-моддасининг бешинчи қисмига асосан ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари иқтисодий судга, бошқалари эса фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли бўлган бир нечта талаб бирлаштирилган тақдирда, барча талаблар фуқаролик ишлари бўйича судда кўрилиши лозим.

Масалан, таъсисчиларнинг умумий йиғилиши қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги талаб корпоратив низонинг бир кўриниши ҳисобланса-да, таъсисчиларнинг умумий йиғилишида жамият директори лавозимидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса ва жамият директори ушбу қарордан норози бўлса, жамият директори ФПКнинг 27-моддасига мувофиқ, таъсисчилар умумий йиғилишининг мазкур қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш ва ишга тиклаш тўғрисидаги талаб билан жамият жойлашган фуқаролик ишлар бўйича туманлараро (туман, шаҳар) судига даъво аризаси билан мурожаат қилиши лозим. Чунки ФПК 27-моддасининг биринчи қисмида ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари фуқаролик ишлари бўйича судга, баъзилари эса иқтисодий судга тааллуқли бўлган бир нечта талаб бирлаштирилганда, барча талаблар фуқаролик ишлари бўйича судда кўрилиши кераклиги белгиланган.

ИПКнинг 151-моддасига кўра даъво аризасига қуйидагиларни тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади

- 1) белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи ва почта харажатлари тўланганлигини;
- 2) даъво аризасининг кўчирма нусхаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар жавобгарга ва учинчи шахсларга юборилганлигини;
- 3) жавобгар билан низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этилганлигини, агар бу шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса;
- 4) даъво талабларига асос бўлган ҳолатларни;
- 5) даъвогарнинг юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини;
- 6) даъво аризасини имзолаш ваколатини, агар у вакил томонидан имзоланган бўлса.

Шартнома тузишга мажбур этиш тўғрисидаги даъво аризасига шартнома лойиҳаси ҳам илова қилинади.

Бошқа тоифадаги низолардан фарқли равишда корпоратив низо бўйича даъво аризасига ИПКнинг 151-моддасида назарда тутилган ҳужжатлар, шунингдек, юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ва унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳужжат ҳам илова қилиниши лозим.

Даъво аризасига мазкур ҳужжатларнинг илова қилиниши, энг аввало, юридик шахс тўғрисида тўлиқ маълумотларни олишга хизмат қилади. Шунингдек, ишни судда кўришда манфаатдор шахсларнинг доирасини аниқлаш имкониятини беради. Бундан ташқари, судловга тегишлилик қоидаларининг асосиз бузилишини олди олинади. Бундай ҳужжатлар сифатида, юридик шахснинг белгиланган тартибда тасдиқланган таъсис ҳужжатлари, устав (низом), шунингдек, корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри маълумотномаси бўлиши мумкин. Бироқ таъкидлаш керакки, қонунда даъво аризасига илова қилиниши лозим бўлган мазкур қўшимча ҳужжатлар узоғи билан қайси санада тўлғазилган бўлиши кераклиги тўғрисида аниқ қоида белгиланмаган.

Маълумот тариқасида билдириш мақсадга мувофиқки, Ўзбекистонда замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш, электрон давлат хизматларини кўрсатишнинг яхлит тизимини яратиш, давлат органларининг аҳоли билан мулоқот қилишининг янги механизмларини жорий этиш борасида олиб борилган изчил ишлар натижасида, бугунги кунда корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри маълумотномасини ваколатли давлат органига мурожаат қилмасдан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг stat.uz сайтига кириб, хизматлар бўлимидан тегишли юридик шахснинг КТУТ ёки СТИР кодини териб, тўғридан-тўғри уларни олиш имконияти мавжуд.

НАМУНА

Урганч туманлараро иқтисодий суди

Даъвогар: **“Урганч дон” акциядорлик жамияти акциядори М.Шамилов**

Эл. манзил: sharq_01@inbox.uz

Манзили: Урганч шаҳар, Истироҳат боғи кўчаси, 34-уй, тел: 000-000-000

“Турон банк” Урганч бўлими, МФО 00900

х/р: 20208 0000 0000 0000 0001, СТИР: 800 545 000

Жавобгар: **“Урганч дон” акциядорлик жамияти**

Манзили: Урганч шаҳар, Мироблар

кўчаси, 21-уй, тел: 000-000-000

“Миллий банк” Урганч бўлими,

МФО 00901 х/р: 202080003000000400001,

СТИР: 900 055 000

ДАЪВО АРИЗАСИ

(250 000 сўмлик дивидендни ундириш тўғрисида)

“Урганч дон” акциядорлик жамиятининг 2016 йил якуний бўйича 2017 йил 25 май куни ўтказилган умумий йиғилиш баёнига кўра менга 250 000 сўм дивиденд пулларини тўлаш ҳақида қарор қилинган.

Лекин шу пайтга қадар АЖ томонидан ушбу дивиденд пуллари менга тўлаб берилмаган. Тўловни амалга ошириш юзасидан АЖга қилган муурожаатларим оқибатсиз қолдирилмоқда.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 51-моддасининг иккинчи қисмида дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби жамиятнинг уставида ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланиши, дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олти кундан кеч бўлмаслиги лозимлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 25-моддаси биринчи қисмининг 5-банди ва 30-моддасига асосан корпоратив низолар иқтисодий судларга тааллуқли.

Юқоридагиларга кўра, “Урганч дон” акциядорлик жамиятидан менинг фойдамга 2016 йил якуни бўйича ҳисобланган 250 000 сўмлик дивиденд пулларини ундириб беришингизни сўрайман.

Даъво аризага илова қилинаётган ҳужжатлар:

- 1) Жамиятнинг 2017 йил 25 май куни ўтказилган умумий йиғилиш баёни нусхаси.
- 2) Жавобгарга юборилган огоҳлантириш хатлари нусхаси.
- 3) Юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси.
- 4) Давлат божи ва почта харажатлари тўланганлигини тасдиқловчи квитанциялар (тўлов топшириқномалари).

“Урганч дон” акциядорлик жамияти
акциядори

М.Шамилов

_____ йил “__” _____

НАМУНА

Урганч туманлараро иқтисодий судига

Даъвогар: **“Гужум” МЧЖ**

Манзили: Урганч шаҳар, Хиёбон кўчаси, 15-уй,
тел: 000-000-000

“Асака банк” Урганч бўлими, МФО 00903

х/р: 20208 0000 0000 0000 0001,

СТИР: 290 925 000

Жавобгар: **“Амударё” МЧЖ**

Манзили: Урганч шаҳар, Мироблар кўчаси, 20-уй,
тел: 000-000-000

“Миллий банк” Урганч бўлими, МФО 00904

х/р: 20208 0000 0000 0000 0001,

СТИР: 298 522 000

Учинчи шахс: **“Сибир” МЧЖ**

Манзили: Урганч шаҳар, Хиёбон кўчаси, 17-уй,
тел: 000-000-000

“Асака банк” Урганч бўлими, МФО 00903

х/р: 20208 0000 0000 0000 0001,

СТИР: 290 925 770

ДАЪВО АРИЗА

(иштирокчини жамиятдан чиқариш тўғрисида)

“Сибир” МЧЖ Урганч шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида 2015 йил 15 август куни 9850-сонли реестр тартиб рақам билан рўйхатдан ўтказилган ва устави тасдиқланган.

Устав фондида кўра, жамият муассисларининг улуши куйидагича:

“Гужум” МЧЖнинг улуши - 600 000 АҚШ доллари (60,0 фоиз);

“Амударё” МЧЖнинг улуши - 400 000 АҚШ доллари (40,0 фоиз).

Жамият устав фондини шакллантириш учун жамият таъсисчиси “Гужум” МЧЖ 600 000 АҚШ доллари миқдоридagi (бино-иншоотлар ва ер майдонлари билан) улушларини киритган.

Бироқ, жамият таъсисчиси “Амударё” МЧЖ жамият устав фондига 10 000 АҚШ доллари миқдоридagi улушини киритиб, қолган 390 000 АҚШ доллари миқдоридagi улушини бугунги кунга қадар киритмаган.

Зиммасига олган мажбуриятини бажариш тўғрисида “Амударё” МЧЖга берилган талабномалар эътиборсиз қолдирилган.

Бундан ташқари, “Амударё” МЧЖ жамият фаолияти тўғрисидаги сир тутилган ахборотни ошкор қилиб, ўзи томонидан ташкил этилган “Дилбар” МЧЖ фаолиятини ўзгартириб, “Сибир” МЧЖ томонидан ишлаб чиқарилаётган лок-буёқ маҳсулотларидек буёқларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйган.

“Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасига биноан, жамият иштирокчилари ушбу Қонунда ва жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда, миқдорда, усулларда ва муддатларда ҳисса қўшишлари, жамият фаолияти тўғрисидаги сир тутилган ахборотни ошкор қилмасликлари шарт.

Қонуннинг 14-моддасига кўра, жамиятнинг ҳар бир иштирокчиси таъсис ҳужжатларида белгиланган ва жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб бир йилдан ошмайдиган муддат мобайнида жамиятнинг устав фондига (устав капиталига) ўз ҳиссасини тўлиқ киритиши керак.

Шунингдек, жамият Уставининг 8.9-бандида ҳам жамиятнинг ҳар бир иштирокчиси Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмайдиган муддат мобайнида Жамиятнинг устав фондига ўз ҳиссасини тўлиқ киритиши белгиланган.

Юқоридаги Қонун 8-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ, жами улушлари жамият устав фондининг (устав капиталининг) камида ўн фоизини ташкил этадиган жамият иштирокчилари ўз мажбуриятларини қўпол бузаётган ёхуд ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан жамиятнинг фаолият кўрсатишига имкон бермаётган ёки уни жиддий тарзда қийинлаштираётган иштирокчини жамиятдан суд тартибида чиқарилишини талаб қилишга ҳақлилиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг 2014 йил 20 июндаги 262-сонли “Иқтисодий судлар томонидан корпоратив низоларни ҳал этишнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорининг 19-бандида “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 8-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ иштирокчини жамиятдан чиқариш талаби билан судга фақат жами улушлари жамият устав фонди (устав капитали)нинг камида ўн фоизини ташкил этадиган жамият иштирокчилари мурожаат қилишлари мумкин. Бунда жами улушлари жамият устав фонди (устав капитали)нинг камида ўн фоизини ташкил этадиган битта иштирокчи ҳам, жами улушлари жамият устав фонди (устав капитали)нинг камида ўн фоизини ташкил этадиган бир нечта иштирокчи ҳам бундай талаб билан судга мурожаат қилиши мумкинлигини судлар эътиборга олишлари лозимлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 25-моддаси биринчи қисмининг 5-банди ҳамда 30-моддасига асосан ушбу тоифадаги корпоратив низолар иқтисодий судларда кўрилади.

Юқоридагиларга кўра, жавобгар “Амударё” МЧЖни “Сибир” МЧЖ таъсисчилари сафидан чиқариш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилишингизни сўрайман.

Даъво аризага илова қилинаётган ҳужжатлар:

1) “Сибир” МЧЖ таъсис шартномаси, устави;

- 2) “Гужум” МЧЖ томонидан улуш киритилганлигини тасдиқловчи Давлат хизматларини кўрсатиш маркази маълумотномаси;
- 3) “Амударё” МЧЖ томонидан улуш киритилмаганлигини тасдиқловчи Давлат хизматларини кўрсатиш маркази маълумотномаси;
- 4) Жавобгарга юборилган огоҳлантириш хатлари нусхаси;
- 5) Давлат божи ва почта харажатлари тўланганлигини тасдиқловчи квитанциялар (тўлов топшириқномалари).

“Гужум” МЧЖ раҳбари

Ш.Миллиев

_____ йил “ _____ ”
(сана)

Шикоят шаклида судга мурожаат қилинганда ҳам, у худди даъво аризаси шаклида судга мурожаат қилингандаги тартиб-қоидалар асосида расмийлаштирилиши лозим. Зеро, ИПК 155-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига кўра, даъво аризаси (ариза) қонунда белгиланган шакли ва мазмунига риоя қилинмаган бўлса, у қайтарилади. Масалан, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 60-моддасида, агар акциядор узрли сабабга кўра, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этмаган ёки бундай қарор қабул қилинишига қарши овоз берган бўлса, у акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарор устидан судга **ШИКОЯТ** қилишга ҳақли эканлиги белгиланган.

ЁДДА ТУТИНГ!

Акциядорлик жамияти бошқарув органларининг (умумий йиғилиш, кузатув кенгаши, ижроия органи) қарорларини тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги шикоятлар бўйича жавобгар бўлиб, ушбу бошқарув органлари эмас, балки жамиятнинг ўзи ҳисобланади. Шу боис, шикоятда жавобгар сифатида муайян бошқарув органи эмас, балки жамиятнинг ўзи кўрсатилиши лозим. Акс ҳолда, бундай шикоят ИПК 154-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига мувофиқ қайтарилиши мумкин.

Масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамиятнинг, шунингдек, бошқа корпорацияларнинг бошқарув органлари қарорларини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисида берилган даъво аризаларини расмийлаштириш масаласи ҳам худди шу тартибда ҳал этилади.

Маълумки, ИПКнинг 44-моддаси мазмунидан келиб чиқиб, корпоратив низолар бўйича ҳам даъво бир неча даъвогар (шерик даъвогарлар) томонидан биргаликда ёки бир неча жавобгарга (шерик жавобгарларга) нисбатан тақдим этилиши мумкин.

Бунда даъво аризасида тарафларнинг ҳар қайсисининг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми), жойлашган ери (почта манзили) ёки яшаш жойи алоҳида кўра сатилиши, бир неча даъвогар томонидан берилган даъво аризалари ҳар бир даъвогар томонидан имзоланиши лозим.

Масалан, “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 8-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ, иштирокчини жамиятдан чиқариш талаби билан судга фақат жами улушлари жамият устав фонди (устав капитали)нинг камида ўн фоизини ташкил этадиган жамият иштирокчилари мурожаат қилишлари мумкин. Бунда судлар эътиборга олишлари лозимки, жами улушлари жамият устав фонди (устав капитали)нинг камида ўн фоизини ташкил этадиган битта иштирокчи ҳам, жами улушлари жамият устав фонди (устав капитали)нинг камида ўн фоизини ташкил этадиган бир нечта иштирокчи ҳам бундай талаб билан судга мурожаат қилиши мумкин. Бир нечта иштирокчи судга мурожаат қилганда даъво аризаси ушбу иштирокчиларнинг барчаси ёки уларнинг вакили (вакиллари) томонидан имзоланган бўлиши керак. Бунда даъвогар (даъвогарлар) улушининг миқдори белгиланган тартибда тасдиқланган таъсис ҳужжатларини даъво аризасига илова қилиш йўли билан судга тақдим этилади.

ИПКнинг 148-моддасида манфаатдор шахслардан ташқари, прокурорнинг аризаси бўйича, шунингдек, давлат органлари ва бошқа шахслар юридик шахслар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қонун бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган ҳолларда, шу давлат органларининг ва бошқа шахсларнинг аризалари бўйича иш қўзғатилиши белгиланган.

Мазкур норма корпоратив низолаarga оид судларга қилинадиган мурожаатларга нисбатан ҳам татбиқ этилади. Масалан, “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 56-моддаси биринчи қисмининг мазмунига кўра, қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи инвесторларнинг, қимматли қоғозлар эгаларининг, давлатнинг манфаатларини кўзлаб судда даъво қўзғатишга ҳақли. Бу ерда судлар инobatга олишлари лозимки, ваколатли давлат органининг даъво аризасида у кимнинг манфаатини кўзланаётганлиги кўрсатилиши шарт. Чунки бундай даъво аризаларида ваколатли давлат органининг процессуал мақоми даъвогар сифатида эмас, балки ишда иштирок этувчи шахс сифатида белгиланади. Даъво аризасида у кимнинг манфаатини кўзлаб берилаётганлиги кўрсатилган бўлмаса, даъво аризаси ИПК 155-моддаси биринчи қисми-

нинг 1-бандига асосан қайтарилади. Агар, даъво аризаси иш юритишга қабул қилинган бўлса, у кўрмасдан қолдирилиши лозим.

Корпоратив низоларнинг судловга тегишлилиги, яъни бундай низо вужудга келганда ҳуқуқи бузилган шахснинг айнан қайси иқтисодий судга мурожаат қилиши лозимлигини билиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки ИПК 155-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига кўра, иш мазкур суднинг судловига тегишли бўлмаса, даъво аризаси қайтарилади. Яъни даъво низони кўришга ваколатли бўлмаган судга тақдим этилган тақдирда, у қайтарилади. Бу эса ўз навбатида даъвогарга ўз ҳуқуқларини судларда ҳимоя қилиш билан боғлиқ муайян муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Одатда бундай муаммолар судга мурожаат қилиш учун белгиланган қисқартирилган процессуал муддатларнинг ўтиб кетиши оқибатида вужудга келади.

Корпоратив низоларнинг судловга тегишлилиги умумий судловга тегишлилик қонидасидан фарқ қилади. Масалан, умумий судловга тегишлилик қондаларига кўра, юридик шахсларга нисбатан даъволар улар давлат рўйхатидан ўтган жойдаги, юридик шахсларга нисбатан уларнинг алоҳида бўлинмалари фаолиятдан келиб чиқадиган даъволар алоҳида бўлинмалар давлат рўйхатидан ўтган жойдаги, фуқароларга нисбатан даъволар улар якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган жойдаги судга тақдим этилади. Яъни бошқача қилиб айтганда, даъволарнинг судга тақдим этилиши жавобгарнинг давлат рўйхатидан ўтган жой билан боғлиқ бўлса, корпоратив низолар бўйича эса даъволар корпоратив низо вужудга келган юридик шахснинг жойлашган жойдаги судга тақдим этилади. Амалиётда айрим ҳолатларда корпоратив низонинг судловга тегишлилигини аниқлашда хатоликлар ва иккиланишлар ҳам учраб туради. Масалан, таъсисчининг юридик шахс томонидан тузилган кўчмас мулкни олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги даъвоси бўйича, агар юридик шахснинг жойлашган жойи ва кўчмас мулкнинг жойлашган жойи бошқа-бошқа ҳудудларда бўлса, даъвони кўриб чиқилиши қайси судга тегишли эканлигини аниқлаш борасида иккиланишлар ҳам йўқ эмас. Чунки ИПКда кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқини тан олиш тўғрисидаги даъволар, кўчмас мулк ҳақидаги низолар, шу жумладан кўчмас мулкни бошқа шахснинг ғайриқонуний эгалигидан талаб қилиб олиш тўғрисидаги ёхуд мулкдорнинг ёки мол-мулкнинг бошқа қонуний эгасининг ҳуқуқлари эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда бузилишини бартараф этиш ҳақидаги ва кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар тўғрисидаги бошқа даъволар кўчмас мулк жойлашган ердаги судга тақдим этилиши белгилаб қўйилган.

Фикримизча, кўчмас мулк билан боғлиқ корпоратив низоларга оид муурожаатлар юридик шахс жойлашган ердаги иқтисодий судга тақдим этилиши лозим.

Судлар инобатга олишлари керакки, мазкур тоифадаги ишлар бўйича ИПКнинг 94-моддасида кўрсатилган даъвони таъминлаш чоралари қўлланилиши мумкин. Бунда даъвони таъминлаш чоралари арз қилинган талабларга мос келиши, яъни бевосита низо предметига боғлиқ, даъво талабларига мутаносиб, суд ҳужжати ижросини таъминлаш учун керакли ва етарли бўлиши лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қонунчиликда айрим корпоратив низолар бўйича судга муурожаат қилмоқчи бўлган шахслар учун алоҳида муддатлар ҳам белгиланган. Масалан, “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 41-моддасининг биринчи қисмига кўра, жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари, жамиятнинг устави талаблари бузилган ҳолда қабул қилинган ҳамда жамият иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган қарори овоз беришда иштирок этмаган ёки баҳсли қарорга қарши овоз берган жамият иштирокчисининг аризасига кўра суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин. Бундай ариза жамият иштирокчиси қабул қилинган қарор тўғрисида билган ёки билиши лозим бўлган кундан эътиборан икки ой ичида берилиши мумкин. Бунда икки ойлик муддат йиғилишда иштирок этган иштирокчи учун қарор қабул қилинган кундан, йиғилишда иштирок этмаган иштирокчи учун эса, у қарор тўғрисида билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб ҳисобланади.

Худди шунингдек, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасига кўра, акциядор томонидан ўзига тегишли акциялар имтиёзли ҳуқуқ бузилган ҳолда сотилган тақдирда, жамиятнинг исталган акциядори ва (ёки) жамият бундай қоидабузарлик тўғрисида акциядор ёки жамият билган ёхуд билиши лозим бўлган пайтдан эътиборан уч ой ичида ўзига сотиб олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўтказилишини суд тартибида талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Судлар шуни эътиборга олишлари лозимки, ушбу икки ва уч ойлик муддатлар махсус даъво муддатлари ҳисобланади ва у суд томонидан фақат низодаги тарафнинг ҳал қилув қарори қабул қилунгунга қадар берган аризасига мувофиқ қўлланилади. Шу билан бирга, ушбу муддат ўтказиб юборилган бўлиб, унинг сабаблари даъвогарнинг илтимосномасида кўрсатилган бўлса, суд уни узрли деб топиб, ФКнинг 159-моддасига мувофиқ тиклаши мумкин.


V БОБ

КОРПОРАТИВ НИЗОЛАРНИ КЎРИШДА СУД ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ТАҚСИМЛАНИШИ

ИПКнинг 112-моддасида суд харажатларининг икки хил тури санаб ўтилган бўлиб, буларнинг бири давлат божи, иккинчиси ишни кўриш билан боғлиқ суд чиқимларидир.

СКнинг 328-моддасида давлат божи тушунчасига юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни амалга оширганлик ва (ёки) бундай ҳаракатлар учун ваколатли муассасалар ва (ёки) мансабдор шахслар томонидан ҳужжатлар берганлик учун олинадиган мажбурий тўлов, деб таъриф берилган.

Суд чиқимлари – суд ҳужжатларини юбориш билан боғлиқ почта харажатларидан, суд тайинлаган экспертизани ўтказиш, гувоҳни чақириш, далилларни жойида кўздан кечириш, суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш, таржимон хизматидан фойдаланиш билан боғлиқ харажатлардан, шунингдек, ишни кўриш билан боғлиқ бошқа харажатлардан иборатдир.



Санаб ўтилган суд харажатларидан давлат божи ва почта харажати билан боғлиқ чиқимлар деярли барча ишларни кўришда судлар томонидан ундирилади. Қолган суд харажатларини ундириш масаласи судлар томонидан иш ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда, бундай суд чиқимлари мавжуд бўлган ёки бўлмаганлигига қараб ҳал этилади.

Қоида тариқасида бошқа даъволар сингари корпоратив даъволар бўйича ҳам судларга мурожаат қилинганда, давлат божи олдиндан тўланади.

СКнинг 327-моддасида белгиланган талаблардан келиб чиқиб, судлар шуни инобатга олишлари лозимки, агар давлат божи даъвогар (аризачи), апелляция, кассация ёки назорат шикоятни берувчи шахс ўрнига бошқа шахс томонидан тўланган бўлса (корхона учун унинг раҳбари ёки таъсисчиси томонидан давлат божи тўланган ҳоллар бундан мустасно), давлат божи ҳақиқатда тўланмаганлигидан келиб чиққан ҳолда, даъво аризаси (ариза), апелляция, кассация ёки назорат шикоятни тегишинча ИПК 155-моддаси биринчи қисмининг 6-банди, 269-моддаси биринчи қисмининг 3-банди, 292-моддаси биринчи қисмининг 4-банди ва 313-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига асосан қайтарилиши лозим.

ЎДДА ТУТИНГ!

Судга мурожаат қилувчиларга қулайлик яратиш, давлат божининг тўғри тўланишига эришиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий судининг расмий сайтида “Суд харажатларини тўлаш бўйича реквизитлар” рукни мавжуд бўлиб, ушбу рукннинг “Иқтисодий ишлар бўйича давлат божи ва жарима реквизитлари” саҳифасига (<http://oliysud.uz/articles/565/raschetnie-scheta-sudov>) кирган ҳолда, Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган исталган иқтисодий суднинг давлат божи бўйича реквизитларини аниқлаш мумкин.

Инобатга олиниши лозимки, судларга даъво ариза ёки аризалар билан мурожаат этилаётганида баъзи даъвогар ёки аризачилар қонун билан давлат божи тўловидан озод этилган. Жумладан, СКнинг 330-моддасида иқтисодий судларга мурожаат қилишда давлат божи тўлашдан озод қилинган шахсларнинг рўйхати ва асослари келтирилган.

Бироқ ушбу шахсларнинг айримлари корпоратив ҳуқуқий муносабатларда иштирокчи сифатида қатнаша олса-да, давлат божи тўловидан озод этилмаган.

Жумладан, деҳқон хўжалиги қишлоқ хўжалиги товарларини ишлаб чиқарувчи субъект ҳисобланиб, корхона (корпоратив) сифатида тан олинса-да, аммо у корпоратив низола бўйича судга даъво аризаси (ариза) билан мурожаат қилганда, СКнинг 330-моддаси бўйича давлат божидан озод этилмайди ва бундай низола юзасидан давлат божини умумий асосларда тўлайди. Чунки СК 330-моддасининг 2-бандида қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар фақатгина тайёрлов

ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар шартнома мажбуриятларини бажармаганлиги билан боғлиқ даъволар бўйича давлат божи тўловидан озод этилган.

СКнинг 330-моддасида қайд этилган шахслардан қуйидагилари корпоратив низолар бўйича иқтисодий судларга даъво ариза ёки аризалар билан мурожаат этишга ҳақли ва улар бундай мурожаатлар учун мазкур моддага асосан давлат божи тўлашдан озод қилинган

Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи – қимматли қоғозлар эгаларининг ҳамда давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадидаги даъволари бўйича

Прокуратура органлари – давлатнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар ҳамда берилган аризалар юзасидан

Адлия органлари – давлатнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар ҳамда берилган аризалар юзасидан

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари – палата аъзоларининг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар юзасидан, шунингдек, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан палата аъзоларининг манфаатларини кўзлаб қилинган шикоятлар бўйича

Молия органлари – барча ишлар ва ҳужжатлар бўйича, шунингдек алоҳида юритиладиган ишлар бўйича судга аризалар берганлик учун

Бу ерда молия органлари томонидан фақатгина давлат улуши акциялари (давлат пайи)га ҳисобланган (ҳисоблаб ёзилмаган) дивидендлар бўйича қарзларни ундириш билан боғлиқ даъволар бўйича қўзғатилган ишлар корпоратив низоларга оид ишлар ҳисобланади ва улар тегишлича ИПК 30-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига мувофиқ сифатида кўриб чиқилади.

Бундан ташқари, мазкур моддадаги Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи деганда, Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази ва унинг ҳудудий органлари тушунилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг “Иқтисодий судлар томонидан давлат божи тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида” 2008 йил 18 апрелдаги 180-сонли қарорининг 7.5-бандида СК 337-моддасининг йигирма еттинчи қисмига кўра, **акциядорлар** акциядорлик жамиятининг фаолиятдан келиб чиқадиган низолар бўйича ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисидаги даъво билан иқтисодий судга мурожаат қилган тақдирда, акциядорларга давлат божини тўлаш муддати кечиктирилиб, бу бож кейинчалик айбдор тарафдан ундириб олиниши тўғрисида тушунтириш берилган.

Шу муносабат билан судлар инobatга олишлари лозимки, акциядорлар акциядорлик жамияти фаолиятдан келиб чиқадиган низолар бўйича ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисидаги даъво билан иқтисодий судга мурожаат қилган тақдирда, уларга давлат божини тўлаш муддати кечиктирилиб, бу бож кейинчалик айбдор тарафдан ундирилади. Бунда илтимосномага акциядор томонидан унинг мулкий аҳволи давлат божини ўрнатилган тартибда тўлаш учун имконият бермаслигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг илова қилиниши талаб этилмайди.

Даъвогар тўлашдан белгиланган тартибда озод қилинган тақдирда, ишни кўриш бўйича давлат божи, агар жавобгар бож тўлашдан озод қилинмаган бўлса, қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда жавобгардан республика бюджети даромадига ундирилади.

Шуни назарда тутиш лозимки, ИПК 118-моддасининг еттинчи қисмига кўра, давлат божи тўлашдан озод қилинган давлат органлари ҳамда бошқа шахслар томонидан юридик шахслар ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб тақдим этилган даъво талабларини қаноатлантириш рад этилган ёки улар қисман қаноатлантирилган тақдирда, давлат божи манфаатлари кўзланиб даъво тақдим этилган шахслардан даъво талабларининг қаноатлантирилиши рад этилган қисмига мутаносиб равишда ундирилади.

Яъни корпоратив низо бўйича давлат божи тўлашдан озод қилинган давлат органлари ҳамда бошқа шахслар томонидан киритилган даъвонинг суд томонидан тўлиқ ёки қисман рад этилиши, иш якуни бўйича

даъвогардан даъво талабининг рад этилган қисмига мутаносиб равишда давлат божини ундирилишига сабаб бўлади.

Бундан ташқари, СКнинг мазкур моддасида аризачи ва жавобгарлар фақатгина қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва (ёки) ўз устав фондиди (устав капиталини) шакллантирмаган корхоналарни тугатишга доир ишлар бўйича давлат божи тўловидан озод этилганлигига ҳам эътибор қаратилиши зарур.

Давлат божи ундирилишида хатоликка йўл қўймаслик мақсадида ИПКнинг 30-моддасида санаб ўтилган корпоратив низоларга доир судларда кўрилган ишларни даъво аризасининг мазмунига қараб икки турга бўлиб, давлат божи ундириш масаласини ҳал қилиш лозим.

Мулкий тусдаги корпоратив даъволар

- дивиденд ундириш;
- ўз вақтида тўланмаган дивидент учун пеня ундириш;
- акциялар қийматини ундириш;
- МЧЖ иштирокчисининг устав фондидаги улушини ундириш;
- суд томонидан таъсис шартномаси ва умумий йиғилиш қарорининг ҳақиқий эмас, деб топилиши натижасида мол-мулкни қайтариш;
- моддий ва маънавий зарарни ундириш.

Мулкка оид бўлмаган тусдаги (номулкий тусдаги) корпоратив даъволар

- юридик шахс бошқарув органларининг қарорлари устидан шикоят қилиш;
- юридик шахс иштирокчиларининг умумий йиғилишини чақириш;
- акциядорнинг акцияларга бўлган ҳуқуқини қайта расмийлаштириш мажбуриятини юклаш;
- акциядорни акцияларга бўлган мулк ҳуқуқини тан олиш;
- акциялар бозор қийматини тўлаб бериш мажбуриятини юклаш;
- АЖ зиммасига акциядорга қонун доирасида жамият ҳужжатларидан фойдаланиш имкониятини бериш мажбуриятини юклаш;
- МЧЖ иштирокчисининг устав фондидаги улушидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш ҳақидаги келишувни ҳақиқий эмас, деб топиш;
- иштирокчини МЧЖнинг таъсисчилар сафидан чиқариш;
- таъсис ҳужжатларини ҳақиқий эмас, деб топиш ва ҳақиқий эмаслик оқибатлари қўллаш;
- МЧЖ умумий йиғилиши қарорини қабул қилишда ифодаланган таъсисчилар хатти-ҳаракатларини ноқонуний, деб топиш;
- корхонани ҳуқуқий шаклини ўзгартириш мажбуриятини юклаш.

Мулкий тусдаги даъво аризаларда қўйилган талаблар муайян қийматга (баҳога) эга бўлиб, давлат божи миқдори ундириладиган суммадан келиб чиқиб аниқланади. Масалан, дивидендларни ундириш ҳақидаги талаб бўйича давлат божи мулкий тусдаги даъволар учун белгиланган ставкадан келиб чиқиб тўланади (ундирилади).

Номулкий хусусиятдаги даъво аризалари (аризалар)да қўйилган талабда одатда баҳо бўлмайди, бундай даъво аризаларида қўйилган талаб бирор қийматга эга бўлмаганлиги сабабли низо бўйича давлат божи энг кам ойлик иш ҳақининг миқдоридан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сонли қарори билан тасдиқланган Давлат божи ставкаларининг 2-бандида иқтисодий судларга бериладиган даъволар бўйича агар даъво мулкий тусда бўлса, даъво баҳосининг 2 фоизи миқдорида, лекин энг кам ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда, мулкка оид бўлмаган тусдаги даъво аризаларидан энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдорида давлат божи тўланиши (ундирилиши) белгиланган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти амалга оширадиган тадбиркорлик фаолияти доирасида иқтисодий судга мурожаат қилинганда белгиланган ставканинг 50 фоизи миқдорида давлат божи тўланади. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектининг мақоми статистика ташкилотларининг маълумотномаси билан тасдиқланади.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, иш кичик бизнес ёки хусусий тадбиркорлик субъектининг даъво аризасига асосан қўзғатилмаган бўлиб, ушбу иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжати устидан кичик бизнес ёки хусусий тадбиркорлик субъекти (жавобгар) апелляция, кассация ёки назорат шикоят билан мурожаат қилганда, давлат божи умумий тартибда ва миқдорда тўланади. Яъни давлат божи тўлови бўйича 50 фоизлик ставка фақатгина кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти томонидан даъво аризаси берилганда амал қилади. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти томонидан белгиланган ставканинг 50 фоизи миқдорида давлат божи тўланган бўлиб, унинг даъвоси рад этилганда, ундан давлат божи қўшимча равишда ундирилмайди.

СК 336-моддасининг биринчи қисмига кўра, давлат божи, агар СКда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, судга мурожаат қилингунга қадар олдиндан нақд пулли ёки нақд пулсиз шаклда тўланади. Давлат божи нақд пулсиз шаклда тўланганлиги хизмат кўрсатувчи банкнинг белгиси

бўлган тўлов топшириқномалари ҳамда пул маблағи қабул қилинганлиги ва давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги қвитанцияларнинг асли даъво аризалари (аризалар), апелляция, кассация ва назорат шикоятларига илова қилинади ҳамда иш ҳужжатларига қўшиб қўйилади.

Қонунда белгиланган ҳолларда ва асосларда иқтисодий суд даъвогарнинг аризасига кўра, унинг мулкӣ аҳволига қараб, давлат божини тўлашни кечиктиришга ёки бўлиб-бўлиб тўлаш учун рухсат беришга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг “Иқтисодий судлар томонидан давлат божи тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида” 2008 йил 18 апрелдаги 180-сонли қарорининг 7-бандида судларга СК 337-моддасининг йигирма олтинчи қисмига кўра, пул маблағлари мавжуд бўлмаган, бу хизмат кўрсатувчи банк томонидан тасдиқланган тақдирда, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахсларга суднинг ажримига кўра, давлат божини кечиктириб тўлашга рухсат берилиши мумкинлиги тўғрисида тушунтириш берилган. Шунинг назарда тутиш керакки, иқтисодий суд ушбу шахслар апелляция, кассация ёки назорат шикояти билан мурожаат қилганда ҳам, давлат божини тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш учун рухсат беришга ҳақли.

Давлат божи тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш учун рухсат бериш манфаатдор тарафнинг ёзма илтимосномаси бўйича амалга оширилади. Илтимоснома даъво аризасида (аризада), апелляция, кассация ёки назорат шикоятида ёхуд алоҳида аризада баён этилиши мумкин.

Илтимосномада даъво аризаси (ариза), апелляция, кассация ёки назорат шикоятини беришда уларга манфаатдор тарафнинг мулкӣ аҳволи давлат божини белгиланган тартибда тўлаш имкониятини бермаслигини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинган ҳолда ушбу ҳужжатларда давлат божи тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш асослари келтирилиши лозим.

Илтимосномани қаноатлантириш ҳақида даъво аризаси (ариза), апелляция, кассация ёки назорат шикоятини қабул қилиш тўғрисидаги ажримда, илтимосномани қаноатлантиришни рад этиш ҳақида даъво аризаси (ариза), апелляция, кассация ёки назорат шикоятини қайтариш тўғрисидаги ажримда кўрсатилади. Ажримда илтимосномани қаноатлантириш ёхуд уни қаноатлантиришни рад этиш асослари кўрсатилиши керак.

НАМУНА

“Техрон” МЧЖ таъсисчиси Б.Равшанов 2015-2017-йиллар учун МЧЖ томонидан унга дивиденд тўлаб берилмаганлиги сабабли 2018 йил июль ойида судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, МЧЖдан 8 750 000 сўм дивиденд ундиришни сўраган.

Даъво аризасига илова сифатида берилган давлат божи тўловини кечиктириш тўғрисидаги илтимосномада Б.Равшанов ҳеч қаярда ишламаслигини, оиласи йўқлигини, иккинчи гуруҳ ногирони эканлигини, ногиронлик бўйича оладиган нафақаси дори-дармонга ҳам етмаслигини, даромад манбаи фақатгина МЧЖ томонидан тўлаб берилган дивиденддан иборат эканлигини маълум қилиб, маҳалла фуқаролар йиғини маълумотномаси ва ногиронлиги тўғрисидаги пенсия гувоҳномасининг кўчирма нусхасини илова қилган.

Суднинг ажрими билан илтимоснома қаноатлантирилиб, даъво аризаси иш юритишга қабул қилинган.

Ишни кўриш якуни бўйича суднинг ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг талаби асосли деб топилиб, даъво қаноатлантирилган. Шунингдек, даъво аризасини беришда даъвогарнинг илтимосномасига асосан давлат божи тўлови кечиктирилганлиги сабабли МЧЖдан 184 300 сўм давлат божи ундирилган. Суд томонидан давлат божи ундиришда даъво аризасида талаб қилинган сумманинг 2 фоизи 175 000 сўмни ташкил этиб, ушбу сумма энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан кам эканлиги инobatга олинган.

ИПКнинг 118-моддасида белгиланган умумий қоидага кўра, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади. Яъни даъво қисман қаноатлантирилганда, давлат божи бўйича суд харажатлари иқтисодий суд томонидан даъвогарга қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда, жавобгарга даъво талаблари рад этилган қисмига мутаносиб равишда ундирилади.

Ҳал қилув қарори ўз фойдасига чиқарилган тарафга иш бўйича қилинган барча суд харажатларининг ўрни, гарчи бошқа тараф давлат божини тўлашдан озод этилган бўлса ҳам ушбу бошқа тараф ҳисобидан қопланади.

ЁДДА ТУТИНГ!

Корпоратив низолар бўйича даъво талаблари бир вақтнинг ўзида ҳам мулкий ва ҳам номулкий хусусиятга эга бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда мулкий хусусиятдаги даъво талаби учун белгиланган ставкалар бўйича ва номулкий хусусиятдаги даъво талаби учун белгиланган ставкаларга кўра, ҳар бир талаб бўйича алоҳида-алоҳида давлат божи тўланади.

НАМУНА

“Great wall” МЧЖнинг ягона таъсисчиси Р.Асатов МЧЖ ва “Ораста” ХКга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, МЧЖ ва ХК ўртасида тузилган Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 2-уй манзилида жойлашган савдо дўконини олди-сотди шартномасини расмийлаштириш учун асос бўлган МЧЖ таъсисчисининг 2017 йил 10 апрелдаги қарорини ва 12 апрелдаги олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас, деб топишни ва

қиймати 250 000 000 сўмлик мулкни қайтаришни сўраган.

Аниқланишича, жиноят ишлари бўйича Урганч шаҳар судининг 2017 йил 25 августдаги ҳукми билан МЧЖ директори Б.Шарипов МЧЖ таъсисчиси Р.Асатовнинг узоқ муддатли хизмат сафарига кетганлигидан фойдаланиб, ўзининг укаси В.Шарипов билан жинойий тил бириктириб, ушбу кўчмас мулкни укасининг ХКсига сотиш учун МЧЖнинг таъсисчиси Р.Асатовнинг қарорини сохталаштириб, ўзганинг мол-мулкани талон-тарож қилишда айбдор деб топилган.

ИПКнинг 73-моддасига кўра жиноят ишлари бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳукми муайян ҳаракатлар содир этилганлиги ёки содир этилмаганлиги ва улар кимлар томонидан содир этилганлиги масалалари бўйича иқтисодий суд учун мажбурийдир.

Биринчи инстанция суди томонидан даъво талаби тўлиқ қаноатлантирилиб, даъво аризаси судга берилганда энг кам иш ҳақи миқдори 149 775 сўмни ташкил этганлигидан келиб чиқиб, ХКдан бюджетга 2 995 500 сўм давлат божи ундирилган. Аммо биринчи инстанция суди томонидан даъво талабининг мол-мулкни талаб қилиб олиш тўғрисидаги қисми бўйича давлат божи ундирилмасдан, қонун бузулиши ҳолатига йўл қўйилган.

Бундай ҳолатда даъво аризасида қўйилган 2 та номулкий талаб бўйича, яъни МЧЖ таъсисчисининг 2017 йил 10 апрелдаги қарорини ва 12 апрелдаги олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас, деб топиш бўйича ҳар бири учун энг кам иш ҳақининг 10 бараваридан 2 995 500 сўм, мол-мулкни талаб қилиб олиш тўғрисидаги даъво бўйича мол-мулкнинг қийматидан келиб чиққан ҳолда, 250 000 000 сўмнинг 1 фоизи миқдоридан (иш судда кўрилган вақтда мулк иш тусдаги даъволар бўйича давлат божи даъво баҳосининг 1 фоизи миқдоридан, лекин энг кам ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ундирилиши лозим бўлган) 2 500 000 сўм, жами 5 495 500 сўм ундирилиши лозим бўлган.

ИПКда суднинг ишда иштирок этувчи шахсларнинг суд харажатларини тақсимлаш тўғрисидаги келишувига мувофиқ ҳал қилув қарорини қабул қилиши ҳам назарда тутилган. Аммо бундай келишувнинг шакли ва мазмуни борасида ИПКда аниқ талаблар кўрсатилмаган.

Яна бир муҳим масала, даъво биргаликда бир нечта даъвогар томонидан бир ёки бир нечта жавобгарга нисбатан тақдим этилганда давлат божи даъвонинг умумий суммасидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқилади ва даъвогарлар томонидан улар қўйган талабларга мутаносиб тарзда тўланади.

Даъвонинг умумий суммасидан келиб чиққан ҳолда давлат божи қуйидаги ҳолларда ҳам ундирилади:

даъво даъвогар томонидан бир нечта жавобгарга нисбатан тақдим этилганда;

даъво аризаларини қабул қиладиган судья бир тусдаги бир неча талабни бир иш юритувига бирлаштирганда.

Давлат божини тўлашдан озод этилган бир ёки бир нечта даъвогар томонидан бир нечта жавобгарга нисбатан тақдим этилган даъво тўлиқ ёки қисман қаноатлантирилганда давлат божини ундириш суднинг ҳал қилув қарорига биноан, ҳар бир жавобгардан белгиланган қарз суммасидан келиб чиққан ҳолда алоҳида-алоҳида амалга оширилади. Агар бундай даъво бир нечта даъвогарлар томонидан бир жавобгарга нисбатан тақдим этилган бўлса, давлат божи жавобгардан умумий белгиланган қарз суммасидан келиб чиққан ҳолда бюджетга ундирилади.

Суд ҳужжатлари устидан апелляция, кассация, назорат шикоятни бериш билан боғлиқ суд харажатлари ИПКнинг 118-моддасида баён этилган қоидаларга мувофиқ тақсимланади.

Суд ҳужжатларини юбориш билан боғлиқ почта харажатларининг тахминий суммаси суд томонидан аниқланади ва даъво аризаси (ариза, шикоят) берувчи шахс томонидан суднинг депозит ҳисобварағига киритилиши лозим. Почта харажатларининг миқдори ҳар бир вилоятлар бўйича бир-биридан фарқ қилади ва ҳозирги кунда почта харажатлари тегишли тарзда 5 000 сўмдан 16 000 сўмгача бўлган суммани ташкил этади.

Суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш билан боғлиқ суд харажатларининг суммаси суд томонидан белгиланади ва ишда иштирок этувчи шахслардан ишни кўриб чиқиш натижалари бўйича ушбу Кодекснинг 118-моддасига мувофиқ ундирилади. Бугунги кунда ушбу сумма 30 000 сўмни ташкил этмоқда.

Экспертлар, мутахассислар, гувоҳлар ва таржимонлар томонидан судга келиб-кетиш билан боғлиқ бўлган йўлқира, турар жой ижараси, кундалик харажатлар ва бошқа шу каби харажатлар қилиниши боис иш кўрилиши натижаси бўйича айбдор тарафдан мазкур харажатлар улар фойдасига ундириб берилади.

Экспертлар, мутахассислар ва таржимонлар томонидан суднинг топшириғи бўйича бажарган ишлари уларнинг хизмат вазибалари доирасига бевосита кирмаган тақдирдагина, улар бу ишлари учун ҳақ олиши мумкин бўлади.

Одатда гувоҳлар, таржимонлар, мутахассислар ва экспертларга тўланиши лозим бўлган сумма тегишли илтимоснома билан мурожаат қилган ишда иштирок этувчи шахс томонидан суднинг депозит ҳисобварағига олдиндан ўтказилади. Агар илтимоснома иккала тарафга тегишли бўлса, талаб қилинадиган суммани улар тенг бўлиб ўтказиши лозим. Агар экспертиза суднинг ташаббуси билан тайинланса, тўланиши лозим бўлган суммалар экспертга суднинг депозит ҳисобварағидан тўланади.

Суд харажатларини ундириш масаласи суд фаолиятида муҳим ҳисобланади. Яъни суд низони мазмунан тўғри ва қонуний ҳал қилган бўлиб, суд харажатларини ундиришда хатоликка йўл қўйган бўлса, бу ҳолат суд ҳужжатининг тегишли қисмини ўзгартиришга ёки бекор қилиш учун асос ҳисобланади.

ИПКнинг 179-моддасида ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида суд харажатларини ишда иштирок этувчи шахслар ўртасида тақсимлаш кўрсатилиши шартлиги белгиланган. Ҳал қилув қарори ёки қарор қабул қилишда суд харажатлари тўғрисидаги масала ҳал этилмаган бўлса, суд қўшимча ҳал қилув қарори қабул қилиш орқали уни ҳал этиши керак.

VI БОБ

КОРПОРАТИВ НИЗОЛАРНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИ СУДДА КЎРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

6.1. Корпоратив низолар ҳақида умумий тушунчалар

Корпоратив низоларнинг судга тааллуқлилиги, яъни мазкур тоифадаги низоларнинг қайси суд томонидан кўриб чиқилиши процессуал қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Улар мураккаб тоифадаги низолар ҳисобланади. Чунки бундай низоларда аксарият ҳолларда тарафларнинг сони кўп миқдорда бўлади ва уларнинг ҳал этилиши бир қанча ҳуқуқ субъектларининг, шу жумладан, давлат органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир қилади. Корпоратив низоларнинг субъектлари сифатида ҳам юридик шахслар, ҳам жисмоний шахслар иштирок этишлари мумкин. Шу сабабли бундай тоифадаги низоларни кўришда ҳуқуқ ва манфаатларига таъсир қиладиган барча шахсларни аниқлаш ҳамда уларни ишга жалб қилиш орқали тарафларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш муҳим ҳисобланади.

ИПК 25-моддаси биринчи қисмининг 5-бандига кўра, корпоратив низолар иқтисодий судлар томонидан кўриб чиқилади. Шу билан бирга, таъкидлаш керакки, мазкур тоифадаги низолар у ёки бу кўринишда илгари ҳам судларда кўрилган. Аммо улар “корпоратив низолар” дейилмаган. Бу тоифадаги низолар унда иштирок этувчи шахсларга, яъни ҳуқуқий муносабатларнинг субъектларига кўра, фуқаролик ишлари бўйича судларда ёки иқтисодий судларда (илгари хўжалик судларида) кўриб чиқилган.

Жумладан, агар бирор корхонанинг таъсисчилари жисмоний шахслар бўлиб, улар ўртасида шу корхонанинг устав фондидаги улушини тақсимлаш бўйича низо келиб чиқса, фуқаролик ишлари бўйича судларга, агар бу тоифадаги низолар юридик шахслар ўртасида келиб чиққан бўлса, иқтисодий судларга даъво аризаси билан мурожаат қилинган.

Яъни ФПК олдинги таҳрири (2018 йил 1 апрелгача) 31-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига кўра, фуқаролик ишлари бўйича судларга тарафлардан ҳеч бўлмаганда биттаси фуқаро бўлган низоларга доир ишлар, бундан қонунда бундай низоларни ҳал қилиш бошқа судларга ёки бошқа органларга топширилган ҳоллар мустасно, тааллуқлидир.

Бундан ташқари, фуқаролик ишлари бўйича судлар мазкур Кодекс 264-моддасининг биринчи банди талабларига мувофиқ, давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятлар бўйича ишларнинг бир тури сифатида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузувчи хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан берилган шикоятларга оид ишларни ҳам кўриб чиққан. Бу тоифадаги ишларни кўришнинг ўзига хос процессуал тартиби шу Кодекснинг 27-бобида батафсил берилган.

Демак фуқаролик ишлари бўйича судлар у ёки бу кўринишдаги корпоратив низоларни ФПК 264-моддасининг биринчи банди ва 27-бобида қайд этилган қоидалар асосида кўриб ҳал этган.

Хўжалик судлари эса корпоратив низоларни у ёки бу кўринишда дастлаб ХПКни 2013 йил 30 апрелгача бўлган таҳрири 23-моддаси биринчи қисмининг 1-бандида белгиланган талабларга мувофиқ кўриб келган.

Таъкидлаш жоизки, судга таллуқлилиқнинг ушбу тартиби, яъни корпоратив низолар тоифасига кирувчи низоларнинг айримларини хўжалик судларига, бошқаларини эса фуқаролик ишлари бўйича судларга тааллуқлилиги улар бўйича ишларнинг судлар томонидан ҳал этилиши юзасидан ягона суд амалиётини шакллантириш ва такомиллаштириш борасида судьялар ўртасида муайян қийинчиликларни, тушунмовчиликларни, ҳаттоки хато ва камчиликларни келтириб чиқариш билан бир қаторда, ишда иштирок этувчи шахсларнинг ортиқча оврагарчиликларига сабаб бўлди, одил судловнинг сифатига салбий таъсир қилди ва ҳоказо.

Кейинчалик, яъни 2013 йил 30 апрелда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниб, ХПКга бир қанча ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, ХПК 23-моддасининг биринчи қисми янги 4-банд билан тўлдирилди. Мазкур банддаги қоидада иштирокчилар ўртасида, иштирокчилар билан хўжалик ширкатлари ва жамиятлари ўртасида, шу жумладан, акциядорлар ўртасида, акциядор билан акциядорлик жамияти ўртасида хўжалик ширкатлари ва жамиятлари фаолиятдан келиб чиқадиган низоларга доир ишлар, бундан меҳнатга оид низолар мустасно, хўжалик судларининг судловига тааллуқлилиги белгилаб қўйилди.

Ушбу қоидада акс этган низолар “корпоратив низолар” деб аталган бўлмасада, уларнинг барчаси моҳияти ва мазмунига кўра, корпоратив низолар ҳисобланган.

ХПКга киритилган мазкур қўшимча қоида асосида юқорида таъкидланган ва фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан кўриб келинаётган корпоратив низо тоифасига кирувчи низолар ушбу судларнинг тааллуқлилигидан иқтисодий судлар (хўжалик судлари)нинг тааллуқлилига ўтказилди.

Чунки ФПКни ўша пайтда (2013 йил 30 апрель ҳолатида) амалда бўлган таҳрири 31-моддасининг 1-банди мазмунига кўра, тарафлардан ҳеч бўлмаганда биттаси фуқаро бўлган низоларга доир ишлар, бундан қонунда бундай низоларни ҳал қилиш бошқа судларга ёки бошқа органларга топширилган ҳоллар мустасно, фуқаролик ишлари бўйича судларга тааллуқли ишлар жумласига киради. Яъни ушбу бандда “бундан қонунда бундай низоларни ҳал қилиш бошқа судларга ёки бошқа органларга топширилган ҳоллар мустасно” деган қонуннинг мавжудлиги ҳамда 2013 йил 30 апрелда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан ХПК 23-моддасининг биринчи қисми янги 4-банд билан тўлдирилиб, корпоратив низолар тоифасига кирувчи низоларни ҳал этиш ваколати фақат иқтисодий судлар (хўжалик судлари)га ўтказилганлиги натижасида фуқаролик ишлари бўйича судлар бу тоифадаги низоларни кўриб чиқишга ҳақли бўлмай қолди.

Мазкур тоифадаги ишларга оид низо вужудга келган тақдирда ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиси юридик ёки жисмоний шахс бўлишидан қатъий назар, хўжалик суди томонидан кўриб чиқилиши ҳақидаги қонуннинг белгиланиши, хўжалик процессида тараф сифатида жисмоний шахснинг иштирок этиши ҳуқуқини таъминлаб берган янгилардан бири бўлди. Айнан шу ҳолат, яъни корпоратив низолар бўйича юридик шахслар, яқка тартибдаги тадбиркорлар билан бир қаторда, жисмоний шахсларнинг ҳам хўжалик судида тараф сифатида иштирок этиши, ХПКда белгиланган бошқа низолардан фарқли ўзига хос хусусиятлардан бири сифатида намоён бўлди.

Шу нуқтаи назардан, 2015 йил 20 августда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниб, ХПК 23-моддасининг 4-бандига ўзгартиш киритилиб, ушбу Кодекснинг 15519-моддасида кўрсатилган корпоратив низолар хўжалик судининг судловига тааллуқли эканлиги кўрсатилди. Ушбу ўзгартиришлар асосида Кодекс “Корпоратив низолар бўйича иш юритиш” деб номланган янги 204-боб билан тўлдирилиб,

корпоратив низоларни хўжалик судлари томонидан кўришнинг процесуал жиҳатлари белгилаб берилди. Мазкур қонун билан “корпоратив низо” атамаси илк бора хўжалик процессуал қонунчилигида акс этди. Шу бобнинг 15519-моддасида хўжалик судлари томонидан кўриб чиқилиши лозим бўлган корпоратив низоларнинг турлари алоҳида санаб кўрсатилди.

Қонунчиликка корпоратив низоларни (меҳнатга оид низолардан ташқари) хўжалик судларига тааллуқлилиги тўғрисидаги норманинг киритилиши бундай низо тарафларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини янада самарали ҳимоя қилинишини таъминлашга сабаб бўлди.

Суд тизимини бошқариш вазифаларининг такрорланишини олдини олиш, ягона суд амалиётини таъминлаш ҳамда судлар фаолияти самарадорлиги ва нуфузини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги ПФ-4966-сонли Фармони билан 2017 йилнинг 1 июнидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди бирлаштирилиб, суд ҳокимиятининг ягона олий органи – Ўзбекистон Республикаси Олий суди ташкил этилди. Шу билан бирга, мазкур Фармон асосида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий судлари этиб ўзгартирилиб, ишларни биринчи инстанцияда кўриб чиқишга ваколатли бўлган 71 та туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судлари ташкил этилди.

Ҳозирда корпоратив низолар иқтисодий судлар томонидан ҳал этилиб келинмоқда.

ЁДДА ТУТИНГ!


Корпоратив низоларга доир ишлар иқтисодий судга тааллуқли бўлиши учун:

- ✓ *биринчидан, ушбу низоларкорпорация фаолиятдан келиб чиққан бўлиши лозим. Аммо бу ерда низо меҳнатга оид бўлмаслиги, яъни иш берувчи билан ходим ўртасидаги ишга қабул қилиш, ишдан бўшатиш, меҳнат таътилини бериш, қўшимча вазифалар юклаш, иш ҳақи тўлаш, моддий жавобгарлик белгилаш, турли меҳнатга оид имтиёзлар бериш ва ҳоказо шу каби муносабатлардан келиб чиқмаслиги лозим;*
- ✓ *иккинчидан, низо фаолиятига тегишли бўлган (фаолиятдан келиб чиққан) корпорация давлат рўйхатидан ўтиб, юридик шахс мақомига эга бўлиши шарт.*

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленуми “Иқтисодий судлар томонидан корпоратив низоларни ҳал этишнинг айрим масалалари тўғрисида” 2014 йил 20 июндаги 262-сонли қарорининг 3 ва 4-бандларидаги қоидаларга кўра, хўжалик ширкати ва жамиятининг таъсис шартномасини тараф сифатида имзолаб, хўжалик ширкати ва жамиятини ташкил этиш мажбуриятини олгандан кейин юридик ва (ёки) жисмоний шахс ёки улар томонидан ваколат берилган шахс ушбу ширкат ва жамиятнинг муассиси (таъсисчиси) ҳисобланади.

Хўжалик ширкати ва жамияти қонунда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиб, юридик шахс мақомини олгандан сўнг унда ўз улуши (пайи, ҳиссаси)га эга бўлган юридик ва (ёки) жисмоний шахс ушбу хўжалик ширкати ва жамиятининг иштирокчиси ҳисобланади.

Акциядорлик жамияти томонидан жойлаштирилган акцияларни олувчи юридик ва (ёки) жисмоний шахс унинг депо ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви белгиланган тартибда киритилган пайдан эътиборан ушбу жамиятнинг акциядори ҳисобланади.



Юқорида қайд этилганидек, корпоратив низо меҳнатга оид бўлмаслиги лозим. Меҳнатга оид низолар деганда, иш берувчи ва ходим ўртасида меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қўлланиши ва меҳнат шартномасида назарда тутилган шартлар юзасидан келиб чиққан келишмовчиликлар тушунилади.

Масалан, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни

79-моддасининг саккизинчи қисмига асосан жамият директорининг, жамият бошқаруви аъзоларининг, ишончли бошқарувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тегишинча ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларида, жамият уставида ҳамда уларнинг ҳар бири жамият билан бир йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади. Шартнома жамият номидан жамият кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади. Жамиятнинг директори, жамият бошқарувининг раиси, ишончли бошқарувчи билан тузиладиган шартномада уларнинг жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан акциядорларнинг умумий йиғилиши ва жамият кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилиши керак.

Таъкидлаш лозимки, акциядорлик жамиятининг директори, жамият бошқаруви аъзолари, ишончли бошқарувчи ҳамда жамият ўртасида тузиладиган бу каби шартномалар бўйича юзага келадиган низо жамият фаолиятдан келиб чиқса-да, иқтисодий судга тааллуқли эмас. Чунки ушбу низолар меҳнат муносабатларидан келиб чиққан бўлади. Худди шу қоида масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органи (директор) ҳамда жамият ўртасида “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 39-моддасининг иккинчи қисмига асосан тузилган шартномалар бўйича юзага келган низоларга нисбатан ҳам қўлланилади.

Бирор акциядорлик жамиятининг акциядори айни вақтда шу жамиятнинг ходими бўлиб, у билан жамият раҳбарияти ўртасида меҳнатга оид низо келиб чиққан бўлса, ушбу низо юзасидан фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиши лозим. Агар у шу тоифадаги низо юзасидан иқтисодий судга даъво аризаси билан мурожаат қилган бўлса, ИПК 154-моддаси биринчи қисмининг 1-банди талабларидан келиб чиқиб, бундай даъво аризасини қабул қилиш рад этилиши, агар ушбу ҳолат ишни кўриш жараёнида аниқланса, ИПК 110-моддасининг 1-бандига мос ҳолда иш юритиш тугатилиши лозим.

Корпоратив низоларни иқтисодий судларда кўриш ИПКда белгиланган тартибда даъво тартибида иш юритишнинг умумий қоидаларига мувофиқ кўриб чиқилади.

Корпоратив низо бўйича даъво аризасига ИПКнинг 149-моддасида белгиланган ҳужжатлардан ташқари, юридик шахснинг давлат рўйхати-

дан ўтказилганлигини тасдиқловчи ва унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳужжат илова қилиниши лозим. Даъво аризасига мазкур ҳужжатларнинг илова қилиниши, энг аввало, юридик шахс тўғрисида тўлиқ маълумотларни олишга хизмат қилади. Шунингдек, ишни судда кўришда манфаатдор шахсларнинг доирасини аниқлаш имкониятини беради. Бундан ташқари, судловга тегишлилик қоидалари бузулишининг олдини олади.

Қонунда даъво аризасига илова қилиниши лозим бўлган мазкур қўшимча маълумотларнинг санаси тўғрисида аниқ муддат белгиланмаган. Бундай ҳужжатлар сифатида, юридик шахснинг белгиланган тартибда тасдиқланган таъсис ҳужжатлари, устав (низом), шунингдек, корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри маълумотномаси бўлиши мумкин.

Ўзбекистонда замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш, электрон давлат хизматларини кўрсатишнинг яхлит тизимини яратиш, давлат органларининг аҳоли билан мулоқот қилишининг янги механизмларини жорий этиш борасида олиб борилган изчил ишлар натижасида, бугунги кунда корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри маълумотномасини ваколатли давлат органига мурожаат қилмасдан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг stat.uz сайтига кириб, хизматлар бўлиmidан тегишли юридик шахснинг КТУТ ёки СТИР кодини териб тўғридан-тўғри олиш имконияти мавжуд.

Корпоратив низоларнинг судловга тегишлилиги умумий судловга тегишлилик қоидасидан фарқ қилади. Умумий судловга тегишлилик қоидаси (ИПКнинг 33-моддаси биринчи қисми)га кўра, юридик шахсларга нисбатан даъволар улар давлат рўйхатидан ўтган жойдаги, юридик шахсларга нисбатан уларнинг алоҳида бўлинмалари фаолиятдан келиб чиқадиган даъволар алоҳида бўлинмалар давлат рўйхатидан ўтган жойдаги, фуқароларга нисбатан даъволар улар яқка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган жойдаги судга тақдим этилиши белгиланган. Яъни бошқача қилиб айтганда, даъволарнинг судга тақдим этилиши жавобгарнинг давлат рўйхатидан ўтган жой билан боғлиқ бўлса, корпоратив низолар бўйича эса даъволар корпоратив низо вужудга келган юридик шахснинг жойлашган жойдаги судга тақдим этилади. Бундан ташқари, ИПКнинг 34–39-моддаларида судловга тегишлиликнинг бошқача, яъни махсус қоидалари ҳам назарда тутилган. Жумладан, ИПК 37-моддасининг бешинчи қисмида белгиланишича, корпоратив низолар бўйича даъволар ушбу Кодекснинг 30-моддасида кўрсатилган юридик шахс жойлашган ердаги судга тақдим этилади.

Мазкур махсус қоида юқорида таъкидланган умумий судловга тегишлилик қоидасидан фарқ қилганлиги учун амалиётда айрим ҳолатларда судьялар ўртасида корпоратив низонинг судловга тегишлилигини аниқлаш билан боғлиқ баъзи тушунмовчиликлар юзага келмоқда. Масалан, таъсисчининг юридик шахс томонидан тузилган кўчмас мулкни олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги даъвоси бўйича, агар юридик шахснинг жойлашган жойи ва кўчмас мулкнинг жойлашган жойи бошқа-бошқа ҳудудларда бўлса, даъвонинг кўриб чиқилиши қайси судга тегишли эканлигини аниқлаш борасида иккиланишлар мавжуд. Чунки ушбу низо биринчидан, кўчмас мулк билан боғлиқ низо бўлса, иккинчидан, у корпоратив низо туркумига киради.

ИПК 37-моддасининг биринчи қисмида кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқини тан олиш тўғрисидаги даъволар, кўчмас мулк ҳақидаги низолар, шу жумладан, кўчмас мулкни бошқа шахснинг ғайриқонуний эгалигидан талаб қилиб олиш тўғрисидаги ёхуд мулкдорнинг ёки мол-мулкнинг бошқа қонуний эгасининг ҳуқуқлари эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда бузилишини бартараф этиш ҳақидаги ва кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар тўғрисидаги бошқа даъволар кўчмас мулк жойлашган ердаги судга тақдим этилиши белгилаб қўйилган бўлса, юқорида таъкидланганидек, ИПК 37-моддасининг бешинчи қисмида эса корпоратив низолар бўйича даъволар ушбу Кодекснинг 30-моддасида кўрсатилган юридик шахс жойлашган ердаги судга тақдим этилиши ҳақидаги қоида мавжуд.

Юқоридаги мисолда низо кўчмас мулк билан боғлиқ бўлса-да, аммо бу ерда даъвони таъсисчи берганлиги учун мазкур низо корпоратив низо ҳисобланади ва айнан шу сабабли бу ҳолда ИПК 37-моддасининг бешинчи қисмидаги махсус қоида қўлланилади.

ИПКнинг 30-моддасида иқтисодий судлар томонидан ҳал этиладиган корпоратив низоларнинг қуйидаги турлари санаб кўрсатилган:

- 1) юридик шахсни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш билан боғлиқ низолар;
- 2) хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларнинг, улушларнинг, кооперативлар аъзолари пайларининг мансублиги, уларга юкламалар белгилаш ва улардан келиб чиқадиган ҳуқуқларни амалга ошириш билан боғлиқ низолар, бундан хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни, улушларни, кооперативлар аъзоларининг пайларини ўз ичига олувчи мерос мол-мулкни ёки эр-хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган низолар мустасно;


- 3) юридик шахс иштирокчиларининг (муассисларининг, аъзоларининг) юридик шахс томонидан тузилган битимларни ҳақиқий эмас, деб топиш ва (ёки) бундай битимларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш ҳақидаги даъволари бўйича низолар;
- 4) қимматли қоғозлар эмиссияси билан, шу жумладан эмитентнинг бошқарув органлари қарорлари юзасидан низолашиш билан, эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштириш жараёнида тузилган битимлар, эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқариш (қўшимча равишда чиқариш) натижалари бўйича ҳисоботлар (хабарномалар) юзасидан низолашиш билан боғлиқ низолар;
- 5) қимматли қоғозларни номинал сақловчиларнинг акциялар ва бошқа қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш, қонунда назарда тутилган бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларни қимматли қоғозларни жойлаштириш ва (ёки) уларнинг муомаласи муносабати билан қимматли қоғозларнинг номинал сақловчилари томонидан амалга ошириш билан боғлиқ фаолиятдан келиб чиқадиган низолар;
- 6) юридик шахс иштирокчиларининг умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги низолар;
- 7) юридик шахс бошқарув органларининг қарорлари устидан шикоят қилиш тўғрисидаги низолар.

Шунингдек, мазкур нормада қонунга мувофиқ корпоратив низолар бўйича ишлар жумласига бошқа низолар ҳам киритилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Йиллар кесимидаги статистик малумотлар таҳлили корпоратив низоларнинг ўзгарувчанлигидан далолат беради. Яъни муайян муддатда ушбу тоифадаги ишларнинг айрим турлари кўпайса, айрим турлари камайган ёки аксинча.

Қуйида корпоратив низоларнинг ушбу турларини иқтисодий судлар томонидан кўриб чиқилишининг ўзига хос процессуал жиҳатлари ҳақида тўхталиб ўтамиз.


ТАЪСИСЧИЛАР САФИДАН ЧИҚАРИШ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОЛАР



Биринчи инстанция судида кўрилган ишларнинг туркумлар бўйича таҳлили

2016 йил						
ИШЛАРНИНГ ТУРКУМИ	Иш категорияси коди	Жами кўрилган ишлар	шундан			
			қаноатлан- тирилган ишлар сони	рад этилган ишлар сони	кўрмасдан қолдирилган ишлар сони	иш юритиш туғатилган ишлар сони
			1	2	3	4
Корпоратив низола юзасидан	39	275	170	70	13	22
таъсисчини жамиятнинг таъсисчилар сафидан чиқариш ҳақида	39.1	74	40	22	6	6
юримдик шахс бошқарув органларининг қарорлари устидан шикоят қилиш тўғрисидаги низола	39.2	45	22	15	3	5
жамиятдан дивидентларни ундириш ҳақида	39.3	83	70	8	1	4
давлат рўйхатидан ўтказишни ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақида	39.4	17	7	5	2	3
жамият устав фондидаги улушни талаб қилиш ҳақида	39.5	18	7	7	1	3
қимматли қоғозлар эмиссияси юзасидан	39.6	1	1			
юримдик шахсни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш билан боғлиқ низола	39.7					
юримдик шахс томонидан тузилган битимларни ҳақиқий эмас, деб топиш ва (ёки) бундай битимларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш ҳақидаги даъвола бўйича низола	39.8	16	6	8		2
юримдик шахс иштирокчиларининг умумий йиғилишини чақариш тўғрисидаги низола	39.9	3	1	1		1
бошқа мазмундаги низола	39.10	37	22	13	1	1

2016 ЙИЛДА КЎРИЛГАН КОРПОРАТИВ НИЗОЛАР



- таъсисчилар сафидан чиқариш тўғрисидаги низолаар
- юридик шахс бошқарув органларининг қарорлари устидан шикоят қилиш тўғрисидаги низолаар
- жамиятдан дивидентларни ундириш ҳақида
- давлат рўйхатидан ўтказишни ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақида
- жамият устав фондидаги улушни талаб қилиш ҳақида
- қимматли қоғозлар эмиссияси юзасидан
- юридик шахсни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш билан боғлиқ низолаар
- иштирокчиларнинг юридик шахс томонидан тузилган битимларни ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги низолаар
- юридик шахс иштирокчиларининг умумий йиғилишини чақариш тўғрисидаги низолаар
- бошқа мазмундаги низолаар

2017 йил						
ИШЛАРНИНГ ТУРКУМИ	Иш категорияси коди	Жами кўрилган ишлар	шундан			
			қаноатлан-тирилган ишлар сони	рад этилган ишлар сони	кўрмасдан қолдирилган ишлар сони	иш юритиш тугатилган ишлар сони
			1	2	3	4
Корпоратив низолаар юзасидан	39	1004	871	93	15	25
Иштирокчини жамият иштирокчилари сафидан чиқариш ҳақидаги низо бўйича	39.1	62	36	19	2	5
юридик шахс бошқарув органларининг қарорлари устидан шикоят қилиш тўғрисидаги низолаар	39.2	27	10	10	4	3
жамиятдан дивидентларни ундириш ҳақида	39.3	779	758	20	1	0
давлат рўйхатидан ўтказишни ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақида	39.4	11	6	4	1	0
ҳўжалик жамиятининг устав фондида (устав капиталда) улушнинг тегишлилиги билан боғлиқ низо бўйича	39.5	49	18	21	4	6
қимматли қоғозлар эмиссияси юзасидан	39.6	2	0	1	0	1
юридик шахсни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш билан боғлиқ низолаар	39.7	6	3	2	1	0
юридик шахс томонидан тузилган битимларни ҳақиқий эмас, деб топиш ва (ёки) бундай битимларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш ҳақидаги даъволаар бўйича низолаар	39.8	33	22	4	3	4
юридик шахс иштирокчиларининг умумий йиғилишини чақариш тўғрисидаги низолаар	39.9	4	1	1	1	1
бошқа мазмундаги низолаар	39.10	40	21	12	0	7

2018 йил 6 ойи						
ИШЛАРНИНГ ТУРКУМИ	Иш категорияси коди	Жами кўрилган ишлар	шундан			
			қаноатланти- рилган ишлар сони	рад этилган ишлар сони	кўрмасдан қолдирилган ишлар сони	иш юритиш туғатилган ишлар сони
			1	2	3	4
Корпоратив низолар юзасидан	39	190	104	52	7	27
Иштирокчини жамият иштирокчилари сафидан чиқариш ҳақидаги низо бўйича	39.1	25	7	16	1	1
юрidik шахс бошқарув органларининг қарорлари устидан шикоят қилиш тўғрисидаги низолар	39.2	14	6	5		3
жамиятдан дивидентларни ундириш ҳақида	39.3	59	49	7	2	1
давлат рўйхатидан ўтказишни ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақида	39.4	9	5	3		1
хўжалик жамиятининг устав фондида (устав капиталида) улушнинг тегишлилиги билан боғлиқ низо бўйича	39.5	15	2	7	1	5
қимматли қоғозлар эмиссияси юзасидан	39.6	6	5	1		
юрidik шахсни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш билан боғлиқ низолар	39.7	2	2			
юрidik шахс томонидан тузилган битимларни ҳақиқий эмас, деб топиш ва (ёки) бундай битимларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш ҳақидаги даъволар бўйича низолар	39.8	28	11	6	3	8
юрidik шахс иштирокчиларининг умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги низолар	39.9	2		1		1
бошқа мазмундаги низолар	39.10	36	18	8	1	9

6.2. Юридик шахсни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш билан боғлиқ низолар

Юридик шахсни ташкил этиш масаласи ҳақида сўз юритилар экан, таъкидлаш керакки, баъзи қонунлар ёки қонун ости ҳужжатларида юридик шахсни ташкил қилган шахслар (фуқаро ва/ёки юридик шахс) “таъсисчи”, баъзиларида эса “муассис” деб юритилади. Аммо ушбу тушунчалар синоним ҳисобланади ва улар бир хил маънони англатади. Яъни улар юридик шахсни ташкил этган (тузган) шахслар (акциядор, иштирокчи, аъзо, пай эгаси) сифатида эътироф этилади.

Маълумки, ФКнинг 39-моддасида юридик шахс тушунчасига ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулккий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган, мустақил баланс ёки сметага эга бўлган ташкилот деб тушунтириш берилган.

Юридик шахслар мулкдор ёки у вакил қилган шахс томонидан ёхуд ваколатли органнинг фармойиши асосида, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ташкил этилади.

ЁДДА ТУТИНГ!

Қонунчиликда айрим ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги юридик шахсларни ташкил этиш тартибига оид махсус қоидалар ҳам ўрнатилган. Жумладан, ваколатли давлат органининг фармойиши билан хўжалик юритиш ҳуқуқи ёки оператив бошқарув ҳуқуқи асосида фаолият юритадиган унитар корхоналар ташкил этилиши мумкин. Шу билан бирга, бундай корхоналар корпоратив ҳуқуқий муносабатларнинг субъекти ҳисобланмаганлиги боис, уларни ташкил этиш билан боғлиқ низолар судларда қўрилса-да, бироқ бундай низолар корпоратив низолар ҳисобланмайди.

Одатда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган юридик шахслар, шу жумладан, корпоратив муносабатларнинг субъектлари ҳисобланган корпорациялар хабардор қилиш ёки уни муассисларининг мурожаат қилишлари асосида ташкил этилади.

Юридик шахс хабардор қилиш ёки уни муассисларининг мурожаат қилишлари асосида ташкил этилаётганда баъзида таъсисчилар билан таъсисчилар ўртасида, таъсисчилар билан юридик шахсни давлат рўй-

хатидан ўтказувчи давлат органлари ўртасида низо вужудга келиши мумкин. Лекин тижоратчи, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган юридик шахсларни бундай тартибда ташкил этиш билан боғлиқ барча низоларни корпоратив низолар, деб ҳисоблаш нотўғри бўлади.

Мисол учун, агар таъсисчилар бирор масъулияти чекланган жамиятини тузиш ҳақида қарор чиқаришиб ҳамда таъсис ҳужжатларини тегишли равишда расмийлаштириб, жамиятни давлат рўйхатидан ўтказиш масаласи бўйича ваколатли давлат органига мурожаат қилса ва бу орган томонидан рад жавоби берилган бўлса, низо ФК 44-моддасининг учинчи қисмига кўра, судда кўриб чиқилиши керак. Лекин бу тоифадаги низони айнан қайси суд томонидан кўрилиши юзасидан фикрлар қарама-қаршилиги мавжуд. Сабаби биринчидан, низо юридик шахсни ташкил қилиш билан боғлиқ бўлиб, ИПК 30-моддаси биринчи қисмининг 1-бандида юридик шахсни ташкил этиш билан боғлиқ низо корпоратив низо ҳисобланиши, мазкур Кодекс 25-моддаси биринчи қисмининг 5-бандида бундай низолар иқтисодий судлар томонидан ҳал этилиши қайд этилган. Иккинчидан, МСИЮТК 27-моддаси биринчи қисмининг 5-бандида давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш ёхуд белгиланган муддатда давлат рўйхатидан ўтказишдан бўйин товлаш устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишлар маъмурий судлар томонидан ҳал қилиниши тўғрисидаги қоида кўзда тутилган. Бундай ҳолда судга тааллуқликнинг умумий қоидасига кўра, мазкур тоифадаги низолар маъмурий судлар томонидан кўриб чиқилиши лозим.

Корпоратив ҳуқуқ принципларидан келиб чиққан ҳолда яна бир муҳим масала ҳақида тўхталиб ўтиш керакки, фикримизча, юридик шахсни ташкил қилиш билан боғлиқ низоларни корпоратив низолар деб ҳисоблаш учун бу ерда ташкил этилаётган юридик шахс, яъни корпорация давлат рўйхатидан ўтган бўлиши лозим. Масалан, бирор корпорация ташкил этилиб, у давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг таъсисчилар ўртасида шу корпорациянинг ташкил этилиши билан боғлиқ низо пайдо бўлса, ушбу низо корпоратив низо тариқасида кўриб чиқилади.

Агар корпорация давлат рўйхатидан ўтмасдан туриб уни таъсис этаётган шахслар ўртасида шу корпорациянинг ташкил этилиши билан боғлиқ низо пайдо бўлса, корпорацияни ташкил этаётган шахслар юридик жиҳатдан таъсисчи мақомини олмаганликлари ҳамда шу корпорация ҳам юридик шахс мақомига эга бўлмаганлиги сабабли ушбу низо корпоратив низо ҳисобланмайди ва бу тоифадаги низолар иқтисодий судга тааллуқли бўлмайди.

Чунки ИПК 37-моддасининг бешинчи қисмидаги “юридик шахс жойлашган ердаги” деган жумла ташкил этилаётган корпорациянинг

юримдик шахс мақомига эга бўлишлигини англатади. ФК 44-моддасининг тўртинчи қисмида ёзилишича, юримдик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб ташкил этилган ҳисобланади.

ФКнинг 43-моддасига кўра, юримдик шахслар асосан фақат устав асосида ёки таъсис шартномаси ва устав асосида ёхуд фақат таъсис шартномаси асосида фаолият юритади.

ФК 41-моддаси биринчи қисмига кўра, юримдик шахс ўзининг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган фаолияти мақсадларига мувофиқ фуқаролик ҳуқуқ лаёқатига эга бўлади. Ушбу модданингни учинчи қисмида юримдик шахсининг махсус ҳуқуқ лаёқати унинг устави, низоми ёки қонун ҳужжатлари билан белгиланиши ёзилган.

ФК 43-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларига асосан юримдик шахс устав асосида ёки таъсис шартномаси ва устав асосида ёхуд фақат таъсис шартномаси асосида фаолият юритади. Қонунда назарда тутилган ҳолларда тижоратчи ташкилот бўлмаган юримдик шахслар шу турдаги ташкилотлар ҳақидаги низом асосида ҳам фаолият кўрсатишлари мумкин.

Юримдик шахсининг таъсис шартномаси унинг муассислари томонидан тузилади, устави эса – тасдиқланади.

Таъсис шартномасида юримдик шахс ташкил этилаётган ва фаолият юритаётган жараёндаги муассислар ўртасидаги муносабатлар тартибга солинади. Унда муассислар юримдик шахсни ташкил этиш тартибини, биргаликда фаолият кўрсатиш, унинг устав фондига ўз улушларини (мол-мулкларини) киритиш, унинг фаолиятида қатнашиш шартларини белгилайдилар.

"Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 13-моддасига мувофиқ, жамиятнинг таъсис ҳужжати унинг устави ҳисобланади.

✓ **Уставда қуйидаги маълумотлар бўлиши шарт:**

- Жамиятнинг тўлиқ (агар бўлса қисқартирилган) фирма номи, жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили;
- Фаолиятининг соҳаси (асосий йўналишлари) ва мақсади;
- Устав фондининг (устав капиталининг) миқдори;
- Жамият акцияларининг сони, номинал қиймати, турлари (оддий, имтиёзли);
- Жамият бошқарувининг тузилмаси, жамият кузатув кенгашининг, тафтиш комиссиясининг ва ижроия органининг аъзолари сони, бу органларни шакллантириш тартиби, уларнинг ваколатлари.

Жамият устави юзасидан вужудга келадиган низолар ҳам судда кўриладиган корпоратив низоларга оид талабнинг предмети бўлиши мумкин. Аммо таъсис шартномасидан фарқли равишда жамият уставига нисбатан фуқаролик қонун ҳужжатларининг битимни ҳақиқий эмаслиги билан боғлиқ нормалари қўлланилмайди.

Агар бирор жамиятнинг таъсис ҳужжатларида бартараф этиладиган бузилишлар мавжуд бўлса, бу ҳолат акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш ва уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш масаласини кўриб чиқиш мажбуриятини юклаш ҳақидаги талаб билан судга мурожаат қилиш учун асос бўлади. Бартараф этилмайдиган бузилишлар мавжуд бўлганда эса, бу ҳолат ФК 53-моддаси иккинчи қисмининг иккинчи хатбошисига асосан жамиятнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги талаб билан судга мурожаат қилиш учун асос бўлади.

НАМУНА

“Чимён” АЖ ҳамда фуқаролар Қ.Холиқов, Қ.Ҳасанов ва Қ.Назировлар ўртасида “Боқий” МЧЖни ташкил этиш тўғрисида 2014 йил 9 июлда таъсис шартномаси имзоланган.

Таъсис шартномасида таъсисчилар МЧЖнинг устав фондиди АЖ томонидан 93 825 716 сўмлик, фуқаро Қ.Холиқов томонидан 23 693 175 сўмлик, Қ.Ҳасанов томонидан 7 022 600 сўмлик, Қ.Назиров томонидан 25 723 880 сўмлик мол-мулклар киритиш орқали шакллантириш тўғрисида келишишган.

МЧЖнинг таъсис ҳужжатлари 2014 йил 21 июлда давлат рўйхатидан ўтказилган.

Сўнгра суднинг қарори билан МЧЖнинг таъсисчиси ҳисобланган АЖ банкрот деб топилиб, унга нисбатан банкротликнинг тугатиш таомили жорий этилган. Тугатиш жараёнида АЖнинг тугатиш бошқарувчиси таъсисчилар Қ.Холиқов ва Қ.Назиров таъсис шартномасида зиммасига олган мажбуриятини бажармаганлигини аниқлаб, АЖ томонидан МЧЖнинг устав фондиди шакллантириш учун киритилган мол-мулкларни кейинчалик қайтариб олишни мақсад қилиб, МЧЖни рўйхатдан ўтказишни ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисида судга ариза билан мурожаат қилган.

Суднинг ҳал қилув қарори билан аризадаги талаб қаноатлантирилган.

Суд аризадаги талабни қаноатлантиришда “Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 14-моддасининг еттинчи қисмида жамиятнинг ҳар бир иштирокчиси таъсис ҳужжатларида белгиланган ва жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб бир йилдан ошмайдиган мuddат мобайнида жамиятнинг устав фондига (устав капиталига) ўз ҳиссасини тўлиқ киритиши кераклиги белгиланган бўлса-да, таъсисчилар Қ.Холиқов ва Қ.Назировлар томонидан МЧЖнинг устав фондига ўз улушларини (мол-мулкни) бир йил давомида киритмаганлигини асос қилиб олган.

Бироқ ҳал қилув қарорини қабул қилишда суд томонидан моддий ҳуқуқ нормасини қўллашда хатоликка йўл қўйилган. Чунки ФК 53-моддаси иккинчи қисмининг учинчи хатбошисига кўра давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йил ичида устав фонди таъсис ҳужжатларида назарда тутилган миқдорда шакллантирилмаган тақдирда, қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, бу ҳолат юридик шахсни тугатиш учун асос ҳисобланади. Яъни юқоридаги ҳолатнинг юзага келиши МЧЖнинг рўйхатдан ўтказилишини ҳақиқий эмас, деб топиш учун эмас, балки уни тугатиш учун асос бўлган. Чунки МЧЖ давлат рўйхатидан ўтказилган пайтда қонун ҳужжатлари талаблари бузилмаган.

Корпорацияни ташкил этиш билан боғлиқ корпоратив низоларга оид ишларни кўришда яна бир муҳим масалага эътибор бериш лозим. Амалиётда таъсис шартномаси қоидалари билан жамият устави қоидаларининг бир-бирига мос келмаслиги ҳоллари ҳам учраб туради. Бундай ҳолатда жамият устави қоидалари учинчи шахслар ва жамият иштирокчилари учун устувор кучга эга ҳисобланади.

“Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 13-моддасида таъсис шартномаси ва устав жамиятнинг таъсис ҳужжатлари сифатида кўрсатилиб, агар жамият бир шахс томонидан таъсис этилса, шу шахс тасдиқлаган устав, жамият иштирокчиларининг сони икки ва ундан ортиқ кишига кўпайса, улар ўртасида таъсис шартномаси тузилиши кераклиги қайд этилган.

Жамиятнинг таъсис ҳужжатларига ўзгартишлар жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши қарорига биноан киритилади. Жамиятнинг таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартишлар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши керак. Жамиятнинг таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартишлар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб, учинчи шахслар учун кучга киради.

Корпорацияни ташкил этишга оид низоларни ҳал этишда баъзи ҳолларда судьялар томонидан шу корпорациянинг таъсис шартномасини фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар келтириб чиқарувчи оддий битим, деб ҳисоблаш мумкин ёки мумкин эмаслиги юзасидан фикрлари бир хил эмас.

Таъкидлаш жоизки, таъсис шартномаси ўз табиатига кўра, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар келтириб чиқарувчи оддий ёзма битим, яъни икки томонлама ёки кўп томонлама битим ҳисобланади. Унда жамиятнинг муассислари юқорида таъкидланганидек, жамиятни тузиш билан боғлиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларини ва уни тузиш юзасидан биргаликдаги фаолият тартибини белгилайдилар. Таъсис шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт.

Таъсис шартномасининг ўзига хос хусусияти шундаки, ФК 43-моддасининг олтинчи қисмига кўра, таъсис ҳужжатларидаги ўзгартишлар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб, қонунда белгиланган ҳолларда эса – давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи орган ана шундай ўзгартишлар ҳақида хабардор қилинган пайтдан бошлаб учинчи шахслар учун кучга эга бўлади. Юридик шахслар ва уларнинг муассислари мазкур ўзгартишларни ҳисобга олиб иш юритган учинчи шахслар билан муносабатларда ана шундай ўзгартишлар рўйхатга олинмаганлигини важ қилиб кўрсатишга ҳақли эмаслар.

Таъсис шартномасининг қонун ҳужжатларига мувофиқлиги билан боғлиқ корпоратив низони кўришда судлар, аввало, унинг ФКда ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган тегишли ҳуқуқий нормаларга мос ҳолда тузилганлигини текширишлари лозим.

Масалан, МЧЖни таъсис этиш тўғрисидаги шартнома алдаш йўли билан ғараз ниятда тузилганда, алданган иштирокчи уни қисман ёки бутунлай ҳақиқий эмас, деб топиш ва унинг (уни бир қисмининг) ҳақиқий эмаслик оқибатларини қўллаш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилишга ҳақли. Суд иштирокчининг ҳақиқатан ҳам алданганлиги ҳолатини аниқласа, таъсис шартномасини қисман ёки бутунлай ҳақиқий эмас, деб топиши ва унинг ҳақиқий эмаслик оқибатларини қўллаши, яъни устав фондига қўшган улушини қайтариши мумкин.

НАМУНА

Таъсисчилар М.Бозоров, З.Бозоров, Б.Шарипов ва М.Мансуровлар томонидан 2017 йил 26 январда “Ислол” МЧЖни ташкил этиш тўғрисида таъсис шартномаси имзоланган. Мазкур таъсис шартномасига кўра, МЧЖ устав фондида М.Бозоров 33,1 фоиз, З.Бозоров 47,2 фоиз, Б.Шарипов 10,3 фоиз ва М.Мансуров 9,4 фоиз улушга эга бўлганлар.

МЧЖ таъсисчиларидан бири бўлган М.Мансуров томонидан МЧЖнинг устав фондида ўзининг 9,4 фоизлик улуши сифатида ўзига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган “Ургут савдо комплекси” МЧЖ ҳудудида жойлашган 19/100, 8А/200 ва 8А/300-сонли савдо дўконлари киритилган.

Аммо М.Мансуров кейинчалик судга даъво аризаси билан мурожаат қилган ва унда бошқа таъсисчи, яъни ўзининг ўғли М.Бозоров уни алдаб, ушбу савдо объектлари бўйича кам солиқ тўлаши ҳақида айтганлигини, аслида унинг мақсади ушбу объектларни қўлга киритиш эканлигини маълум қилган 2017 йил 26 январдаги МЧЖ таъсис шартномасининг М.Мансуровга оид қисмини ҳақиқий эмас, деб топишни ва унинг ҳақиқий эмаслик оқибатларини қўллашни сўраган.

Суднинг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Суд бундай хулосага келишда Олий суд Пленумининг “Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг битимларни ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги нормаларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида” 2014 йил 28 ноябрдаги 269-сонли қарорининг 14 ва 14.1-бандларига асосланган.

Пленум қарорининг 14-бандига кўра, ФКнинг 123-моддасига мувофиқ алдаш, зўрлик, қўрқитиш, бир тараф вакилининг иккинчи тараф билан ёмон ниятда келиши таъсирида тузилган битим, шунингдек, фуқаро оғир ҳолатлар юз бериши туфайли ўзи учун ўта ноқулай шартлар билан тузишга мажбур бўлган, иккинчи тараф эса бундан фойдаланиб қолган битим (асоратли битим) жабрланувчининг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.

Мазкур Пленум қарорининг 14.1-бандига асосан алдаш деганда, бошқа шахсга ёлғон маълумотлар тақдим этиш, шунингдек, битимни тузишга таъсир этувчи фактлар ҳақида суқут сақлаш йўли билан қасддан чалғитиш тушунилади. Алдаш битим элементларига нисбатан ҳам, уни доирасидан ташқаридаги ҳолатларга ҳам, шу жумладан, битимни тузиш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларга ҳам тааллуқли бўлиши мумкин.

Ишни судда кўриш жараёнида аниқланишича, М.Мансуровга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган “Ургут савдо комплекси” МЧЖ ҳудудида жойлашган 19/100, 8А/200 ва 8А/300-сонли савдо дўконлари МЧЖ устав фондида улуш сифатида М.Мансуровнинг ихтиёрига кўра қўшилмаганлиги, чунки унинг ўғли (бошқа таъсисчи) М.Бозоров отасини алдаб, ушбу савдо дўконларини келгусида ўз номига расмийлаштириб олишни мақсад қилиб олганлиги, буни билмаган ҳолда М.Мансуров савдо дўконларини устав фондида қўшган. Аммо

М.Бозоров томонидан МЧЖнинг устав фондига улуш сифатида киритилган савдо дўконлари бўйича тўланадиган ер солиқлари камайтирилмаган.

“Олимп” баҳолаш ва экспертиза маркази” МЧЖнинг 2017 йил 14 майдаги М.Мансуровга тегишли 3 та савдо дўконини баҳолаш ҳисоботиغا кўра, улар жами 421 764 000 сўмга баҳоланган бўлса-да, 2017 йил 26 январдаги МЧЖни ташкил этиш тўғрисидаги таъсис ҳужжатларида МЧЖ устав фондидаги М.Мансуровнинг 9,4 фоиз улуши 11 800 710 сўмга баҳоланган ва улар шу қийматда устав фондига улуш сифатида киритилган.

Шу боис, суд томонидан МЧЖ таъсис шартномасининг М.Мансуровга оид қисми ҳақиқий эмас, деб топилиб, унинг ҳақиқий эмаслик оқибатлари қўлланган ҳолда МЧЖ устав фондидаги 3 та савдо дўкони М.Мансуровга қайтарилган.

Судлар корпорациянинг устав фондига айрим таъсисчилар томонидан қонунда белгиланган муддатда ўз улуши киритилмаганлиги учун таъсис шартномасини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги ишларни кўришда нафақат қонунда белгиланган муддатнинг ўтиб кетганлигини, балки улушнинг устав фондига киритилмаслиги сабабларини, таъсис шартномасининг қонун талабларига мос ҳолда тузилган ёки тузилмаганлигини ҳам аниқлашлари лозим.

НАМУНА

Фуқаро М.Шарипов фуқаро А.Асроровга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, у фуқаро А.Асроров билан “Настарин” МЧЖни тузиш тўғрисида келишганлигини, бу борада таъсис шартномаси тузилиб, давлат рўйхатидан ўтказилганлигини, фуқаро А.Асроров МЧЖ устав фондини шакллантириш учун ўзига тегишли бўлган Тошкент шаҳри, Ҳалқлар Дўстлиги кўчаси, 54-уйда жойлашган савдо дўконини киритиш мажбуриятини олганлигини, аммо орадан бир йил икки ой ўтган бўлса-да, А.Асроров мажбуриятини бажармасдан, савдо дўконини МЧЖнинг устав фондига киритмаганлигини маълум қилиб, таъсис шартномасини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Аниқланишича, фуқаролар М.Шарипов ва А.Асроров ўртасида МЧЖни ташкил этиш мақсадида 2015 йил 10 январда таъсис шартномаси тузилган. Шартнома шартларига асосан МЧЖнинг устав фонди М.Шарипов томонидан 100 000 000 сўм миқдорда нақд пул маблағини МЧЖнинг банкдаги ҳисоб рақамига қўйиши орқали, А.Асроров томонидан қиймати 100 000 000 сўмга баҳоланган Ҳалқлар Дўстлиги кўчаси, 54-уйда жойлашган савдо дўконини МЧЖнинг устав фондига киритилиши орқали шакллантирилиши лозим бўлган.

М.Шарипов таъсис шартномаси бўйича олган мажбуриятини лозим даражада бажариб, 2015 йил 10 июнда МЧЖнинг банкдаги ҳисоб рақамига шартномада келишилган миқдордаги пул маблағини МЧЖнинг устав фондидаги улуш сифатида тўлиқ қўйган. Бироқ А.Асроров томонидан шартномавий мажбуриятлар лозим даражада бажарилмасдан, савдо дўкони МЧЖнинг устав фондига улуш сифатида киритилмаган.

Аниқланишича, А.Асроров томонидан МЧЖнинг устав фондини шакллантириш мақсадида киритилиши лозим бўлган савдо дўкони “Баходир” АЖга АТ “Халқбанк” томонидан берилган кредит маблағининг қайтариллишини таъминлаш мақсадида 2015 йил 5 январдаги ипотека шартномасига асосан гаровга қўйилган бўлган.

“Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 14-моддасининг еттинчи қисмида жамиятнинг ҳар бир иштирокчиси таъсис ҳужжатларида белгиланган ва жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб бир йилдан ошмайдиган муддат мобайнида жамиятнинг устав фондига (устав капиталига) ўз ҳиссасини тўлиқ киритиши кераклиги белгиланган.

“Ипотека тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 26-моддасида ипотека тўғрисидаги шартнома бўйича гаровга қўйилган мол-мулк, агар ипотека тўғрисидаги шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ипотекага қўювчи томонидан сотиш, ҳада этиш, айирбошлаш орқали ёки ўзгача усулда фақат ипотекага олувчининг розилиги

билан тасарруфдан чиқарилиши мумкинлиги белгиланган бўлса-да, таъсис шартномаси тузилиб, давлат рўйхатидан ўтказилганда АТ "Халқбанки"нинг розилиги олинмаган.

ФКнинг 116-моддасига кўра, қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келмайдиган мазмундаги битим, шунингдек, ҳуқуқ-тартибот ёки ахлоқ асосларига атайин қарши мақсадда тузилган битим ўз-ўзидан ҳақиқий эмасдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди Пленуми "Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг битимларни ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги нормаларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида" 2014 йил 28 ноябрдаги қарорини 7-бандида ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимни ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш тўғрисидаги талабни бундай битим ҳуқуқ ва манфаатларига таъсир қилувчи ҳар қандай манфаатдор шахс тақдим этиши мумкинлиги белгиланган. Айнан шу мазмундаги тушунтириш, ФКнинг 113-моддасининг учинчи қисмида ҳам мавжуд.

Баён этилганларга асосан, суд даъво талабини қаноатлантириш тўғрисида қонуний тўхтамга келган.

Юридик шахснинг ташкил этилиши масаласи бўйича низоларни ҳал этишда судьялар томонидан инobatга олиниши лозим бўлган яна бир муҳим жиҳат шундан иборатки, қонунчиликда юридик шахсларнинг ҳуқуқий мақомидан келиб чиқиб, таъсис ҳужжатларига киритилиши шарт бўлган муҳим меъёрлар ҳам назарда тутилган. Бунга муассисларнинг юридик шахсни ташкил этиш, бу соҳада биргаликда фаолият кўрсатиш, унга ўз мол-мулкларини бериш ҳамда унинг фаолиятида иштирок этиш, фойда ва зарарларни иштирокчилар ўртасида тақсимлаш, юридик шахс фаолиятини бошқариш, муассисларнинг унинг таркибидан чиқиш шартлари ва тартиби каби асосий шартлар киради. Таъсис шартномасининг мазкур шартлари муҳим шартлар ҳисобланганлиги боис улардан бири мавжуд бўлмаган ҳолда (агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса), таъсис шартномаси тузилмаган, деб ҳисобланиши мумкин.

ЁДДА ТУТИНГ!

Муассислар томонидан таъсис ҳужжатларини қонунда белгиланган шаклда ва мазмунда расмийлаштирилиши келгусида келиб чиқиши мумкин бўлган корпоратив низоларнинг олдини олишга сабаб бўлади.

Юридик шахсни қайта ташкил этилиши ҳақида тўхталадиган бўлсак, ФКнинг 49-моддасига асосан унинг қуйидаги беш хил кўриниши мавжуд:

Қўшиб юбориш

Қўшиб олиш

Бўлиш

Ажратиб чиқариш

Ўзгартириш

Умумий қоидага кўра, юридик шахсларни қайта ташкил этиш ихтиёрийлик асосида, яъни унинг муассислари (иштирокчилари) ёки таъсис ҳужжатларида шунга вакил қилинган юридик шахс органи қарорига мувофиқ амалга оширилади.

Қонунда белгиланган ҳолларда юридик шахсни бўлиш ёки унинг таркибидан бир ёхуд бир неча юридик шахсни ажратиб чиқариш шаклида уни қайта ташкил этиш учун вакил қилинган давлат органларининг қарори ёхуд суднинг қарори асос ҳисобланади.

Юридик шахсни қўшиб юбориш шаклида қайта ташкил этиш иккита ёки ундан кўп юридик шахсларнинг битта янги юридик шахсга бирлашувини англатади. Бунда бирламчи юридик шахсларнинг янги юридик шахсга бирлашганликлари боис, улар эски номдаги юридик шахс сифатида давлат реестридан чиқарилган бўлиши, янги ташкил этилган юридик шахс эса янги ном билан давлат рўйхатидан ўтказилган бўлиши керак.

Қўшиб олишда бир юридик шахс бошқасининг таркибига киради ва тегишинча ўзининг юридик шахс мақомини йўқотади.

Ажратиб чиқариш шаклида қайта ташкил этилганда битта юридик шахсдан бир ёки бир нечта юридик шахслар ажралиб чиқади. Бунда бирламчи юридик шахс ҳам мавжуд бўлиб қолаверади.

Юридик шахсни бўлишда бирламчи юридик шахс ўз мавжудлигини йўқотади ва унинг ўрнига иккита ёки бир нечта янги юридик шахслар ташкил этилади.

Юридик шахс ўзгартирилганда унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгаради. Муайян турдаги юридик шахс ўзгартирилиши мумкин бўлган ташкилий-ҳуқуқий шакллар қонунчилик томонидан белгиланади.

Жамият бирлаштириш шаклидаги қайта ташкил этиш ҳолларини истисно этганда қайта ташкил этиш натижасида тузиладиган юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан эътиборан қайта ташкил этилган деб ҳисобланади.

Жамиятни қайта ташкил этиш билан боғлиқ низоларни кўришда судлар шунга эътибор беришлари керакки, ФКнинг 49-моддаси, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 92-моддасига кўра, жамиятни қайта ташкил этиш (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш) акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига асосан, “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 30-моддасига кўра жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг қарорига асосан амалга оширилади.

Акциядорлик жамияти қайта ташкил этилган тақдирда жамият томонидан қайтариб сотиб олинган акциялар бекор қилинади.

Акциядорлик жамияти томонидан Қонуннинг 40-моддасида назарда тутилган бошқа ҳолларда қайтариб сотиб олинган акциялар жамият тасарруфига ўтиб, улар овоз бериш ҳуқуқини бермайди, овозларни санаш чоғида ҳисобга олинмайди, улар бўйича дивидендлар ёзилмайди ва бундай акциялар қайтариб сотиб олинган пайтдан эътиборан бир йилдан кечиктирмай реализация қилиниши лозим, акс ҳолда акциядорларнинг умумий йиғилиши мазкур акцияларни бекор қилиш йўли билан жамият устав фондиди (устав капиталини) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилиши керак бўлади.

Мазкур Қонуннинг 98 ва 99-моддаларига мувофиқ, акциядорлик жамияти томонидан жамиятни бўлиш ва ажратиб чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинишида бундай қарорга қарши овоз берган ёки овоз беришда қатнашмаган ҳар бир акциядор бўлиш (ажратиб чиқариш) натижасида ташкил этилган ҳар бир жамиятнинг, қайта ташкил этилган жамиятда унга тегишли бўлган акциялар сони берган ҳуқуққа мутаносиб ҳуқуқ берадиган акцияларини олиши лозим. Ушбу талаблар бузилган ҳолда акциядор қайта ташкил этилаётган жамият акциядорлари умумий йиғилишининг қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисида судга даъво билан мурожаат қилиши мумкин.

Агар акциядорлик жамиятини қайта ташкил этишда тасдиқланган тақсимлаш баланси қайта ташкил этилган жамиятнинг ҳуқуқий ворисини аниқлаш имконини бермаса, янги вужудга келган юридик шахслар қайта ташкил этилган жамият мажбуриятлари бўйича унинг кредиторлари олдида солидар жавобгар бўладилар.

Агар тақсимлаш балансдан уни тасдиқлаш пайтида қайта ташкил этилаётган жамият активлари ва мажбуриятлари унинг ҳуқуқий меросхўрлари ўртасида адолат тамойиллари бузилган ҳолда тақсимланганлиги ва бу ушбу жамият кредиторлари манфаатларининг яққол бузилишига олиб келганлиги кўриниб турган бўлса, қайта ташкил этиш натижасида тузилган жамиятлар (шу жумладан, янги жамият ажралиб чиққани) ҳам солидар жавобгарликка тортилишлари керак.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бир турдаги жамият ёки ширкатнинг бошқа турдаги жамият ёки ширкатга айлантрилиши билан боғлиқ низоларни кўришда, судлар жамият ёки ширкат турининг ўзгартирилиши (масъулияти чекланган жамиятнинг қўшимча масъулиятли жамиятга айлантрилиши) уни қайта ташкил этиш, деб ҳисобланмаслигини, чунки унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгаришига олиб келмаслигини эътиборга олишлари лозим. Масъулияти чекланган жамиятнинг хусусий

корхонага айлантирилишини юридик шахснинг қайта ташкил этилишига мисол қилиб келтириш мумкин.

“Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонун 49-модданинг олтинчи қисмига асосан, жамиятни қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан, жамият қўшиб юбориш ёки бирлаштириш шаклида қайта ташкил этилганда эса, бу ҳақда қўшилишда ёки бирлаштиришда иштирок этаётган жамиятлардан охиргиси томонидан қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жамият бу ҳақда жамиятнинг ўзига маълум барча кредиторларини ёзма равишда хабардор қилиши ва қабул қилинган қарор ҳақида оммавий ахборот воситаларида хабар эълон қилиши шарт.

Юридик шахсни қайта ташкил этиш унинг таъсисчиларининг қарор қабул қилиши, топшириш ҳужжати ва тақсимлаш балансининг тузилиши, ҳуқуқий ворисликнинг белгиланиши, давлат рўйхатидан ўтказилиши билан боғлиқ бир нечта жараёни ўз ичига олади. Шунинг учун юридик шахснинг қайта ташкил этилишини давлат рўйхатидан ўтказилганлигини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги даъво билан юридик шахсни рўйхатдан ўтказиш оқибатида ҳуқуқлари бузилган ва манфаатлари дахл қилинган шахс судга мурожаат қилишга ҳақли. Аммо амалдаги процессуал қонун ҳужжатларига кўра, ушбу низо корпоратив низо тариқасида иқтисодий судларда эмас, оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низо сифатида маъмурий судлар томонидан кўриб чиқиши лозим.

ЁДДА ТУТИНГ!

Судлар баъзи ҳолларда юридик шахсни қайта ташкил этиш билан боғлиқ ишни юридик шахсни ташкил этиш билан боғлиқ иш сифатида кўриб юборишган. Аммо ушбу тушунчаларни бир-биридан фарқлаш лозим.

НАМУНА

“Арслон” уй-жой мулкдорлари ширкати (“А” УЖМШ) Мирзо Улуғбек туман ҳокимлигининг 2000 йил 16 мартдаги қарори билан давлат рўйхатидан ўтказилган. Ҳокимликнинг 2002 йил 6 майдаги қарорига асосан “Юлдуз” уй-жой мулкдорлари ширкати (“Ю” УЖМШ) га қарашли бўлган Буюк Ипак Йўли кўчасида жойлашган 214 ва 214-А уйлар “А” УЖМШнинг таркибига қабул қилинган ва унинг уставига ўзгартириш киритилиб, устав қайта рўйхатдан ўтказилган. 2002 йил 30 майдаги топшириш-қабул қилиш далолатномасига кўра, ушбу уйлар “Ю” УЖМШдан “А” УЖМШга ўтказилган.

Мирзо Улуғбек тумани Буюк Ипак Йўли кўчасида жойлашган 214 ва 214-А уйларида яшовчи хонадон эгалари “А” УЖМШнинг хизматидан қониқмаган. Натижада 2009 йил 12 июнда ушбу уйларда яшовчи хонадон эгалари томонидан йиғилиш ўтказилиб, 2-сонли қарор расмийлаштирилган. Қарорда 214 ва 214-А уйлар “А” УЖМШ таркибидан чиқарилиб, улар негизда янги алоҳида мустақил уй-жой мулкдорлари ширкатини тузиш, унинг

бошқарув ва тафтиш комиссияси раиси ва аъзоларини тасдиқлаш, янги сайланган таркиб зиммасига тақсимлаш балансини топшириш-қабул қилиш ҳужжатларини расмийлаштириш мажбуриятини юклаш белгиланган.

Мазкур қарор асосида 214 ва 214-А уйлар негизида янги “Истиқлол” уй-жой мулкдорлари ширкати (“И” УЖШМ) деб номланган ширкат ташкил этилиб, у давлат рўйхатидан ўтказилган ҳамда унга 2010 йил 11 февралда 005445-04-сонли гувоҳнома берилган.

Бундан хабар топган “А” УЖШМ “И” УЖШМга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Мирзо Улуғбек тумани Буюк Ипак Йўли кўчасида жойлашган 214 ва 214-А уйларида яшовчи фуқароларнинг 2009 йил 12 июндаги 2-сонли қарорини ҳамда ҳокимликнинг 2010 йил 11 февралдаги қарорини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво талаблари қисман қаноатлантирилган. Мирзо Улуғбек тумани Буюк Ипак Йўли кўчасида жойлашган 214 ва 214-А уйларида яшовчи фуқароларнинг 2009 йил 12 июндаги 2-сонли қарори ҳақиқий эмас, деб топилган. Ҳокимликнинг 2010 йил 11 февралдаги қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги талабни қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси суди томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 февралдаги ПҚ-3-сонли Қарори билан тасдиқланган “Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларини давлат рўйхатига олиш тартиби ва ҳисобга қўйиш тўғрисидаги Низом”нинг 5 ва 6-бандларига асосланиб, 214 ва 214-А уйлар бевосита унда яшовчи хонадон мулкдорларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинган қарори билан “А” УЖШМ аъзолigidан чиққанлигини ва хонадон мулкдорларининг қарори билан “И” УЖШМ ширкати қайта ташкил этилмасдан балки, янгидан ташкил этилганлигини инобатга олган ҳолда биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорининг 214 ва 214-А уйларда яшовчи фуқароларнинг 2009 йил 12 июндаги 2-сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш қисми бекор қилиниб, асосли равишда ушбу талабни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида янги қарор қабул қилинган.

Юридик шахсни қайта ташкил этиш билан боғлиқ корпоратив низоларни кўришда судлар томонидан эътибор берилиши керак бўлган муҳим ҳолатлардан бири шундаки, бундай қайта ташкил этиш жараёни икки хил усулда амалга оширилади

ихтиёрий қайта ташкил этиш

мажбурий қайта ташкил этиш

Юридик шахсни ихтиёрийлик асосида қайта ташкил этиш унинг муассислари (қатнашчилари, иштирокчилари)нинг хоҳиш иродаси билан рўй беради.

Мажбурий қайта ташкил этиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади. Масалан, масъулияти чекланган жамият иштирокчиларининг сони 50 тадан ортиб кетса, у бир йил ичида очиқ акционерлик жамиятига ёки ишлаб чиқариш кооперативига ўзгартирилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида” 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли Фармо-

нинг 2-бандига асосан республика ҳудудида рўйхатдан ўтиб фаолият кўрсатаётган акциядорлик жамиятларини танқидий ўрганиш натижаларига кўра 364 та акциядорлик жамияти ночор ва тугатилиши ёки бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклга айлантирилиши лозимлиги белгиланган. Ушбу Фармонга асосан 100 тага яқин акциядорлик жамиятларининг мажбурий қайта ташкил этилиши жараёни амалга оширилган.

Юридик шахсларни мажбурий тарзда қайта ташкил этиш билан боғлиқ ишлар кўрилатганда шу нарса инobatга олиниши лозимки, бунда биринчидан, юридик шахсни қайта ташкил этиш учун муассисларнинг розилиги шарт эмас, иккинчидан, бу ҳақдаги ариза билан судга ваколатли давлат органи ҳам мурожаат қилиши мумкин.

НАМУНА

Жумладан, “Чевар” улгуржи чакана савдо ишлаб чиқариш акциядорлик жамияти (АЖ) устави жамият акциядорларининг 2001 йил 20 мартдаги умумий йиғилиш қарори билан тасдиқланган ва Наманган вилоят Адлия бошқармаси томонидан 398-сон билан рўйхатга олинган.

АЖ томонидан 2001 йил 17 августда номинал қиймати 1000 сўм бўлган 704 дона умумий қиймати 704000 сўмлик оддий акциялар муомалага чиқарилган.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасининг Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази Наманган вилоят бошқармаси томонидан АЖга мурожаат қилиниб, мулкчилик шаклини ўзгартириш масаласини кўриб чиқиш ҳақида огоҳлантириш хати берилган. Аммо АЖ томонидан ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгартирилмаган. Шунингдек устав фонди ҳам белгиланган муддатда шакллантирилмаган. Шу боис Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази Наманган вилоят бошқармаси АЖга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўзгартириш мажбуриятини юклашни сўраган.

АЖ эса судга эътирознома берган ва унда бошқарма судга бундай ариза беришга ҳақли эмаслигини билдириб, иш бўйича иш юритишни тугатишни сўраган.

Аниқланишича, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига мувофиқ, жамият устав фондининг (устав капиталининг) энг кам миқдори жамият давлат рўйхатидан ўтказилган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича тўрт юз минг АҚШ долларига тенг суммадан камни ташкил этмаслиги керак.

Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) жамият уставида назарда тутилган миқдорда шакллантиришнинг энг кўп муддати жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги лозим.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонуни 20-моддасининг биринчи қисмида ёзилишича, товар ёки молия бозоридида устун мавқега эга бўлган хўжалик юритувчи субъектга нисбатан рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишини бартараф этиш юзасидан илгари қўлланилган чоралар самарасиз бўлган тақдирда, монополияга қарши орган хўжалик юритувчи субъектни мажбурий тарзда бўлиш ёки ажратиб чиқариш ҳақидаги даъво билан судга мурожаат этади, бўлиш ёки ажратиб чиқариш хўжалик юритувчи субъект негизда икки ёхуд бир нечта алоҳида хўжалик юритувчи субъектни ташкил этиш орқали амалга оширилади.

Юқоридаги қоидалардан келиб чиқиб ҳамда АЖнинг ташкил этилган вақтдан буён устав фонди тўлиқ шакллантирилмаганлиги ва бошқарма бундай ариза билан судга мурожаат қилишга ҳақли эканлиги сабабли суд томонидан даъво талабини қаноатлантириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилиниб, АЖ зиммасига белгиланган тартибда ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўзгартириш мажбурияти юклатилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонуни 20-моддасининг иккинчи қисмидаги қоидага кўра, хўжалик юритувчи субъектни мажбурий тарзда бўлиш ёки ажратиб чиқариш қуйидаги шартларнинг барчаси жам бўлганда амалга оширилиши мумкин:

- бўлинаётган ёки ажратиб чиқарилаётган таркибий бўлинмаларнинг ташкилий ва ҳудудий жиҳатдан ажралиб чиқиш имконияти мавжуд бўлганда;
- унинг таркибий бўлинмалари ўртасида ўзаро узвий технологик боғланиш мавжуд бўлмаганда;
- бўлиш ёки ажратиб чиқариш натижасида ташкил топган таркибий бўлинмаларнинг товар ёки молия бозорида мустақил фаолият кўрсатиш имконияти мавжуд бўлганда.

Юридик шахсни тугатиш деганда, янги юридик шахс тузмаган ҳамда ҳуқуқий ворислик тартибида ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа юридик шахсга ўтказмаган ҳолда фаолиятини тугатиш тушунилади. Бунда тугатилаётган юридик шахснинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўлиқ бекор бўлади.

**Юридик шахсни
тугатиш ҳам икки
усулда амалга
оширилади**

ихтиёрий тугатиш

мажбурий тугатиш

Юридик шахсни ихтиёрий тугатиш унинг муассислари (иштирокчилари)нинг ёки таъсис ҳужжатлари билан тугатишга ваколат берилган юридик шахс органининг қарорига мувофиқ, юридик шахснинг фаолият кўрсатиш муддати тугаши, уни ташкил этишдан кўзланган мақсадга эришилганлиги ва бошқа шу каби асосларда амалга оширилади.

Юридик шахсни мажбурий тугатиш фаолият рухсатномасиз (лицензиясиз) амалга оширилган ёки қонун томонидан таъқиқланган фаолият амалга оширилган, олти ой мобайнида (савдо ва савдо-воситачилик юридик шахси эса – уч ой мобайнида) банк ҳисоб варақлари бўйича пул операцияларини ўтказиш билан боглиқ молия-хўжалик фаолияти амалга оширилмаганда, қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йил ичида устав фонди таъсис ҳужжатларида назарда тутилган миқдорда шакллантирилмаган тақдирда, банкрот бўлганда ва амалдаги

қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда суднинг қарорига мувофиқ амалга оширилади.

Юридик шахсни мажбурий тугатиш тўғрисидаги ишларни кўришда айрим судлар томонидан бу тоифадаги низоларда тараф сифатида давлат органи иштирок этаётганлигини важ қилиб, ушбу низолар корпоратив низо ҳисобланмаслигини, шу боис у маъмурий судлар томонидан кўрилиши кераклигини билдиришади. Аммо фикримизча, ИПК 30-моддаси биринчи қисмининг биринчи бандидаги қоида мазмунидан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш керакки, юридик шахсни мажбурий тугатиш ҳақида ваколатли давлат органлари томонидан берилган аризалар ҳам корпоратив низонинг бир тури сифатида иқтисодий судлар томонидан кўриб чиқилиши керак.

НАМУНА

Жумладан, 2005 йил 7 мартда таъсисчилар томонидан “Металл продукт” МЧЖ ташкил этилган.

2012 йил 20 декабрдаги МЧЖ иштирокчиларининг умумий йиғилишида жамиятнинг устав фондини 7 нафар учинчи шахсларнинг ҳиссалари ҳисобига кўпайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган. Натижада жамият иштирокчиларининг сони 55 нафарга етган.

2015 йил 8 январда Навоий шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси МЧЖга мурожаат қилиб, жамият иштирокчилари сони қонун ҳужжатларида белгиланган меъёрдан ошиб кетганлиги сабабли уни бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклга ўзгартиришни сўраган.

МЧЖ бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклга ўзгартирилмаганлиги сабабли Навоий шаҳар ҳокимлиги унга нисбатан судга мурожаат қилган ҳамда уни тугатишни сўраган.

Аниқланишича, 2005 йил 7 мартда таъсисчилар томонидан МЧЖ ташкил этилган ва ўз фаолияти давомида унинг иштирокчилари сони ошиб борган.

2012 йил 20 декабрдаги иштирокчиларнинг умумий йиғилишида жамиятнинг устав фондини яна 7 нафар шахсларнинг ҳиссалари ҳисобига кўпайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган. Натижада жамият иштирокчиларининг сони 55 нафарга етган.

2015 йил 8 январда Навоий шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси корхонага мурожаат қилиб, жамият иштирокчилари сони қонун ҳужжатларида белгиланган меъёрдан ошиб кетганлиги сабабли уни бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклга ўзгартиришни сўраган. Бироқ МЧЖ томонидан Навоий шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясининг мурожаати эътиборсиз қолдирилган.

Шундан сўнг Навоий шаҳар ҳокимлиги “Металл продукт” МЧЖга нисбатан судга мурожаат қилган ҳамда уни тугатишни сўраган.

“Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 7-моддасининг олтинчи қисмига кўра жамият иштирокчиларининг сони эллик кишидан ошмаслиги лозим.

Мазкур модданинг еттинчи қисмида, агар жамият иштирокчиларининг сони ушбу модданинг олтинчи қисмида белгиланган меъёрдан ошиб кетса, жамият бир йил ичида акциядорлик жамияти ёки ишлаб чиқариш кооперативи этиб қайта тузилиши кераклиги белгиланган.

2012 йил 20 декабрдаги иштирокчиларнинг умумий йиғилиши қароридан сўнг эса жамият иштирокчиларининг сони 55 нафарга етган. Шу сабабли МЧЖ бир йил ичида акциядорлик жамияти ёки ишлаб чиқариш кооперативи этиб қайта тузилиши керак бўлган.

“Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонун 7-моддасининг олтинчи қисмига кўра, агар кўрсатилган муддат давомида жамият қайта тузилмаса ва жамият иштирокчиларининг сони белгиланган меъёрга қадар камаймаса, у юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг талабига биноан суд тартиби-

да тугатилиши керак. Юқоридагиларни инобатга олиб, суд МЧЖни тугатишни лозим, деб топган.

Бундан ташқари, қонун ҳужжатларида фаолиятни рухсатномасиз (лицензиясиз) амалга оширилишини ҳам юридик шахсларни мажбурий тугатиш учун асос сифатида белгилаб қўйилган.

6.3. Хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларнинг, улушларнинг, кооперативлар аъзолари пайларининг мансублиги, уларга юкламалар белгилаш ва улардан келиб чиқадиган ҳуқуқларни амалга ошириш билан боғлиқ низолар, бундан хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни, улушларни, кооперативлар аъзоларининг пайларини ўз ичига олувчи мерос мол-мулкни ёки эр-хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган низолар мустасно.

Мазкур тоифадаги низоларни судда кўришда судлар инобатга олишлари лозимки, бу ерда низо корпорацияларнинг фақатгина 3 хил, яъни:

1. Хўжалик жамиятлари.
2. Хўжалик ширкатлари.
3. Кооперативлар ташкилий-ҳуқуқий шаклидаги турлари фаолияти бўйича юзага келиши мумкин холос.

Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларнинг, улушларнинг, агар улар кооператив бўлса, улар аъзолари пайларининг биринчидан, мавжудлигини, иккинчидан эса, мансублигини аниқлаштириш зарур. Мазкур иккита омилнинг аниқланиши оқибатида акция, улуш ва пайларга юкламалар белгилаш ва улардан келиб чиқадиган ҳуқуқларни амалга ошириш билан боғлиқ низоларни қонуний ҳал этиш мумкин. Чунки акция, улуш ва пай эгаси бўлмаган шахс ушбу акция, улуш ва пайлардан келиб чиқадиган ҳуқуқларга эга бўлмайди. Шунингдек, ҳеч қандай мажбуриятга ҳам эга бўлмайди. Масалан, жамият фойдасининг унинг иштирокчилари ўртасида тақсимлаш учун мўлжалланган қисми уларнинг жамият устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларига мутаносиб равишда тақсимланади.

Шунингдек, инобатга олиш лозимки, хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни, улушларни, кооперативлар аъзоларининг пайларини ўз ичига олувчи мерос мол-мулкни ёки эр-хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш билан

боғлиқ ҳолда юзага келадиган низолар фуқаролик ишлари бўйича судларга тааллуқли бўлиб, иқтисодий судга бундай даъво аризаси билан мурожаат қилинганда, ИПК 154-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан, даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш рад этилади, агар бундай даъво аризаси иш юритишга қабул қилинган бўлса, ИПК 110-моддасининг 1-бандига асосан иш юритиш тугатилади.

Суд амалиётида хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларнинг, улушларнинг, кооперативлар аъзолари пайларининг мансублиги, уларга юкламалар белгилаш ва улардан келиб чиқадиган ҳуқуқларни амалга ошириш билан боғлиқ низоларнинг аксариятини диведендларни ундириш, фойдани тақсимлаш, таъсисчилар сафига киритиш, таъсисчилар сафидан чиқариш тўғрисидаги каби даъволар асосида кўзғатилган ишлар ташкил этади.

ЁДДА ТУТИНГ!

Судлар масъулияти чекланган жамиятнинг фойдасини тақсимлаш билан боғлиқ низолни кўришда инобатга олишлари керакки, жамият ўз фойдасини жамият иштирокчилари ўртасида тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилиш пайтида ушбу жамият соф активларининг қиймати унинг устав фондидан (устав капиталидан) ва захира фондидан кам бўлмаслиги ёки шундай қарор қабул қилиниши натижасида уларнинг миқдоридан камроқ бўлиб қолмаслиги лозим.

НАМУНА

2013 йил 10 июнда “Фарход” МЧЖ иштирокчиларининг умумий йиғилиши ўтказилиб, унда жамият 2012 йилда олинган 74 244 000 сўм миқдордаги соф фойдани тақсимлаш масаласи кўриб чиқилган ва олинган соф фойданинг 50,5 фоизини иштирокчилар ўртасида тақсимлаш ҳақида қарор қабул қилинган.

Фаргона вилоят молия бошқармаси томонидан МЧЖ иштирокчиларининг асосий-ларидан бири бўлган Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Фаргона вилоят ҳудудий бошқармасига тўланиши лозим бўлган пул маблағларини ундириш учун МЧЖнинг банкдаги ҳисоб рақамига тўлов талабномаси кўйилган.

Бундан норози бўлган МЧЖ молия бошқармасига ҳамда жамиятнинг бошқа иштирокчилари Қ.Исломов, Э.Ақбаров, Т.Миров ва О.Давлетовларга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, 2013 йил 10 июндаги иштирокчилар умумий йиғилиши қарорини ҳақиқий эмас, деб топилгани сўраган.

“Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонун 26-моддаси биринчи қисмининг бешинчи хатбошисига кўра жамият ўз фойдасини жамият иштирокчилари ўртасида тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас, агар шундай қарорни қабул қилиш пайтида жамият соф активларининг қиймати унинг устав фондидан (устав капиталидан) ва захира фондидан кам бўлса ёки шундай қарор қабул қилиниши натижасида уларнинг миқдоридан камроқ бўлиб қолса.

МЧЖ иштирокчиларнинг 2013 йил 10 июндаги умумий йиғилишида 2012 йил якуни бўйича олинган соф фойдани тақсимлаш тўғрисидаги қарор жамият иштирокчиларининг

умумий йиғилишида ушбу масала юзасидан таклиф бир овоздан маъқулланган бўлса-да, юқорида қайд этилган Қонун нормаси талабига зид равишда қарор қабул қилинган.

Чунки умумий йиғилиш ўтказилган даврда МЧЖнинг соф активларининг қиймати 1 371 378 199 сўм миқдорини ташкил этган бўлса-да, жамиятнинг устав ва захира фонди 1 776 839 846 сўм миқдорини ташкил этган. Яъни МЧЖ соф активларининг қиймати, жамиятнинг устав ва захира фондидан 405 461 646 сўм кам эканлиги аниқланган. Бу ҳолат жамиятнинг 2012 йил якуни бўйича тузган бухгалтерия ҳужжатлари, баланси ва молиявий ҳисоботи билан тасдиқланган.

Мазкур Қонун 26-моддаси иккинчи қисмининг учинчи хатбошисига биноан, жамият ўз иштирокчилари ўртасида тақсимланиши тўғрисида қарор қабул қилинган жамият иштирокчиларига фойдани тўлашга ҳақли эмас, агар тўлаш пайтида жамиятнинг соф активлари қиймати унинг устав фондидан (устав капиталидан) ва захира фондидан кам бўлса ёки тўлаш натижасида уларнинг миқдоридан камроқ бўлиб қолса.

Бундан ташқари, Қонун 41-моддасининг учинчи қисмига биноан, жамият кузатув кенгашининг, жамият яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органининг, жамият коллегиял ижро этувчи органининг ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларининг, жамият устави талаблари бузилган ҳолда қабул қилинган ҳамда жамият иштирокчисининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган қарори жамият ана шу иштирокчисининг аризасига биноан суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.

Биринчи инстанция суди юқорида келтирилган қонун нормаларига асосланиб, асосли равишда даъво қаноатлантириш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилган.

Ҳўжалик жамиятлари ва ширкатларининг устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларнинг, улушларнинг, кооперативлар аъзолари пайларининг мансублиги, уларга юкламалар белгилаш ва улардан келиб чиқадиган ҳуқуқларни амалга ошириш билан боғлиқ низоларнинг судларда кўп кўриладиган яна бир тури – МЧЖ иштирокчиларини жамият таъсисчилари сафидан чиқариш тўғрисидаги талабга оиддир.

Шуни инобатга олиш лозимки, МЧЖ иштирокчиларини жамият таъсисчилари сафидан чиқариш тўғрисидаги талаб билан жамиятнинг ўзи мурожаат қилганда талабни қаноатлантириш рад этилади. Чунки таъсисчини МЧЖ таъсисчилар сафидан чиқариш тўғрисидаги талаб билан судга фақатгина жамиятнинг иштирокчиси(лари) мурожаат қилиши мумкин.

НАМУНА

Масалан, “Тўмарис” МЧЖнинг устави тасдиқланиб, 2010 йил 3 мартда ваколатли орган томонидан давлат рўйхатида олиниб, жамият таъсис ҳужжатларига асосан унинг иштирокчилари сифатида Э.Ғоипов, Л.Ғоипов, Э.Ботиров, В.Ботиров ва С.Пакаевлар кўрсатилган.

МЧЖ директори МЧЖ номидан 2017 йил 10 октябрда судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Л.Ғоипов ва Э.Ботировни МЧЖнинг таъсисчилари сафидан чиқаришни сўраган.

“Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонуннинг 8-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг “Иқтисодий судлар томонидан корпоратив низоларни ҳал этишнинг айрим масалалари тўғрисида” 2014 йил 20 июндаги 262-сонли қарори 19-бандининг иккинчи хатбошисида, агар даъвогар иштирокчининг улуши ёки бир неча иштирокчиларнинг жами улушлари жамият устав фонди (устав капитали)нинг ўн фоизидан кам бўлса ёхуд даъво аризаси жамиятнинг ўзи томонидан берилган бўлса, даъво аризасини қаноатлантириш рад этилиши лозимлиги тўғрисида тушунтириш берилган.

МЧЖ ўзининг таъсисчисини таъсисчилар сафидан чиқариш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилишга ҳақли эмаслигидан келиб чиқиб, суд томонидан МЧЖнинг даъвосини қаноатлантириш рад этилган.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, МЧЖда иштирокчи бўлиб қатнашмаётган шахснинг мазкур МЧЖ иштирокчиларидан бирини шу жамият иштирокчиси таркибидан чиқариш тўғрисидаги даъвоси ҳам худди юқорида таъкидлаган тартибда ҳал этилади.

НАМУНА

Жумладан, 2012 йил 6 майда тасдиқланган “Днепр” МЧЖ уставига кўра, унинг устав фонди 2 600 000 сўмни ташкил этган. Устав бўйича иштирокчилардан фуқаро И.Орипов устав фондига 1 300 000 сўм ва фуқаро М.Астахов 1 300 000 сўмлик улушни киритишлари, уларни ҳар бирининг жамият устав фондидаги улуши 50 фоизни ташкил этиши белгиланган.

Кейинчалик фуқаро М.Астахов МЧЖнинг таъсисчилари сафидан чиқмоқчи бўлган ва бу ҳақда МЧЖнинг бошқа таъсисчиси фуқаро И.Ориповни огоҳлантирган. Мазкур масала юзасидан 2015 йил 10 октябрда ўтказилган таъсисчилар йиғилишида М.Астаховнинг жамият устав фондидаги 50 фоизлик, яъни 1 300 000 сўм қийматдаги улушини И.Ориповга текинга бериш ҳамда М.Астаховни МЧЖ таъсисчилари сафидан чиқариш ҳақида қарор қабул қилинган.

2015 йил 10 ноябрда МЧЖ таъсисчилари томонидан таъсисчилар сафини кенгайтириш ҳамда МЧЖ устав фондини кўпайтириш тўғрисида қарор қабул қилиниб, МЧЖнинг устав фондида фуқаролар И.Орипов ва Н.Акмаловлар томонидан уларнинг ҳар бири 50 фоиздан, яъни 25 006 000 сўмлик улушларни киритишлари белгиланган.

Умумий йиғилиш қарорига асосан МЧЖнинг янги таъсис шартномаси имзоланиб, ваколатли орган томонидан 2015 йил 15 ноябрда рўйхатга олинган.

Муайян вақт ўтгандан кейин, яъни 2016 йил 15 сентябрда МЧЖнинг дастлабки ташкил этилишида иштирок этган собиқ таъсисчиси фуқаро М.Астахов судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, И.Орипов ва Н.Акмаловлар унга машина беришни ваъда қилиб, кейинчалик бу ваъдасини бажармаганлиги учун уларни МЧЖнинг таъсисчилар сафидан чиқаришни сўраган.

“Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонун 8-моддасининг иккинчи қисмига кўра, жами улушлари жамият устав фондининг (устав капиталининг) камида ўн фоизини ташкил этадиган жамият иштирокчилари ўз мажбуриятларини кўпол бузаётган ёхуд ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан жамиятнинг фаолият кўрсатишига имкон бермаётган ёки уни жиддий тарзда қийинлаштираётган иштирокчини жамиятдан суд тартибда чиқарилишини талаб қилишга ҳақлидирлар.

Олий ҳужалик суди Пленумининг “Иқтисодий судлар томонидан корпоратив низоларни ҳал этишнинг айрим масалалари тўғрисида” 2014 йил 20 июндаги 262-сонли қарори 3-бандининг иккинчи хатбошисига кўра, ҳужалик ширкати ва жамияти қонунда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиб, юридик шахс мақомини олганидан сўнг унда ўз улуши (пайи, ҳиссаси)га эга бўлган юридик ва (ёки) жисмоний шахс ушбу ҳужалик ширкати ва жамиятининг иштирокчиси ҳисобланади.

Даъво аризаси судга киритилганда М.Астаховнинг МЧЖда улуши мавжуд бўлмаганлиги ва у МЧЖнинг иштирокчиси ҳисобланмаслигини инобатга олиб, биринчи инстанция суди даъво талабини қаноатлантириш рад этган.

Мерос асосида улушга нисбатан мулк ҳуқуқини қўлга киритиш билан боғлиқ корпоратив низо кўрилатганда қуйидаги ҳуқуқий нормага амал қилиш муҳимдир. Агар жамият уставида жамият иштирокчисининг устав фондидаги улуши унинг меросхўрларига ўтишига ёки улар ўртасида

тақсимланишига қолган иштирокчиларнинг розилиги билан йўл қўйилиши назарда тутилган бўлиб, жамиятнинг қолган иштирокчилари меросхўрларнинг улуш билан жамият таркибига киришга рози бўлмаса, улар жамият таркибига киритилмайди ва уларга улушнинг ҳақиқий қиймати тўлаб берилади.

НАМУНА

Фуқаролар Б.Ҳодиев, А.Гулов ва Ш.Жиров томонидан “Зара” МЧЖ таъсис этилган ва жамиятнинг таъсис ҳужжатлари Юнусобод туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида 2000 йил 12 сентябрда рўйхатга олинган.

МЧЖнинг устав фондида Б.Ҳодиев 120 000 сўм, ёки 33,3 фоиз, Ш.Жиров 120 000 сўм, ёки 33,3 фоиз, А.Гулов 121 000 сўм, ёки 33,4 фоиз улушга эга бўлган.

Жамиятнинг 33,4 фоиз улушига эга бўлган таъсисчиси А.Гулов 2012 йил 14 декабрда вафот этган.

Б.Ҳодиевнинг даъво аризасига биноан, суднинг 2014 йил 5 декабрдаги ҳал қилув қарори билан МЧЖ таъсисчиси Ш.Жиров МЧЖнинг фаолият кўрсатишига имкон бермаётганлиги ҳамда уни жиддий тарзда қийинлаштираётганлиги сабабли МЧЖ таъсисчилари сафидан чиқарилган.

Натижада Б.Ҳодиев МЧЖнинг ягона иштирокчиси бўлиб қолган. Б.Ҳодиев ягона иштирокчи сифатида 2015 йил 20 апрелда МЧЖ иштирокчиси Ш.Жировни иштирокчиларни сафидан чиқариш, жамият иштирокчиси А.Гуловнинг ҳуқуқий ворисларига жамият таркибига киришни рад этиш ҳамда ҳуқуқий ворисларга жамият иштирокчиси вафот қилиш кунидан олдинги ҳисобот даври учун жамиятнинг бухгалтерия ҳисоботлари маълумотлари асосида аниқланадиган улушнинг ҳақиқий қийматини жамиятнинг молиявий аҳволидан келиб чиқиб, 2015 йил 31 декабрга қадар тўлаб бериш тўғрисида қарор қабул қилган. Шунингдек, ушбу қарор билан МЧЖ таркибидан чиқарилган Ш.Жировнинг ва вафот этган А.Гуловнинг улушлари Б.Ҳодиевга ўтказилган ҳолда жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш белгиланган.

Бундан норози бўлган МЧЖ иштирокчиси А.Гуловнинг қонуний меросхўри Г.Гулов судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, таъсисчи Б.Ҳодиевнинг 2015 йил 20 апрелдаги қарорини ҳақиқий эмас, деб топишни ва МЧЖнинг марҳум таъсисчиси А.Гуловнинг меросхўрларини жамиятнинг 33,4 фоиз улушга эга бўлган иштирокчиси, деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво талабларини қаноатландириш рад этилган.

Чунки МЧЖ уставининг 3.10-бандига асосан, жамиятнинг иштирокчиси бўлган фуқаро вафот этган ҳолда жамиятнинг розилиги билан меросхўр жамиятга кириши, жамият меросхўрни ўз таркибига киритишни рад этган ҳолларда эса унинг устав фондидаги улуши иштирокчи вафот этган кундаги ҳақиқий қийматида ҳисоблаб берилиши белгиланган.

МЧЖ таъсисчилари сафидан чиқариш тўғрисидаги низоларни ҳал этишда судлар, энг аввало, таъсисчилар сафидан чиқариш тўғрисида талаб қилинган шахснинг таъсисчилар рўйхатида эканлиги ҳолатини аниқлаши лозим. Чунки амалдаги қонун ҳужжатларига кўра, МЧЖ иштирокчилари сафига киритилмаган меросхўрни МЧЖ иштирокчилари сафидан чиқариб бўлмайди.

НАМУНА

2015 йил 10 сентябрда фуқаролар С.Хайруллаев ва Л.Усмонов томонидан “Шоҳимардон” МЧЖ ташкил этилган бўлиб, унинг таъсис ҳужжатлари туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси томонидан 2015 йил 20 сентябр-

да рўйхатга олинган ва бу ҳақда МЧЖга гувоҳнома берилган.

Таъсис ҳужжатларига кўра, МЧЖнинг устав фонди 10 000 000 сўм миқдоридида белгиланиб, унда С.Хайруллаев 5 000 000 сўм ёки 50 фоиз, Л.Усмонов 5 000 000 сўм ёки 50 фоиз улушга эга бўлган.

МЧЖнинг иштирокчиси С.Хайруллаев 2016 йилнинг 11 октябрида вафот этган.

2016 йил 25 декабрда нотариал тасдиқланган мерос тўғрисидаги гувоҳномага асосан С.Хайруллаев фарзандлари Азимов Сайфиддин Хайруллаевич ва Азимов Сардор Хайруллаевичлар МЧЖ устав фондидаги отаси С.Хайруллаевнинг улушига тенг ҳиссада меросхўр эканликлари белгиланган.

МЧЖ иштирокчиси Л.Усмонов судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, МЧЖ иштирокчилари Азимов Сайфиддин Хайруллаевич ва Азимов Сардор Хайруллаевичлар узрли сабабларсиз умумий йиғилишларда қатнашмаётганликлари сабабли уларни МЧЖ иштирокчилари сафидан чиқаришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 16 февралдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаби қаноатлантирилган.

Биринчи инстанция суди даъво талабини қаноатлантириб, нотўғри хулосага келган.

Чунки Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг “Иқтисодий судлар томонидан корпоратив низоларни ҳал этишнинг айрим масалалари тўғрисида” 2014 йил 20 июндаги 262-сонли қарори 3-бандининг иккинчи хатбошида ҳўжалик ширкати ва жамияти қонунда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиб, юридик шахс мақомини олгандан сўнг унда ўз улуши (пайи, ҳиссаси)га эга бўлган юридик ва (ёки) жисмоний шахс ушбу ҳўжалик ширкати ва жамиятининг иштирокчиси ҳисобланади.

Бу ерда марҳум С.Хайруллаевнинг фарзандлари Азимов Сайфиддин Хайруллаевич ва Азимов Сардор Хайруллаевичлар 2016 йил 25 декабрда нотариал тасдиқланган мерос тўғрисидаги гувоҳномага асосан отаси С.Хайруллаевнинг МЧЖдаги улушига тенг ҳиссада меросхўр бўлсалар-да, бироқ уларни МЧЖ иштирокчилари сафига киритиш ҳақида қарор қабул қилинмаган, тегишли тартибда МЧЖнинг таъсис ҳужжатларига ўзгартишлар киритилмаган ҳамда рўйхатдан ўтказилмаган.

Ушбу ҳолат Азимов Сайфиддин Хайруллаевич ва Азимов Сардор Хайруллаевичларни МЧЖ иштирокчилари бўлиб ҳисобланмаслигини англатади. Шу боис кассация инстанцияси суди МЧЖ иштирокчилари ҳисобланмаган шахсларни МЧЖдан чиқариб бўлмаслигини инобатга олиб, ҳал қилув қарорини бекор қилишни, ариза талабини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилишни лозим топган.

Суд амалиётида ҳўжалик жамиятининг устав фондида (устав капиталида)ги улушнинг мансублиги билан боғлиқ низолар ҳам кўп кўриладиган низолар турига киради.

Бу тоифадаги низоларни кўришда судлар жамиятнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушлар жисмоний шахсларнинг меросхўрларига ва жамиятнинг иштирокчилари бўлган юридик шахсларнинг ҳуқуқий ворисларига ўтиши ва тақсимланишига фақат жамият қолган иштирокчиларининг розилиги билан йўл қўйилиши мумкинлигини назарда тутишлари керак.

НАМУНА

2005 йилда У.Рўзиев ҳамда М.Тўхтаев томонидан “Шарқ” МЧЖ ташкил этилган. Иштирокчиларнинг МЧЖни устав фондидаги улуши миқдори куйидагича тақсимланган: У.Рўзиевнинг улуши – 54 фоиз, М.Тўхтаевнинг улуши – 46 фоиз.

МЧЖ иштирокчиси М.Тўхтаев 2013 йилда 14 февралда вафот этганидан сўнг унинг ўғли О.Тўхтаев қонунда белгиланган тартибда меросхўр деб топилган.

О.Тўхтаев МЧЖ иштирокчиси У.Рўзиевга мурожаат қилиб, меросхўр сифатида ўзини МЧЖ иштирокчилари таркибига киритишни сўраган.

У.Рўзиев мазкур мурожаатни кўриб чиқиб, ягона таъсисчи сифатида 2015 йил 20 мартда О.Тўхтаевни жамият иштирокчилари таркибига киритишни рад этиш ҳамда жамият иштирокчиси М.Тўхтаевнинг вафот қилиш кунидан олдинги охириги ҳисобот даври учун жамиятнинг бухгалтерия ҳисоботлари маълумотлари асосида аниқланадиган улушнинг ҳақиқий қийматини тўлаш тўғрисида қарор қабул қилган.

О.Тўхтаев мазкур қарордан норози бўлиб МЧЖ иштирокчиси У. Рўзиевга нисбатан судга мурожаат қилиб, 2015 йил 20 мартдаги 1-сонли қарорни ҳақиқий эмас, деб топиш ҳамда жамиятнинг марҳум таъсисчиси М. Тўхтаевнинг меросхўри О. Тўхтаевни 46 фоиз улуш билан иштирокчи, деб топишни сўраган.

"Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 20-моддасининг ўн иккинчи қисмига кўра, жамиятнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушлар жисмоний шахсларнинг меросхўрларига ва жамиятнинг иштирокчилари бўлган юридик шахсларнинг ҳуқуқий ворисларига ўтади.

Мазкур Қонун 20-моддасининг ўн тўртинчи қисмида жамиятнинг уставида ушбу модданинг ўн иккинчи ва ўн учинчи қисмларида белгиланган улушнинг ўтиши ва тақсимланишига фақат жамият қолган иштирокчиларининг розилиги билан йўл қўйилиши назарда тутилиши мумкинлиги белгиланган.

Жамият уставининг 3.10-бандида ҳам жамиятнинг иштирокчиси бўлган фуқаро вафот этган тақдирда, унинг меросхўрлари жамият иштирокчисининг розилиги билан унга иштирокчи сифатида киришлари мумкинлиги кўрсатилган.

Қонуннинг 20-моддаси ҳамда жамият уставининг 3.10-бандига асосан жамият иштирокчисининг меросхўри фақат жамият бошқа иштирокчисининг розилиги билан жамият иштирокчилари таркибига киритилиши мумкин.

Таъкидланганидек, меросхўр О.Тўхтаевнинг МЧЖ иштирокчиси У.Рўзиевга қилган мурожаати 2015 йил 20 мартда МЧЖ умумий йиғилишида кўриб чиқилган ҳамда О.Тўхтаевни жамият иштирокчилари таркибига киритиш рад этилган.

Қонун 22-моддасининг олтинчи қисмига кўра, ушбу Қонуннинг 20-моддаси ўн иккинчи, ўн учинчи ва ўн тўртинчи қисмларида назарда тутилган ҳолларда жамиятнинг иштирокчилари улушнинг ўтиши ёки тақсимланишига розилик беришни рад этсалар, агар жамиятнинг уставида мувофиқ, бундай розилик олиниши зарур бўлса, улуш жамиятга ўтади. Бунда жамият вафот этган жамият иштирокчисининг меросхўрларига, қайта ташкил этилган жамият иштирокчиси бўлган юридик шахснинг ҳуқуқий ворисларига ёки жамият иштирокчиси бўлган тугатилган юридик шахснинг иштирокчиларига тегишинча вафот қилиш, қайта ташкил этилиш ёки тугатилиш кунидан олдинги охириги ҳисобот даври учун жамиятнинг бухгалтерия ҳисоботлари маълумотлари асосида аниқланадиган улушнинг ҳақиқий қийматини тўлаши ёхуд уларнинг розилиги билан уларга худди шундай қийматдаги мол-мулкни асли ҳолида бериши шарт.

Шу боис суднинг ҳал қилув қарори билан даъво талабини қаноатлантириш рад этилган.

Жамият иштирокчисини жамият иштирокчилари сафидан чиқариш билан боғлиқ ишларни кўришда судлар қуйидаги 2 та муҳим ҳолатга эътибор беришлари керак:

Жамият иштирокчисини жамият иштирокчилари сафидан чиқариш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилаётган шахс(лар) жамиятнинг таъсисчи бўлиши шарт

Бундай талаб билан судга мурожаат қилаётган шахс(лар)нинг жамиятнинг устав фондидаги улуши камида 10 фоизни ташкил этиши керак

“Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонун 8-моддасининг иккинчи қисмига кўра бундай талабни қаноатлантириш учун қуйидаги 3 та асослардан бири мавжуд бўлиши керак

Жамият иштирокчилари сафидан чиқариш талаби қаратилган иштирокчиси(лари) ўз мажбуриятларини қўпол бузаётган бўлса

Бундай иштирокчи(лар) ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан жамиятнинг фаолият кўрсатишига имкон бермаётган бўлса

Жамият иштирокчилари сафидан чиқариш талаби қаратилган иштирокчиси(лари) жамиятнинг фаолият кўрсатишини жиддий тарзда қийинлаштираётган бўлса

Жамият иштирокчилари сафидан чиқариш талаби қаратилган иштирокчиси(лари) томонидан ўз мажбуриятларини қўпол равишда бузаётганлиги ҳолатига мисол қилиб, “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонуннинг 9-моддасидаги жамият иштирокчиларининг мажбуриятларини бузилишини кўрсатса бўлади. Унга кўра, жамият иштирокчилари ушбу Қонунда ва жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда, миқдорда, усулларда ва муддатларда ҳисса қўшишлари; жамият фаолияти тўғрисидаги сир тутилган ахборотни ошкор қилмасликлари шарт.

Жамият иштирокчиларининг қонун ҳужжатларида ва жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятлари ҳам бўлиши мумкин.

Демак жамият иштирокчиларининг мажбуриятлари қонун ҳужжатлари ва таъсис ҳужжатларида аниқ кўрсатиб ўтилган бўлиб, иштирокчи томонидан ўз мажбуриятларининг қўпол равишда бузилиши суд тартибда уни МЧЖдан чиқариш учун асос бўлиб хизмат қилади.

МЧЖ иштирокчиси ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан жамиятнинг фаолият кўрсатишига имкон бермаётганлиги ёки иштирокчи ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан жамиятнинг фаолият кўрсатишини жиддий тарзда қийинлаштираётганлиги ҳолатларини баҳолаш мезонлари қонун ҳужжатларида аниқ кўрсатиб берилмаган.

ЁДДА ТУТИНГ!

Корпоратив низоларга оид ишларни кўришда судлар томонидан иштирокчининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) жамиятнинг фаолиятига қай даражада таъсир кўрсата олиши мумкинлигини аниқлаш муҳим ҳисобланади.

“Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонун 8-моддаси биринчи қисмининг олтинчи хатбошисига кўра, жамият иштирокчиси жамият бошқа иштирокчиларининг розилигидан қатъи назар, ушбу Қонунда ва жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда исталган вақтда жамиятдан чиқиш ҳуқуқига эга. Шу сабабли иштирокчи томонидан ўзини жамиятдан чиқариш ҳақидаги даъво талаби билан судга мурожаат қилинганда, бундай талабни қаноатлантириш рад қилинади.

“Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонуни 22-моддасининг бешинчи қисмига мувофиқ, жамиятдан чиқарилган ёки ундан чиқиб кетган жамият иштирокчисининг улуши жамиятга ўтади. Бунда жамият ундан чиқарилган ёки чиқиб кетган иштирокчига улушининг чиқарилиш ёки чиқиб кетиш санасидан олдинги охириги ҳисобот даври учун жамиятнинг бухгалтерия ҳисоботлари маълумотлари бўйича аниқланадиган ҳақиқий қийматини тўлаши ёки жамиятдан чиқарилган ёки чиқиб кетган иштирокчисининг розилиги билан унга худди шундай қийматдаги мол-мулкни асли ҳолида бериши шарт.

Жамиятдан чиқарилган ёки ундан чиқиб кетган иштирокчининг ўз улушини МЧЖдан ундириш тўғрисида талаб билдирилганда, жамият мазкур иштирокчи томонидан киритилган мол-мулкни натура шаклида беришга рози бўлмаган тақдирда, иштирокчи жамият устав фондига улуш сифатида айнан ўзи киритган мол-мулкни талаб қилишга ҳақли эмас.

МЧЖдан чиқарилган ёки ундан чиқиб кетган иштирокчи томонидан жамиятнинг устав фондига (устав капитали) ҳисса тариқасида фойдаланиш учун берилган мол-мулк, агар таъсис ҳужжатида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, у қанча муддатга берилган бўлса, шунча муддат давомида жамият фойдаланишида қолаверади.

Шу боис иштирокчи МЧЖнинг устав фондига (устав капитали) ҳисса сифатида фойдаланиш учун киритган мол-мулкни талаб қилса, ушбу мулк, агар мулкдан фойдаланиш муддати тугаган бўлса, иштирокчига қайтарилиши лозим, агар таъсис ҳужжатида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса.

Улуш (улушнинг бир қисми) жамиятга ўтган пайдан эътиборан бир йил ичида, агар жамиятнинг уставига камроқ муддат назарда тутилган бўлмаса, жамият улушнинг (улуш бир қисмининг) ҳақиқий қийматини тўлаши ёки худди шундай қийматдаги мол-мулкни асли ҳолида бериши шарт. Демак жамият уставига улушнинг ҳақиқий қийматини тўлаш ёки худди шундай қийматдаги мол-мулкни асли ҳолида бериш учун бир йилдан камроқ муддат белгиланган бўлса, бу ҳолда уставда кўрсатилган

муддат қўлланилади. Агар жамият уставида бир йилдан кўпроқ муддат кўрсатилган бўлса, бу ҳолда бир йиллик муддат қўлланилади.

Шуни инобатга олиш лозимки, масъулияти чекланган жамияти иштирокчисининг ушбу жамият иштирокчилари сафидан чиқмай туриб, устав фондидаги унинг улушини сотиб олиш ҳақидаги жамиятга нисбатан билдирган талаби асоссиз бўлиб, ушбу талаб суд томонидан рад этилади.

НАМУНА

Наманган шаҳридаги собиқ Марказий универмаги негизда “Жавлон” МЧЖ ташкил этилган. МЧЖнинг устав фонди 12 000 000 сўм миқдорда тасдиқланган ва 9 кишидан иборат иштирокчилар ўртасида тақсимланган. МЧЖ устав фондида таъсисчи С.Искановнинг улуши 1 000 000 сўмни ёки 8,4 фоизни ташкил этган.

С.Исканов 2012 йил 16 декабрда МЧЖга мурожаат қилиб, у МЧЖдан чиқишга қарор қилганлигини, МЧЖ устав фондидаги ўз улушини 50 400 000 сўмга МЧЖга сотишини маълум қилган.

Ушбу пул суммаси МЧЖ томонидан тўлаб берилмаганлиги сабабли С.Исканов ҳуқуқларини ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилган.

Адлия бошқармаси С.Искановнинг манфаатида судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унинг жамият устав фондидаги 8,4 фоиз улушига тенг қийматдаги улушини бозор баҳосини, яъни 53 424 670 сўмни ундиришни сўраган.

“Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонун 8-моддаси биринчи қисмининг олтинчи хатбошисига кўра, жамият иштирокчиси жамият бошқа иштирокчиларининг розилигидан қатъи назар, ушбу Қонунда ва жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда исталган вақтда жамиятдан чиқиш ҳуқуқига эга.

Мазкур Қонун 20-моддасининг бешинчи қисмига кўра, ўз улушини (улушининг бир қисмини) учинчи шахсга сотиш ниятида бўлган жамият иштирокчиси улуши сотиладиган баҳони ва бошқа шартларни кўрсатган ҳолда бу ҳақда жамиятнинг қолган иштирокчиларини ва жамиятнинг ўзини ёзма равишда хабардор қилиши шарт. Лекин С.Исканов томонидан жамиятнинг бошқа 8 кишидан иборат иштирокчилари хабардор этилмай, фақат жамиятнинг ўзига 2012 йил 16 декабрдаги ариза билан мурожаат қилинган.

Мазкур Қонун 22-моддасининг бешинчи қисмига мувофиқ, жамиятдан чиқарилган ёки ундан чиқиб кетган жамият иштирокчисининг улуши жамиятга ўтади. Бунда жамият жамиятдан чиқарилган ёки чиқиб кетган иштирокчига улушининг чиқарилиш ёки чиқиб кетиш санасидан олдинги охириги ҳисобот даври учун жамиятнинг бухгалтерия ҳисоботлари маълумотлари бўйича аниқланадиган ҳақиқий қийматини тўлаши ёки жамиятдан чиқарилган ёки чиқиб кетган иштирокчисининг розилиги билан унга худди шундай қийматдаги мол-мулкни асли ҳолида бериши шарт.

Мазкур модданинг тўққизинчи қисмида эса, улуш (улушнинг бир қисми) жамиятга ўтган пайтдан эътиборан бир йил ичида, агар жамиятнинг уставида камроқ муддат назарда тутилган бўлмаса, жамият улушнинг (улуш бир қисмининг) ҳақиқий қийматини тўлаши ёки худди шундай қийматдаги мол-мулкни асли ҳолида бериши шартлиги ҳақида қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди Пленумининг “Иқтисодий судлар томонидан корпоратив низоларни ҳал этишнинг айрим масалалари тўғрисида” 2014 йил 20 июндаги 262-сонли қарори 22.2-бандининг учинчи хатбошисига кўра, жамиятдан чиқарилган ёки чиқиб кетган иштирокчида ўз улуши қийматини суд тартибда ундириш ҳуқуқи қонунда ёки жамият уставида белгиланган муддат ўтганидан сўнг вужудга келади. Агар жамиятдан чиқарилган ёки чиқиб кетган иштирокчи ушбу муддатлар ўтмасдан судга мурожаат этса, даъво аризасини қаноатлантириш рад этилиши лозим.

Бундан кўриниб турибдики, улуш жамиятнинг ҳисобига ўтганидан кейингина иштирокчи улуш ҳақини жамият томонидан тўлаб берилишини талаб қила олади. Мазкур ҳолатда эса, С.Искановнинг улуши жамият ҳисобига ўтмаган, даъво аризаси судга тақдим этилганда у таъсисчилар сафида турган.

С.Искановнинг 2012 йил 12 декабрдаги аризасида С.Исканов ўзига тегишли 8,4 фоиз

улуши МЧЖ томонидан у билдирган нарҳда сотиб олинсагина, таъсисчилар сафидан чиқиши ҳақида маълум қилинган. Шу сабабли биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъвои қаноатлантириш рад этилган.

Корпоратив ҳуқуқнинг хўжалик жамияти ва ширкати устав фондидаги улуш билан боғлиқ яна бир муҳим қоидаси шундан иборатки, МЧЖнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг қарорига асосан амалга оширилади ва бу вазифа суднинг ваколатига кирмаслиги боис, шу мазмундаги талаб билан судга мурожаат қилинганда даъво талабини қаноатлантириш рад этилиши лозим.

НАМУНА

2015 йилда фуқаролар Ш.Икромов, Д.Икромов ва Д.Жумаев “Саҳна” МЧЖни таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қилишиб, таъсис шартномаси тузишган. МЧЖнинг устави Қўқон шаҳар ҳоқимлиги томонидан 2015 йил 24 майда 00225-сонли тартиб рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Таъсис ҳужжатларида МЧЖнинг устав фонди 257 300 сўм бўлиб, Д.Жумаевнинг улуши 17 фоизни, қолган иштирокчиларнинг улуши эса 83 фоизни ташкил қилган.

МЧЖ таъсисчиси Д.Жумаев судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, МЧЖнинг устав фондидаги улушини 24,87 фоиз миқдорида, яъни кўпайтириб белгилаб беришни сўраган.

Биринчи инстанция суднинг ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, Д.Жумаевнинг жамият устав фондидаги улуши 23,5 фоиз миқдорида белгиланган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Бу ерда биринчи ва апелляция инстанцияси судлари томонидан низони ҳал этишда моддий ҳуқуқ нормалари нотўғри қўлланилган.

“Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 16-моддасининг иккинчи қисмига кўра, жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг жамият иштирокчилари умумий овозлари сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан (агар жамиятнинг уставида бундай қарорни қабул қилиш учун овозларнинг бундан кўпроқ сони зарурлиги назарда тутилган бўлмаса) қабул қилинган қарорига биноан амалга оширилади.

Яъни Д.Жумаевнинг МЧЖ устав фондидаги улушини 24,87 фоиз миқдорида белгилаб бериш ҳақидаги талаб суднинг ваколатига кирмайди. Улушни белгилаш МЧЖ иштирокчилари умумий йиғилишининг ваколатига киради.

Шу боис, кассация инстанцияси суди қўйи суд ҳужжатларини бекор қилиб, даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилган.

Жамият иштирокчисининг жамият иштирокчиси сафидан чиқиш тартиби ва унинг оқибатлари, жумладан, жамият таъсисчилари сафидан чиқиб кетган иштирокчининг жамият устав фондига киритган улушини натура тарзида, яъни улушини асл ҳолида қайтаришни талаб қилиш билан боғлиқ ишларни кўришда, судлар жамиятнинг таъсис ҳужжатларини талаб қилиб олишлари муҳим. Чунки “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 13-моддасининг тўққизинчи хатбошисида жами-

ят уставида жамият иштирокчисининг жамиятдан чиқиш тартиби ва унинг оқибатлари тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилиши кераклиги белгиланган.

НАМУНА

2002 йилда У.Рўзиев, Ш.Мўминов ҳамда У.Ражабов томонидан “Қурувчи” МЧЖ ташкил этилган. Жамият иштирокчиларининг устав фондидаги улуши миқдори куйидагича тақсимланган: У.Рўзиев – 25 %, Ш.Мўминов – 50 %, У.Ражабов – 25 %.

Жамият иштирокчиси Ш.Мўминовга 2013 йил 10 октябрда МЧЖга мурожаат қилиб, жамият иштирокчилари сафидан чиққанлигини маълум қилган ҳамда ўзи томонидан жамиятга улуш сифатида киритилган MAN TGS 33.360 бх4 ST 52-русумли автотранспорт воситаси кўринишидаги мол-мулкни асл ҳолида беришни сўраган.

МЧЖ томонидан Ш.Мўминовга рад жавоби берилган.

Ш.Мўминов сўнгра МЧЖга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилган ҳамда МЧЖга мазкур автотранспорт воситасини асл ҳолида бериш мажбуриятини юклашни сўраган.

Юқоридаги ҳуқуқий нормага ҳамда 2002 йил 18 апрелда тасдиқланган МЧЖ уставининг 7.2-бандига кўра, жамият иштирокчиси жамиятдан чиқиб кетиши учун бошқа иштирокчиларнинг розилигини олиши зарур. Бунда иштирокчи жамият иштирокчилари сафидан чиқарилган тақдирда, жамият иштирокчи киритилган мол-мулкни натура шаклида беришга рози бўлмаган бўлса, иштирокчи жамият устав фондида улуш сифатида айнан ўзи киритган мол-мулкни талаб қилишга ҳақли эмас.

Мазкур ҳолатда иштирокчи Ш.Мўминов томонидан МЧЖ иштирокчилари сафидан чиқиб кетишда бошқа иштирокчиларнинг розилигини олиш талаб этилмайди.

Чунки Қонун 8-моддаси биринчи қисмининг олтинчи хатбошисида жамият иштирокчилари жамият бошқа иштирокчиларининг розилигидан қатъи назар, ушбу Қонунда ва жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда исталган вақтда жамиятдан чиқишга ҳақли эканликлари кўрсатилган.

Демак иштирокчи Ш.Мўминов МЧЖга иштирокчилар сафидан чиқиб кетганлигини маълум қилган кун, яъни 2013 йил 10 октябрдан бошлаб, у чиқиб кетган ҳисобланади. Лекин Ш.Мўминов томонидан жамиятга улуш сифатида киритилган мол-мулкни натура ҳолида қайтариш учун жамиятнинг розилиги талаб этилади.

Қонун 22-моддасининг бешинчи қисмига мувофиқ, жамиятдан чиқарилган ёки ундан чиқиб кетган жамият иштирокчисининг улуши жамиятга ўтади. Бунда жамият ундан чиқарилган ёки чиқиб кетган иштирокчига улушининг чиқарилиши ёки чиқиб кетиш санасидан олдинги охириги ҳисобот даври учун жамиятнинг бухгалтерия ҳисоботлари маълумотлари бўйича аниқланадиган ҳақиқий қийматини тўлаши ёки жамиятдан чиқарилган ёки чиқиб кетган иштирокчисининг розилиги билан унга худди шундай қийматдаги мол-мулкни асли ҳолида бериши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленуми “Иқтисодий судлар томонидан корпоратив низоларни ҳал этишнинг айрим масалалари тўғрисида” 2014 йил 20 июндаги 262-сонли қарорининг 22-бандида жамиятдан чиқарилган ёки ундан чиқиб кетган иштирокчининг ўз улушини масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятдан ундириш тўғрисидаги талаблар бўйича ишларни кўришда судлар шуни назарда тутишлари керакки, жамият киритилган мол-мулкни натура шаклида беришга рози бўлмаган ҳолда, иштирокчи жамият устав фондида улуш сифатида айнан ўзи киритган мол-мулкни талаб қилишга ҳақли эмас, шу сабабли бундай талабни қаноатлантириш рад этилиши тўғрисида тушунтириш берилган. Шу боис, суднинг ҳал қилув қарори билан даъво талабини қаноатлантириш рад этилган.

Суд амалиётида корпоратив низоларнинг акциялар бўйича дивидендларни ундириш тўғрисидаги тури бошқа низоларга нисбатан бир мунча кўпроқ кўрилади. Мазкур тоифадаги низоларнинг судларда

кўплаб кўрилиши, унинг долзарблигидан, бу борада муайян тушунмовчиликларнинг мавжудлигидан далолат беради.

Бу борада таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 22-моддасида дивидендлар – акциялар бўйича тўланиши лозим бўлган даромад; юридик шахс томонидан унинг муассислари ўртасида (иштирокчилари, аъзолари ўртасида уларнинг улушлари, пайлари, ҳиссалари бўйича) тақсимланадиган соф фойданинг ва (ёки) ўтган йиллардаги тақсимланмаган фойданинг бир қисми; юридик шахс тугатилганда мол-мулкни тақсимлашдан олинган, шунингдек, муассис (иштирокчи, аъзо) томонидан юридик шахсда иштирок этиш улушини (пайини, ҳиссасини) олгандаги даромадлар, бундан муассис (иштирокчи, аъзо) устав фондига (устав капиталига) ҳисса сифатида киритган мол-мулкнинг қиймати чегирилади, тақсимланмаган фойда устав фондиди (устав капитални) кўпайтириш учун йўналтирилган тақдирда, юридик шахс акциядорининг, муассисининг (иштирокчисининг, аъзосининг) қўшимча акциялар қиймати, улуш (пай, ҳисса) қийматининг ошиши тарзида олинган даромадлари, деб тушунтириш берилган.

Акциялар эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғозлар бўлиб, улар оддий ва имтиёзли бўлиши мумкин.

Оддий акциялар овоз берувчи акциялар бўлиб, улар ўз эгасига дивидендлар олиш, жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини беради.

Ўз эгаларига дивидендларни, шунингдек, жамият тугатилаётганда акцияларга қўйилган маблағларни биринчи навбатда олиш ҳуқуқини берадиган акциялар имтиёзли акциялардир. Имтиёзли акциялар ўз эгаларига жамият фойда кўриш-кўрмаслигидан қатъи назар, муайян дивидендлар олиш ҳуқуқини беради.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 26-моддаси биринчи қисмининг тўртинчи хатбошисида акциядорлар жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш ҳуқуқига эгаллиги назарда тутилган.

Дивиденд жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра тўланади. Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби жамиятнинг уставида ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олти кундан кеч бўлмаслиги лозим.

Демак АЖ томонидан дивидендлар жамиятнинг уставида ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланган муддатда

тўланмаган бўлса, акциядор белгиланган муддат ўтганидан сўнг дивидендларни тўлашни суд тартибида талаб қилишга ҳақли.

Юридик ва (ёки) жисмоний шахслар бўлган акциядорлар томонидан дивидендларни ундириш ҳақидаги талаблар АЖ фаолиятдан келиб чиқиши ҳамда акциядор билан АЖ ўртасида бўлиши сабабли бундай низолар корпоратив низолар сифатида иқтисодий судларга тааллуқлидир.

ЁДДА ТУТИНГ!

Дивидендларни ундириш билан боғлиқ низолар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққанлиги сабабли, бундай тоифадаги низоларга доир ишлар даъво аризалари асосида кўриб чиқилади.

Дивидендлар белгиланган муддатда тўланмаган тақдирда акциядор, жамиятдан унга тегишли дивиденд суммасини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган қайта молиялаш ставкалари бўйича пеня ундириш ҳақида судга даъво билан мурожаат қилишга ҳақли. Бунда пеня дивиденд тўлови кечиктирилган давр учун дивиденд тўлаш муддати тугаган куннинг эртасидан бошлаб ҳисобланади.

НАМУНА

“ФИДЕР” АЖ томонидан 2012 йил якуни бўйича давлат улуши учун ҳисобланган дивиденд суммаларидан жами 192786700 сўм миқдориди қарздорликка йўл қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 11.04.2002 йилда 1121-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан давлат улуши акцияларига (давлат пайига) дивидендлар ҳисобланиши, тўланиши ва улардан мақсадли фойдаланишни назорат қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 17-бандига кўра, давлат улуши акцияларига ҳисобланган дивидендлар бўйича қарздорлик маблағлари Назорат қилувчи орган томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг банк ҳисоб рақамларидан амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда кўчириб олиниши лозимдир.

Фарғона вилоят Молия бошқармаси томонидан жавобгарнинг ҳисобварағига давлат улуши акцияларига ҳисобланган дивиденд суммаларидан бўлган қарздорликни ундириш мақсадида тақдим этилган тўлов талабномалари АЖнинг ҳисобварағида етарли пул маблағлари мавжуд эмаслиги боис, улар банк муассасаси томонидан ижро этилмаган. Натижада вилоят молия бошқармаси судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб АЖдан 192786700 сўм дивиденд тўловларидан бўлган қарз ва 7 433 729 сўм пеня жами 200220429 сўмни ундиришни сўраган.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 51-моддасининг учинчи хатбошига кўра, дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби жамиятнинг уставида ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши қарориди белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олти кундан кеч бўлмаслиги лозим.

Қонун 53-моддасининг биринчи хатбошига асосан, дивидендлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланган муддатларда жамиятнинг айби билан тўланмаган (олинмаган) тақдирда тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган қайта молиялаштириш ставкаларидан

келиб чиққан ҳолда пеня ҳисобланади. Тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича ҳисобланадиган пенялар миқдори тўланмаган (олинмаган) дивидендлар миқдорининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

Мазкур мазмундаги норма “Ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан давлат улуши акцияларига (давлат пайига) дивидендлар ҳисобланиши, тўланиши ва улардан мақсадли фойдаланишни назорат қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 18-бандида ҳам қайд этилган.

Баён этилганлардан келиб чиқиб, суд томонидан даъво талаби қаноатлантирилган.

Шуни инобатга олиш лозимки, суд қарори билан ундирилган дивидендларни тўлаш жамият томонидан рад этилган тақдирда, акциядор ёки кредиторнинг аризасига асосан жамият “Банкротлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган тартибда банкрот, деб ҳам топилиши мумкин.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 52-моддасининг мазмунидан кўринишича, дивидендларни тўлаш тўғрисидаги қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган шахсларгина акциядорлик жамиятига нисбатан судга дивидендларни ундириш ҳақидаги талаб билан мурожаат қилишга ҳақли. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрига киритилмаган шахслар томонидан дивидендларни ундириш ҳақидаги даъво талаби билан судга мурожаат қилинганда, бундай талабни қаноатлантириш рад қилинади.

Дивидендларни ундириш ҳақидаги низоларни ҳал қилишда даъвогар акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрида қайд этилганлигини, ушбу умумий йиғилишда дивиденд тўлаш ҳақида қарор қабул қилинганлигини, жамиятнинг уставига ёки умумий йиғилиш қарорида дивидендларни тўлаш учун белгиланган муддат ўтганлигини ҳамда иш учун аҳамиятли бошқа ҳолатларни ўрганиш ва уларга баҳо бериш талаб этилади.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 51-моддасининг иккинчи қисмига кўра, имтиёзли акциялар бўйича қатъий белгиланган дивидендларни тўлаш учун етарли миқдорда фойда мавжуд бўлган тақдирда жамият мазкур акцияларнинг эгаларига дивидендлар тўлашни рад этишга ҳақли эмас. Жамият рад этган тақдирда акциядорлар дивидендлар тўланишини суд тартибида талаб қилиши мумкин.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 51-моддасининг

тўртинчи қисмига кўра, эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра, жамият ихтиёрида қолади.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ, АЖдан дивиденд ундириш ва АЖга акцияларни сотиб олиш мажбуриятини юклаш тўғрисидаги талаблар бўйича даъво муддати уч йилни ташкил этади. Шу сабабли бундай талаб билан даъво муддатини ўтказиб мурожаат қилинганда, даъвони қаноатлантириш рад этилади.

НАМУНА

“Турон” АЖнинг 33 дона ҳар бирининг номинал қиймати 500 сўмга тенг бўлган акцияларини сотиб олган Л.Пардаева АЖнинг акциядорлари реестрида қайд этилган бўлса-да, 1999-2003-йиллар даврида ўз акциялари учун дивиденд олмаган.

“Турон” АЖ 2003 йилда МЧЖга айлантирилган. Бироқ Л.Пардаева мазкур МЧЖга иштирокчи сифатида киритилмаган. Шу сабабли Л.Пардаева судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, АЖнинг ҳуқуқий вориси бўлган МЧЖдан 33 дона акцияга 1999-2003-йиллар даври учун ҳисобланган 30 000 сўм дивидендни ундиришни ва МЧЖ зиммасига 33 дона акцияни сотиб олиш мажбуриятини юклашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 25 февралдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаблари тўлиқ қаноатлантирилган. Аммо суд бу ерда нотўғри хулосага келган. Чунки “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 51-моддасининг бешинчи қисмига кўра, эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра жамият ихтиёрида қолади.

Бу ерда даъво аризаси 2016 йил 24 декабрда берилган бўлиб, унда 1999-2003-йиллар якуни бўйича ҳисобланган дивидендларни ундириш сўралган.

Шунингдек, “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 62-моддасининг биринчи ва тўртинчи қисмларига кўра, эмитент ва қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан қабул қилинган, эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш билан боғлиқ бўлган қарорларни ҳақиқий эмас, деб топиш, эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилишини, эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштириш жараёнида тузилган битимларни ҳақиқий эмас, деб топиш учун даъво муддати эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилишини жойлаштириш муддати тугаган санадан эътиборан бир йилни ташкил этади.

Ушбу модданинг биринчи – учинчи қисмларида назарда тутилмаган ўзга ҳолларда, шунингдек, бошқа қимматли қоғозлар бўйича даъво муддатлари қонунга мувофиқ белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг “Иқтисодий судлар томонидан корпоратив низоларни ҳал этишнинг айрим масалалари тўғрисида” 2014 йил 20 июндаги 262-сонли қарорининг 15-бандида “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 62-моддасида назарда тутилган талаблардан ташқари, бошқа талаблар бўйича умумий даъво муддати (уч йил) ҳисобланиши, ўтказиб юборилган даъво муддатини тиклаш масаласи ФКнинг 159-моддасида кўрсатилган тартибда ҳал этилиши ҳақида тушунтириш берилган.

Бироқ АЖ акциядорлари акцияларини сотиб олиш тўғрисидаги АЖ акциядорлари умумий йиғилишининг қарори 2004 йил 30 ноябрда қабул қилинган бўлиб, бунга 12 йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса-да, собиқ АЖ акциядори Л.Пардаеванинг 33 та акциясини АЖнинг ҳуқуқий вориси МЧЖга сотиб олиш мажбуриятини юклаш тўғрисидаги даъво талаби бўйича даъво муддатини тиклаш тўғрисида Л.Пардаева томонидан ариза билан мурожаат қилинмаган. Шу боис кассация инстанцияси суди ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъво талабларини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида янги қарор қабул қилишни лозим топган.

Акция бўйича дивидендларни ундириш тўғрисидаги низо юзасидан ишни кўришда суд иш учун аҳамиятли бошқа ҳолатлар билан бирга дивидендларни тўлаш ҳақидаги масалани кўриб чиқиш учун шакллантирилган реестрни талаб қилиб олиши, уни ўрганиши ҳамда унга баҳо бериши лозим.

Шу ўринда суд амалиётида кўриб чиқилган яна бир низо хусусида тўхталиб ўтсак.

НАМУНА

“Чарос” АЖ кузатув кенгаши томонидан 2015 йил 21 октябрда акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш ҳақида қарор қабул қилинган. Йиғилиш кун тартибида бошқа масалалар билан бир қаторда, дивидендларни тўлаш масаласи ҳам бўлган.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида дивидендларни тўлаш ҳақида қарор қабул қилинган.

Дивидендларни тўлаш ҳақидаги масалани кўриб чиқиш учун шакллантирилган реестрда қайд этилмаган акциядор Б.Ҳамдамов АЖга мурожаат қилиб, дивидендларни тўлашни сўраган. АЖ дивидендларни тўлаш ҳақидаги масалани кўриб чиқиш учун шакллантирилган реестр ўрганиб чиқилганлигини, унда Б.Ҳамдамов акциядор сифатида қайд этилмаганлигини, жамият бундай акциядорга дивиденд тўлаш ҳуқуқига эга эмаслигини билдирган. Шу сабабли акциядор Б.Ҳамдамов АЖга нисбатан судга мурожаат қилиб, АЖнинг акциядори ҳисобланишига, акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан дивидендларни тўлаш ҳақида қарор қабул қилинганлигига, бироқ дивидендлар ҳозирги кунга қадар тўланмаганлигига асосланиб, АЖдан 2013-2014 йиллар учун жами 5 450 000 сўмлик дивидендларни ҳамда тўловнинг кечиктирилган кунлар учун 540 000 сўм пеняни ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво талаби қаноатлантирилган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, АЖнинг акциядорлари умумий йиғилиш ўтказиб, унда дивидендларни тўлаш ҳақида қарор қабул қилишган.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 52-моддасига кўра, акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга. Демак акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрида қайд этилмаган шахслар дивиденд олиш ҳуқуқига эга бўлмайди.

Биринчи инстанция суди томонидан мазкур ҳуқуқ нормаси бузилган ҳолда ҳал қилув қарори қабул қилинган. Яъни суд АЖнинг акциядор Б.Ҳамдамовга дивидендларни тўлаш ҳақидаги масалани кўриб чиқиш учун унинг фамилияси АЖнинг шакллантирилган реестрида қайд этилмаганлигига, АЖ бундай акциядорга дивиденд тўлаш ҳуқуқига эга эмаслигига баҳо бермаган. Бундан ташқари, суд томонидан дивидендларни тўлаш ҳақидаги масалани кўриб чиқиш учун шакллантирилган акциядорлар реестри талаб қилиб олинмаган ҳамда Б.Ҳамдамовнинг дивидендларни олишга ҳуқуқи бор-йўқлигига аниқлик киритилмаган. Ушбу ҳолатлар ҳал қилув қарорининг кассация инстанцияси суди томонидан бекор қилинишига сабаб бўлган.

Дивидендларни ундириш билан боғлиқ низоларни кўришда яна бир муҳим ҳолатга эътибор қаратиш лозимки, акциядорларга дивидендларни тўлаб бериш масаласи акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатига киради.

Бу ҳақда қуйидаги мисол диққатга сазовордир.

“Кемар” АЖ кузатув кенгаши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш ҳақида 2015 йил 10 августда қарор қабул қилинган. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига бошқа масалалар билан бир қаторда, дивидендларни тўлаш масаласи ҳам киритилган. Шу боис кузатув кенгашининг қарори билан дивидендлар миқдори, уларни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар берилган. Бироқ акциядорларнинг умумий йиғилишида дивидендларни тўлашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Акциядор Ш.Намозов АЖга мурожаат қилиб, дивидендларни тўлашни сўраган. АЖ акциядорлар умумий йиғилишининг дивидендларни тўлаш ҳақидаги қарори мавжуд бўлмаганлиги сабабли жамият дивиденд тўлаш ҳуқуқига эга эмаслигини билдирган.

Шунинг учун акциядор Ш.Намозов АЖга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, АЖ кузатув кенгашининг дивидендлар миқдори, уларни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш тўғрисидаги қарори қабул қилинганлигига асосланиб, АЖдан 2014 йилнинг биринчи ярми учун 320 000 сўмлик дивидендни ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво талаби қаноатлантирилган.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 48-моддасининг мазмунига кўра, акциялар бўйича дивидендлар фақат акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига асосан тўланади.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 49-моддасининг биринчи қисмида жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра, агар ушбу Қонун ва жамият уставига бошқача қоида белгиланмаган бўлса, жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эканлиги кўрсатилган. Қонун нормасига кўра, дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилиш акциядорлар умумий йиғилишининг мажбурияти эмас, балки ҳуқуқи ҳисобланади.

Мазкур ҳолатда акциядорларнинг умумий йиғилиши “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 49-моддасида қайд этилган ваколатидан фойдаланган ҳолда дивидендларни тўлаш ҳақидаги масалани кўриб чиқиб, уларни тўлашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилган, яъни ушбу қарор қонун доирасида қабул қилинган. Шу боис суд даъвогарнинг дивидендларни ундириш ҳақидаги даъво талабини қаноатлантиришни рад этиши лозим эди.

6.4. Юридик шахс иштирокчиларининг (муассисларининг, аъзоларининг) юридик шахс томонидан тузилган битимларни ҳақиқий эмас, деб топиш ва (ёки) бундай битимларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш ҳақидаги даъволари бўйича низолар.

Битимларни ҳақиқий эмас, деб топиш билан боғлиқ низоларни ҳал қилишда судлар асосан ФК, ИПК, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий – ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

Битимни ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги даъво бўйича ишни судда кўришга тайёрлаш пайтида суд битимнинг барча тарафлари ва бошқа манфаатдор шахсларни ишга жалб қилиш масаласини кўриб чиқиши лозим.

Битим ФК ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган асослар бўйича, суд ҳақиқий эмас, деб топганлиги сабабли (низолни битим) ёки бундай деб топилишидан қатъий назар, (ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим) ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

ЁДДА ТУТИНГ!

Низоли бўлган битимни ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги талаб фақат ФКда кўрсатилган шахслар томонидан тақдим этилиши мумкин. Шу боис суд муҳокамаси давомида даъвогарда низоли бўлган битимни ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисида даъво тақдим этиш ҳуқуқи мавжуд эмаслиги аниқланса, даъво қаноатлантириш рад этилади. Масалан, жиддий аҳамиятга эга бўлган янглишиш таъсирида тузилган битим янглишиш таъсирида ҳаракат қилган тарафнинг даъвоси бўйича суд томонидан ФКнинг 122-моддасига асосан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.

ФКнинг 123-моддасига мувофиқ, алдаш, зўрлик, қўрқитиш, бир тараф вакилининг иккинчи тараф билан ёмон ниятда келишиши таъсирида тузилган битим, шунингдек, фуқаро оғир ҳолатлар юз бериши туфайли ўзи учун ўта ноқулай шартлар билан тузишга мажбур бўлган, иккинчи тараф эса бундан фойдаланиб қолган битим (асоратли битим) жабрланувчининг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин. Яъни юридик шахс иштирокчилари (муассислари, аъзолари) юридик шахс томонидан тузилган битимларни ФКнинг 122-123-моддаларига асосан ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилса, бундай талаб суд томонидан рад этилади.

Суд амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, корпоратив низолар рўйхатига киритилган юридик шахс таъсисчиларининг юридик шахс томонидан тузилган битимларни ҳақиқий эмас, деб топиш ва (ёки) бундай битимларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш ҳақидаги даъволари бўйича низолар орасида, таъсисчилар томонидан низоли бўлган битимни ФКнинг 125, 126-моддаларида белгиланган асосларга мувофиқ, ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги талабларга оид низолар кўпроқ кўрилган.

Юридик шахснинг таъсис ҳужжатларида белгиланган унинг фаолият мақсадларига зид равишда тузилган битимни ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги ишни кўришда судлар низолашилаётган битим корпорациянинг таъсис ҳужжатларида белгиланган унинг фаолият мақсадларига

**ФКнинг 125-моддасида
юридик шахснинг ҳуқуқ
лаёқатидан ташқарига
чиққан ҳолда тузилган
битимларни ҳақиқий эмас,
деб топишнинг қуйидаги
2 та асоси назарда
тутилган**

Юридик шахснинг таъсис ҳужжатларида
белгиланган унинг фаолият мақсадларига зид
равишда тузилган битимлар

Тегишли фаолият билан шуғулланишга
лицензияси бўлмаган юридик шахс томонидан
тузилган битимлар

мувофиқ келишини аниқлаш учун ушбу корпорациянинг таъсис ҳужжатларини ўрганиш лозим.

Тегишли фаолият тури билан шуғулланиш учун лицензияси бўлмаган юридик шахс томонидан тузилган битимларни ҳақиқий эмас, деб топиш билан боғлиқ низоларни кўришда эса судлар шуни эътиборга олишлари зарурки, лицензияни олиш талаб этиладиган фаолият турларининг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг “Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида” 2001 йил 12 майдаги қарори билан тасдиқланган. Шу сабабли, агар битим лицензияни олиш талаб этиладиган фаолият доирасида, лекин лицензия мавжуд бўлмаган ҳолда (лицензия умуман олинмаган, лицензиянинг амал қилиши тўхтатилган ёки тугатилган, лицензия бекор қилинган) тузилган бўлса, битим бундай асос билан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.

Бу тоифадаги корпоратив низоларни кўришнинг ўзига хос хусусиятлари шулардан иборатки:

- **биринчидан**, ФКнинг 125-моддасида назарда тутилган битимлар низоли бўлиб, уларни ҳақиқий эмас, деб топиш ва ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш тўғрисидаги даъвони фақат юридик шахснинг муассиси (иштирокчиси) ёки ваколатли давлат орган бериши мумкин;
- **иккинчидан**, бундай даъво юридик шахснинг муассиси (иштирокчиси) томонидан берилса, у ИПК 30-моддаси биринчи қисмининг 3-банди мазмунига кўра, иқтисодий судлар томонидан корпоратив низо сифатида, ваколатли давлат органи томонидан берилган бўлса, корпоратив низо бўлмаган оддий низо сифатида умумий тартибда кўриб чиқилади;
- **учинчидан**, агар ФКнинг 125-моддасига асосан битимни ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақида бошқа шахс, шу жумладан, битимдаги тараф даъво билан мурожаат қилган тақдирда, бундай даъво ҳуқуқи бўлмаган шахс томонидан берилганлиги боис, уни қаноатлантириш рад этилади.

НАМУНА

“MEDIO-LYUKS” ОК ва “Building-wires” МЧЖ ўртасида 2015 йил 20 августда халқаро йўналишлар бўйича ташиш хизматини кўрсатиш юзасидан 3-2015-сонли шартнома тузилган. Шартнома шартларига мувофиқ, МЧЖ ОКнинг буюртмасига асосан, бешта Мерседес-Бенц русумли музлатгич (refrigerator) билан жиҳозланган юк автомашинасида Ўзбекистон Республикасининг Тошкент шаҳридаги ОКга тегишли бўлган иссиқхонадан Қозоғистон Республикасининг Астана шаҳрига полиз экинларини етказиб бериши, ОК эса бунинг учун олдиндан 100 фоизлик тўловни амалга ошириши лозим бўлган.

Шартнома шартларига асосан ОК томонидан олдиндан 100 фоизлик тўлов амалга оширилган бўлса-да, МЧЖ мажбуриятларини бажармаган, яъни ОКга тегишли бўлган иссиқхонага юк автомашиналарини етказилишини таъминламаган. Натижада полиз маҳсулотлари нобуд бўлган. Мазкур ҳолат юзасидан ОК МЧЖга талабнома билан мурожаат қилиб, шартномавий мажбуриятини бажармаганлиги сабабли шартноманинг 4.5-бандига асосан 100 000000 сўм жарима ва ОКга етказилган 700000000 сўм зарарни 10 кунлик муддатда тўлаб беришни талаб қилган.

Мазкур ҳолатдан хабардор бўлгач, МЧЖ таъсисчиси Ш.Разақов судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, ОК ва МЧЖ ўртасида тузилган 2015 йил 20 августдаги халқаро йўналишлар бўйича ташиш хизматини кўрсатиш бўйича 3-2015-сонли шартномани ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Даъво талабида суднинг 2015 йил 10 майдаги ҳал қилув қарорига асосан МЧЖга берилган 2013 йил 10 апрелдаги ЕР-0001214-сонли лицензиянинг амал қилиши тугатилганлиги асос сифатида кўрсатилган.

ФКнинг 125-моддасига кўра, юридик шахс томонидан унинг устав мақсадларига зид ҳолда тузилган ёки тегишли фаолият билан шуғулланишга лицензияси бўлмаган юридик шахс томонидан тузилган битим унинг муассиси (иштирокчиси) ёки ваколатли давлат органининг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.

МЧЖга халқаро йўналишлар бўйича ташиш хизматини кўрсатиш ваколатини берувчи лицензия суднинг ҳал қилув қарорига асосан тугатилганлигини ва МЧЖ томонидан шартнома тузилган вақтда бундай фаолият билан шуғулланишга лицензияси бўлмаганлиги сабабли суднинг ҳал қилув қарори билан даъво талаби қаноатлантирилган.

ИПК 30-моддаси биринчи қисмининг 3-бандида кўрсатилган тоифадаги корпоратив низоларни кўришда судлар эътибор беришлари лозимки, ФКнинг 126-моддасига кўра, агар шахснинг битим тузиш ваколатлари шартнома билан ёки юридик шахс ваколатлари унинг таъсис ҳужжатлари билан ишончномада, қонунда белгилаб қўйилганига нисбатан ёнги битим тузилаётган вазиятдан аниқ кўриниб турган деб ҳисобланиши мумкин бўлган ваколатларига нисбатан чеклаб қўйилган бўлса ва битимни тузиш пайтида бундай шахс ёки орган ана шу чеклашлар доирасидан чиқиб кетган бўлсалар, битимдаги иккинчи тараф мазкур чеклашларни билган ёки олдиндан билиши лозим бўлганлиги исботланган ҳоллардагина битим чеклаш белгиланишидан манфаатдор бўлган шахснинг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.

Одатда бундай мазмундаги даъволар судларга жамият таъсисчилари томонидан киритилади. Бироқ суд томонидан бундай асос билан битим кимнинг манфаатида чеклаш белгиланган бўлса, фақат ўша шахснинг даъвоси бўйича ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин. Шу боис, ФКнинг 126-моддасига асосан битимни ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги даъво

билан бошқа шахс мурожаат қилган бўлса, бундай даъвои қаноатлантириш рад этилади.

Битим тузиш ваколатларини чеклаш белгиланишидан манфаатдор шахс битимни кейинчалик маъқуллаганда, ФКнинг 126-моддасида белгиланган битимни ҳақиқий эмас, деб топиш асослари қўлланилмайди.

Битим, агар у буйича бошқа тараф қайд этилган чеклаш ҳақида билган ёки олдиндан билиши лозим бўлган ҳолатлар аниқланган тақдирдагина, ФКнинг 126-моддаси асосида ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.

НАМУНА

“Кувноқ” МЧЖ ва “Сулаймон” ФХ ўртасида 2008 йил 7 январда 10421-сонли кўчмас мулк олди-сотди шартномаси тузилган.

Шартнома шартларига кўра, МЧЖ Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қипчоқ Қ.Ф.Йда жойлашган “Бинафша” болалар боғчаси бино ва иншоотларини сотиш, фермер хўжалиги эса объектни сотиб олиш ва унинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олган.

МЧЖ таъсисчиси Б.Ботиров мазкур шартномадан хабардор бўлгач, судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, МЧЖ ва ФХ ўртасида 2008 йил 7 январда тузилган 10421-сонли кўчмас мулк олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас, деб топиш ва унинг оқибатларини қўллашни сўраган.

Б.Ботиров даъво аризасида Жиноят ишлари бўйича Қибрай туман судининг 2010 йил 10 декабрдаги ҳукмига асосан 2008 йил 7 январдаги 10421-сонли кўчмас мулк олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган бўлса, ҳал қилув қарори қабул қилингунга қадар у даъвонинг асосини ўзгартириб, мазкур кўчмас мулк олди-сотди шартномасини ФКнинг 126-моддасига асосан ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2014 йил 28 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг битимларни ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги нормаларни қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 269-сонли қарорининг 17-бандида ФКнинг 126-моддасига кўра, агар шахснинг битим тузиш ваколатлари шартнома билан ёки юридик шахс ваколатлари унинг таъсис ҳужжатлари билан ишончномада, қонунда белгилаб қўйилганига нисбатан ёнги битим тузилаётган вазиятдан аниқ кўриниб турган, деб ҳисобланиши мумкин бўлган ваколатларига нисбатан чеклаб қўйилган бўлса ва битимни тузиш пайтида бундай шахс ёки орган ана шу чеклашлар доирасидан чиқиб кетган бўлсалар, битимдаги иккинчи тараф мазкур чеклашларни билган ёки олдиндан билиши лозим бўлганлиги исботланган ҳоллардагина битим чеклаш белгиланишидан манфаатдор бўлган шахснинг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкинлиги, бундай асос билан битим кимнинг манфаатида чеклаш белгиланган бўлса, фақат ўша шахснинг даъвоси бўйича ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкинлиги, шу боис, ФКнинг 126-моддасига асосан битимни ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги даъво билан бошқа шахс мурожаат қилган бўлса, бундай даъвои қаноатлантириш рад этилиши, битим тузиш ваколатларини чеклаш белгиланишидан манфаатдор шахс битимни кейинчалик маъқуллаганда, ФКнинг 126-моддасида белгиланган битимни ҳақиқий эмас, деб топиш асослари қўлланилмаслиги, битим, агар у буйича бошқа тараф қайд этилган чеклаш ҳақида билган ёки олдиндан билиши лозим бўлган ҳолатлар аниқланган тақдирдагина, ФКнинг 126-моддаси асосида ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкинлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Бироқ МЧЖ томонидан кўчмас мулк олди-сотди шартномаси тузилаётган пайтда ФХ МЧЖ мансабдор шахсининг мазкур шартномани тузишга ваколатларида чеклашлар мавжудлигини билганлиги ва олдиндан билиши лозим бўлганлигини далиллар асосида исботлаб бера олмаган. Шу боис, биринчи инстанция суди даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида хулосага келган.

Ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимни ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш тўғрисидаги талабни бундай битим ҳуқуқ ва манфаат-

ларига таъсир қилувчи ҳар қандай манфаатдор шахс тақдим этиши мумкин. Шу билан бирга, суд ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим ҳақиқий эмаслигининг оқибатларини ўз ташаббуси билан ҳам қўллашга ҳақли.

Суд амалиётида ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимларни ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги талаб билан таъсисчилар аксарият ҳолларда жамиятнинг битим тузишдан манфаатдорлиги бузилганлиги тўғрисидаги асос билан судларга даъво киритишмоқда. Бошқача қилиб айтганда, судларга таъсисчилар томонидан берилаётган бу тоифадаги даъволарнинг аксарият қисмини жамият томонидан тузилган йирик битимларни ҳақиқий эмас, деб топишга оид даъволар ташкил этади.

“Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 44-моддасида, агар жамиятнинг уставида йирик битимларнинг анча катта миқдори назарда тутилган бўлмаса, бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинадиган кундан олдинги охириги ҳисобот даври учун бухгалтерия ҳисоботлари маълумотлари асосида аниқланган жамият мол-мулки қийматининг йигирма беш фоизидан ортиқ қийматга эга бўлган мол-мулкни жамиятнинг олиши, тасарруфидан чиқариши ёки жамият бевосита ёхуд билвосита мол-мулкни тасарруфидан чиқариши эҳтимоли билан боғлиқ бўлган битим ёки ўзаро боғлиқ бир неча битим йирик битим, деб ҳисобланиши тўғрисида тушунтириш берилган.

Жамиятнинг одатдаги хўжалик фаолияти жараёнида тузиладиган битимлар йирик битимлар, деб эътироф этилмайди.

Битимнинг йирик битим эканлиги йирик битим натижасида жамиятнинг тасарруфидан чиқариладиган мол-мулкнинг қиймати унинг бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида, жамият оладиган мол-мулкнинг қиймати эса – таклиф қилинган баҳо асосида аниқланади. Шу сабабли, бундай ишларни кўришда судлар томонидан жамиятнинг бухгалтерия ҳисобига оид маълумотлари талаб қилиб олиниши лозим.

Йирик битимни тузиш тўғрисидаги қарор жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Жамиятда уни кузатув кенгаши мавжуд бўлса, қиймати жамият мол-мулки қийматининг йигирма бешдан то эллик фоизигачасини ташкил этадиган мол-мулкни олиш, тасарруфдан чиқариш ёки жамият бевосита ёхуд билвосита тасарруфидан чиқариши эҳтимоли билан боғлиқ бўлган йирик битимларни тузиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилиш жамиятнинг уставига биноан, жамият кузатув кенгашининг ваколатига киритилиши мумкин.

Жамият иштирокчилари розилигисиз ёхуд кузатув кенгаши қарорларисиз қонунда белгиланган талаблар бузилган ҳолда тузилган

йирик битим жамиятнинг ёки унинг иштирокчисининг даъвосига биноан суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.

Йирик битимлар билан боғлиқ корпоратив низоларни кўришда судлар шуни эътиборга олишлари лозимки, битим тузиш ҳақида қарор қабул қилинаётган санада акциядорлик жамияти активлари баланс қийматининг йигирма беш фоизидан ортиқ қийматга эга бўлган мулкни акциядорлик жамиятининг олиши, тасарруфидан чиқариши билан ёки жамият бевосита ёки билвосита мол-мулкни тасарруфидан чиқариш эҳтимоли билан боғлиқ битим ёки ўзаро боғланган бир неча битим йирик битим, деб ҳисобланади, оддий хўжалик фаолияти юритиш жараёнида тузиладиган битимлар бундан мустасно.

ЁДДА ТУТИНГ!

Йирик битим предмети бўлган мулкнинг қиймати (миқдори) жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан олинаётган ёки тасарруфдан чиқарилаётган (гаровга берилаётган, устав фондига маблағ сифатида киритилаётган ва шу каби) мулкнинг баҳосидан келиб чиқиб аниқланади, бунда мажбурият бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги сабабли тегишли тарафдан тўланиши талаб этилиши мумкин бўлган қўшимча ҳисоблашлар (неустойка, жарима ва пенялар) инобатга олинмайди. Мулк тасарруфдан чиқарилган ёки тасарруфдан чиқариш имконияти юзага келган ҳолларда жамият активининг баланс қиймати билан бундай мулкнинг бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари асосида аниқланган баҳоси, мулк олинган ҳолларда эса унинг олиниш нархи таққосланади.

Суд амалиётининг кўрсатишича, йирик битимларни ҳақиқий эмас, деб топиш асосан қарз, кредит, гаров, кафиллик, олди-сотди, ҳадя, айирбошлаш шартномаларига тегишли бўлмоқда. Шунингдек, талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш, қарзни бировга ўтказиш, бошқа хўжалик жамияти устав фондига акцияларни тўлаш ҳисобига маблағ киритиш билан боғлиқ ва шу каби бошқа шартномалар ҳам судлар томонидан юқорида белгиланган тартибда ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.

Яна бир муҳим ҳолат – йирик битимларни ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги низоларни кўриб чиқишда судлар ФКнинг 116 ва 126-моддалари талабларига қатъий риоя этишлар лозим. Жумладан, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун 84-моддасининг биринчи қисми мазмунига

кўра баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан эллик фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши лозим, бунда кузатув кенгашидан чиқиб кетган аъзоларнинг овози инobatга олинмайди.

Масалан, акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан ваколат муддатидан илгари тугатилган кузатув кенгаши аъзоси ушбу кенгаш таркибдан чиқиб кетган ҳисобланади.

Жамият кузатув кенгаши томонидан йирик битим тузиш масаласи бўйича яқдилликка эришилмаган тақдирда бу масала кузатув кенгашининг қарорига кўра, акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳукмига ҳам ҳавола этилиши мумкин.

Баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг эллик фоизидан ортиқ қийматни ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Корпоратив низонинг яна бир тури ҳисобланган тузилишидан манфаатдорлик бўлган битимлар билан боғлиқ низоларни ҳал этишда судлар жамиятнинг битим тузишидан манфаатдор шахслар рўйхати ва уларни бундай шахслар деб топиш шартлари Қонуннинг 85-моддасида қайд этилганлигини инobatга олишлари лозим.

Жумладан, Қонуннинг 85-моддасига кўра жамият битим тузишидан манфаатдор шахслар мазкур жамиятга нисбатан аффилланган шахслар деб эътироф этилади.

Қуйидагилар жамиятнинг аффилланган шахслари деб эътироф этилади:

- 1) ушбу жамиятнинг йигирма фоиз ва ундан ортиқ фоиз акцияларига эгалик қилувчи юридик шахс;
- 2) ушбу жамиятнинг йигирма фоиз ва ундан ортиқ фоиз акцияларига яқин қариндошлари билан биргаликда эгалик қилувчи жисмоний шахс;
- 3) ушбу жамият кузатув кенгашининг аъзоси, жамият директорининг ёхуд жамият бошқаруви аъзосининг ваколатларини амалга ошираётган шахс;
- 4) ушбу жамият қайси юридик шахс устав фондининг (устав капиталининг) йигирма фоизи ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилса, ўша юридик шахс;
- 5) ушбу жамиятнинг шўъба ҳўжалик жамияти бўлган ёки ушбу жами-

- ят қайси жамиятнинг шўъба хўжалик жамияти бўлса, ўша жамиятнинг шўъба хўжалик жамияти бўлган юридик шахс;
- 6) ушбу жамият устав фондининг (устав капиталининг) йигирма фоизи ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилувчи ани бир шахс қайси юридик шахс устав фондининг (устав капиталининг) йигирма фоизи ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилса, ўша юридик шахс;
 - 7) ушбу жамият кузатув кенгашининг камида учдан бир қисмини ташкил этувчи ани бир шахслар ва уларнинг яқин қариндошлари қайси юридик шахс кузатув кенгашининг камида учдан бир қисмини ташкил этса, ўша юридик шахс;
 - 8) ушбу жамиятнинг директори ёхуд бошқарув аъзоси бўлган ани бир шахс ёки унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахс ижроия органининг раҳбари вазифасини амалга ошираётган бўлса, ўша юридик шахс;
 - 9) яқин қариндошлари билан биргаликда ушбу жамият кузатув кенгашининг камида учдан бир қисмини ташкил этувчи шахс қайси юридик шахс раҳбарининг ёки ижроия органи аъзосининг вазифасини амалга ошираётган бўлса, ўша юридик шахс;
 - 10) ушбу жамият директорининг ёки бошқарув аъзосининг ваколатларини амалга ошираётган шахс яқин қариндошлари билан биргаликда қайси юридик шахс жамият кузатув кенгашининг камида учдан бир қисмини ташкил этса, ўша юридик шахс;
 - 11) ушбу жамият билан битта хўжалик бирлашмасига кирувчи юридик шахс.

Қуйидагилар жамиятнинг аффилланган шахси бўлган акциядор – жисмоний шахснинг аффилланган шахслари деб эътироф этилади:

- 1) ушбу жисмоний шахс ва (ёки) унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахс устав фондининг (устав капиталининг) йигирма фоизи ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилса, ўша юридик шахс;
- 2) ушбу акциядор ёки унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахс кузатув кенгашининг аъзоси бўлса, ўша юридик шахс;
- 3) ушбу акциядор ёки унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахсда ижроия органининг аъзоси ваколатларини амалга ошираётган бўлса, ўша юридик шахс.

Ушбу модда иккинчи қисмининг 1, 2, 4, 6-бандлари ва учинчи қисмининг 1-банди ишончли бошқарувчи ёки акциядорнинг вакили сифатида иш юритаётган шахсларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Бунда битимни Қонуннинг 85-моддасида қайд этилган шахслар томонидан тузилган, деб топиш учун судлар тегишли шахснинг манфаатдорлиги ушбу битим тузилаётган вақтда мавжуд бўлганлиги ҳолатини

ҳам аниқлаши ва Қонуннинг 91-моддасидаги битимларни тузишга оид истисноларни инobatга олишлари лозим.

Йирик битимлар ва тузилишидан манфаатдорлик бўлган битимларни ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги корпоратив низолар хусусида сўз юритилганда юқоридаги мазмундаги ҳуқуқий нормалар “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонунда ҳам мавжудлигини инobatга солиш керак. Жумладан, Қонуннинг 43-моддасига кўра, тузилишидан жамият кузатув кенгашининг аъзоси, жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органи вазифасини амалга оширувчи шахслар, жамиятнинг коллегиял ижро этувчи органи аъзоси манфаатдор бўлган ёки ўз аффилланган шахслари билан биргаликда жамият иштирокчилари умумий овозлари сонининг йигирма ва ундан ортиқ фоизига эга бўлган жамият иштирокчисининг манфаатдорлиги бўлган битимлар жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг розилигисиз жамият томонидан тузилиши мумкин эмас.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахслар, уларнинг эрлари (хотинлари), ота-оналари, болалари, ака-укалари, опа-сингиллари ва (ёки) уларнинг аффилланган шахслари қуйидаги ҳолларда жамият томонидан битим тузилишидан манфаатдор шахслар, деб эътироф этилади:

- ✓ битим тарафлари ҳисоблансалар ёки жамият билан муносабатларда учинчи шахсларнинг манфаатларини ифодаласалар;
- ✓ битим тарафи ҳисобланувчи ёки жамият билан муносабатларда учинчи шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи юридик шахс акцияларининг (пайлари, улушларининг) йигирма ва ундан ортиқ фоизига эга бўлсалар (ҳар бири алоҳида-алоҳида ёки жамланган ҳолда);
- ✓ битим тарафи ҳисобланувчи ёки жамият билан муносабатларда учинчи шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи юридик шахснинг бошқарув органларида лавозим эгаллаб турган бўлсалар.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахслар жамиятнинг уставида белгиланган бошқа ҳолларда ҳам жамиятнинг битим тузишидан манфаатдор шахслар, деб эътироф этилади.

Тузилишидан манфаатдорлик бўлган ва ушбу моддада назарда тутилган талаблар бузилган ҳолда тузилган битимлар жамиятнинг ёки унинг иштирокчисининг даъвоси асосида суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.

Судлар эътибор бериши лозим бўлган яна бир муҳим ҳолат – битимни тузишдан манфаатдор бўлган шахс жамият олдида ўзи томонидан жамиятга етказилган зарар миқдорида жавобгар бўлади, холос. Агар бир неча шахс жавобгар бўлса, уларнинг жамият олдидаги жавобгарлиги солидар тарзда амалга оширилади.

Масъулияти чекланган жамиятда кузатув кенгаши тузилган тақдирда, қиймати жамият мол-мулки қийматининг йигирма бешдан то эллик фоизигачасини ташкил этадиган мол-мулкни олиш, тасарруфдан чиқариш ёки жамият бевосита ёхуд билвосита тасарруфидан чиқариши эҳтимоли билан боғлиқ бўлган йирик битимларни тузиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилиш жамиятнинг уставига биноан, жамият кузатув кенгашининг ваколатига киритилиши мумкин. Бунда кузатув кенгашининг айби билан йирик битим тузилиши натижасида етказилган зарар учун жамиятнинг кузатув кенгаши умумий йиғилиш олдида жавобгар бўлади.

Ушбу моддада назарда тутилган талаблар бузилган ҳолда тузилган йирик битим жамиятнинг ёки унинг иштирокчисининг даъвосига биноан, суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилши мумкин.

НАМУНА

“Агробизнес” МЧЖ ва “Проект строй” ХК ўртасида 2015 йил 15 январда Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 5-уйда жойлашган бинони 750 000 000 сўмга сотиш бўйича олди-сотди шартномаси тузилган.

2015 йил 10 декабрда тарафлар ўртасида олди-сотди шартномасига 1-сонли кўшимча келишув имзоланган.

МЧЖ иштирокчиси А.Фулотов 2015 йил 10 декабрдаги 1-сонли кўшимча келишув ноқонуний равишда тузилган деб ҳисоблаб, МЧЖ ва ХКга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилган ҳамда 2015 йил 10 декабрдаги 1-сонли кўшимча келишувни ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Аниқланишича, 2015 йил 3 январдаги “Агробизнес” МЧЖ иштирокчиси умумий йиғилишида жамиятнинг ягона иштирокчиси А.Фулотов томонидан Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 5-уйда жойлашган бинони 750 000 000 сўмга сотиш тўғрисида қарор қабул қилинган. 2015 йил 15 январда МЧЖ ва ХК ўртасида Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 5-уйда жойлашган бинони 750 000 000 сўмга сотиш бўйича олди-сотди шартномаси тузилган.

2015 йил 10 декабрда МЧЖ директори Ф.Ҳаитов ва ХК директори Б.Тешаев ўртасида олди-сотди шартномасига 1-сонли кўшимча келишув имзоланган. Мазкур кўшимча келишувда сотилган бинонинг қиймати 550 000 000 сўмни ташкил этиши, бинони таъмирлаш учун қилинадиган 200 000 000 сўмлик харажатлар МЧЖ томонидан қопланиши белгиланган.

МЧЖ иштирокчиси А.Фулотов 2015 йил 10 декабрдаги 1-сонли кўшимча келишув ноқонуний равишда тузилган деб ҳисоблаб, МЧЖ ҳамда ХКга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилган ҳамда 2015 йил 10 декабрдаги 1-сонли кўшимча келишувни ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

“Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида” Қонун 44-моддасининг биринчи қисмига кўра, агар жамиятнинг уставига йирик битимларнинг анча катта миқдори назарда тутилган бўлмаса, бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинадиган кундан олдинги охириги ҳисобот даври учун бухгалтерия ҳисоботлари маълумотлари асосида аниқланган жамият мол-мулки қийматининг йигирма беш фоиздан ортиқ қийматга эга бўлган мол-мулкни жамиятнинг олиши, тасарруфидан чиқариши ёки жамият бевосита ёхуд билвосита мол-мулкни тасарруфидан чиқариши эҳтимоли билан боғлиқ бўлган битим ёки узаро боғлиқ бир неча битим йирик битим деб ҳисобланади. Жамиятнинг одатдаги ҳўжалик фаолияти жараёнида тузиладиган битимлар йирик битимлар деб эътироф этилмайди.

Мазкур модданинг учинчи қисмида йирик битимни тузиш тўғрисидаги қарор жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан қабул қилиниши белгиланган.

МЧЖнинг 2015 йил тўртинчи чораги учун топширилган солиқ ҳисоботида кўра, жамият-

нинг активлари қиймати 88 000 000 сўми ташкил этган. Шу боис, бинони 200 000 000 сўм арзон қийматга сотиш масаласи МЧЖ директори томонидан эмас, балки МЧЖ иштирокчиларининг умумий йиғилиши қарори асосида ҳал этилиши лозим.

Бундан ташқари, 2015 йил 20 мартдаги жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиш қарори билан жамият директори Ф.Ҳайтовга фақат 10 000 000 сўмгача бўлган битимларга жамият номидан имзо қўйиш ҳуқуқи берилган ҳолос.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 126-моддасига биноан, агар шахснинг битим тузиш ваколатлари шартнома билан ёки юридик шахс ваколатлари унинг таъсис ҳужжатлари билан ишонч-номада, қонунда белгилаб қўйилганига нисбатан ёнки битим тузилаётган вазиятдан аниқ кўриниб турган деб ҳисобланиши мумкин бўлган ваколатларига нисбатан чеклаб қўйилган бўлса ва битимни тузиш пайтида бундай шахс ёки орган ана шу чеклашлар доирасидан чиқиб кетган бўлсалар, битимдаги иккинчи тараф мазкур чеклашларни билган ёки олдиндан билиши лозим бўлганлиги исботланган ҳоллардагина битим чеклаш белгиланишидан манфаатдор бўлган шахснинг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.

Олий ҳўжалик суди Пленумининг “Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг битимларни ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги нормаларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида” 2014 йил 28 ноябрдаги 269-сонли қарори 17-бандининг тўртинчи хатбошисида битим, агар у бўйича бошқа тараф қайд этилган чеклаш ҳақида билган ёки олдиндан билиши лозим бўлган ҳолатлар аниқланган тақдирдагина, ФКнинг 126-моддаси асосида ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкинлигига судларнинг эътибори қаратилган.

НАМУНА

2015 йил 15 январда тарафлар ўртасида имзоланган олди-сотди шартномасини тузишда МЧЖ ягона иштирокчиси Ғуломов Азиз Азаматовичнинг розилиги олинган. Демак, мазкур олди-сотди шартномасига қўшимча келишувни тузишда ҳам МЧЖ иштирокчисининг розилиги олиниши ХКга маълум бўлган.

“Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни 44-моддасининг бешинчи қисмига мувофиқ ушбу моддада назарда тутилган талаблар бузилган ҳолда тузилган йирик битим жамиятнинг ёки унинг иштирокчисининг даъвосига биноан, суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.


Баён этилганларга асосан, суднинг ҳал қилув қарори билан 2015 йил 10 декабрда МЧЖ ва ХК ўртасида тузилган 1-сонли қўшимча келишув ҳақиқий эмас, деб топилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленуми “Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг битимларни ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги нормаларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида” 2014 йил 28 ноябрдаги қарорини 17-бандида ФКнинг 126-мод-

даси билан битим кимнинг манфаатида чеклаш белгиланган бўлса, фақат ўша шахснинг даъвоси бўйича ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкинлиги тўғрисида тушунтириш берилган. Шу боис, ФКнинг 126-моддасига асосан битимни ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги даъво билан бошқа шахс мурожаат қилган бўлса, бундай даъвони қаноатлантириш рад этилади.

Битим тузиш ваколатларини чеклаш белгиланишидан манфаатдор шахс битимни кейинчалик маъқуллаганда, ФКнинг 126-моддасида белгиланган битимни ҳақиқий эмас, деб топиш асослари қўлланилмайди.

6.5. Қимматли қоғозлар эмиссияси билан, шу жумладан эмитентнинг бошқарув органлари қарорлари юзасидан низолашиш билан, эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштириш жараёнида тузилган битимлар, эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқариш (қўшимча равишда чиқариш) натижалари бўйича ҳисоботлар (хабарномалар) юзасидан низолашиш билан боғлиқ низолар



“Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасида қимматли қоғозлар тушунчасига **“қимматли қоғозлар”** ҳужжатлар бўлиб, улар мазкур ҳужжатларни чиқарган юридик шахс билан уларнинг эгаси ўртасидаги мулкӣ ҳуқуқларни ёки қарз муносабатларини тасдиқлайди, дивидендлар ёки фоизлар тарзида даромад тўлашни ҳамда ушбу ҳужжатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқларни бошқа шахсларга ўтказиш имкониятини назарда тутуди, деб таъриф берилган.

Қимматли қоғозлар эмиссияси деганда, эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш ва жойлаштириш тушунилади.

Қимматли қоғозлар эмиссияси, агар қонун ҳужжатларида бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

1 Қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш ва тасдиқлаш

2 Рисолани тасдиқлаш (қимматли қоғозлар оммавий жойлаштирилган тақдирда)

3 Қимматли қоғозлар чиқаришни давлат рўйхатидан ўтказиш

4 Қимматли қоғозлар чиқаришни Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсида ҳисобга олиш

5 Қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги ахборотни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ошқор қилиш

6 Чиқарилишдаги қимматли қоғозларни жойлаштириш

7 Рўйхатдан ўтказувчи органга қимматли қоғозларни чиқариш натижалари тўғрисида билдиришнома тақдим этиш

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 30 августда 2000-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази Бош директорининг 2009 йил 16 июлдаги 2009-40-сон буйруғи билан тасдиқланган “Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш Қоидалари”-нинг 1-бандидаги тушунчаларга кўра, **ЭМИССИЯВИЙ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР** деганда – битта чиқарилиши доирасида бир хил белгилар ва реквизитларга эга бўлган, мазкур чиқарилиш учун ягона шартлар асосида жойлаштириладиган ҳамда муомалада бўладиган қимматли қоғозлар, **ЭМИТЕНТ** деганда – эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарувчи ва улар юзасидан қимматли қоғозларнинг эгалари олдида мажбуриятлари бўлган юридик шахс тушунилади.

Қимматли қоғозлар эмиссияси жараёни қуйидаги 2 та асосий жарёни ўз ичига олади

Эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқаришни

Эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришни

Қимматли қоғозларнинг чиқарилиш шакли қонун ҳужжатларига мувофиқ қимматли қоғозлар чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланади.

Эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- ✓ эмитентнинг тўлиқ номи, жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили;
- ✓ эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор тасдиқланган сана;
- ✓ эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаган эмитент бошқарув органининг номи;
- ✓ эмиссиявий қимматли қоғозларнинг тури ва хили ҳамда уларнинг чиқарилиш шакли;
- ✓ эмиссиявий қимматли қоғозлар эгасининг ҳуқуқлари;
- ✓ эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштириш шартлари;
- ✓ чиқарилишдаги эмиссиявий қимматли қоғозларнинг сони;
- ✓ илгари жойлаштирилган эмиссиявий қимматли қоғозларнинг сони;
- ✓ эмиссиявий қимматли қоғозларнинг номинал қиймати.

Эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа қоидалар ҳам кўрсатилиши мумкин.

“Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонунда белгиланишича, эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор қонун ҳужжатларига ва эмитентнинг уставига мувофиқ, эмитент бошқарув органи томонидан тасдиқланади. Шу сабабли корпорация (копорация)нинг таъсисчилари ёки бошқа манфаатдор шахслар билан эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш масалалари билан боғлиқ эмитентнинг бошқарув органи ўртасида низо келиб чиқадиган бўлса, бундай низо копоратив низо ҳисобланади ва иқтисодий судлар томонидан кўриб чиқилади.

Эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан эмитентнинг аризаси асосида амалга оширилади.

Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилишини рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатлар олинган санадан эътиборан ўттиз кун ичида давлат рўйхатидан ўтказиши ёки эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш тўғрисида асослантирилган қарор қабул қилиши шарт.

Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарор устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Шунингдек, эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилиши суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.

ЁДДА ТУТИНГ!

Қимматли қоғозлар эмиссияси билан, шу жумладан эмитентнинг бошқарув органилари қарорлари юзасидан низолашиш билан, эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштириш жараёнида тузилган битимлар, эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқариш (қўшимча равишда чиқариш) натижалари бўйича ҳисоботлар (хабарномалар) юзасидан низолашиш билан боғлиқ низолашни кўришда судлар эътибор беришлари лозимки, қимматли қоғозлар эмиссияси хусусидаги эмитент бошқарув органининг қарори юзасидан низолашилаётганда, аввалом бор, мазкур бошқарув органининг қимматли қоғозлар эмиссиясини чиқариш бўйича қарорга келишга ваколати мавжуд ёки мавжуд эмаслиги, йиғилиш кун тартибига ушбу масала қўйилган ёки қўйилмаганлигини аниқлашлари керак.

НАМУНА

Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, “Ойдин” АЖ акциядорларининг 2012 йил 10 апрелда қабул қилинган қўшимча акциялар чиқариш ҳақидаги умумий йиғилиши қарорини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Суд жамият акциядорлари ҳисобланган А.Маматхонов ва Х.Саидахмедовларга тегишли акциялар хатланганлиги ва уларнинг мулк ҳуқуқи чекланганлиги боис жамиятнинг умумий йиғилишида уларнинг иштирок этишга ҳуқуқлари мавжуд бўлмаса-да, аммо улар иштирок этишганлиги, агар улар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этмаган бўлишса, умумий йиғилиш қворумга эга бўлмаслиги ва тегишли қарор қабул қилишга ваколати йўқлигини инобатга олиб, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 68-моддаси талабига асосан умумий йиғилиш қарорини ҳақиқий эмас, деб топган.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ, акциядорлик жамиятидан дивиденд ундириш ва жамиятга акцияларни сотиб олиш мажбуриятини юклаш тўғрисидаги талаблар бўйича даъво муддати уч йилни ташкил этади. Шу сабабли, бундай талаб билан даъво муддатини ўтказиб мурожаат қилинганда, даъвони қаноатлантириш рад этилади.

НАМУНА

Фуқаро М.Икромов “Албатрос” акциядорлик жамияти (матнда АЖ деб юритилади) нинг 33 дона ҳар бирининг номинал қиймати 500 сўмга тенг бўлган акцияларини харид қилган. У АЖнинг акциядорлари реестрида қайд этилган. Аммо, у 1998-2002-йилларда акциялари учун дивиденд олмаган. Бундан ташқари, АЖнинг ташкилий ҳуқуқий шакли 2003 йилда МЧЖга айлантирилиб, “Сарвар” масъулияти чекланган жамияти (матнда МЧЖ деб юритилади) деб қайта номланган. Бироқ, М.Икромов мазкур МЧЖга таъсисчи сифатида

критилмаган ёки унинг 33 та акцияси АЖ томонидан у МЧЖга айлантирилишидан олдин сотиб олинмаган. Шу сабабли, Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази Навоий вилоят ҳудудий бошқармаси акциядор М.Икромов манфаатида судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унинг 33 та акциясига 1998-2002-йилларда ҳисобланган 27 359 сўм дивидендни ундиришни ва АЖнинг ҳуқуқий вориси бўлган МЧЖга 33 та акцияни сотиб олиш мажбуриятини юклашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, МЧЖдан акциядор М.Икромов фойдасига 1 612 сўм дивиденд ундирилган ва МЧЖга 33 та акцияни сотиб олиш мажбурияти юклатилган.

Биринчи инстанция суди МЧЖга 33 та акцияни сотиб олиш мажбуриятини юклаш ва МЧЖдан акциядор М.Икромов фойдасига 1 612 сўм дивиденд ундириш ҳақида нотўғри хулосага келган.

Чунки “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун 51-моддасининг бешинчи қисмига кўра, эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра жамият ихтиёрида қолади.

Ваҳоланки, М.Икромов манфаатида даъво аризаси 2016 йил 22 декабрда берилган бўлиб, унда 1998-2002-йиллар якуни бўйича ҳисобланган дивидендларни ундириш сўралган. Шу боис, кассация инстанцияси судининг қарори билан Қонун 51-моддасининг бешинчи қисмига таянган ҳолда, яъни дивидендларни талаб қилиш муддати ўтиб кетганлиги сабабли суд ҳужжати бекор қилиниб, даъво талабини қаноатлантириш рад этилган.

Шунингдек, “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонун 62-моддасига кўра, эмитент ва қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан қабул қилинган, эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш билан боғлиқ бўлган қарорларни ҳақиқий эмас, деб топиш, эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилишини, эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштириш жараёнида тузилган битимларни ҳақиқий эмас, деб топиш учун даъво муддати эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилишини жойлаштириш муддати тугаган санадан эътиборан бир йилни ташкил этади.

Вексель сақловчининг индоссантларга қарши ва вексель берувчига қарши талаблари бўйича даъво муддати белгиланган муддатда билдирилган протест кунидан эътиборан ёки чиқимларсиз оборот тўғрисида шартлашилган тақдирда, тўлов муддати кунидан эътиборан бир йилни ташкил этади.

Индоссантларнинг бир-бирига ва вексель берувчига нисбатан талаблари бўйича даъво муддати индоссант векселни тўлаган кундан эътиборан ёки унга нисбатан даъво тақдим этилган кундан эътиборан олти ойни ташкил этади.

Ушбу модданинг биринчи – учинчи қисмларида назарда тутилмаган ўзга ҳолларда, шунингдек, бошқа қимматли қоғозлар бўйича даъво муддатлари қонунга мувофиқ белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг “Иқтисодий судлар томонидан корпоратив низоларни ҳал этишнинг айрим масалалари тўғрисида” 2014 йил 20 июндаги 262-сонли қарорининг 15-бандига асосан, “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 62-моддасида назарда тутилган талаблардан ташқари бошқа талаблар бўйича умумий даъво муддати (уч йил) ҳисобланади. Ўтказиб юборилган даъво муддатини тиклаш масаласи ФКнинг 159-моддасида кўрсатилган тартибда ҳал этилади.

Аммо жамият акциядорларининг акцияларини сотиб олиш тўғрисидаги АЖ акциядорлари умумий йиғилишининг қарори 2003 йил 29 октябрда қабул қилинган бўлиб, бунга 13 йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса-да, собиқ АЖ акциядорининг 33 та акциясини унинг ҳуқуқий вориси МЧЖга сотиб олиш мажбуриятини юклаш тўғрисидаги даъво талаби бўйича даъво муддатини тиклаш тўғрисида даъвогар томонидан ариза билан мурожаат қилинмаган.

Дарҳақиқат, суд амалиётида эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштириш жараёнида тузилган битимларни ҳақиқий эмас, деб топиш учун даъво муддатини қўллаш борасида фикрлар бир хил эмас. Баъзи судьялар бу муддатни ФКда даъво муддатини қўллаш учун белгиланган

3 йиллик муддат сифатида билишса, баъзилари бу муддатни қисқартирилган муддат, деб ҳисоблашади.

Ваҳоланки, қайд этилганидек, нафақат эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштириш жараёнида тузилган битимларни, балки эмитент ва қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан қабул қилинган, эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш билан боғлиқ бўлган қарорларни ҳақиқий эмас, деб топиш, эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилиши жараёнида тузилган битимларни ҳақиқий эмас, деб топиш учун белгиланган даъво муддати ҳам қисқартирилган муддат, деб тан олинади ва у эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилишини жойлаштириш муддати тугаган санадан эътиборан бир йилни ташкил этади.

Қимматли қоғозларни жойлаштириш деганда – қимматли қоғозларни уларнинг дастлабки эгаларига бериш, қимматли қоғозларни чиқариш эса юридик шахснинг фуқаролик ҳуқуқларининг объекти сифатида қимматли қоғозлар пайдо бўлишига қаратилган ҳаракатлар тушунилади.

Эмитент акциядорлик жамияти шаклида тузилаётганда муассислар ўртасида жойлаштирилиши лозим бўлган акцияларнинг типлари, улар бўйича тўлов миқдори, шакли ва тартиби, шунингдек, устав капиталининг миқдори қонун ҳужжатлари талабларини ҳисобга олган ҳолда уни тузиш тўғрисидаги таъсис шартномаси ёки эмитент устави билан белгиланади.

Эмитент уставида акциядорлар томонидан сотиб олинган акцияларнинг (жойлаштирилган акциялар) типлари, сони ва номинал қиймати белгиланган бўлиши керак.

Акциядорлик жамияти шаклида фаолият юритувчи эмитентнинг устав капитали кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан ҳам кўпайтирилиши мумкин.

Устав капиталини акциялар номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтириш эса фақат эмитентнинг ўз капитали ҳисобидан амалга оширилади.

Таъкидлаш керакки, устав капиталини кўпайтириш эмитентнинг жалб қилинган инвестициялари, ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан ҳам амалга оширилиши мумкин.


Эмитент устав капиталини ўз капитали ҳисобидан кўпайтиришда кўшимча акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси типдаги акциялар тегишли бўлса, айна ўша типдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади.

Эмитентнинг акциядорлари орасида кўшимча акцияларини тақсимлаш уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган реестрни ёпиш

санасига амалга оширилади. Кўрсатилган сана акцияларнинг қўшимча чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўттиз кундан кечикмасдан бошланиши лозим.

Акцияларни чиқариш ҳақида сўз юритилганда инобатга олиш керакки, юқорида қайд этилган Қоидаларнинг 19, 20-бандлари мазмунига кўра, агар акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қарор қабул қилинган тақдирда эмитент жойлаштирилган акцияларни устав капитали миқдорини ўзгартирмаган ҳолда ҳам янги акцияларни чиқариши мумкин. Бу ҳолат акцияларни майдалаш ёки йириклаштириш йўли билан амалга оширилади. Бунда, жойлаштирилган акциялар бошқа номинал қийматга эга янги чиқарилган акцияларга айирбошланади.

Эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштириш жараёнида тузилган битимлар билан боғлиқ корпоратив низоларни кўришда судлар шуни инобатга олишлари лозимки, акциядорлик жамиятлари акцияларининг олди-сотдиси бўйича иккиламчи бозордаги битимлар фақат қимматли қоғозларнинг биржа бозорида ва уюшган биржадан ташқари бозорда тузилади, акциядорларнинг талабига кўра, акциядорлик жамияти томонидан ўз акцияларини сотиб олишга, шунингдек, устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва қувватлардан паст даражада фойдаланаётган саноат ва қурилиш соҳасидаги корхоналарнинг акциялари давлат пакетларини “ноль” харид қиймати бўйича сотишга оид битимлар бундан мустасно.



Ўзаро келишув бўйича томонлар битишув тузиш шартига қонунчиликда зид бўлмаган бошқа исталган шартларни киритишади.

Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, қимматли қоғозлар билан тузилган битимлар рўйхатдан ўтказилиши шарт.

Қимматли қоғозлар билан битимларни рўйхатдан ўтказиш:

- уларнинг савдо майдончаларида содир этилган битимлар бўйича – қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари савдо ташкилотчилари, фонд биржаси ва валюта биржаларининг фонд бўлимлари томонидан;
- қимматли қоғозлар билан бошқа битимлар бўйича – қимматли қоғозларни бегоналаштирувчига хизмат кўрсатадиган Марказий депозитарий ва инвестиция воситачилари томонидан амалга оширилади.

Қимматли қоғозлар билан биржа ва биржадан ташқари савдо ташкилотчиларининг савдо майдончаларида фақат қимматли қоғозлар ва уларнинг ҳосилалари олди-сотдиси бўйича битимлар содир этилиши ва рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

Қимматли қоғозлар бўйича тузилган битимларнинг рўйхатдан ўтказилиши битишувлар тузилганлигини тасдиқловчи шартнома ёки бошқа ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Қимматли қоғозлар савдосининг ташкилотчилари, Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси ва қимматли қоғозлар билан битимлар тузишда рўйхатдан ўтказувчилар бўлган қимматли қоғозлар бозорининг бошқа профессионал иштирокчилари, агар битимларни тузишда қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилганлигини аниқлашган бўлса, қимматли қоғозлар билан битимларни рўйхатдан ўтказишни рад этишлари шарт.

Эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштириш жараёнида тузилган битимларни ҳақиқий эмас, деб топиш билан боғлиқ қуйидаги мисолга эътиборингизни қаратмоқчимиз.

НАМУНА

2005 йилда “Хизмат барака” АЖ ташкил этилган. 2014 йил 20 ноябрда АЖ акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан қўшимча равишда 25 000 000 сўмлик акцияларни жойлаштириш бўйича қарор қабул қилинган.

Суднинг 2015 йил 9 октябрдаги ҳал қилув қарори билан АЖ акциядорлари умумий йиғилишининг мазкур қарори ҳамда С.Турсунов ва АЖ ўртасида тузилган шартнома ҳақиқий эмас, деб топилган. Шу сабабли фуқаро С.Турсунов АЖга нисбатан судга умурожаат қилиб ундан қўшимча акциялар учун тўланган 25 000 000 сўмлик зарарни ундиришни сўраган.

Аниқланишича, АЖнинг юқоридаги қарори асосида 2015 йил 15 февралда С.Турсунов ҳамда АЖ ўртасида 25 000 000 сўмлик акциялар олди-сотди шартномаси имзоланган ҳамда С.Турсунов томонидан акциялар ҳақи тўлиқ тўланган.

Аммо кейинчалик суднинг 2015 йил 9 октябрдаги ҳал қилув қарори билан АЖ акциядорлари умумий йиғилишининг 2014 йил 20 ноябрдаги қарори ҳамда С.Турсунов ва АЖ ўртасида тузилган шартнома ҳақиқий эмас, деб топилган. Суднинг ушбу ҳал қилув қарори устидан тарафлар шикоят беришмаган. Аммо АЖ С.Турсуновга қўшимча чиқарилган 25 000 000 сўмлик акцияларнинг қиймати сифатидаги зарарни тўламаган. Натижада С.Турсунов суддан мазкур зарар суммасини ундиришни сўраган.

ФК 11-моддаси биринчи қисмининг тўртинчи хатбошисига биноан, фуқаролик ҳуқуқлари битимни ҳақиқий эмас, деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш усуллари орқали ҳимоя қилинади. Мазкур ҳолатда низо битим ҳақиқий эмас, деб топилиши натижасида вужудга келган.

ФК 113-моддасининг биринчи қисмига кўра битим ушбу Кодексда белгилаб қўйилган асосларга кўра, суд ҳақиқий эмас, деб топганлиги сабабли (низоли битим) ёки бундай деб топилишдан қатъи назар, ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади (ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим).

ФКнинг 116-моддасида қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келмайдиган мазмундаги битим, шунингдек, ҳуқуқ-тартибот ёки ахлоқ асосларига атайин қарши мақсадда тузилган битим ўз-ўзидан ҳақиқий эмаслиги кўрсатилган.

Суднинг 2015 йил 9 октябрдаги ҳал қилув қарори билан

С.Турсунов ҳамда АЖ ўртасида тузилган олди-сотди шартномаси қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келмайдиган мазмундаги битим бўлганлиги сабабли ҳақиқий эмас, деб топилган бўлса-да, бироқ битимни ҳақиқий эмас, деб топиш оқибатлари суд томонидан қўлланмаган.

ФК 14-моддасининг иккинчи қисмида зарар деганда, ҳуқуқи бузилган шахснинг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлари, унинг мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқий зарар), шунингдек, бу шахс ўз ҳуқуқлари бузилмаганида одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадлари (бой берилган фойда) тушунилиши белгиланган.

Шу боис суднинг ҳал қилув қарори билан С.Турсуновнинг талаби қаноатлантирилган.

Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқариш (қўшимча равишда чиқариш) натижалари бўйича ҳисоботлар (хабарномалар) юзасидан низолашиш ҳақида сўз юритилганда, судлар инobatга олишлари керакки, эмитент жойлаштирилган акцияларга қўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган акцияларнинг сони, номинал қиймати ва типлари эмитентнинг уставида белгиланиши мумкин. Агар эмитентнинг уставида бундай қоидалар мавжуд бўлмаганда эмитент қўшимча акцияларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

Эмитентнинг устав капитали қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан ошириш тўғрисидаги қарорининг қабул қилиниши фақат уставга, қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда эмитентнинг эълон қилинган акциялари сонини аниқлаш ёки ошириш қисмига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганидан кейин амалга оширилиши мумкин. Қўшимча акциялар фақат эмитент уставида белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасида жойлаштирилиши мумкин.

НАМУНА

Эмитент сифатида “Омад” АЖ акциядорларининг 2014 йил 24 май кундаги умумий йиғилишида жамият томонидан олинган фойда ҳисобидан умумий қиймати 6 785 000 сўмлик жами 554 дона қўшимча акциялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган. Кейинчалик қўшимча акциялар чиқариш тўғрисида эълон ҳам қилинган. Қўшимча акциялар АЖнинг уставига киртилган ўзгаришлар ва қўшимчаларда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасида жойлаштирилган.

Мазкур қўшимча акциялар АЖнинг акциядори ҳисобланган Б.Сатторовга берилмай

қолган.

Сўнгра Б.Сатторов қўтисодий судга мурожаат қилиб, АЖ акциядорларининг 2014 йил 24 май кунидаги қўшимча акциялар чиқариш тўғрисида қарорини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Суд томонидан ишни кўриш жараёнида аниқланишича, АЖ 2013 йилнинг август ойида ташкил этилган ва давлат рўйхатидан ўтган бўлиб, АЖ акциядорларининг умумий йиғилиши бўлиб ўтган кундаги, яъни 2014 йил 24 май ҳолатига дастлабки жойлаштирилган акциялар бўйича АЖ акциядорларидан Д.Олимов, С.Олимовалар томонидан тўловлар тўлиқ тўланмаган бўлган. Б.Сатторов даъво аризасида шу ҳолатни даъво талабини асословчи далиллардан бири сифатида маълум қилган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 30 августда 2000-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази Бош директорининг 2009 йил 16 июлдаги 2009-40-сон буйруғи билан тасдиқланган “Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш Қоидалари”нинг 4-банди учинчи хатбошиси ва 5-бандларидаги ҳуқуқий нормаларга кўра, агар эмитент уставида муайян типдаги эълон қилинган акцияларни жойлаштириш тартиби ва шартлари белгилаб қўйилган бўлса, уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланган ушбу типдаги қўшимча акцияларни жойлаштириш тартиби ва шартлари эмитент уставининг кўрсатилган қоидаларига мувофиқ бўлиши керак.

Акцияларни қўшимча чиқариш фақат эмитентнинг илгари жойлаштирилган барча акциялари тўлиқ тўлангандан кейингина амалга оширилиши мумкин. Акцияларни қўшимча чиқариш тўғрисидаги қарор фақат эмитент уставига киритиладиган акцияларнинг олдинги чиқарилиши натижаларига кўра жойлаштирилган ва эълон қилинган акциялар сонининг янги миқдорига нисбатан киритилган ўзгаришлар давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин қабул қилиниши мумкин.

Мазкур ҳолатда АЖ томонидан эмитент сифатида қўшимча акцияларни чиқариш унинг илгариги жойлаштирилган барча акциялари тўлиқ тўланмасдан амалга оширилган.

Шуларни инобатга олган ҳолда биринчи инстанция суди Б.Сатторовнинг даъво талабини қаноатлантириб, АЖ акциядорлари умумий йиғилишининг 2014 йил 24 май кунидаги умумий қиймати 6 785 000 сўмлик жами 554 дона қўшимча акциялар чиқариш тўғрисида қарорини ҳақиқий эмас, деб топган.

Қўшимча акцияларни чиқариш билан боғлиқ яна бир муҳим қондан таъкидлаш лозимки, юқоридаги Қоидаларнинг 9-бандига кўра эмитент қўшимча акцияларни жойлаштиришни обуна ёки айирбошлаш орқали амалга оширишга ҳам ҳақлидир.

Эмитент томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни жойлаштириш усуллари (очиқ ёки ёпиқ обуна) эмитент уставида белгилаб қўйилади, эмитент уставида бу хусусда кўрсатмалар мавжуд бўлмаса, акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан белгиланади. Эмитентнинг уставида ёки акциядорлар умумий йиғилишининг қароридан эмитентнинг акцияларини ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларини жойлаштириш усули тўғрисида кўрсатмалар мавжуд бўлмаса, жойлаштириш фақат очиқ обуна воситасида амалга оширилиши мумкин.

Акцияларнинг очиқ обунаси қимматли қоғозларнинг уюшган савдо-сидагина ўтказилади.

Акциядорлик жамияти шаклида фаолият юритувчи эмитентнинг устав капитали қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

“Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 36-моддасига кўра, қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсида ва (ёки) инвестиция воситачисида очиладиган қимматли қоғозлар эгаларининг депо ҳисобварақларида амалга оширилади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Инвестиция воситачиси ўз мижозларининг ҳисобварақларида унинг Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсидаги ҳисобварақларида жамлаб ҳисобга олиб бориладиган ҳужжатсиз қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқлари ҳисобини юритади.

Қимматли қоғозларни ҳисобга қўйиш, ҳужжатли қимматли қоғозларни сақлаш, қимматли қоғозлар чиқарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни сақлаш, қимматли қоғозлардаги ҳисоб-китобларни белгиланган тартибда амалга ошириш, Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари томонидан чиқарилган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомалага киритилган қимматли қоғозларни ҳисобга олиш, Ўзбекистон Республикасининг резидентлари томонидан чиқарилган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида муомалага киритилган қимматли қоғозларни ҳисобга олиш, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, инвестиция фондлари томонидан чиқарилган ва уларга тегишли қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш ваколатлари Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига берилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 21 майдаги “Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийсини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида”ги 263-сон қарорининг 2-1-бандига кўра, давлат унитар корхонаси шаклидаги Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ва Молия вазирлигига ҳисобот беради. Унинг фаолиятига раҳбарлик қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланадиган Бош директор ва унинг ўринбосарлари томонидан амалга оширилади.

6.6. Қимматли қоғозларни номинал сақловчиларнинг акциялар ва бошқа қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш, қонунда назарда тутилган бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларни қимматли қоғозларни жойлаштириш ва (ёки) уларнинг муомаласи муносабати билан қимматли қоғозларнинг номинал сақловчилари томонидан амалга ошириш билан боғлиқ фаолиятдан келиб чиқадиган низолар

Ушбу параграфда назарда тутилган низоларни ҳал қилишда судлар “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, ИПК ва бошқа қонун ҳужжатларининг тегишли моддаларига амал қилишлари лозим.

“Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасидаги тушунчаларга кўра, **қимматли қоғозларни номинал сақловчи** деганда – қимматли қоғозлар эгасининг ёки у вакил қилган шахснинг топшириғига кўра, қимматли қоғозларни ҳисобга олишни ва уларга бўлган ҳуқуқларни тасдиқлашни қимматли қоғозларнинг эгаси бўлмаган ҳолда амалга оширувчи инвестиция воситачиси, Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси назарда тутилади.

Бу ерда **Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси** сифатида депо ҳисобварақлари бўйича эмиссиявий қимматли қоғозларни сақлашнинг, бундай қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишнинг ва эмиссиявий қимматли қоғозлар ҳаракатининг ягона тизимини таъминловчи давлат депозитарийси фаолият кўрсатади (олдинги параграфга қаранг).

Инвестиция воситачиси деганда эса – мижознинг топшириғига биноан, мижоз номидан ва унинг ҳисобидан қимматли қоғозларга доир битимлар ҳамда операцияларни амалга оширувчи қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси тушунилади.

Инвестиция воситачиси ҳар бир мижознинг қимматли қоғозлари ва пул маблағлари ҳисобини юритиши, қимматли қоғозларга доир битимлар ва операцияларни мижоз билан тузилган шартномага мувофиқ амалга ошириши, тузилган битимлар ва амалга оширилган операциялар тўғрисида унга ҳисобот бериши шарт.

Инвестиция воситачиси мижозларнинг қимматли қоғозларни сотиб олиш ва сотишга буюртма бериш, ўтказиш борасидаги топшириқларини виждонан ҳамда уларнинг келиб туриши тартибда бажариши керак. Мижозларнинг топшириғига биноан амалга ошириладиган битимлар

инвестиция воситачисининг ўз дилерлик операцияларига нисбатан устун равишда бажарилиши керак.

НАМУНА

“Ҳамидулла” хусусий корхонаси ва “Суннат бобо” фермер хўжалиги – “Ижодкор” акциядорлик жамиятининг акциядори ўртасида 2013 йил 2 мартда 1-сонли олди-сотди шартномаси тузилиб, унга кўра, ХК ФХга 5 500 000 сўмни олдиндан тўлов сифатида ўтказиши, ФХ эса ўзининг АЖга тегишли шу суммадаги акцияларини ХКга расмийлаштириб бериши лозим бўлган.

Шартномани расмийлаштиришда “Турон” МЧЖФХнинг инвестиция воситачиси сифатида унинг номидан шартномани имзолаб, уни тасдиқлаган.

Ушбу шартнома асосида ХК ФХга акциялар учун 5 500 000 сўмлик тўловни 2013 йил 10 мартдаги 14-сонли тўлов топшириқномаси асосида олдиндан тўлаган. 2013 йилнинг 13 июлида “Турон” МЧЖ инвестиция воситачиси сифатида ФХнинг АЖга тегишли шу суммадаги акцияларини ХКга расмийлаштириб берган.

Кейинчалик ФХ судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, 2013 йил 2 мартдаги 1-сонли олди-сотди шартномасини тузишда ва акцияларнинг ХКга расмийлаштириб берилишида қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйилганлиги, яъни ФХ МЧЖга бу ҳақда умуман топшириқ бермаганлигини билдирган ва шартномани ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Суднинг 2013 йил 8 октябрдаги ҳал қилув қарори билан ФХнинг даъво талаби қаноатлантирилиб, 2013 йил 2 мартдаги 1-сонли олди-сотди шартномаси ҳақиқий эмас, деб топилган. Шу билан бирга, суд томонидан тақдимнома чиқарилиб, ХК ва МЧЖларнинг ҳужжатларни сохталаштириш билан боғлиқ ноқонуний хатти-ҳаракатларига нисбатан ҳуқуқий баҳо бериш учун тегишли материаллар илова қилинган ҳолда туман прокуратурасига юборилган. Сўнгра ФХ томонидан 5 500 000 сўмлик пул маблағи ХКга қайтариб юборилган.

Ўз навбатида, у судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар инвестиция воситачиси сифатида МЧЖдан унинг топшириғи бўлмаса-да, қалбаки ҳужжатлар асосида олди-сотди шартномасини тузиб, акцияларни ХКга ноқонуний расмийлаштириб берганлигини, натижада у шартномани ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисида судга берган даъвоси юзасидан суд харажатларини, экспертиза ўтказиш харажатларини, суд мажлисларида иштирок этиш билан боғлиқ транспорт харажатларини тўлаш сифатида жами 1 650 000 сўмлик зарар кўрганлигини, мазкур зарар суммасини жавобгардан ундиришни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 13 мартда 1108-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2002 йил 7 февралдаги 2002-01-сон буйруғи билан тасдиқланган “Қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачисининг фаолияти тўғрисида”ги Низомнинг 2-бандига кўра, инвестиция воситачиси қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятини амалга оширишда, мижозларнинг қимматли қоғозларни сотиб олиш ва сотиш, ўтказиш бўйича буюртмаларни бериш юзасидан топшириқларини виждонан ва уларнинг келиб тушиши тартибига риоя этган ҳолда бажариши, шартномаларни тузиш ва бажариш билан боғлиқ барча зарур ахборотни мижозларнинг эътиборига етказиши, амалга оширилган битимлар ва операциялар тўғрисида улар олдида ҳисобот бериши, манфаатлар тўқнашувиде, шу жумладан, унинг дилерлик фаолиятини кўшиб олиб бориши билан боғлиқ бўлганда, бундай манфаатлар тўқнашуви юзига келгани ҳақида мижозни дарҳол хабардор қилиши ва унинг мижоз фойдасига ҳал этилиши учун барча зарур чора-тадбирларни кўриши, инвестиция воситачиси тегишли топшириқ олгунга қадар мижоз у ҳақда хабардор қилинмаган, инвестиция воситачиси ва унинг мижози манфаатлари тўқнашуви натижасида етказилган зарарларни мижозга қоплаб бериши шарт.

Ушбу ҳуқуқ нормаларидан келиб чиқиб, суд ФХнинг даъво талабини тўлиқ қаноатлантирган ва унинг фойдасига жавобгар инвестиция воситачиси сифатида МЧЖдан 1 650 000 сўмлик зарарни ундирган.

ЁДДА ТУТИНГ!

Инвестиция воситачисининг фаолияти билан боғлиқ низолар кўрилаётганида судлар инobatга олишлари лозимки, инвестиция воситачиси томонидан инвестиция воситачиси сифатидаги фаолиятни тўхтатиб туриш, тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган ёки у тугатилган тақдирда, тегишли ахборот қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан икки иш куни ичида оммавий ахборот воситаларида ва фонд биржасининг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

Инвестиция воситачиси сифатида ўз фаолиятини тўхтатиб тураётган, тугатаётган ёки тугатилаётган инвестиция воситачисида ҳисоби юригилаётган қимматли қоғозлар миқозининг қарорига кўра, бир ҳафталик муддатда бошқа инвестиция воситачисига ўтказилади, бундай қарор мавжуд бўлмаган тақдирда эса, қимматли қоғозларнинг эгаси танлаган инвестиция воситачисига қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланган муддатларда кейинчалик ўтказиш учун Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига (фаолиятни тўхтатиб туриш ҳоллари бундан мустасно) ўтказилади.

Юридик шахсни – инвестиция воситачисини тугатиш қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи ушбу модданинг олтинчи қисмида кўрсатилган ҳаракатлар яқунланганлигини ёзма равишда тасдиқлаганидан кейингина амалга оширилиши мумкин.

Таъкидлаш керакки, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 42-моддасининг олтинчи-тўққизинчи қисмларида қайд этилишича, жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш учун Марказий депозитарий ва (ёки) инвестиция воситачиси:

- реестрда рўйхатдан ўтказилган шахсларнинг идентификация қилинишини;
- реестрда рўйхатдан ўтказилган шахсларнинг ахборот олишга ва уларга ахборот юборилишига ҳамда реестр шакллантирилишига имкон берадиган акцияларга бўлган ҳуқуқлари ҳисобга олинишини;
- реестрга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилишига сабаб бўладиган ҳужжатларнинг ҳамда барча фактлар тўғрисидаги ҳамда Марказий депозитарийнинг ва (ёки) инвестиция воситачисининг бундай ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга доир барча ҳаракатлари ҳақидаги ахборотнинг қонун ҳужжатларида белгиланган муддатлар мобайнида тўпланиши ва сақланишини таъминлаши керак.

Жамият акциядорларининг реестрида рўйхатдан ўтказилган ҳар бир шахс ҳақидаги, унинг номига ёзилган акцияларнинг сони ва турлари тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа маълумотлар кўрсатилади.

Марказий депозитарий жамиятлар акциядорларининг реестрлари шакллантирилишини таъминлаши ва шакллантирилган реестрларни сақлаши шарт, жамият эса давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан бир ойдан кечиктирмай Марказий депозитарий билан жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш учун шартнома тузиши шарт.

Акциядор ўзига оид маълумотлардаги ўзгаришлар ҳақида унинг акцияларга бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи Марказий депозитарийни ва (ёки) инвестиция воситачисини ўз вақтида хабардор қилиши шарт. Акциядор ўзига оид маълумотлар ўзгарганлиги ҳақидаги ахборотни тақдим этмаган ҳолларда, акциядорнинг ўз акцияларига бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи Марказий депозитарий ва (ёки) инвестиция воситачиси бунинг оқибатида акциядорга етказилган зарар учун жавобгар бўлмайди.

“Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 5-моддаси биринчи қисмининг тўққизинчи хатбошисига кўра, эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорда бошқа маълумотлар билан бир қаторда, илгари жойлаштирилган эмиссиявий қимматли қоғозларнинг сони ҳам кўрсатилиши керак. Ушбу тартибга риоя қилинмаганлиги эса, ушбу Қонун 9-моддаси биринчи қисмининг учинчи хатбошисига мувофиқ, эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш учун асос бўлади.

НАМУНА

“Дизайн груп” АЖ 2005 йилдаги таъсис ҳужжатларига асосан ташкил этилган. АЖ 2015 йил 20 ноябрда Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказига мурожаат қилиб, жамият томонидан чиқарилган 10 000 дона акцияларни давлат рўйхатидан ўтказишни сўраган. Бироқ Марказнинг 2015 йил 23 ноябрдаги қарори билан АЖнинг акцияларини давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилган.

Шундан сўнг АЖ акцияларни давлат рўйхатидан ўтказиш ноқонуний равишда рад этилган деб ҳисоблаб, Марказга нисбатан судга мурожаат қилган ҳамда 2015 йил 23 ноябрдаги АЖ томонидан чиқарилган 10 000 дона акцияларни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш ҳақидаги қарорни ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Аниқланишича, “Дизайн груп” АЖ акциядорларининг 2015 йил 18 ноябрда умумий йиғилиши ўтказилган. Йиғилиш натижаларига кўра, АЖ томонидан кўшимча равишда 10 000 дона акция чиқариш орқали жамиятнинг устав фондини кўпайтириш ҳақида қарор қабул қилинган.

АЖ мазкур акцияларни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлаш мақсадида Марказга мурожаат қилган ҳамда жамият томонидан чиқарилган 10 000 дона акцияни давлат рўйхатидан ўтказишни сўраган.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғриси-

да”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 59-моддаси биринчи қисмининг еттинчи хатбошисига кўра, жамиятнинг устав фондиди (устав капиталини) кўпайтириш акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киради.

Демак, АЖ акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан ҳақли равишда 2015 йил 18 ноябрда кўшимча равишда 10 000 дона акция чиқариш орқали жамиятнинг устав фондиди кўпайтириш ҳақида қарор қабул қилинган.

“Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 8-моддасининг биринчи қисмида эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан эмитентнинг аризаси асосида амалга оширилиши кўрсатилган.

АЖ 2015 йил 20 ноябрда асосли равишда ваколатли давлат органи бўлган Марказга мурожаат қилиб, “Дизайн груп” АЖ томонидан чиқарилган 10 000 дона акцияни давлат рўйхатидан ўтказишни сўраган. Бироқ “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 9-моддаси биринчи қисмининг учинчи хатбошисига мувофиқ, эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш тартибига эмитент томонидан рияз этилмаганлиги эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш учун асос бўлади.

Аниқланишча, “Дизайн груп” АЖ акциядорлари умумий йиғилишининг 2015 йил 18 ноябрдаги устав фондиди кўпайтириш ҳақидаги қарориди жамият томонидан илгари жойлаштирилган эмиссиявий қимматли қоғозларнинг сони кўрсатилмаган. Бу эса қонун ҳужжатларида эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорга нисбатан қўйилган талабнинг бузилишига олиб келган.

Ваҳоланки, “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 5-моддаси биринчи қисмининг тўққизинчи хатбошисига эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорда бошқа маълумотлар билан бир қаторда илгари жойлаштирилган эмиссиявий қимматли қоғозларнинг сони ҳам кўрсатилиши кераклиги белгиланган.

АЖ акциядорлари умумий йиғилишининг 2015 йил 18 ноябрдаги эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорда бошқа маълумотлар билан бир қаторда илгари жойлаштирилган эмиссиявий қимматли қоғозларнинг сони кўрсатилмаган ва қонун ҳужжатида кўрсатилган талабнинг бузилишига йўл қўйилган. Шу сабабли Марказнинг қарори билан АЖ акциядорлари умумий йиғилишининг қарори асосида чиқарилган 10 000 дона акцияни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақли равишда рад этилган. Шу боис, суднинг ҳал қилув қарори билан даъво талабини қаноатлантириш рад этилган.

Судлар шунини инобатга олишлари керакки, акциядор ўзига оид маълумотлар ва ушбу маълумотларнинг ўзгарганлиги ҳақидаги ахборотни Марказий депозитарийга ўз вақтида тақдим этиб бориши шарт. Ушбу маълумотларни ўз вақтида тақдим этмаганлиги оқибатида акциядорга etkazилган зарар учун Марказий депозитарий жавобгар бўлмайди.

НАМУНА

2013 йил 15 августда муассислар ўртасида имзоланган таъсис шартномаси ҳамда улар томонидан тасдиқланган устав асосида “Техно сервис” акциядорлик жамияти ташкил этилган. “Техник хизмат” МЧЖ ушбу АЖнинг акциядорларидан бири ҳисобланади.

МЧЖ ўзининг 30 дона акцияга бўлган ҳуқуқи ноқонуний равишда ҳисобга олинмаган деб ҳисоблаб, Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийсидан 5 000 000 сўм моддий зарарни ундиришни сўраган.

Аниқланишича, 2013 йил 15 августда муассислар ўртасида имзоланган таъсис шартномаси ҳамда улар томонидан тасдиқланган устав асосида “Техно сервис” АЖ ташкил этилган.

2014 йил 4 сентябрдаги АЖ акциядорларининг умумий йиғилишида кўшимча равишда 30 дона акция чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Мазкур акциялар ҳақи акциядор МЧЖ томонидан АЖга киритилган. Натижада “Техник

хизмат” МЧЖ “Техно сервис” АЖнинг 530 дона акциясига эга акциядори бўлган.

“Техно сервис” АЖнинг 2015 йилдаги фаолияти яқунларига бағишланган акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш учун Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийсидан жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш сўралганда, “Техник хизмат” МЧЖ “Техно сервис” АЖнинг 500 дона акциясига эга бўлган акциядори эканлиги ҳақидаги маълумот тақдим этилган.

Шундан сўнг “Техник хизмат” МЧЖ ўзининг 30 дона акцияга бўлган ҳуқуқи ноқонуний равишда ҳисобга олинмаган деб ҳисоблаб, Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийсига нисбатан судга мурожаат қилган ҳамда 5 000 000 сўм моддий зарарни ундиришни сўраган.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун 42-моддасининг иккинчи қисмига кўра, жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш қимматли қоғозлар эгаларининг депозитарийлардаги депо ҳисобварақлари ҳолатига кўра, марказий рўйхатдан ўтказувчи вазифасини бажарувчи Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси томонидан амалга оширилади.

Мазкур модданинг тўққизинчи қисмида акциядор ўз акцияларига бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи депозитарийни ўзига оид маълумотлардаги ўзгаришлар ҳақида ўз вақтида хабардор қилиши шартлиги кўрсатилган.

Аниқланишича, “Техник хизмат” МЧЖ “Техно сервис” АЖнинг 2014 йил 4 сентябрда қўшимча равишда чиқарилган 30 дона акцияларининг эгаси бўлса-да, ўзига тегишли бўлган акциялар сони кўпайганлиги ҳақида Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийсини хабардор қилмаган.

Демак акциядор томонидан ўз акцияларига бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи депозитарийни ўзига оид маълумотлардаги ўзгаришлар ҳақида ўз вақтида хабардор қилиш мажбурияти бажарилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 14-моддасининг иккинчи қисмида зарар деганда, ҳуқуқи бузилган шахснинг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлари, унинг мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқий зарар), шунингдек, бу шахс ўз ҳуқуқлари бузилмаганида одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмайд қолган даромадлари (бой берилган фойда) тушунилиши лозимлиги кўрсатилган.

Мазкур ҳолатда эса “Техник хизмат” МЧЖ ўзгаришлар тўғрисида Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийсини хабардор қилмаганлиги учун акциядорлар реестрида унга тегишли бўлган акциялари сонининг кам кўрсатилганлиги натижасида унга ҳеч қандай зарар етказилмаган.

Қолаверса, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун 42-моддасининг тўққизинчи қисмида акциядор ўзига оид маълумотлар ўзгарганлиги ҳақидаги ахборотни тақдим этмаган ҳолларда, бунинг оқибатида акциядорга етказилган зарар учун Марказий депозитарий ва акциядорнинг ўз акцияларига бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи депозитарий жавобгар бўлмаслиги белгиланган. Шу боис, суднинг ҳал қилув қарори билан даъво талабини қаноатлантириш рад этилган.

ЁДДА ТУТИНГ!

Жамият акциядорларининг реестрлари шакллантирилишини таъминлаш ва шакллантирилган реестрларни сақлаш мажбурияти Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийсига юклатилган.

Қимматли қоғозлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлардан мустасно равишда жамият акциядорларининг реестрини шакллантиришни асоссиз рад этишга йўл қўйилмаслигини судлар инobatга олишлари лозим.

Қонун 44-моддасининг олтинчи қисмига мувофиқ жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш асоссиз рад этилганлиги устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

НАМУНА

2015 йилда “Полиграф сервис” АЖ ташкил этилган ва унинг таъсис ҳужжатларига кўра, Б.Ў. Раҳимов ушбу АЖнинг акциядорларидан бири ҳисобланади.

Акциядор Б.Ў. Раҳимов Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийсига мурожаат қилиб, жамиятнинг акциядорлари реестрини шакллантиришни сўраган.

Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси томонидан “Полиграф сервис” АЖнинг акциядорлари реестрини шакллантириш рад этилган.

Акциядор Б.Ў. Раҳимов “Полиграф сервис” АЖнинг акциядорлари реестрини шакллантириш ноқонуний равишда рад этилган деб ҳисоблаб, Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийсига нисбатан судга мурожаат қилган ҳамда жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш мажбуриятини юклашни сўраган.

Аниқланишича, акциядорлар Б.Ў. Раҳимов ҳамда Х.Д. Акбаров “Полиграф сервис” АЖнинг кузатув кенгашига мурожаат қилиб, жамиятнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни сўраган.

Акциядорларнинг акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиши жамият акциядорларининг реестри асосида амалга оширилиши сабабли бундай реестрни шакллантириш лозим бўлган. Шунинг учун акциядор Б.Ў. Раҳимов Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийсига мурожаат қилиб, жамиятнинг акциядорлари реестрини шакллантиришни сўраган.

Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси томонидан “Полиграф сервис” АЖнинг акциядорлари реестрини шакллантириш рад этилган.

Акциядор Б.Ў. Раҳимов “Полиграф сервис” АЖнинг акциядорлари реестрини шакллантириш ноқонуний равишда рад этилган деб ҳисоблаб, Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийсига нисбатан судга мурожаат қилиб, жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш мажбуриятини юклашни сўраган.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун 65-моддасининг биринчи қисмига кўра, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра, унинг ўз ташаббуси асосида, тафтиш комиссиясининг (тафтишчининг) ёзма талаби, шунингдек, ёзма талаб тақдим этилган санада жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ўтказилади.

Мазкур модданинڭ иккинчи қисмида жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш ҳақида ёзма талаб тақдим этилган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан амалга оширилиши белгиланган. Шу сабабли акциядорлар Б.Ў. Раҳимов ҳамда Х.Д. Акбаров “Полиграф сервис” АЖнинг кузатув кенгашига мурожаат қилиб, жамиятнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни сўраган.

Қайд этилган Қонун 42-моддасининг тўртинчи қисмига кўра, акциядорнинг акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиши, дивидендлар олиши ва жамият томонидан корпоратив ҳаракатлар бажарилганда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларни амалга ошириши жамият акциядорларининг реестри асосида амалга оширилади.

Шунга асосан акциядор Б.Ў. Раҳимов Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийсига мурожаат қилиб, жамиятнинг акциядорлари реестрини шакллантиришни сўраган.

Бирок, “Полиграф сервис” АЖ Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийсига жамиятнинг акциядорлари реестрини шакллантириш тўғрисидаги топшириқларга имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ҳақидаги маълумотни тақдим этмаганлиги сабабли депозитарий томонидан “Полиграф сервис” АЖнинг акциядорлари реестрини шакллантириш асоси равишда рад этилган.

Чунки “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун 44-моддасининг биринчи қисмига кўра, жамият жамиятнинг акциядорлари реестрини шакллантириш тўғрисидаги топшириқларга имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ҳақида Марказий депозитарийни ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

Қайд этилганларга асосан, суднинг ҳал қилув қарори билан “Полиграф сервис” акциядорлик жамиятининг даъво талабини қаноатлантириш рад этилган.

6.7. Юридик шахс иштирокчиларининг умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги низолар.

Ҳар қандай юридик шахс каби масъулияти чекланган жамият (матнда “жамият” деб юритилади) ҳам ўз фаолиятини ўзининг тегишли органли орқали амалга оширади. Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши жамият бошқарувининг олий органи ҳисобланади. Ягона иштирокчиси бўлган жамиятларда иштирокчининг хоҳиш иродасини намоён этувчи орган – ягона иштирокчининг ўзи ҳисобланади ва унинг томонидан қабул қилинган қарорлар шаклида амалга оширилади.

Жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг ваколатлари жамиятнинг устави билан “Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (матнда Қонун)га мувофиқ белгиланади. Ваколат – қонун билан белгиланган ва фаолият кўрсатишнинг йўл қўйилган чегарасини аниқлайдиган мезон бўлиб, бу мезон мазкур Қонунга мувофиқ, жамият устави билан белгиланади. Қонун мазмунидан иштирокчилар умумий йиғилишининг ваколатлари икки турга бўлинганлиги кўринади. Бу ваколатларни шартли равишда мутлақ ваколатлар ва бошқа ваколатлар, деб юритиш мумкин.

Мутлақ ваколатлар императив (қатъий) шаклда белгиланган бўлиб, жамият уставида ҳам бу ваколатларнинг барчаси қайд этилиши лозим бўлса, бошқа ваколатлар иштирокчилар умумий йиғилишига Қонун билан берилган мутлақ ваколатлардан ташқари, жамият томонидан таъсис ҳужжатларига киритилиши мумкин бўлган ўзга ваколатларни ҳам назарда тутати. Чунки иштирокчилар умумий йиғилиши жамиятнинг олий органи ҳисобланиши туфайли жамият фаолияти билан боғлиқ ҳар қандай масалани кўриб чиқишга ҳақли ва бу билан жамиятнинг бошқа органларига нисбатан устунлиги эътироф этилади.

Жамият уставига Қонун билан белгиланган мутлақ ваколатлардан бирортаси киритилмасдан қолган бўлса, бу ваколатлар жамиятнинг уставига киритилган ёки киритилмаганидан қатъий назар, қонун асосида берилган ҳисобланди.

***“Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли
жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг
30-моддасига кўра жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг
мутлақ ваколатлари жумласига қуйидагилар қиради:***

- жамият фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш, шунингдек, тижорат ташкилотларининг бошқа бирлашмаларида иштирок этиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - жамият устав фондининг (устав капиталининг) миқдорини ўзгартириш;
 - таъсис ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш;
 - жамиятнинг ижро этувчи органларини тузиш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
 - жамиятнинг тафтиш комиссиясини (тафтишчисини) сайлаш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
 - агар жамиятнинг уставида кузатув кенгашини тузиш назарда тутилган бўлса, уни сайлаш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
 - йиллик ҳисоботларни ва йиллик бухгалтерия балансларини тасдиқлаш;
 - жамиятнинг соф фойдасини жамият иштирокчилари ўртасида тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - жамият органларининг фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларни тасдиқлаш (қабул қилиш);
 - аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш, аудиторлик ташкилотлари ҳамда уларнинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини аниқлаш;
 - бошқа юридик шахсларни, ваколатхоналар ва филиалларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - жамиятни қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - тугатувчини тайинлаш ва тугатиш балансларини тасдиқлаш.
- Шунингдек, Қонунда назарда тутилган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

Жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг мутлақ ваколатлари жумласига киритилган масалалар, ушбу Қонунда назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, унинг томонидан жамиятнинг кузатув кенгаши ҳал этиши учун, шунингдек, жамиятнинг ижро этувчи органи ҳал этиши учун топширилиши мумкин эмас.

У ёки бу масала юзасидан қарор иштирокчиларининг **навбатдаги ва навбатдан ташқари** умумий йиғилишиларида қабул қилинади.

Жамият иштирокчиларининг навбатдаги умумий йиғилиши жамиятнинг уставида белгиланган муддатларда, лекин йилига камида бир марта ўтказилади. Жамият иштирокчиларининг навбатдаги умумий йиғилиши жамиятнинг ижро этувчи органи томонидан чақирилади.

Жамиятнинг уставида жамият фаолиятининг йиллик натижалари тасдиқланадиган жамият иштирокчиларининг навбатдаги умумий йиғилишини ўтказиш муддати белгиланиши керак. Жамият иштирокчиларининг мазкур умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин кечи билан олти ой ичида ўтказилиши керак.

Жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши жамиятнинг уставида белгиланган ҳолларда, шунингдек, агар бундай умумий йиғилишни ўтказишни жамиятнинг ва унинг иштирокчиларининг манфаатлари тақозо этса, бошқа ҳолларда ҳам ўтказилади.

Жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши жамиятнинг ижро этувчи органи томонидан қуйидаги учта ҳолатда чақирилади:

- ✓ жамият иштирокчилари умумий овозлар сонининг жами камида ўндан бирига эга бўлган жамият иштирокчиларининг;
- ✓ жамият кузатув кенгашининг;
- ✓ жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) талабига биноан.

Жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши зарур ҳолларда жамиятнинг ижро этувчи органининг ташаббусига биноан ҳам чақирилиши мумкин.

Жамиятнинг ижро этувчи органи жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талаб олинган санадан эътиборан уч кун ичида мазкур талабни кўриб чиқиши ва жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш ҳақида ёки уни ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиши шарт. Бундай мажбуриятнинг бажарилмаслиги иштирокчи томонидан судда низолашилиши мумкин.

МЧЖнинг ижро этувчи органи МЧЖ иштирокчиларининг навбатдаги умумий йиғилишини МЧЖнинг уставида ва Қонунда белгиланган муддатларда чақиришидан бош тортган тақдирда МЧЖ иштирокчисининг даъвосига асосан суднинг қарори билан МЧЖ ижро этувчи органининг зиммасига бундай мажбуриятини бажариш мажбуриятини юклаши мумкин.

НАМУНА

2014 йил 11 октябрда фуқаролар Абдуманнопов Абдумалик Абдувалиевич, Абдумажидов Бехрхуз Абдурасулович ва Соипов Алишер Комилович томонидан “Нурамед фарм” МЧЖ (бундан буён мисол матнида МЧЖ деб юритилади) ташкил этилган бўлиб, МЧЖнинг таъсис ҳужжатлари туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш Инспекцияси (бундан буён мисол матнида Инспекция деб юритилади) томонидан 2014 йил 20 октябрда рўйхатга олинган ва бу ҳақда МЧЖга гувоҳнома берилган.

Таъсис ҳужжатларига кўра, МЧЖнинг устав фонди 20 000 000 сўм миқдорига белгиланиб, унда А.Абдуманнопов 5 000 000 сўм ёки 25 фоиз, Б.Абдумажидов 5 000 000 сўм ёки 25 фоиз, А.Соипов 50 фоиз улушга эга бўлган.

МЧЖ уставининг 10.4-бандида МЧЖ ҳар йили камида икки марта иштирокчилар умумий

йиғилишини ўтказиши шартлиги белгиланган.

МЧЖ иштирокчилари Абдуманнопов Абдумалик Абдувалиевич, Абдумажидов Бехҳруз Абдурасуловичлар томонидан МЧЖ раҳбари (жамиятнинг энг кўп улуш эгаси бўлган иштирокчиси) А.Соиповга ўз улушларини олиш юзасидан 2015-2016-йиллар давомида бир неча маротаба ёзма мурожаат қилишган бўлсалар-да, МЧЖ ижро этувчи органи томонидан бу ҳақда умумий йиғилиш ўтказилмаган, МЧЖ устави ва Қонунда белгиланган нормалар иктиёрий бажарилмаган. Шу сабабли МЧЖ иштирокчилари Абдуманнопов Абдумалик Абдувалиевич, Абдумажидов Бехҳруз Абдурасуловичлар судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, МЧЖ зиммасига иштирокчиларнинг умумий йиғилишини ўтказиш мажбуриятини юклашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 6 январдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаби қаноатлантирилган. МЧЖнинг ижро этувчи органига кун тартибига МЧЖнинг соф фойдасини МЧЖ иштирокчилари ўртасида тақсимлаш масаласи киритилган ҳолда МЧЖ иштирокчиларининг умумий йиғилишини 45 кун муддат ичида ўтказиш мажбурияти юкланган.

Чунки "Масулияти чекланган ҳамда қўшимча масулиятли жамиятлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 31-моддасига мувофиқ, жамият иштирокчиларининг навбатдаги умумий йиғилиши жамиятнинг уставида белгиланган муддатларда, лекин йилига камида бир марта ўтказилади. Жамият иштирокчиларининг навбатдаги умумий йиғилиши жамиятнинг ижро этувчи органи томонидан қақрилади. Жамиятнинг уставида жамият фаолиятининг йиллик натижалари тасдиқланадиган жамият иштирокчиларининг навбатдаги умумий йиғилишини ўтказиш муддати белгиланиши керак. Жамият иштирокчиларининг мазкур умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин кечи билан олти ой ичида ўтказилиши керак.

Шунингдек, мазкур **Қонуннинг 25-моддасига мувофиқ**, жамият йилнинг ҳар чорагида, ярим йилда бир марта ёки бир йилда бир марта ўзининг соф фойдасини жамият иштирокчилари ўртасида тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир. Жамиятнинг жамият иштирокчилари ўртасида тақсимланадиган фойдаси қисмини аниқлаш тўғрисидаги қарор жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Жамият фойдасининг унинг иштирокчилари ўртасида тақсимлаш учун мўлжалланган қисми уларнинг жамият устав фондидаги (устав капитлидаги) улушларига мутаносиб равишда тақсимланади. Шу боис кассация инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгартириш қолдирилган.

Жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарор жамиятнинг ижро этувчи органи томонидан фақат қуйидаги иккита ҳолатда қабул қилиниши мумкин

агар жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабни тақдим этишнинг Қонунда белгиланган тартибига риоя этилган бўлмаса

агар жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг кун тартибига киритиш учун таклиф қилинган масалалардан бирортаси ҳам унинг ваколатлари жумласига кирмаса

НАМУНА

"Нурли куёш" масулияти чекланган жамияти (матнда МЧЖ деб юритилади)нинг тасисчиси Ш.Қосимов МЧЖнинг ижро этувчи органига 2015 йил 10 февралда ариза билан мурожаат қилиб, жамият органларининг фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларни тасдиқлаш (қабул қилиш) масаласини ҳал этиш учун навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказишни сўраган. Мазкур мурожаат ижро этувчи орган томонидан эътиборсиз қолдирил-

ган. Ш.Қосимов 2015 йил 15 июлда МЧЖнинг ижро этувчи органига тақдоран шу мазмундаги ариза билан мурожаат қилган.

МЧЖнинг ижро этувчи органи аризани кўриб чиқиб, Ш.Қосимов томонидан жамиятнинг устав фонди тўлиқ шакллантирилмаганлиги сабабли унинг жамият иштирокчилари умумий йиғилишини чақиритишга ваколати мавжуд эмаслиги ҳақидаги важи билан иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарор қабул қилган. Шу боис, МЧЖ таъсисчиси Ш.Қосимов МЧЖга нисбатан жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишини чақиритиш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган.

Суднинг ҳал қилув қарори билан даъво талаби қаноатлантирилган.

Чунки Қонун 32-моддаси иккинчи қисмининг иккинчи хатбошисига мувофиқ жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши жамиятнинг ижро этувчи органи томонидан жамият иштирокчилари умумий овозлар сонининг жами камида ўндан бирига эга бўлган жамият иштирокчиларининг талабига биноан чақирилади.

Ш.Қосимов МЧЖнинг иштирокчиси ҳисобланади ҳамда жамиятнинг таъсис ҳужжатларига мувофиқ унинг жамият устав фондидаги улуши миқдори 55 фоизни ташкил этади. Шу сабабли МЧЖ иштирокчиси Ш.Қосимов жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишини чақиритиш талабини билдиришга ҳақли ҳисобланади.

Агар жамиятнинг уставида кузатув кенгашини тузиш назарда тутилган бўлса, жамиятнинг ижро этувчи органи жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талаб олинган санадан эътиборан уч кун ичида бу талабни кузатув кенгаши кўриб чиқиши учун киритиши шарт. Кузатув кенгаши уч кун ичида мазкур талабни кўриб чиқиши ва жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида ёки ушбу модданинг бешинчи қисмида кўрсатилган асослар бўйича уни ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиши шарт.

Жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига киритиш учун таклиф қилинган масалаларнинг бири ёки бир нечаси жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг ваколатлари жумласига кирмаса ёки қонун ҳужжатларининг талабларига мос бўлмаса, мазкур масалалар кун тартибига киритилмайди ва бу ҳақда иштирокчиларга маълум қилинади.

Жамиятнинг ижро этувчи органи жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масалалар таърифига ўзгартишлар киритишга, шунингдек, жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказишнинг таклиф қилинган шаклини ўзгартиришга ҳақли эмас.

Жамият иштирокчилари навбатдан ташқари умумий йиғилишининг кун тартибига киритиш учун таклиф қилинган масалалар билан бир қаторда, жамиятнинг ижро этувчи органи ўз ташаббуси билан унга, кун тартиби расмий равишда ўқиб эшиттириладиган кундан кечиктирмай, қўшимча масалалар киритишга ҳақли. Бу билан Қонун жамиятнинг ижро этувчи органига йиғилишлар орасида жамиятнинг кундалиқ

фаолиятига раҳбарлик қилувчи орган сифатида ҳал этилишини зарур, деб топган масалаларни умумий йиғилиш кун тартибига киритиш ҳуқуқини беради.

Жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, бундай умумий йиғилиш уни ўтказиш тўғрисидаги талабнома олинган кундан эътиборан қирқ беш кундан кечиктирмай ўтказилиши шарт.

Агар ушбу Қонунда белгиланган муддат ичида жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинмаган ёки уни ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса, жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши уни ўтказишни талаб қилаётган органлар ёки шахслар томонидан чақирилиши мумкин.

Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишини чақирувчи орган ёки шахслар уни ўтказишдан камида ўттиз кун олдин бу ҳақда жамиятнинг ҳар бир иштирокчисини жамият иштирокчиларининг рўйхатида кўрсатилган манзил бўйича буюртма хат билан ёки жамиятнинг уставида назарда тутилган бошқа усулда хабардор қилиши шарт.

Хабарномада жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши ўтказиладиган вақт ва жой, шунингдек, таклиф қилинаётган кун тартиби кўрсатилиши керак.

Жамиятнинг исталган иштирокчиси жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг кун тартибига қўшимча масалаларни киритиш тўғрисида уни ўтказишдан камида ўн беш кун олдин таклифлар киритишга ҳақлидир. Қўшимча масалалар, жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг ваколатлари жумласига кирмайдиган масалаларни истисно этганда, жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг кун тартибига киритилади.

Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишини чақирувчи орган ёки шахслар жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг кун тартибига киритиш учун таклиф қилинган қўшимча масалалар таърифига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмаслар.

Агар жамият иштирокчиларининг таклифига биноан, жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг дастлабки кун тартибига ўзгартишлар киритиладиган бўлса, жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишини чақирувчи орган ёки шахслар умумий йиғилиш ўтказиладиган кундан камида ўн кун олдин кун тартибига киритилган ўзгартишлар ҳақида жамиятнинг барча иштирокчиларини хабардор қилишлари шарт.

Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишини чақиришнинг Қонунда белгиланган тартиби бузилган тақдирда, агар бундай умумий

йиғилишда жамиятнинг барча иштирокчилари иштирок этаётган бўлса, у ваколатли, деб эътироф этилади.

Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши Қонунда, жамиятнинг уставида ва унинг ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказилади. Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишини ўтказиш тартиби Қонун, жамиятнинг устави ва ҳужжатлари билан тартибга солинмаган қисмида жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг қарори билан белгиланади.

Жамият иштирокчилари умумий йиғилишда шахсан ёки ўз вакиллари орқали иштирок этишга ҳақлидирлар. Жамият иштирокчиларининг вакиллари ўз ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатни (ишончномани) кўрсатишлари лозим. Жамият иштирокчисининг вакилига берилган ишончнома қонун талабларига мувофиқ расмийлаштирилган ва нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак.

Жамиятнинг ҳар бир иштирокчиси жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишида жамиятнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) ўз улушига мутаносиб овозлар сонига эга бўлади, Қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Жамиятнинг рўйхатдан ўтмаган иштирокчиси (жамият иштирокчисининг вакили) овоз беришда иштирок этишга ҳақли эмас.

Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган вақтда ёки, агар жамиятнинг барча иштирокчилари рўйхатдан ўтиб бўлган бўлса, олдинроқ очилади.

Жамиятни қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш масаласи юзасидан қарорлар жамиятнинг барча иштирокчилари томонидан бир овоздан қабул қилинади. Қолган қарорлар, агар бундай қарорларни қабул қилиш учун ушбу Қонунда ёки жамиятнинг уставида кўпроқ овозлар сони зарурлиги назарда тутилган бўлмаса, жамият иштирокчилари умумий овозлар сонининг кўпчилик овозлари билан қабул қилинади.

Жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг қарорлари, агар жамиятнинг уставида қарорларни қабул қилишнинг бошқача тартиби назарда тутилган бўлмаса, очик овоз бериш йўли билан қабул қилинади.

Жамиятнинг ижро этувчи органи жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг баённомаси юритилишини ташкил этади.

Иштирокчилар умумий йиғилишининг баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- иштирокчилар умумий йиғилиши ўтказиладиган вақт ва жой;
- йиғилишда қатнашаётган иштирок этувчилар эга бўлган овозларнинг умумий сони;

- йиғилишнинг раиси (раёсати) ва котиби, йиғилишнинг кун тартиби.

Иштирокчилар умумий йиғилишининг баённомасида маърузаларнинг асосий қоидалари, овозга қўйилган масалалар ва улар бўйича овоз бериш яқунлари, йиғилишда қабул қилинган қарорлар акс эттирилган бўлиши шарт.

Жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг баённомаси йиғилиш ўтказилганидан сўнг уч кундан кечиктирилмай, умумий йиғилиш раиси ва котиби томонидан имзоланади.

НАМУНА

2005 йилда К.И. Абдуллаев ҳамда М.А. Тўхтаев томонидан “Бизнес сервис” МЧЖ ташкил этилган. Иштирокчиларнинг устав фондидаги улуши миқдори куйидагича тақсимланган: К.И. Абдуллаев – 54 %, М.А. Тўхтаев – 46 %.

2014 йил 20 мартда ҳамда 2015 йил 20 апрелда МЧЖ иштирокчиси К.И. Абдуллаев жамиятнинг ижро этувчи органига мурожаат қилиб, жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишини чақиришни сўраган. Бироқ жамиятнинг ижро этувчи органи томонидан жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши чақирилмаган.

МЧЖ иштирокчиси К.И. Абдуллаев жамият фаолиятининг йиллик ҳисоботлари ва йиллик бухгалтерия баланслари тасдиқланмаган, шунингдек, жамиятнинг соф фойдаси жамият иштирокчилари ўртасида ноқонуний равишда тақсимланмаган, деб ҳисоблаб, МЧЖга нисбатан жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишини чақириш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган.

“Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонун 30-моддаси иккинчи қисмининг саккизинчи ва тўққизинчи хатбошиларига кўра, йиллик ҳисоботларни ва йиллик бухгалтерия балансларини тасдиқлаш ҳамда жамиятнинг соф фойдасини жамият иштирокчилари ўртасида тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилиш жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг мутлақ ваколатлари жумласига киради.

Мазкур модданинг учинчи қисмида жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг мутлақ ваколатлари жумласига киритилган масалалар, ушбу Қонунда назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, унинг томонидан жамиятнинг кузатув кенгаши ҳал этиши учун, шунингдек, жамиятнинг ижро этувчи органи ҳал этиши учун топширилиши мумкин эмас.

МЧЖ иштирокчиси К.И. Абдуллаев томонидан билдирилган масалаларни ҳал қилиш фақат жамият иштирокчилари умумий йиғилиши томонидан амалга оширилиши лозим.

Мазкур Қонун 34-моддасининг иккинчи қисмида жамият иштирокчилари умумий йиғилишда шахсан ёки ўз вакиллари орқали иштирок этишга ҳақли эканликлари кўрсатиб ўтилган.

Демак, жамият фаолиятининг йиллик ҳисоботларини ва йиллик бухгалтерия балансларини тасдиқлаш ҳамда жамиятнинг соф фойдасини жамият иштирокчилари ўртасида тақсимлаш масалалари жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишида жамият иштирокчилари томонидан ҳал этилиши лозим.

Юқоридагиларга асосан суд МЧЖ иштирокчиси К.И. Абдуллаевнинг даъво талабини қаноатлантиришни лозим топган.

6.8. Хўжалик ширкатлари ва жамиятлари бошқарув органларининг қарорларини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги низолар.

Фуқаролик кодексининг 11-моддасида фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари санаб ўтилган бўлиб, ушбу модданинг иккинчи қисмида фуқаролик ҳуқуқлари қонунда назарда тутилган бошқача усуллар билан ҳам ҳимоя қилиниши мумкинлиги кўрсатилган.

“Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонуннинг 41-моддаси, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 60-моддаси мазмунидан кўринишича, хўжалик ширкатлари ва жамиятлари бошқарув органларининг қарорлари иштирокчи (акциядор) ларнинг даъво аризалари бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин. Демак, мазкур усул иштирокчи (акциядор)ларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усулларида бири ҳисобланади.

“Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонуннинг 29-моддасига кўра, жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши жамият бошқарувининг олий органи ҳисобланади. Бундан ташқари, жамиятнинг уставига жамиятнинг кузатув кенгашини тузиш назарда тутилиши мумкин.

Жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органи томонидан ёки жамиятнинг коллегиял ижро этувчи органи томонидан амалга оширилади. Жамиятнинг ижро этувчи органи жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишига, агар тузилиши жамиятнинг уставига назарда тутилган бўлса, жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдордир.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 57-моддасида акциядорларнинг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва ижроия органи жамиятнинг бошқарув органлари эканлиги тўғрисида тушунтириш берилган.

Хўжалик ширкатлари ва жамиятлари бошқарув органларининг қарорларини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги низолар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан ҳисобланади. Шу боис бундай тоифадаги низоларга доир ишлар даъво аризалари асосида кўриб чиқилади.

Хўжалик ширкатлари ва жамиятлари бошқарув органларининг қарорларини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги низоларга доир ишлар қоида тариқасида ҳуқуқ ва манфаатлари бузилган иштирокчи (акциядор)нинг мурожаатлари асосида қўзғатилади.

Таъкидлаш керакки, хўжалик ширкатлари ва жамиятлари бошқарув органларининг қарорлари суд томонидан тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.

ЁДДА ТУТИНГ!

Хўжалик ширкатлари ва жамиятлари бошқарув органларининг қарорларини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги ишлар бўйича жавобгарлар бўлиб бошқарув органлари эмас, балки ширкатлар ва жамиятларнинг ўзи ҳисобланади. Шу боис, даъво аризасида хўжалик ширкатлари ва жамиятлари бошқарув органлари жавобгар сифатида кўрсатилса, бундай даъво аризасини қабул қилиш ИПК 154-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига мос ҳолда рад этилади, агар ариза иш юритишга қабул қилинган бўлса, ариза бўйича иш юритиш ИПК 110-моддасининг 1-бандига мос ҳолда тугатилади.

НАМУНА

“Анор” МЧЖ таъсисчиси К.Нурбеков МЧЖнинг бошқарув органи умумий йиғилишга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, даъво аризасида МЧЖ иштирокчиларининг умумий йиғилишини жавобгар сифатида кўрсатган ва МЧЖ иштирокчиларининг 2016 йил 28 декабрдаги 12-сонли умумий йиғилиш қарорини қисман ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

МЧЖ иштирокчиларининг умумий йиғилиши юридик шахс мақомига эга бўлмаганлиги, бундай даъво ИПК 154-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан, судга тааллуқли эмаслиги сабабли суднинг ажрими билан қабул қилиш рад этилган.

Хўжалик ширкатлари ва жамиятлари бошқарув органларининг қарорларини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги ишлар “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонуннинг 41-моддаси, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 60-моддаси, Иқтисодий процессуал кодекс, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми “Акциядорлик ва бошқа хўжалик жамиятлари томонидан улар ҳақидаги ахборотни ошкор қилишнинг белгиланган тартиби бузилган ҳолда амалга оширилган (қабул қилинган) битимларни (қарорларни) ҳақиқий эмас, деб топишнинг айрим масалалари тўғрисида” 2015 йил 27 ноябрдаги 290-сонли қарори ҳамда “Иқтисодий судлар томонидан корпоратив низоларни ҳал этишнинг айрим масалалари тўғрисида” 2014 йил 20 июндаги 262-сонли қарорида берилган тушунтиришлар асосида кўриб чиқилади.

Суд амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, одатда судга МЧЖлар ҳамда АЖлар бошқарув органларининг қарорларини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисида даъволар берилади.

МЧЖ иштирокчилари умумий йиғилишининг, кузатув кенгашининг, жамият яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органининг, жамият коллегиял ижро этувчи органининг қарори фақат ушбу қарорни қабул қилиш бўйича овоз беришда иштирок этмаган ёки баҳсли қарорга қарши овоз берган жамият иштирокчисининг даъвоси билан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.

МЧЖ бошқарув органининг қарори қонун ҳужжатларининг ва жамият уставининг талаблари бузилган ҳолда қабул қилинган ҳамда жамият иштирокчисининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузган тақдирда ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.

МЧЖ кузатув кенгашининг, жамият яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органининг, жамият коллегиял ижро этувчи органининг қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги даъволарга нисбатан умумий даъво муддати татбиқ этилади.

МЧЖ иштирокчилари умумий йиғилиши қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги ишлар бўйича эса “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонуннинг 41-моддасида махсус даъво муддати белгиланган. Бундай қарорни ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги даъво аризаси иштирокчи қабул қилинган қарор тўғрисида билган ёки билиши лозим бўлган кундан эътиборан икки ой ичида берилиши мумкин. Бунда икки ойлик муддат йиғилишда иштирок этган иштирокчи учун қарор қабул қилинган кундан, йиғилишда иштирок этмаган иштирокчи учун эса, у қарор тўғрисида билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб ҳисобланади.

Ушбу махсус даъво муддати суд томонидан фақат низодаги тарафнинг суднинг ҳал қилув қарори қабул қилунгунга қадар берган аризасига мувофиқ қўлланилади. Ушбу муддатнинг ўтказиб юборилганлиги сабаблари даъвогарнинг илтимосномасига асосан суд томонидан узрли деб топилиб, ФКнинг 159-моддасига мувофиқ тикланиши мумкин.

АЖ акциядорлари умумий йиғилишининг қарори фақат узрли сабабларга кўра, умумий йиғилишда иштирок этмаган ёки бундай қарор қабул қилинишига қарши овоз берган акциядорнинг даъвоси бўйича ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.

АЖ акциядорлари умумий йиғилишининг қарори қонун ҳужжатларининг ва жамият уставининг талаблари бузилган ҳолда қабул қилинган ҳамда акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузган тақдирда ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.

Таъкидлаш керакки, агар МЧЖнинг устав фонди (устав капитали) нинг миқдорини ўзгартириш тўғрисидаги жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиш қарори жамият иштирокчилари умумий овозлар

сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овозлари билан, агар шундай қарорни қабул қилиш учун жамиятнинг уставида кўпроқ овозлар сони зарурлиги назарда тутилмаган бўлса, қабул қилинади.

НАМУНА

АЖ акциядорларининг умумий йиғилишида АЖни МЧЖга айлантириш ҳақида қарор қабул қилинган. МЧЖнинг устав фонди (устав капитали) 18 817 000 сўмни ташкил қилган ва у қуйидагича тақсимланган: давлат улуши – 4 709 308 сўм (ёки 25 %); бошқа жисмоний ва юридик шахслар улуши – 14 107 692 сўм (ёки 75 %).

МЧЖ иштирокчиларининг умумий йиғилишида жамиятнинг таъсис ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган ва уларга кўра, иштирокчилар томонидан кўшимча ҳиссалар кўшиш ҳисобига жамият устав фонди (устав капитали) 18 837 000 сўмдан 220 220 000 сўмга ча оширилган ва натижада давлат улуши 25 фоиздан 2,14 фоизгача камайган. Ушбу умумий йиғилишида иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси ҳудудий бошқармасининг вакили жамиятнинг устав фонди миқдорини иштирокчилар томонидан кўшимча ҳиссалар кўшиш ҳисобига кўпайтиришга қарши овоз берган. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасининг ҳудудий бошқармаси судга МЧЖга нисбатан даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишининг жамият устав фонди миқдорини кўпайтириш тўғрисидаги қарорини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Ишни кўриш жараёнида жамиятнинг бошқа иштирокчилари (2 та юридик ва 19 та жисмоний шахслар) ишга жавобгар тарафдан низоининг предметиға нисбатан мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида жалб қилинган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

МЧЖ суд қарорларидан норози бўлиб кассация шикоятни билан мурожаат қилиб, унда “Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонуннинг 30-моддасига асосан жамият устав фондининг (устав капиталининг) миқдорини ўзгартириш жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг мутлақ ваколатлари жумласига кириши ва Қонуннинг 34-моддасига кўра, бундай қарор жамият иштирокчилари умумий овозлар сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овозлари билан қабул қилинишини важ қилиб кўрсатган.

Қонун 30-моддасининг иккинчи қисмида жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг мутлақ ваколатлари жумласига кирадиган масалалар санаб ўтилган бўлиб, уларга кўра, жамият устав фондининг (устав капиталининг) миқдорини ўзгартириш жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг мутлақ ваколатлари жумласига киради. Шунингдек, Қонун 34-моддасининг тўқизинчи қисмига биноан, ушбу Қонун 30-моддасининг иккинчи қисми иккинчи хатбошисида кўрсатилган масалалар юзасидан, шунингдек, жамиятнинг уставида белгиланган бошқа масалалар юзасидан қарорлар, агар шундай қарорни қабул қилиш учун ушбу Қонунда ёки жамиятнинг уставида кўпроқ овозлар сони зарурлиги назарда тутилган бўлмаса, жамият иштирокчилари умумий овозлар сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овозлари билан қабул қилинади.

Жамият уставининг 43-бандига кўра, устав фонди (устав капитали)нинг миқдорини ўзгартириш тўғрисидаги қарор жамиятнинг барча иштирокчилари томонидан бир овоздан қабул қилинади. Шу боис кассация инстанцияси судининг қарори билан асосли равишда кассация шикоятини қаноатлантириш рад этилган, низо юзасидан қабул қилинган суд ҳужжатлари эса ўзгаришсиз қолдирилган.

Амалдаги қонун ҳужжатларига кўра, АЖ кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш учун кворум жамият уставида белгилаб қўйилади, бироқ у кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

НАМУНА

Даъвогарлар “Алгоритм” МЧЖ ҳамда “Биллур” ХК судга даъво аризаси билан муурожаат қилиб, жавобгар “Имкон” АЖ кузатув кенгашининг йиғилиш қарорини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво талаби тўлиқ қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, даъвогарлар МЧЖ ҳамда ХК АЖ акциядорлари ҳисобланиб, АЖ кузатув кенгашида ўз вакилларига эга. АЖ кузатув кенгаши аъзолари беш кишидан иборат бўлиб, улардан иккитаси даъвогарларнинг вакиллари ҳисобланади.

АЖ кузатув кенгаши йиғилиши ўтказилган бўлиб, унда акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириб ҳақида қарор қабул қилинган. Бироқ кузатув кенгаши йиғилишида даъвогарлар вакиллари иштирок этмаган, яъни кузатув кенгаши йиғилишида унинг бешта аъзосидан иккитаси иштирок этмаган.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 78-моддасининг тўртинчи қисмига кўра, жамият кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар кузатув кенгашининг мажлисини чақириб ва ўтказиб тартибини белгилловчи ушбу Қонунда, жамият уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

Қонун 78-моддасининг иккинчи қисмига кўра, Жамият кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиб учун кворум жамият уставида белгиланади, бироқ у жамият кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етти беш фоизидан кам бўлмаслиги керак. Бироқ АЖ кузатув кенгаши йиғилишида даъвогарлар вакиллари иштирок этмаган. Йиғилишида унинг бешта аъзосидан иккитаси иштирок этмаслиги натижасида кворум мавжуд бўлмаган. Кузатув кенгашининг қолган учта аъзоси фақатгина олти фоизни ташкил қилади.

Кворум бўлмаса-да, АЖнинг кузатув кенгаши йиғилиши ўтказилган ва унда АЖ акциядорлари навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириб ҳақида қарор қабул қилинган. Демак АЖ кузатув кенгашининг қарори қонун ҳужжатларига зид равишда қабул қилинган. Шу сабабли суд даъво талабларини қаноатлантириб, АЖ кузатув кенгашининг қарорини ҳақиқий эмас, деб топган.

“Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 41-моддасининг биринчи қисмига кўра, жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари, жамиятнинг устави талаблари бузилган ҳолда қабул қилинган ҳамда жамият иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган қарори овоз беришда иштирок этмаган ёки баҳсли қарорга қарши овоз берган жамият иштирокчисининг аризасига кўра суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин. Бундай ариза жамият иштирокчиси қабул қилинган қарор тўғрисида билган ёки билиши лозим бўлган кундан эътиборан икки ой ичида берилиши мумкин. Бунда икки ойлик муддат йиғилишда иштирок этган иштирокчи учун қарор қабул қилинган кундан, йиғилишда иштирок этмаган иштирокчи учун эса, у қарор тўғрисида билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб ҳисобланади.

Судлар шуни эътиборга олишлари лозимки, “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 41-моддасида белгиланган икки ойлик муддат махсус даъво муддати ҳисобланади ва у суд томонидан фақат низодаги тарафнинг суднинг ҳал қилув қарори қабул қилингунга қадар берган аризасига мувофиқ қўлланилади. Ушбу муддатнинг ўтказиб юборилганлиги сабаблари даъвогарнинг илтимосномасига асосан суд томонидан узрли деб топилиб, ФКнинг 159-моддасига мувофиқ тикланиши мумкин.

Қайд этилган даъво муддати масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамият кузатув кенгашининг, жамият яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органининг, жамият коллегиял ижро этувчи органининг қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги даъволар бўйича қўлланилмайди. Бундай даъволарга нисбатан суд томонидан умумий даъво муддати қўлланилиши мумкин.

НАМУНА

“Шабнам” МЧЖ таъсисчиси Ф.Назаров мазкур жамиятга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, МЧЖ иштирокчиларининг умумий йиғилиши қарорини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Ишни кўриш жараёнида жамият даъво талабига нисбатан эътироз билдириб, МЧЖ иштирокчилари умумий йиғилишининг қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги даъво аризаси қонунда белгиланган муддат ўтгандан кейин берилганлигини, шу сабабли, даъво муддатини қўллаб, уни рад қилишни сўраган.

Биринчи инстанцияси судининг ҳал қилув қарори билан даъво талабларини қаноатлантириш рад қилинган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, фуқаро Ф.Назаров ва “Лолахон” ХК МЧЖни таъсис этганлар. Жамият таъсис ҳужжатларига кўра, Ф.Назаровнинг улуши 25 %, ХКнинг улуши эса 75 % миқдорда белгиланган.

2013 йил 14 мартда бўлиб ўтган МЧЖ иштирокчиларининг умумий йиғилишида жамиятнинг таъсис ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган ва унга кўра, иштирокчилар томонидан қўшимча ҳиссалар кўшиш ҳисобига жамият устав фонди (устав капитали)ни ошириш тўғрисида қарор қабул қилинган. Бироқ ушбу умумий йиғилишда иштирок этган таъсисчи Ф.Назаров жамиятнинг устав фонди миқдорини иштирокчилар томонидан қўшимча ҳиссалар кўшиш ҳисобига кўпайтиришга қарши овоз берган.

Шундан сўнг иштирокчи – Ф.Назаров 2013 йил 10 октябрда судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, 2013 йил 14 мартда бўлиб ўтган жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишининг жамият устав фонди миқдорини кўпайтириш тўғрисидаги қарорини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

“Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 41-моддасининг биринчи қисмига кўра, жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари, жамиятнинг устави талаблари бузилган ҳолда қабул қилинган ҳамда жамият иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган қарори овоз беришда иштирок этмаган ёки баҳсли қарорга қарши овоз берган жамият иштирокчисининг аризасига кўра, суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин. Бундай ариза жамият иштирокчиси қабул қилинган қарор тўғрисида билган ёки билиши мумкин. Бундай ариза жамият иштирокчиси қабул қилинган қарор тўғрисида билган ёки билиши бўлган кундан эътиборан икки ой ичида берилиши мумкин. Агар жамият иштирокчиси шикоятга сабаб бўлган қарорни қабул

қилган жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишида иштирок этган бўлса, мазкур ариза шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан икки ой ичида берилиши мумкин.

Мазкур ҳолатда Ф.Назаров МЧЖ иштирокчиларининг умумий йиғилишида иштирок этиб, уни қабул қилишга қарши овоз берган бўлса-да, умумий йиғилиш қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги ариза билан қонунда белгиланган икки ойлик муддат ўтгандан сўнг судга мурожаат қилган. Шу сабабли суд даъвогарнинг даъво талабларини қаноатлантиришни рад қилиш тўғрисида хулосага келган.

Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қабул қилинган қарор суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилади. Агар низони кўриб чиқишда суд тарафлар ўз талаб ва эътирозларини акциядорлар умумий йиғилиши қарорига асос қилиб келтираётганликларини, чунончи, бу қарор умумий йиғилиш ваколоти бузилиб, умумий йиғилиш ўтказиш учун кворум бўлмасдан ёки йиғилиш кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қабул қилинганлигини аниқласа, ушбу қарорнинг у ёки бу акциядор томонидан низолашилаётганлигидан қатъи назар, уни юридик кучга эга эмас, деб баҳолаши ва низони Қонун нормаларига мувофиқ ҳал қилиши лозим.

Бунда акциядорлар умумий йиғилиши, Қонун билан унинг ваколотига берилмаган ёхуд йиғилиш кун тартибига киритилмаган масалаларни кўриб чиқишга ва қарор қабул қилишга ёки кун тартибини ўзгартиришга ҳақли эмаслиги инobatга олиниши керак.

Судлар Қонун 60-моддасининг саккизинчи қисми ва 78-моддасининг бешинчи қисмида акциядорларнинг умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши томонидан давлат вакилининг иштирокисиз қабул қилинган қарорлар, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда вето қўйилган қарорлар ижро этилмаслиги белгиланганлигига эътибор қаратишлари мақсадга мувофиқ.

НАМУНА

“Осиё” АЖ кузатув кенгашининг 2012 йил 10 мартдаги мажлисида 2012 йил 10 апрель кунини акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш режалаштирилган ҳамда умумий йиғилиш кун тартиби тасдиқланган. Бу ҳақида газетада расмий эълон берилган. Бироқ 2012 йил 10 апрель кунини акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан кун тартибига киритилмаган. Яъни “Гавҳар” МЧЖ билан йирик битим тузиш ҳамда 2012 йил учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизмати учун тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш ҳақида ҳам қарор қабул қилинган. Бундай қарорнинг қабул қилинишига АЖнинг айрим акциядорлари қарши овоз берганлиги асос бўлган.

Шу сабабли йирик битим тузиш ҳақидаги қарор қабул қилинишига қарши овоз берган акциядор Б.Тиллаев судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, АЖ акциядорлари умумий йиғилишининг 2012 йил 10 апрелдаги қарорини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан акциядорлар умумий йиғилишининг қарори ҳақиқий эмас, деб топилган.

Аниқланишича, акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига “АЖнинг фаолиятини 2011 йил якуни бўйича муҳокама қилиш” масаласи кўрсатилган. Умумий йиғилиш томонидан кун тартибидagi масала муҳокама қилинган ҳамда тегишли қарор қабул қилинган. Бироқ умумий йиғилиш томонидан кун тартибига киритилмаган масала,

яъни “Гавҳар” МЧЖ билан йирик битим тузиш ва 2012 йил учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизмати учун тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш” ҳам муҳокама қилиниб, тегишли қарор қабул қилинган.

Ваҳоланки, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун 60-моддасининг олтинчи қисмига кўра акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек, кун тартибига ўзгаришлар киритишга ҳақли эмас. Шу сабабли суд томонидан акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори ҳақиқий эмас, деб топилган.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 60-моддасининг тўққизинчи қисмига кўра, агар акциядор узрли сабабларга кўра акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этмаган ёки бундай қарор қабул қилинишига қарши овоз берган бўлса, у акциядорларнинг умумий йиғилишида қабул қилинган қарор устидан судга шикоят қилишга ҳақлидир.

ЁДДА ТУТИНГ!

Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этмаган акциядор томонидан акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисида даъво аризаси берилганда, даъвогар мазкур йиғилишида иштирок этмаганлигининг сабабини аниқлашлари, йиғилишида иштирок этилмаганлигининг сабаби узрли, деб топилганда эса умумий йиғилиш қарорининг қонунийлигини текшириш, бундай сабаблар узрли деб топилмаганда эса, даъвони қаноатлантириш рад этиш лозим.

Йиғилишда иштирок этиб, низоли масала юзасидан қабул қилинган қарорни ёқлаб овоз берган шахс ушбу қарорни ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақида судга мурожаат қилганда, унинг талабини қаноатлантириш рад этилиши лозим, акциядорнинг алдаш, зўрлик, қўрқитиш таъсирида овоз берганлиги ҳолатлари бундан мустасно.

Акциядорлар умумий йиғилишининг қарори у қонун ҳужжатларига зид бўлган ва (ёки) умумий йиғилиш қонун ҳужжатлари ва жамият уставида белгиланган тартибни бузган ҳолда ўтказилган ҳоллардагина, ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.

“Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 41-моддасига асосан жамият бошқарув органининг қарори ушбу қарорни қабул қилиш бўйича овоз беришда иштирок этмаган ёки баҳсли қарорга қарши овоз берган жамият иштирокчисининг даъвоси билан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.

Судлар шуни эътиборга олишлари керакки, йиғилишда иштирок этиб, низоли масала юзасидан қабул қилинган қарорни ёқлаб овоз берган шахс ушбу қарорни ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақида судга мурожаат қилганда, унинг талабини қаноатлантириш рад этилиши лозим, иштирокчининг алдаш, зўрлик, қўрқитиш таъсирида овоз берганлиги ҳоллари бундан мустасно.

Жамият иштирокчилари умумий йиғилиши қарори у қонун ҳужжатларига зид бўлган ва (ёки) умумий йиғилиш қонун ҳужжатлари ва жамият уставида белгиланган тартибга риоя этилмаган ҳолда ўтказилган ҳоллардагина, ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.

МЧЖ иштирокчиларининг умумий йиғилиши қонун талабларига риоя қилинган ҳолда чақиртирилган ва ўтказилган бўлиб, умумий йиғилиш қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисида даъво берган МЧЖ иштирокчисининг овози овоз бериш натижаларига таъсир кўрсата олиши мумкин бўлмаса, суд ишнинг барча ҳолатларини ҳисобга олиб, даъвони қаноатлантиришни рад этиши мумкин.

НАМУНА

2014 йил 10 майда фуқаролар Аҳмедов Аваз Маҳмудович, Дадабоев Дармон Бобоевич, Қорабоев Акрам Сарварович, Садилов Ашир Холматович, Алиев Акмал Раҳматович, “Сардор-С” МЧЖ ва “Дармон” МЧЖ томонидан “Булоқбоши” МЧЖ ташкил этилган бўлиб, унинг таъсис ҳужжатлари туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш Инспекцияси томонидан 2014 йил 25 майда рўйхатга олинган ва бу ҳақда МЧЖга гувоҳнома берилган.

Таъсис ҳужжатларига кўра, МЧЖнинг устав фонди 100 000 000 сўм миқдорига белгиланиб, унда А.Аҳмедов 0,28 фоиз, Д.Дадабоев 0,32 фоиз, А.Қорабоев 0,49 фоиз, А.Садилов 2,96 фоиз, А.Алиев 0,30 фоиз, “Сардор-С” МЧЖ 45,60, фоиз, “Дармон” МЧЖ 50 фоиз улушга эга бўлган.

МЧЖ иштирокчилари томонидан 2016 йил 20 августда ўтказилган умумий йиғилишда “Мега текстил” МЧЖ томонидан хорижий технология сотиб олиш учун “Агробанк” АТБдан олиндиган 950 000 000 сўм кредит таъминоти сифатида МЧЖга тегишли Қашқадарё вилояти, Чироқчи тумани, “Намуна” МФЙ, А.Темур кўчаси, 10-уйда жойлашган бино ва иншоотларни гаровга қўйишга розилик бериш ва керакли ҳужжатларни расмийлаштириш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Йиғилишда МЧЖ иштирокчилари А.Аҳмедов, Д.Дадабоев, А.Қорабоев, А.Садилов ва А.Алиев кун тартибига қўйилган масала юзасидан қабул қилинаётган қарордан норози бўлганликлари сабабли қарши овоз берганлар. Бироқ қарор кўпчилик овоз билан қабул қилинган. Шу сабабли МЧЖ иштирокчилари А.Аҳмедов, Д.Дадабоев, А.Қорабоев, А.Садилов ва А.Алиевлар судга ариза билан мурожаат қилиб, МЧЖ иштирокчилари томонидан ўтказилган умумий йиғилишда қабул қилинган 2016 йил 20 августдаги қарорни ҳақиқий эмас, деб топишни сўраганлар.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 15 декабрдаги ҳал қилув қарори билан ариза талаби қаноатлантирилган.

Чунки МЧЖ уставининг 7.5-бандида қонунда кўрсатилган тартибда мулкӣ, кредит, гаров ва бошқа йирик битимлар тузиш бўйича қарорлар қабул қилиш каби масалаларни ҳал қилиш фақатгина умумий йиғилиш ваколатига кириши, 7.20-бандида умумий йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш тугаганда жами улушларнинг 75 фоизи миқдорига эга бўлган иштирокчилар йиғилганда умумий йиғилиш ваколатли ҳисобланиши, 7.24-бандида умумий йиғилишда кворум, яъни овоз берувчи иштирокчиларнинг 75 фоизидан кам миқ-

дори қатнашганда йиғилиш ўтказилмаслиги ва умумий йиғилиш ўтказишнинг янги санаси белгиланиши қайд этилган.

Бироқ Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг “Иқтисодий судлар томонидан корпоратив низоларни ҳал этишнинг айрим масалалари тўғрисида” 2014 йил 20 июндаги 262-сонли қарорининг 20.3-бандида масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги ишларни кўришда ишнинг барча ҳолатлари тўлиқ ўрганилиши, даъвогарнинг овози овоз бериш натижаларига қай даражада таъсир кўрсата олиши мумкинлигини аниқлаш лозимлиги, агар ариза берган жамият иштирокчисининг овози овоз бериш натижаларига таъсир кўрсата олиши мумкин бўлмаса ва (ёки) йўл қўйилган қоидабузарлик жиддий бўлмаса ва (ёки) қарор жамиятнинг ана шу иштирокчисига зарар етказмаган бўлса, суд ишнинг барча ҳолатларини ҳисобга олиб, даъвои қаноатлантиришни рад этиши мумкинлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Бу ерда биринчи инстанция суди томонидан МЧЖнинг таъсис шартномасига асосан, МЧЖ иштирокчилари А.Аҳмедовнинг улуши 0,28 фоизни, Д.Дадабоевнинг улуши 0,32 фоизни, А.Қорабоевнинг улуши 0,49 фоизни, А.Садировнинг улуши 2,96 фоизни, А.Алиевнинг улуши 0,30 фоизни ташкил этиши, ушбу ҳолда МЧЖ иштирокчилари томонидан 2016 йил 20 августда ўтказилган умумий йиғилишдаги қарорнинг қабул қилинишида уларнинг жами 4,35 фоиз овозлари овоз бериш натижаларига таъсир кўрсата олмаслиги инobatга олинмаган. Шу боис кассация инстанцияси суди ҳал қилув қарорини бекор қилиб, ариза талабини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилишни лозим топган.

VII БОБ

КОРПОРАТИВ НИЗОЛАР БЎЙИЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН СУД ҲУЖЖАТЛАРИ УСТИДАН ШИКОЯТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

7.1. Суд ҳужжатлари устидан шикоят бериш ҳуқуқи

Ҳар қандай тоифадаги низолар сингари корпоратив низолар бўйича қабул қилинган суд ҳужжатлари (ҳал қилув қарорлари, қарорлар, ажримлар) устидан шикоят қилиш жисмоний ва юридик шахсларнинг судга мурожаат қилиш ҳуқуқининг узвий давоми ҳисобланади. Қонун одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилишини эътироф этса-да, иш бўйича қабул қилинган суд қарорининг мутлақо қатъий ва якуний табиатини истисно этиб, биринчи инстанция судлари қарорларининг манфаатларига даҳл қилувчи шахсларнинг шикояти ҳамда прокурорнинг протестига асосан юқори инстанция судлари томонидан қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш имконини беради.

ИПКда корпоратив низолар бўйича қабул қилинган суд ҳужжатлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг икки тоифаси, яъни ишда иштирок этувчи шахслар, шунингдек, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида суд ҳал қилув қарори қабул қилган шахслар ажратиб кўрсатилган.

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг суд ҳужжатлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқи ИПКнинг 42-моддасида, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида суд ҳал қилув қарори қабул қилган шахсларнинг суд ҳужжатлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқи тегишинча ИПКнинг 259, 282 ҳамда 307-моддаларида белгиланган.

Ишда иштирок этувчи шахслардан фарқли равишда ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида суд ҳал қилув қарори қабул қилган шахсларнинг шикоятида суд ҳужжати билан унинг қандай ҳуқуқлари, эркинликлари ёки қонуний манфаатлари бузилганлиги кўрсатилиши керак.

ИПКдаги қоидаларга кўра, корпоратив низолар бўйича қабул қилинган суд ҳужжатларини шикоятлар асосида учта босқичда, яъни апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судларида қайта кўриб чиқилиши мумкин.

Иқтисодий судларнинг ҳужжатларини шикоятлар асосида қайта кўриш босқичлари

Биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ҳужжатларини апелляция инстанциясида кўриш

Биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган ҳужжатларини кассация инстанциясида кўриш

Биринчи, апелляция ва кассация инстанцияси судларининг ҳужжатларини назорат тартибида қайта кўриш

7.2. Апелляция шикоятини бериш тартиби ва муддатлари

Апелляция инстанцияси суди суд ҳужжатларини қайта кўришнинг дастлабки босқичи бўлиб, ишда иштирок этувчи шахслар, шунингдек, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида суд ҳал қилув қарори қабул қилган шахслар биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти беришга ҳақлидир.

Апелляция шикоятини кўриш Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий судлари томонидан амалга оширилса-да, ИПКнинг 261-моддасига асосан, апелляция шикояти апелляция шикоятини кўрувчи судга ҳал қилув қарорини қабул қилган суд орқали берилади. Яъни апелляция шикояти апелляция инстанцияси номига ёзилса-да, у ҳал қилув қарори чиқарган биринчи инстанция судига берилади.

Ҳал қилув қарорини қабул қилган суд шикоят келиб тушган кундан эътиборан беш кунлик муддатда уни апелляция шикоятини кўрувчи судга иш билан бирга юбориши шарт.

Апелляция шикояти Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳал қилув қарорлари устидан ҳам берилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳал қилув қарорлари устидан берилган апелляция шикояти Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан кўрилади.

Апелляция шикояти беришнинг бир ойлик муддати ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан кейинги кундан бошланади. Ҳал қилув қарори қабул қилинган кун, деб у суд мажлисида эълон қилинган кун ҳисобланади.

ЁДДА ТУТИНГ!

ИПКнинг 262-моддасига асосан, агар

қонун ҳужжатларида бошқача муддат белгиланмаган бўлса, апелляция шикоятни (протести) биринчи инстанция суди томонидан шикоят қилинаётган (протест келтирилаётган) ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан эътиборан бир ой ичида берилиши мумкин. Ушбу умумий қоидага кўра, корпоратив низо бўйича қабул қилинган суд ҳужжати устидан апелляция шикоятни бериш муддати ҳам бир ойни ташкил этади.

Суд ҳужжатига нисбатан апелляция шикоятини бериш бўйича белгиланган муддат ўтказиб юборилган тақдирда қонун ушбу муддатни тиклаш эҳтимолини назарда тутлади.

Процессуал қонунчиликда апелляция шикоятига нисбатан муайян талаблар белгиланган бўлиб, апелляция шикоятида апелляция шикоятни йўлланаётган суднинг номи, шикоят бераётган шахснинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми), устидан шикоят берилаётган ҳал қилув қарорини қабул қилган иқтисодий суднинг номи, ишнинг рақами ва ҳал қилув қарори қабул қилинган сана, низонинг предмети, шикоят бераётган шахснинг талаблари ҳамда шикоят бераётган шахс иш ҳолатлари ва далилларга, қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳавола қилган ҳолда ҳал қилув қарорини нотўғри, деб ҳисоблаш учун келтирган асослар, шикоятга (протестга) илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати кўрсатилиши лозим.

Апелляция шикоятни имзоланмаган бўлса ёхуд уни имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс ёинки мансаб мавқеи ёки фамилияси ва исми, отасининг исми кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланган бўлса, апелляция шикоятига (протестига) унинг кўчирма нусхалари ишда иштирок этувчи шахсларга юборилганлигига доир далиллар илова қилинмаган бўлса, давлат божи ва почта харажатлари белгиланган тартибда ҳамда миқдорда тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар апелляция шикоятига илова қилинмаган бўлса, қонунда давлат божини тўлаш муддатини кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти назарда тутилган ҳолларда эса, бу ҳақда илтимоснома мавжуд бўлмаса ёхуд илтимоснома рад этилган бўлса, апелляция шикоятни (протести) ҳал қилув қарорини қабул қилган иқтисодий судни четлаб ўтган ҳолда юборилган бўлса, апелляция шикоятни (протести) белгиланган муддат ўтганидан кейин берилган бўлса ва ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисида илтимоснома мавжуд бўлмаса, апелляция шикоятини

(протестини) иш юритишга қабул қилиш тўғрисида ажрим чиқарилгунига қадар шикоятни (протестни) берган шахсдан уни қайтариб олиш (чақириб олиш) тўғрисида ариза тушган бўлса апелляция шикояти қайтарилади.

7.3. Кассация шикоятини бериш тартиби ва муддатлари

Иқтисодий процессуал қонунчиликка кўра, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорлари, қарорлари ва ажримлари устидан шикоятларни кўришнинг навбатдаги босқичи кассация тартибида иш юритиш бўлиб, бундай тартибда иш юритиш қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарори, қарор ёки ажримнинг устидан келтирилган шикоятлар бўйича амалга оширилади.

Кассация тартибида иш юритишнинг апелляция тартибида иш юритишдан асосий фарқи, унда қонуний кучга кирган суд ҳужжати устидан келтирилган шикоятлар кўрилади. Яъни апелляция шикояти қонуний кучга кирмаган суд ҳужжатига нисбатан ва мазкур ҳужжат қабул қилинганидан кейин бир ойлик муддат давомида берилса, кассация шикояти суд ҳужжати қонуний кучга кирганидан кейин бир ой давомида берилади.

Суд ҳужжатлари устидан кассация шикояти бериш тартиби, кассация шикоятининг мазмунига қўйиладиган талаблар, шикоятга илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар, давлат божи тўлови масаласининг ҳал этилиши, кассация шикоятини қабул қилиш рад этиш ва кассация шикоятини қайтариш асослари, шунингдек, судья томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар апелляция тартибида кўриш учун белгиланган тартиб билан деярли бир хилдир.

Апелляция шикоятидан фарқли равишда кассация шикояти қонуний кучга кирган суд ҳужжати устидан берилиши сабабли кассация инстанцияси судига аксарият ҳолларда кассация шикоятининг ўзида ёки алоҳида ариза шаклида биринчи инстанция судида қабул қилинган ҳал қилув қарорининг ижросини тўхтатиш тўғрисида илтимоснома киритилади.

Кассация инстанцияси суди ҳал қилув қарорининг ижросини тўхтатиб туриш тўғрисида ёки унинг ижросини тўхтатиб туришни рад этиш ҳақида кассация шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги ажримда кўрсатади.

7.4. Назорат шикоятини бериш тартиби ва муддатлари

Иқтисодий процессуал қонунчиликда суд ҳужжатларига нисбатан шикоят келтиришнинг охириги босқичи суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари устидан назорат тартибида шикоят келтиришдир.

Ишда иштирок этувчи шахслар, шунингдек, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида суд ҳужжати қабул қилган шахслар апелляция ёки кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судларининг, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий судларининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, апелляция ва кассация инстанцияси судларининг қарорлари устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига назорат шикояти беришга ҳақли.

Апелляция ва кассация шикоятларидан фарқли равишда назорат шикояти бевосита Ўзбекистон Республикаси Олий судига берилади.

Назорат шикоятида назорат шикояти (протести) берилаётган суднинг номи, шикоятни бераётган шахснинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми), унинг ишдаги процессуал ҳолати, ишда иштирок этаётган бошқа шахсларнинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми), уларнинг жойлашган ери (почта манзили) ёки яшаш жойи, ишни биринчи, апелляция ёки кассация инстанцияларида кўрган судлар ва улар қабул қилган қарорларнинг мазмуни, устидан шикоят берилаётган суд ҳужжати, суд ҳужжатида назорат тартибида қайта кўриш учун асослар, шикоят бераётган шахснинг илтимоси кўрсатилиши керак.

Назорат шикояти шикоят бераётган шахс ёки унинг вакили томонидан имзоланиши керак. Вакил томонидан тақдим этилган шикоятга ишончнома ёки унинг ваколатини тасдиқловчи бошқа ҳужжат илова қилинади. Шунингдек, назорат шикоятига иш бўйича қабул қилинган, суд ҳужжатларининг кўчирма нусхалари ва шикоятнинг (протестнинг) кўчирма нусхалари ишда иштирок этувчи шахсларга юборилганлигини тасдиқловчи далил илова қилинади. Бундан ташқари, назорат шикоятига белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи ҳамда почта харажатлари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳам илова қилиниши керак.

Назорат шикояти мазкур талабларга риоя қилинмаган ҳолда берилган тақдирда, Олий суд судьяси томонидан қайтарилади.

Назорат шикоятни суднинг ҳал қилув қарори устидан у қонуний кучга кирган кундан эътиборан бир йил ичида берилиши мумкин. Қонунчиликда назорат шикоятни бериш учун белгиланган муддатнинг узрли, деб топилиши назарда тутилмаган. Шу боис, суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан бир йил ўтгандан кейин берилган назорат шикоятни кўриб чиқилмайди.

Қонунда белгиланган бир йиллик муддатдан кейин берилган назорат шикоятни Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси томонидан қабул қилиш рад этилади. Худди шунингдек, Олий суди судьяси томонидан назорат инстанцияси судига муурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан берилган, қонунга мувофиқ назорат тартибида шикоят қилиниши мумкин бўлмаган суд ҳужжати устидан берилган ҳамда назорат тартибида кўриб чиқилган суд ҳужжати устидан берилган назорат шикоятни ИПКнинг 314-моддасига мувофиқ, қабул қилиш рад этилади.

7.5. Суд ҳужжатлари устидан шикоят беришда тўланадиган суд харажатлари

Амалдаги қонун ҳужжатлари суд ҳужжатларига нисбатан шикоят беришда давлат божи тўланишини назарда тутлади.

Жумладан, Солиқ кодекси 328-моддасининг 2-банди мазмунига кўра, иқтисодий суднинг ҳал қилув қарорлари, шунингдек, иш юритишни тугатиш, даъво кўрмасдан қолдириш, суд жарималари солиш тўғрисидаги ажримлари устидан берилган апелляция ва кассация шикоятлари, шунингдек, иқтисодий суднинг ҳакамлик суди ҳал қилув қарорларини бекор қилиш тўғрисидаги, шунингдек, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ва ижро варақаси беришни рад этиш тўғрисидаги ишлар бўйича ажримлари устидан берилган апелляция ва кассация шикоятларидан давлат божи ундирилади.

Солиқ кодексининг 330-моддасида иқтисодий судларда корпоратив низоларнинг айрим турлари давлат божи тўловидан озод этилган. Аризачи ва жавобгар – қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва (ёки) ўз устав фондини (устав капитални) шакллантирмаган корхоналарни тугатишга доир ишлар бўйича, қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи – инвесторларнинг, қимматли қоғозлар эгаларининг ҳамда давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатларини

ҳимоя қилиш мақсадидаги даъволар бўйича кўриладиган ишлар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2008 йил 18 апрелдаги “Иқтисодий судлар томонидан давлат божи тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 180-сонли қарорини 25-бандида давлат божи тўлашдан озод этилган давлат органлари ҳўжалик судларига суд ҳужжатлари устидан апелляция, кассация ва назорат шикоятлари билан мурожаат қилганда ҳам улар давлат божи тўлашдан озод қилинишлари белгиланган бўлиб, улар суд процессида жавобгарлар сифатида иштирок этган ҳолларга ҳам давлат божи тўловидан озод этилганлиги тўғрисида тушунтириш берилган.

ЁДДА ТУТИНГ!

СК 337-моддасининг йиғирма еттинчи

қисмидаги қоидага кўра, акциядорлар акциядорлик жамиятининг фаолиятдан келиб чиқадиган низолар бўйича ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисидаги даъво билан иқтисодий судга мурожаат қилган тақдирда акциядорларга давлат божини тўлаш муддати кечиктирилиб, бу бож кейинчалик айбдор тарафдан ундириб олинади.

Қоида тариқасида бундай ҳолларда давлат божи тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш учун рухсат бериш манфаатдор тарафнинг ёзма илтимосномаси бўйича амалга оширилади.

Аммо мазкур ҳолатда эса илтимосномага акциядор томонидан унинг мулкий аҳволи давлат божини ўрнатилган тартибда тўлаш учун имконият бермаслигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг илова қилиниши талаб этилмайди.

НАМУНА

“Кувасойцемент” АЖнинг акциядорлари номидан Я. Эргашев, Н. Аҳмедов ва Т. Юлдашева судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб АЖнинг 2015 йил фаолияти якунлари бўйича ҳисобланган дивидендларни жами 138 нафар акциядорга ўз вақтида тўлаб бермаганлиги, яъни тўлово муддатини 125 кунга кечиктирганлиги учун АЖдан 78 053 516 сўм пеня ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 22 февралдаги ажрими билан АЖ акциядорлари томонидан даъво аризасига белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилмаганлиги асос қилиниб, ХПК 118-моддаси биринчи қисмининг 5-банди қўлланилган ҳолда даъво аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар қайтарилган.

Акциядор Я.Эргашев мазкур ажримдан норози бўлиб, судга кассация шикояти билан мурожаат қилган ва суд ҳужжатино бекор қилиб, даъво аризасини олдиндан давлат божи тўловисиз қабул қилишни ва ишни мазмунан кўриб чиқишни сўраган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан даъво аризасини қайтариш тўғрисидаги ажрим бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган.

Чунки Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли Фармонининг 7-банди ва Солиқ кодекси 337-моддасининг йиғирма еттинчи қисмида акциядорлар акциядорлик жамиятининг фаолиятидан келиб чиқадиган низолар бўйича ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилган тақдирда акциядорларга давлат божини тўлаш муддати кечиктирилиб, бу бож кейинчалик айбдор тарафдан ундириб олиниши белгиланган.

Мазкур ҳолатда 2015 йил якуни бўйича ҳисобланган дивидендларнинг АЖ томонидан тўланиши 125 кунга кечиктирилганлиги натижасида акциядорларнинг ҳуқуқлари бузилган. Шу сабабли кассация инстанцияси суди АЖ акциядорлари томонидан берилган даъво аризаси давлат божи тўловисиз иш юритишга қабул қилиниши ва ишни кўриш натижасига кўра, давлат божи айбдор томондан ундирилиши лозим бўлган деган тўхтамга келган.

Корпоратив низолар ўз хусусиятига кўра, мулкый ёки номулкий, шунингдек, бир вақтнинг ўзида ҳам мулкый, ҳам номулкий тарзда бўлиши мумкин. Қиймат жиҳатидан баҳоланмайдиган талаблар (юримдик шахс иштирокчиларининг (муассисларининг, аъзоларининг) юримдик шахс томонидан тузилган битимларни ҳақиқий эмас, деб топиш ва (ёки) бундай битимларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш ҳақидаги даъволари бўйича низолар, юримдик шахс иштирокчиларининг умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги низолар, юримдик шахс бошқаруви органларининг қарорлари устидан шикоят қилиш тўғрисидаги низолар ва бошқалар) номулкий хусусиятдаги, муайян қийматда баҳоланадиган талаблар (дивидендларни ундириш, таъсисчининг корпорация устав фондига улуш сифатида қўшган мол-мулкни талаб қилиб олиш тўғрисидаги низолар ва бошқалар) мулкый хусусиятдаги талаблар жумласига киради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сонли қарори билан тасдиқланган Давлат божи ставкалари 2-бандининг “д” кичик бандига кўра, иқтисодий судларнинг қарорларини қайта кўриб чиқиш ҳақидаги аризалардан биринчи инстанцияда кўриб чиқиш учун ариза берилганда тўланадиган ставканинг 50 фоизи, мулкый тусдаги низолар бўйича эса талашилаётган суммадан ҳисоблаб чиқариладиган ставкалар миқдорида давлат божи тўланади.

Агар апелляция, кассация ва назорат шикоятлари берилганда суд ҳужжатининг фақат ундириш ёки ундиришни рад этиш қисми шикоят қилинаётган бўлса, давлат божи низолашилаётган суммадан келиб чиқиб ҳисобланади.

Бир вақтнинг ўзида ҳам мулкый, ҳам номулкий хусусиятга эга бўлган талаблар билдирилган тақдирда тегишлича мулкый хусусиятдаги даъво аризалари учун белгиланган ставкалар бўйича ва номулкий хусусиятдаги даъво аризалари учун белгиланган ставкалар бўйича алоҳида-алоҳида давлат божи тўланади.

VIII БОБ

КОРПОРАТИВ НИЗОЛАР БЎЙИЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН СУД ҲУЖЖАТЛАРИНИ ҚАЙТА КЎРИШ ТАРТИБИ

8.1. Апелляция шикоятини судда кўриш тартиби ва муддатлари

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорлари ва ажримларини апелляция инстанцияси судида қайта кўриш тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим кафолати бўлиб, судларнинг хатолари ва қонун бузилишларини тезкорлик билан бартараф этишга имкон беради.

Корпоратив низоларни апелляция инстанцияси судида қайта кўриш ИПКда белгиланган апелляция инстанциясида иш юритишнинг умумий қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

Апелляция шикоятини (протестини) судда кўриш, шикоят (протест) иш билан бирга, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий судига келиб тушган кунидан эътиборан беш кундан кечиктирмай, судья томонидан якка тартибда ҳал қилинади. Шикоятни (протестни) қайтариш ёки қабул қилишни рад этиш учун асослар мавжуд бўлмаса, шикоят (протест) иш юритишга қабул қилинади. Шикоятнинг (протестнинг) иш юритишга қабул қилиниши билан апелляция инстанцияси судида ишни кўриш бошланади.

Биринчи инстанция судидан фарқли ўлароқ, апелляция инстанциясида барча ишлар ҳайъат томонидан кўрилади. Бунда ишни кўраётган суднинг таркибига уч ёки бошқа тоқ сонли судьялар киритилади, улар суд раиси томонидан белгиланади. Суд мажлиси видеоконференцалоқа режимида ҳам ўтказилиши мумкин.

Ишда иштирок этувчи, иш кўриладиган вақт ва жой тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган шахсларнинг келмаслиги ишни кўриш учун тўсқинлик қилмайди.

Ишни апелляция инстанциясида кўриш раислик қилувчи ёки судьялардан бирининг маърузаси билан бошланади.

Маърузачи ишнинг ҳолатини, биринчи инстанция суди чиқарган ҳал қилув қарорининг мазмунини, апелляция шикояти ёки протестида келтирилган далилларни ва улар юзасидан берилган тушунтиришларни (эътирозларни), келтирилган янги далилларнинг мазмунини, шунингдек, ҳал қилув қарорининг қонуний, асосли ва адолатли эканлигини текшириш учун суд кўриши зарур бўлган барча маълумотларни баён этади.

Ишда иштирок этувчи шахсларни эшитганидан ва қўшимча материаллар билан танишганидан сўнг суд қарор қабул қилиш учун маслаҳатхонага чиқади.

Судьялар томонидан қабул қилинган қарор суд залида ошкора эълон қилинади. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳоқимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 13 июлдаги Фармони талабларидан келиб чиқиб, судлар фаолиятининг шаффофлигини янада таъминлаш, аҳоли билан очиқ мулоқотни кенгайтириш мақсадида суд томонидан апелляция инстанциясида қабул қилинган суд ҳужжати тарафларга ўқиб эшиттирилганидан сўнг унинг мазмун-моҳиятини суд процесси иштирокчиларига тушунтириб бериш амалиёти жорий этилган.

ИПКнинг 277-моддасига кўра, апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори устидан берилган апелляция шикоятини (протестини) апелляция шикояти (протести) иш юритишга қабул қилинган кундан эътиборан бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда кўриб чиқади.

Ишни апелляция тартибида кўриш натижасига кўра, апелляция инстанцияси судининг хулосаси қарор шаклида қабул қилинади.

ИПКнинг 279-моддасида биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун иш учун аҳамиятли ҳолатларнинг тўлиқ аниқланмаганлиги, суд аниқланган, деб ҳисоблаган, иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларнинг исботланмаганлиги, ҳал қилув қарорида баён қилинган хулосаларнинг иш ҳолатларига мувофиқ эмаслиги, моддий ва (ёки) процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёхуд нотўғри қўлланилганлиги асос бўлиши белгиланган.

ЁДДА ТУТИНГ!

Биринчи инстанция суди томонидан процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёки нотўғри қўлланилганлиги ҳар доим ҳам суд ҳужжатини бекор қилиш учун асос бўлмайди. Яъни процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёки нотўғри қўлланилганлиги, агар бу нотўғри ҳал қилув қарори қабул қилинишига олиб келган бўлса ёки олиб келиши мумкин бўлсагина, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёхуд бекор қилиш учун асос бўлади.

Биринчи инстанция суди томонидан процессуал ҳуқуқ нормасининг бузилганлигини қуйидаги мисолда кўришимиз мумкин.

НАМУНА

“Салом” МЧЖнинг 2016 йил 25 сентябрдаги умумий йиғилиш қарори билан фуқаро С.Ғоипов таъсисчилар сафидан чиқарилган. Шу давр мобайнида жамиятга тегишли учта кўчмас мулк олди-сотди шартномалари асосида учинчи шахсларга сотилган.

Шундан сўнг таъсисчи фуқаро С.Ғоипов даъвогар сифатида жавобгар “Салом” МЧЖга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, ўзининг таъсисчилар сафидан чиқарилишини ноқонуний, деб топишни ҳамда бир йил муддат ичида жамиятдан чиқарилган кўчмас мол-мулкларни жамият балансига қайтаришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъвогар томонидан МЧЖга таъсисчилар сафидан чиқиш тўғрисида ариза берилганлиги, бундан ташқари даъвогар умумий йиғилишларда иштирок этмасдан, жамиятнинг фаолият кўрсатишига имкон бермай келаётганлиги асос қилиниб, даъво талабининг С.Ғоиповни таъсисчилар сафидан чиқарилишини ноқонуний деб топиш тўғрисидаги қисмини қаноатлантириш рад этилган. Даъво талабининг жамият балансида чиқарилган кўчмас мулкларни жамият балансига қайтариш тўғрисидаги талаб бўйича иш юритиш тугатилган.

Даъвогар суд ҳужжати устидан апелляция шикоятини бериб, суд томонидан моддий ҳуқуқ нормалари бузилганлигини, аризадаги имзони шахсан ўзи қўймаганлиги, имзо унга тегишли бўлган факсимеле ёрдамида қўйилганлиги, ўзининг таъсисчилар сафидан чиқарилишига қарши эканлиги, таъсисчиларнинг умумий йиғилиши тўғрисида у огоҳлантирилмаганлигини кўрсатиб, шу сабабли ушбу суд ҳужжатини бекор қилишни сўраган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, иш юритиш тугатилган. Чунки таъкидланганидек, бу ерда қуйи суд томонидан процессуал ҳуқуқ нормаси бузилган. Яъни жамият таъсисчилар сафидан чиқарилишини ноқонуний, деб топиш ва жамият балансида чиқарилган кўчмас мулкларни жамият балансига қайтариш тўғрисидаги талабларнинг ҳар иккаласи ҳам судга тааллуқли эмас.

Шунингдек, процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёки нотўғри қўлланилганлиги муносабати билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ҳар қандай ҳолда бекор қилиш учун суд томонидан ишнинг қонунга хилоф таркибда кўрилганлиги, ишнинг ишда иштирок этувчи, суд мажлиси вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинмаган бирор-бир шахс йўқлигида кўрилганлиги, суд иши юритилаётган тил тўғрисидаги қоидалар ишни кўриш чоғида бузилганлиги, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида суд томонидан ҳал қилув қарори қабул қилинганлиги, ҳал қилув қарорининг судья ёки, агар иш судьялар ҳайъати таркибида кўрилган бўлса, судьяларнинг бири томонидан имзоланмаганлиги ёхуд ҳал қилув қарорида кўрсатилганидан бошқа судьялар томонидан имзоланганлиги, ишда суд мажлиси баённомасининг мавжуд эмаслиги, унинг имзоланмаганлиги ёки ИПК 202-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилганидан бошқа шахслар томонидан имзоланганлиги ёхуд, агар суд мажлисида аудио-ёки видеоёзув амалга оширилган бўлса, аудио- ва видеоёзувларнинг электрон ёки бошқа ташувчилари суд мажлиси баённомасига қўшиб қўйилмаганлиги билдирилган талаб бўйича суд ҳал қилув қарори

қабул қилмаганлиги, судьялар маслаҳатининг сир сақланиши тўғрисидаги қонданнинг бузилганлиги каби ҳолатлар ҳам асос сифатида санаб ўтилган.

Биринчи инстанция суди томонидан моддий ҳуқуқ нормаси бузилган тақдирда ҳам суд ҳужжати бекор қилинади. Моддий ҳуқуқ нормаларининг бузилиши ёки нотўғри қўлланилиши деганда, суд томонидан қўлланилиши лозим бўлган қонун ҳужжатининг қўлланилмаганлиги, қўлланилиши мумкин бўлмаган қонун ҳужжатининг қўлланилганлиги, қонун ҳужжатининг нотўғри талқин қилинганлиги тушунилади.

НАМУНА

2013 йил 7 июнда фуқаролар Исомов Зухриддин Паттаевич ва Зиёдов Одилбек Қориевичлар томонидан “Данғара” МЧЖ ташкил этилган бўлиб, унинг таъсис ҳужжатлари туман ҳокимлиги хузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш Инспекцияси томонидан 2013 йил 15 июнда рўйхатга олинган ва бу ҳақда МЧЖга гувоҳнома берилган.

Таъсис ҳужжатлариға кўра, МЧЖнинг устав фонди 3 000 000 сўм миқдорда белгиланиб, унда З.Исомов 1 500 000 сўм ёки 50 фоиз, О.Зиёдов 1 500 000 сўм ёки 50 фоиз улушга эга бўлган.

МЧЖ иштирокчилари томонидан 2013 йил август ойида ўтказилган умумий йиғилишда З.Исомов ўзининг МЧЖ устав фондидаги 50 фоиз улушидан О.Зиёдовга фойдасига воз кечганлигини қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилган.

Бундан ташқари, З.Исомовнинг 2013 йил 6 августдаги аризасида МЧЖ устав фондидаги 50 фоиз, яъни 1 500 000 сўм қийматдаги улушини О.Зиёдовга текинга бериши ва МЧЖдан чиқиши маълум қилинган. Ушбу ариза нотариал тартибда тасдиқланган.

2013 йил 15 октябрда МЧЖнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш тўғрисидаги 5-сонли қарори қабул қилинган бўлиб, уставда МЧЖ устав фондиға О.Зиёдов томонидан 50 фоиз, яъни 30 000 000 сўмлик улуш ва Норбоев Усмон Уринович томонидан 50 фоиз, яъни 30 000 000 сўмлик улуш киритилиши белгиланган. Мазкур устав 2013 йил 18 октябрда Инспекция томонидан рўйхатдан ўтказилган.

З.Исомовнинг МЧЖдан чиқиш ва МЧЖ устав фондидаги 50 фоиз улушини О.Зиёдовга текинга бериш ҳақида 2013 йил 6 августдаги аризасини бекор қилиш ҳақида 2014 йил 14 декабрдаги аризаси нотариал тартибда тасдиқланган.

Шу сабабли З.Исомов жавобгарлар О.Зиёдов ва У.Норбоевга нисбатан судға даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда О.Зиёдов томонидан имзоланган тилхатда О.Зиёдов З.Исомовдан олинган пуллар қайтарилмаган тақдирда, МЧЖ устав фондидаги 100 фоиз улушини З.Исомовга қайтариши ва ўзига тегишли бўлган Фарғона вилояти, Ўзбекистон тумани, Сайилгоҳ кўчаси, 19-йда жойлашган хонадонни З.Исомовнинг номиға рамиёлаштириб бериши кўрсатилганлиги, бироқ ушбу тилхатда қайд этилган ҳолатлар амалға оширилмаганлиги баён этилиб, жавобгарлар О.Зиёдов ва У.Норбоевни МЧЖ иштирокчилари сафидан чиқаришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2015 йил 20 июлдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаби тўлиқ қаноатлантирилган.

МЧЖ иштирокчилари О.Зиёдов ва У.Норбоевлар суд ҳужжатидан норози бўлиб, апелляция инстанцияси судидан ҳал қилув қарорини бекор қилишни сўраб шикоят билан мурожаат қилишган.

Ҳал қилув қарори қабул қилишда қуйи суд томонидан моддий ҳуқуқ нормалари бузилганлиги асос қилиниб, апелляция инстанцияси суди томонидан ҳал қилув қарори бекор қилинган ва даъвони қаноатлантириш тўғрисида янги қарор қабул қилинган.

Чунки “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 8-моддасининг иккинчи қисмиға мувофиқ, жами улушлари жамият устав фондининг (устав капиталининг) камида ўн фоизини ташкил этадиган жамият иштирокчилари ўз мажбуриятларини қўпол бузаётган ёхуд ўз ҳаракатлари (ҳара-

катсизлиги) билан жамиятнинг фаолият кўрсатишига имкон бермаётган ёки уни жиддий тарзда қийинлаштираётган иштирокчини жамиятдан суд тартибда чиқарилишини талаб қилишга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг “Иқтисодий судлар томонидан корпоратив низоларни ҳал этишнинг айрим масалалари тўғрисида” 2014 йил 20 июндаги 262-сонли қарори 3-бандининг иккинчи хатбошида хўжалик ширкати ва жамияти қонунда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиб, юридик шахс мақомини олганидан сўнг унда ўз улуши (пайи, ҳиссаси)га эга бўлган юридик ва (ёки) жисмоний шахс ушбу хўжалик ширкати ва жамиятнинг иштирокчиси ҳисобланиши ҳақида тушунтириш берилган.

Ушбу ҳолда З.Исомов томонидан даъво аризаси судга тақдим этилган вақтда амалда бўлган МЧЖ уставига кўра, З.Исомов МЧЖда улушга эга бўлмаган ва унинг иштирокчиси ҳисобланмаган.

Яна бир мисол.

НАМУНА

2013 йил 10 октябрда фуқаро Ҳамдамов Равшан Камолович томонидан “Ором текс” МЧЖ ташкил этилган бўлиб, унинг таъсис ҳужжатлари туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш Инспекцияси томонидан 2013 йил 16 октябрда рўйхатга олинган ва бу ҳақда МЧЖга гувоҳнома берилган.

Таъсис ҳужжатларига кўра МЧЖнинг устав фонди 50 000 000 сўм миқдорига белгиланиб, унда Р.Ҳамдамов 50 000 000 сўм ёки 100 фоиз улушга эга бўлган.

МЧЖ иштирокчиси Р.Ҳамдамов томонидан 2016 йил 11 ноябрда МЧЖни “Саноат импекс” МЧЖга кўшиш тўғрисида 20-сонли қарор қабул қилинган. Мазкур қарорга асосан “Саноат импекс” МЧЖ Инспекцияда рўйхатга олинган ва бу ҳақда гувоҳнома берилган.

Зангиота туманлараро иқтисодий судининг 2017 йил 10 январдаги ҳал қилув қарори билан МЧЖ банкрот, деб топилган ва тугатишга доир иш юритиш бошланган.

МЧЖ тугатиш бошқарувчиси судга ариза билан мурожаат қилиб, МЧЖ иштирокчиси Р.Ҳамдамовнинг 2016 йил 11 ноябрдаги қарорини ҳақиқий эмас, деб топилши сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 16 мартдаги ҳал қилув қарори билан ариза талаби қаноатлантирилган.

Суд томонидан бундай ҳулосага келишда “Банкротлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 64-моддасининг учинчи қисми ва 125-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошига асосланган.

Мазкур Қонун 64-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ, кузатув таомили жараёнида қарздорнинг бошқарув органлари қарздорни қайта ташкил этиш (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) ва тугатиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилишга ҳақли эмас.

Қонун 125-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошига кўра хўжалик суди томонидан қарздорни банкрот, деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан қарздорнинг мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ ёки унинг мол-мулкни учинчи шахслар фойдаланиши учун топширишга сабаб бўлувчи битимлар тузишга фақат ушбу бобда белгиланган тартибда йўл қўйилади.

Бироқ МЧЖ ягона иштирокчисининг қарори жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши қарори бўлиб ҳисобланади ва шу сабабли “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонун 41-моддасининг биринчи қисмига асосан бундай қарорни ҳақиқий эмас, деб топишни фақат овоз беришда итирок этмаган ёки баҳсли қарорга қарши овоз берган жамият иштирокчиси талаб қилиши мумкин.

Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг “Иқтисодий судлар томонидан корпоратив низоларни ҳал этишнинг айрим масалалари тўғрисида” 2014 йил 20 июндаги 262-сонли қарорининг 20-бандида “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 41-моддасига асосан жамият бошқарув органининг қарори ушбу қарорни қабул қилиш бўйича овоз бе-

ришда иштирок этмаган ёки баҳсли қарорга қарши овоз берган жамият иштирокчисининг даъвоси билан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкинлиги, йиғилишда иштирок этиб, низоли масала юзасидан қабул қилинган қарорни ёқлаб овоз берган шахс ушбу қарорни ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақида судга мурожаат қилганда, унинг талабини қаноатлантириш рад этилиши лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Бу ерда қарорни ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги талаб билан МЧЖ номидан унинг тугатиш бошқарувчиси мурожаат қилган. Шу боис апелляция инстанцияси суди ҳал қилув қарорини бекор қилиб, ариза талабини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида янги қарор қабул қилишни лозим топган.

8.2. Кассация шикоятини судда кўриш тартиби ва муддатлари

Суд ҳужжатларининг қонунийлигини кассация тартибида текшириш хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этиш усулларидан биридир. Иқтисодий суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, қарорлари, ажримларини кассация инстанциясида кўриш қонунни тўғри, бир хилда қўллаш ва судлар томонидан йўл қўйилган хатоларни тузатишда катта аҳамият касб этади.

ЁДДА ТУТИНГ!

Корпоратив низоларни кассация инстанцияси судида қайта кўриш ИПКда белгиланган кассация инстанциясида иш юритишнинг умумий қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

Кассация инстанция судида иш юритишнинг ўзига хос хусусиятлари, жумладан, ҳал қилув қарорини, қарорни ижро этишни тўхтатиб туриш, кассация инстанциясининг ваколатларида яққол кўринади.

Кассация инстанцияси судида ишларни кўришнинг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, мазкур инстанция суди биринчи инстанция судида арз қилинмаган янги талабларни қабул қилишга ёки кўриб чиқишга ҳақли эмас. Бунда янги талаблар деганда, биринчи инстанция судида кўриб чиқилмаган моддий-ҳуқуқий талаблар, шунингдек, биринчи инстанция судида ишни кўришда иштирок этмаган шахсга нисбатан билдирилган талаблар тушунилади.

Агар кассация шикоятда (протестида) биринчи инстанция судида кўриш предмети бўлмаган янги талаблар арз қилинган бўлса, кассация инстанцияси суди қарорнинг асослантирувчи қисмида ушбу талаблар биринчи инстанция судида кўриш предмети бўлмаганлиги сабабли, кўриб чиқилмаслигини кўрсатиши лозим.

НАМУНА

Фуқаролар С.Акбаров, Н.Усмонов, Ж.Ширинов ва Ш.Ширинов томонидан 2015 йил 15 сентябрда “Capital management” МЧЖни тузиш тўғрисида таъсис шартномаси тузилган. МЧЖнинг таъсис ҳужжатлари 2015 йил 20 сентябрда Юнусобод туман тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 004000-11-сонли тартиб рақам билан рўйхатдан ўтказилган. МЧЖнинг устав жамғармаси таъсисчиларнинг ҳар бирини 25 фоизлик улуши ҳисобига шакллантирилган.

Таъсисчи С.Акбаров соғлигининг ёмонлашгани туфайли соғлиғини тиклаш учун Россия Федератив Республикасига кетган ва саккиз ой давомида у ерда даволанган. Ўзбекистонга қайтиб келгач, қолган таъсисчилар уни МЧЖнинг таъсисчилар сафидан чиқарилганлигини маълум қилишган.

С.Акбаров мазкур ҳолатдан норози бўлиб Юнусобод туман тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясига нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, МЧЖнинг устав жамғармасига киритилган ўзгартиришларни ҳамда ушбу ўзгартиришларни 2016 йил 20 октябрда давлат рўйхатидан ўтказилганлигини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъвони қаноатлантириш рад этилган. Ҳал қилув қарорига С.Акбаровнинг улушини бошқа таъсисчиларга ўтказиш ва таъсисчилар сафидан ихтиёрий тарзда чиқиб кетиш тўғрисидаги аризаси асос сифатида кўрсатилган.

С.Акбаров мазкур ҳал қилув қароридан норози бўлиб судга кассация шикоятини билан мурожаат қилиб, суд ҳужжатини бекор қилишни ва таъсисчилар сафидан чиқиш ва улушини бошқа таъсисчиларга ўтказиш тўғрисида ҳеч қандай ариза ёзмаганлигини, унинг номидан ёзилган аризадан хабари йўқлигини билдириб, МЧЖнинг таъсис ҳужжатларини рўйхатдан ўтказиш учун асос бўлган аризани ва таъсисчиларнинг мазкур ариза юзасидан қабул қилинган 2016 йил 10 октябрдаги умумий йиғилиш қарорини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан кассация шикоятини қаноатлантириш рад этилиб, суд ҳужжатининг асослантирувчи қисмида МЧЖнинг таъсис ҳужжатларини рўйхатдан ўтказиш учун асос бўлган аризани ва таъсисчиларнинг мазкур ариза юзасидан қабул қилинган 2016 йил 10 октябрдаги умумий йиғилиш қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш талаби биринчи инстанция судида кўриш предмети бўлмаганлиги сабабли, кўриб чиқилмаслиги баён этилган.

Чунки кассация шикояти (протести) суд томонидан иш юритишга қабул қилинган бўлиб, кассация шикоятини берган шахс қарор қабул қилингунга қадар ундан воз кечса, протест келтирган прокурор ёки юқори турувчи прокурор суд мажлиси бошланишидан олдин протестни қақчириб олса ва ИПКнинг 296-моддасига кўра, суд томонидан кассация шикоятидан воз кечиш қабул қилинса, агар ҳал қилув қарорига, қарорга нисбатан ишда иштирок этувчи бошқа шахслар томонидан шикоят берилмаган бўлса, кассация инстанцияси суди кассация инстанциясида иш юритишни тугатади ва бу ҳақда ажрим чиқаради.

Корпоратив низога оид кассация шикоятини кўришнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ яна бир мисол ҳақида тўхталсак.

НАМУНА

“Потсдам” АЖнинг акциядори И. Хафизов судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, АЖдан 2017 йил якуни бўйича унга ҳисобланган 1 842 022 сўм миқдоридagi дивиденд суммасини ундиришни сўраган.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 50-моддасига кўра, акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончилиги

ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

2017 йил якунлари бўйича дивидендларни тақсимлаш бўйича акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилмаганлиги сабабли биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво талабини қаноатлантириш рад этилган.

Акциядор И.Ҳафизов судга кассация шикоятни билан мурожаат қилиб, умумий йиғилиш қарори қонунда белгиланган муддатда ўтказилмаганлигини, бунга сабаб АЖ дивидендларни тўлашдан бош тортиб келаётганлигини маълум қилган ва суд ҳужжатини бекор қилишни сўраган.

Кассация инстанция судида ишни кўриш жараёнида И.Ҳафизов кассация шикоятдан воз кечишини маълум қилган ва судга шу мазмундаги аризани тақдим этган.

Акциядор И.Ҳафизовнинг кассация шикоятдан воз кечиши қонун талабларига зид эмаслиги ҳамда учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига дахл қилмаслигини инobatга олиб, кассация инстанцияси суди И.Ҳафизовнинг кассация шикоятдан воз кечишини қабул қилган ва кассация инстанцияси судида иш юритиш тугатилган.

Шуни инobatга олиш лозимки, кўрсатилган асослар бўйича кассация инстанциясида иш юритишни тугатиш ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга кассация шикоятни (протести) билан айнан ушбу асослар ёки бошқа асослар бўйича мурожаат қилишга тўсқинлик қилмайди.

Таъкидлаш керакки, амалдаги процессуал қонунчиликка кўра, кассация инстанцияси суди кассация шикоятини кўриш чоғида биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорининг қонунийлигини ва асослилигини текширади. Бундай ҳолда суд янги далилларни ҳам текшириши ёки янги фактларни ҳам аниқлашга ҳақли. Чунки кассация инстанцияси биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини тўлиқ ҳажмда текшириши шарт.

НАМУНА

2015 йил 9 августда фуқаролар Нарзуллаев Хайрулла Сайфуллаевич ва Ҳақимов Усмон Аҳмедович томонидан “Давр-С” МЧЖ ташкил этилган бўлиб, МЧЖнинг таъсис ҳужжатлари туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш Инспекцияси томонидан 2015 йил 15 августда рўйхатга олинган ва бу ҳақда МЧЖга гувоҳнома берилган.

Таъсис ҳужжатларига кўра, МЧЖнинг устав фонди 100 000 000 сўм миқдорига белгиланиб, унда Х.Нарзуллаев 70 000 000 сўм ёки 70 фоиз, У.Ҳақимов 30 000 000 сўм ёки 30 фоиз улушга эга бўлган.

МЧЖ иштирокчиси У.Ҳақимовнинг 2016 йил 26 январдаги 18-сонли қарори билан МЧЖнинг 2015 йилдаги фаолияти якуни бўйича тақсимланган даромадлардан У.Ҳақимовга 80 000 000 сўм дивиденд тўлаш белгиланган.

Шунингдек МЧЖ иштирокчиси У.Ҳақимов 2016 йил 29 апрелда МЧЖни ихтиёрий тугатиш тўғрисида 35-сонли қарор қабул қилган.

МЧЖ иштирокчиси Х.Нарзуллаев даъвогар сифатида жавобгарлар МЧЖ ва МЧЖ иштирокчиси У.Ҳақимовларга нисбатан судга ариза билан мурожаат қилиб, унда МЧЖ уставига кўра, тақсимланган даромадлардан дивиденд тўлаш ҳамда МЧЖни ихтиёрий тугатиш масалалари МЧЖ иштирокчиларининг умумий йиғилиши қарори асосида ҳал этилиши лозим бўлса-да, ушбу масалалар юзасидан МЧЖ иштирокчиси У.Ҳақимовнинг яқка ўзи томонидан қарорлар қабул қилинганлиги баён этилиб, МЧЖ иштирокчиси У.Ҳақимов томонидан қабул қилинган 2016 йил 26 январдаги 18-сонли ва 2016 йил 29 апрелдаги 35-сонли қарорларни ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 25 декабрдаги ҳал қилув қарори билан ариза талаблари тўлиқ қаноатлантирилган.

Чунки “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 30-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ жамиятнинг соф фойдасини жамият иштирокчилари ўртасида тақсимлаш ва жамиятни тугатиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилиш жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг мутлақ ваколатлари жумласига киради.

Бу ерда МЧЖ устав фонди икки иштирокчи томонидан шакллантирилган бўлса-да, У.Ҳақимов Қонун ва МЧЖ устави талабларига риоя қилмаган ҳолда якка ўзи мустақил МЧЖнинг соф фойдасини МЧЖ иштирокчилари ўртасида тақсимлаш ва МЧЖни тугатиш тўғрисида қарорлар қабул қилган. Шу боис кассация инстанцияси суди ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топган.

ИПКнинг 302-моддасига кўра, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун қуйидагилар асос бўлади:

- 1) иш учун аҳамиятли ҳолатларнинг тўлиқ аниқланмаганлиги;
- 2) суд аниқланган, деб ҳисоблаган, иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларнинг исботланмаганлиги;
- 3) ҳал қилув қарорида баён қилинган хулосаларнинг иш ҳолатларига мувофиқ эмаслиги;
- 4) моддий ва (ёки) процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёхуд нотўғри қўлланилганлиги.

Агар кассация инстанцияси суди иш ҳолатлари тақдим этилган далилларни ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона ўрганиш асосида аниқланганлигини, суднинг хулосалари бу ҳолатларга мослигини, бироқ суд томонидан моддий ҳуқуқ нормаларини қўллашда хатога йўл қўйилганлигини аниқласа, унда кассация инстанцияси суди ҳал қилув қарорининг ўзгартиради.

НАМУНА

2013 йил 12 декабрда фуқаролар Омонов Оқилбек Сафоевич, Маҳматқулов Рустам Азимович ва Тошев Панжи Турапович томонидан “Чироқчи” МЧЖ ташкил этилган бўлиб, унинг таъсис ҳужжатлари туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш Инспекцияси томонидан 2013 йил 24 декабрда рўйхатга олинган ва бу ҳақда МЧЖга гувоҳнома берилган.

Таъсис ҳужжатларига кўра, МЧЖнинг устав фонди 30 000 000 сўм миқдорига белгиланиб, унда О.Омонов 11 000 000 сўм ёки 34 фоиз, Р.Маҳматқулов 10 000 000 сўм ёки 33,3 фоиз, П.Тошев 10 000 000 сўм ёки 33,3 фоиз улушга эга бўлган.

Бироқ МЧЖ иштирокчилардан бири О.Омонов жамият устав фондига киритилиши лозим бўлган маблағларни киритмаган ва у МЧЖнинг бошқарувида ҳам иштирок этмаган. Шу сабабли МЧЖ иштирокчиси П.Тошев ва МЧЖнинг ўзи судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, О.Омонов МЧЖ устав фондига киритилиши лозим бўлган маблағларни киритмаганлиги учун уни МЧЖ иштирокчилари сафидан чиқаришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 20 апрелдаги ҳал қилув қарори билан даъво талабини қаноатлантириш рад этилган.

Биринчи инстанция суди МЧЖ иштирокчиси П.Тошевнинг МЧЖ иштирокчиси О.Омоновни МЧЖ иштирокчилари сафидан чиқариш ҳақидаги даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида нотўғри хулосага келган.

Суд бундай хулосага келишда даъво аризаси МЧЖ томонидан берилганлигига асосланган.

Бироқ “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғриси-

да”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 8-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ, жами улушлари жамият устав фондининг (устав капиталининг) камида ўн фоизини ташкил этадиган жамият иштирокчилари ўз мажбуриятларини қўпол бузаётган ёхуд ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан жамиятнинг фаолият кўрсатишига имкон бермаётган ёки уни жиддий тарзда қийинлаштираётган иштирокчини жамиятдан суд тартибда чиқарилишини талаб қилишга ҳақлидирлар. Бу ерда даъво аризаси МЧЖнинг иштирокчиси П.Тошев ва МЧЖ томонидан биргаликда берилган.

“Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 14-моддасининг еттинчи қисмига мувофиқ, жамиятнинг ҳар бир иштирокчиси таъсис ҳужжатларида белгиланган ва жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан бошлаб бир йилдан ошмайдиган муддат мобайнида жамиятнинг устав фондига (устав капиталига) ўз ҳиссасини тўлиқ киритиши керак. Шу сабабли кассация инстанцияси суди ҳал қилув қарорининг МЧЖ иштирокчиси П.Тошевнинг МЧЖ иштирокчиси О.Омоновни МЧЖ иштирокчилари сафидан чиқариш ҳақидаги даъво талабини қаноатлантириши рад этиш қисмини бекор қилиб, МЧЖ иштирокчи О.Омонов уч йилдан ортиқ вақт мобайнида МЧЖ устав фондига ўз улушини қўшмаганлигини асос қилган ҳолда ушбу даъво талабини қаноатлантириш ҳақида янги қарор қабул қилишни, ҳал қилув қарорининг қолган қисмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топган.

Моддий ҳуқуқ нормаларининг биринчи инстанция суди томонидан бузилиши ёки нотўғри қўлланилиши ҳам апелляция инстанцияси суди сингари кассация инстанцияси суди учун ҳал қилув қарори (қарор, ажрим)ни бекор қилиш учун асос ҳисобланади. Бу ҳолат қуйидагилардан иборат:

- 1) қўлланилиши лозим бўлган қонун ҳужжатининг қўлланилмаганлиги;
- 2) қўлланилиши мумкин бўлмаган қонун ҳужжатининг қўлланилганлиги;
- 3) қонун ҳужжатининг нотўғри талқин қилинганлиги.

НАМУНА

2014 йил 8 июлда фуқаролар Мирзахонов Низомиддин Салохович, Солиев Элдор Анварович ва Қодиров Ином Икромович томонидан “Замон” МЧЖ ташкил этилган бўлиб, МЧЖнинг таъсис ҳужжатлари туман ҳокимлиги ҳузуридаги тadbиркорлик субъектларини рўйхатга олиш Инспекцияси томонидан 2014 йил 16 июлда рўйхатга олинган ва бу ҳақда МЧЖга гувоҳнома берилган.

Таъсис ҳужжатларига кўра, МЧЖнинг устав фонди 50 000 000 сўм миқдорига белгиланиб, унда Н.Мирзахонов 15 000 000 сўм ёки 25 фоиз, Э.Солиев 15 000 000 сўм ёки 25 фоиз, И.Қодиров 30 000 000 сўм ёки 50 фоиз улушга эга бўлган.

МЧЖ иштирокчиси И.Қодиров МЧЖга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда МЧЖ иштирокчилари Н.Мирзахонов ва Э.Солиевлар томонидан бир неча маротаба умумий йиғилиш чақиртирилиб, фойдани тақсимлаш масаласи кўриб чиқилган бўлса-да, у йиғилиш вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинмаганлиги, бу билан унинг қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуққа манфаатлари бузилаётганлиги баён этилиб, ўзини МЧЖ иштирокчилари сафидан чиқаришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 16 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаби тўлиқ қаноатлантирилган.

Биринчи инстанция суди даъво талабини қаноатлантиришда ФК 223-моддасининг биринчи – тўртинчи қисмларига асосланиб, нотўғри хулосага келган.

Чунки ФК мазкур моддасининг биринчи – тўртинчи қисмларида улушли мулкдаги мол-мулк иштирокчилар ўртасида уларнинг келишувига мувофиқ тақсимланиши мумкинлиги,

улушли мулк иштирокчиси ўз улушини умумий мол-мулкдан ажратиб беришни талаб қилишга ҳақлилиги, улушли мулк иштирокчилари умумий мол-мулкни тақсимлаш ёки улардан бирининг улушини ажратиш усули ва шартлари тўғрисида келишувга эриша олмасалар, улушли мулк иштирокчиси ўз улушини асл ҳолида ажратиб беришни суд орқали талаб қилишга ҳақлилиги белгиланган.

Бироқ суд "Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 8-моддаси биринчи қисмининг олтинчи хатбошига асосан, жамият иштирокчилари жамият бошқа иштирокчиларининг розилигидан қатъи назар, ушбу Қонунда ва жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда исталган вақтда жамиятдан чиқишга ҳақли эканлигига эътибор қаратмаган.

Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг "Иқтисодий судлар томонидан корпоратив низоларни ҳал этишнинг айрим масалалари тўғрисида" 2014 йил 20 июндаги 262-сонли қарорининг 21-бандида МЧЖ иштирокчиси томонидан жамиятга нисбатан берилган ўзини жамиятдан чиқариш ҳақидаги талаб билан судга муурожаат қилинганда, бундай талабни қаноатлантириш рад қилиниши ҳақида тушунтириш берилган. Шу боис кассация инстанцияси суди ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилишни лозим топган.

Апелляция инстанцияси суди сингари кассация инстанцияси судида ҳам процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёки нотўғри қўлланилганлиги, агар бу нотўғри ҳал қилув қарори қабул қилинишига олиб келган бўлса ёки олиб келиши мумкин бўлса, суднинг ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёхуд бекор қилиш учун асос бўлади. Бу ҳақда юқоридаги бобда батафсил сўз юритилган.

Кассация инстанциясида иш юритиш билан боғлиқ яна бир муҳим қоида шуки, агар ижро этилмаган суд ҳужжати бекор қилиниб ёки ўзгартирилиб, даъвони тўла ёки қисман рад этиш тўғрисида янги суд ҳужжати қабул қилинса ёхуд иш юритиш тугатилса ёхуд даъво тўла ёки қисман кўрмасдан қолдирилса, кассация инстанцияси суди қарорининг хулоса қисмида бекор қилинган ёки тегишли қисми ўзгартирилган суд ҳужжати бўйича ижрони бекор қилиш масаласи ҳам кўрсатилиши керак.

НАМУНА

2015 йил 10 ноябрда фуқаролар Раҳматов Алишер Раҳимович ва Солиев Шоҳруҳ Сопиович томонидан "Денов транс" МЧЖ ташкил этилган бўлиб, МЧЖнинг таъсис ҳужжатлари туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш Инспекцияси томонидан 2015 йил 21 ноябрда рўйхатга олинган ва бу ҳақда МЧЖга гувоҳнома берилган.

Таъсис ҳужжатларига кўра, МЧЖнинг устав фонди 10 000 000 сўм миқдорида белгила-ниб, унда А.Раҳматов 5 000 000 сўм ёки 50 фоиз, Ш.Солиев 5 000 000 сўм ёки 50 фоиз улушга эга бўлган.

МЧЖ таъсис шартномасининг 7-бандида жамият иштирокчиларининг умумий йиғили-ши жамият бошқарувининг олий органи ҳисобланиши, бу йиғилишда таъсис ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, йиллик ҳисоботларни ва йиллик бухгалтерия баланслари-ни, шунингдек, жамият органларининг фаолиятини тартибга солувчи бошқа ҳужжатлар-ни тасдиқлаш ва жамият фаолиятини тартибга солувчи бошқа масалалар бўйича иштирок-чилар иштирок этишлари лозимлиги белгиланган.

Бироқ жиноят ишлари бўйича Учтепа туман судининг 2016 йил 25 августдаги ҳукмига асосан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг қатор моддалари билан МЧЖ ишти-рокчиси А.Раҳматов айбли деб топилиб, унга нисбатан 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган. Шу сабабли МЧЖ иштирокчиси Ш.Солиев судга даъво аризаси

билан мурожаат қилиб, ҳозирги кунда А.Раҳматов жазони ижро этиш муассасасида жазони ўтаётганлиги, иштирокчи сифатида МЧЖ фаолиятини амалга оширишда иштирок эта олмаётганлиги сабабли уни МЧЖ иштирокчилари сафидан чиқаришни сўраган.

Биринчи инстанция суднинг 2016 йил 28 декабрдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаби қаноатлантирилган.

Мазкур ҳолатдан хабардор бўлгач, А.Раҳматов судга кассация шикоятни билан мурожаат қилиб, суд ҳужжатини бекор қилишни ва унинг ижро этилмаганлигини инobatга олиб, ушбу ҳужжат ижросини тўхтатишни сўраган.

“Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 34-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларига мувофиқ, жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши ушбу Қонунда, жамиятнинг уставида ва унинг ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказилади. Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишини ўтказиш тартиби ушбу Қонун, жамиятнинг устави ва ҳужжатлари билан тартибга солинмаган қисмида жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг қарори билан белгиланади. Жамият иштирокчилари умумий йиғилишда шахсан ёки ўз вакиллари орқали иштирок этишга ҳақлидирлар. Жамият иштирокчиларининг вакиллари ўз ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатни (ишончномани) кўрсатишлари лозим. Жамият иштирокчисининг вакилига берилган ишончнома қонун талабларига мувофиқ расмийлаштирилган ва нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак.

Бу ерда жиноят ишлари бўйича суднинг ҳукми билан А.Раҳматовга 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланганлиги уни МЧЖ иштирокчилари сафидан чиқаришга асос бўлмайди.

Бундан ташқари, МЧЖ иштирокчиси А.Раҳматов 2016 йил 30 августда МЧЖ иштирокчиларининг умумий йиғилишларида иштирок этиши ҳамда МЧЖ таъсис шартномасидаги ўзининг барча ҳуқуқларидан фойдаланиши учун фуқаро К.Раҳматовга ишончнома берган. Ушбу ишончнома тергов ҳибсхонаси бошлиғи томонидан тасдиқланган.

Қолаверса, МЧЖ таъсис ҳужжатларидаги А.Раҳматовнинг манзилига МЧЖ иштирокчиларининг йиғилиши ўтказилиши тўғрисида МЧЖ иштирокчиси Ш.Солиев томонидан хабарнома юборилганлиги ҳақидаги ҳужжатлар судга тақдим этилмаган.

Шунингдек, “Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 8-моддаси биринчи қисмининг биринчи бандида белгиланишича, ушбу Қонунда ва жамиятнинг таъсис ҳужжатларида белгиланган тартибда жамиятнинг ишларини бошқаришда иштирок этиш жамият иштирокчиларининг ҳуқуқидир.

Демак, МЧЖ иштирокчиларининг умумий йиғилишида қатнашиш ҳам МЧЖ иштирокчисининг мажбурияти эмас, балки ҳуқуқи ҳисобланади. Бу ҳолда МЧЖ иштирокчисининг умумий йиғилишда қатнашмаганлиги иштирокчини МЧЖ иштирокчилари сафидан чиқаришга асос бўлмайди.

Шу боис кассация инстанцияси суди ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъвони қаноатлантириш тўғрисида янги қарор қабул қилган. Шунингдек, кассация инстанцияси суднинг қарорида тегишли органнинг биринчи инстанцияси судининг ҳал қилув қарори суд мажлисига қадар ижро этилмаганлиги тўғрисидаги маълумотномасига асосан унинг ижросини бекор қилиш лозимлиги кўрсатилган.

8.3. Назорат шикоятини судда кўриш тартиби ва муддатлари

Иқтисодий процессуал қонунчиликда суд ҳужжатларига нисбатан шикоят келтиришнинг охириги босқичи суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари устидан назорат тартибида шикоят келтиришдир.

Назорат шикоятини судда кўриш апелляция ва кассация инстанцияси судларида иш юритишдан бир мунча фарқ қилади. Бу ҳолатни назорат

шикояти билан судга мурожаат қилишда белгиланган процессуал тартибнинг ўзига хослигида ҳам кузатиш мумкин. Яъни апелляция ва кассация шикоятлари суд ҳужжати қабул қилинган судга берилса, назорат шикояти (протести) бевосита Ўзбекистон Республикаси Олий судига берилади.

Туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судларининг, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий судларининг апелляция ёки кассация тартибида кўрилган қонуний кучга кирган суд ҳужжатлари, агар ишда иштирок этувчи шахсларнинг ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари ушбу суд ҳужжатлари туфайли бузилган бўлса, ушбу шахсларнинг шикоятлари бўйича ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларининг протести бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан назорат тартибида қайта кўрилиши мумкин.

Апелляция ва кассация инстанцияси судларида иш юритишдан фарқли равишда, агар назорат шикояти процессуал ҳуқуқ талабларига риоя қилинган ҳолда судга тақдим этилган бўлиб, уни қайтариш ёки қабул қилишни рад этиш учун асослар мавжуд бўлмаса, назорат шикоятини иш юритишга қабул қилиш ва суд муҳокамасига тайинлаш масаласи ҳал этилмасдан, балки Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси томонидан ўрганиб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси назорат шикоятини унга илова қилинган материаллар, зарур бўлган ҳолларда эса талаб қилиб олинган иш ҳужжатлари билан бирга ўрганади.

ИПКнинг 312-моддасига кўра, назорат шикоятини ўрганиш натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси:

- 1) назорат шикоятини ушбу Кодекс 313-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган асосларга кўра қайтариш тўғрисида;
- 2) назорат шикоятини қабул қилишни ушбу Кодекс 314-моддасида назарда тутилган асосларга кўра рад этиш ҳақида;
- 3) агар суд ҳужжатларини назорат тартибида текшириш асослари мавжуд бўлмаса, назорат шикоятини Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатида кўриб чиқиш учун ўтказишни рад этиш тўғрисида ажрим чиқаради. Бунда назорат шикояти, шунингдек, шикоят қилинаётган суд ҳужжатларининг кўчирма нусхалари назорат инстанцияси судида қолади;
- 4) назорат шикоятини иш юритишга қабул қилиш ва уни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига ўтказиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси назорат шикоятини қайтариш тўғрисида ва қабул қилишни рад этиш ҳақида беш кундан кечиктирмай ажрим чиқаради, назорат шикоятини Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатида кўриб чиқиш учун ўтказишни рад этиш тўғрисида ва назорат шикоятини иш юритишга қабул қилиш ҳамда уни кўриб чиқиш учун иш билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига ўтказиш ҳақида эса шикоят Ўзбекистон Республикаси Олий судига келиб тушган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай ажрим чиқаради.

Назорат шикояти унинг шакли ва мазмунига қўйилган талабларга жавоб бермаса, белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи ҳамда почта харажатлари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар назорат шикоятига илова қилинмаган бўлса, қонунда давлат божини тўлашни кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти назарда тутилган ҳолларда эса бу ҳақда илтимоснома мавжуд бўлмаса ёхуд илтимоснома рад этилган бўлса ҳамда назорат шикоятини қайтариш тўғрисида ариза тушган бўлса қайтарилади.

НАМУНА

“DRAGON” МЧЖ таъсисчиси Эсанов Эхсон Эсиргапович МЧЖ, “Uz-Sam trans” МЧЖ ва “O’zavtosanoat-Leasing” МЧЖ лизинг компаниясига нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, МЧЖ директори уни таъсисчиларининг рухсатсиз МЧЖнинг устав фонди 50 000 000 сўмдан иборат бўлгани ҳолда баҳоси 150 000 000 сўмлик, яъни МЧЖ учун йирик битим ҳисобланган кафиллик шартномасини тузганлиги учун “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни-нинг 44-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 114-моддасига асосан тарафлар ўртасида 2012 йил 3 октябрда тузилган кафиллик шартномасини ҳақиқий эмас, деб топиб, унинг оқибатларини қўллашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъво талабини қаноатлантириш рад этилган.

МЧЖ таъсисчиси Э.Эсанов мазкур қарордан норози бўлиб, Олий судга назорат шикояти билан мурожаат қилиб, кассация инстанцияси судининг қарорини бекор қилишни, ҳал қилув қарорини ўзгартириш қолдиришни сўраган. Аммо Э.Эсанов томонидан назорат шикоятини беришда ИПКнинг 311, 313-моддалари талабларига риоя қилинмаган.

Жумладан, назорат шикояти ишда иштирок этувчи шахсларга юборилмаган. Назорат шикоятига илова сифатида берилган давлат божи тўловини кечиктириш тўғрисидаги илтимосномада МЧЖнинг давлат божини тўлаш имконияти йўқлиги, мазкур ҳолат МЧЖга хизмат кўрсатувчи банкнинг маълумотномаси билан тасдиқланиши баён этилиб, давлат божи тўловини кечиктириш сўралган. Ваҳоланки, назорат шикояти МЧЖ томонидан эмас балки, унинг таъсисчиси томонидан берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди Пленуми “Иқтисодий судлар томонидан давлат божи тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида” 2008 йил 18 апрелдаги 180-сонли қарорини 7.2-бандида давлат божи тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш тўғрисидаги илтимоснома фақат объектив асослар бўлганда ва тақдим этилган ҳужжатлар давлат божи тўлаш учун зарур бўлган миқдордаги пул маблағлари банк ҳисоб рақамларида мавжуд эмаслигини тасдиқлаган ҳолларда қаноатлантирилиши

мумкинлиги, бундай ҳужжатлар бўлмаганида илтимосномани қаноатлантириш рад қилиниши тўғрисида тушунтириш берилган.

Қайд этилган ҳолатлар инobatга олиниб, МЧЖ таъсисчиси Э.Эсановнинг назорат шикоятни қайтарилган.

ЁДДА ТУТИНГ!

Процессуал қонунчиликда назорат шикоятини Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатида кўриб чиқиш учун ўтказишни рад этиш ва назорат шикоятини иш юритишга қабул қилиш ва уни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига ўтказиш тартиби янги тушунча ҳисобланади. Ушбу ваколат Олий суд судьясининг мутлақ ваколати бўлиб, назорат шикояти Ўзбекистон Республикаси Олий судига келиб тушган кундан эътиборан ўттиз кунлик муддатда ажрим чиқариш йўли билан расмийлаштирилади.

Агар суд ҳужжатларини назорат тартибида текшириш учун асослар мавжуд бўлмаса, Олий суд суд судьяси назорат шикоятини судлов ҳайъатида кўриб чиқиш учун ўтказишни рад этиш тўғрисида ажрим чиқаради.

НАМУНА

“Памир” МЧЖнинг таъсисчиси Б.Ваҳобов судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, МЧЖ таъсисчилари “Соҳибкор” жамоат фонди ва Ш.Носировларни МЧЖ таъсисчилари сафидан чиқаришни сўраган.

Ўз навбатида МЧЖ таъсисчилари “Соҳибкор” жамоат фонди ва Ш.Носировлар судга қарши даъво аризаси билан мурожаат қилиб, МЧЖ таъсисчиси Б.Ваҳобовни МЧЖ таъсисчилари сафидан чиқаришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан дастлабки даъво ва қарши даъво талабларини қаноатлантириш рад этилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарорининг дастлабки даъво талабининг “Соҳибкор” жамоат фондини МЧЖ таъсисчилари сафидан чиқариш қисмини қаноатлантиришни рад этиш қисми бекор қилиниб, ушбу даъво талабини қаноатлантириш, “Соҳибкор” жамоат фондини МЧЖ таъсисчилари сафидан чиқариш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

“Соҳибкор” жамоат фонди суд ҳужжатидан норози бўлиб, Олий судга назорат шикоят билан мурожаат қилиб, кассация инстанцияси суди томонидан иш учун аҳамиятли ҳолатлар ўрганилмаганлиги, ишдаги мавжуд ҳужжатларга ҳуқуқий баҳо берилмаганлиги, қонун талаблари бузилганлиги, МЧЖ таъсисчиси Б.Ваҳобов МЧЖ бошқа таъсисчиларининг МЧЖнинг молиявий-ҳужалик фаолияти ҳақидаги маълумотларни, МЧЖ таъсис ҳужжатларининг тўлиқ нусхасини олишга, МЧЖ ижрочи органининг МЧЖ таъсисчиларига йиллик ҳисоботларни беришга қаратилган ҳаракатларига мунтазам равишда тўсқинлик қилиб келаётганлиги инobatга олинмаганлиги, кассация инстанцияси суди эса қайд этилган ҳолатларга эътибор қаратмасдан, “Соҳибкор” жамоат фондини МЧЖ таъсисчилари сафидан чиқариш тўғрисида асо-слантирилмаган қарор қабул қилганлиги ҳақида вазжларни келтириб, суд қарорларини бекор қилиш, қарши даъво талабини қаноатлантириш ҳақида янги қарор қабул қилишни сўраган.

Аниқланишича, МЧЖ таъсисчиларининг 2014 йил 22 майдаги 1-сонли умумий йиғилиш қарорига асосан, МЧЖнинг устави Яккасарой туман ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик

субъектларини Давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси томонидан 2014 йил 23 майда 007887-11-сонли реестр билан рўйхатга олинган.

Мазкур уставга кўра, МЧЖнинг устав фонди 4 000 000 сўм бўлиб унда “Соҳибкор” жамоат фондининг МЧЖдаги улуши 800 000 сўм ёки 20 фоизни, Б.Ваҳобовнинг улуши 1 600 000 сўм ёки 40 фоизни, Ш.Носировнинг улуши эса 1 600 000 сўм ёки 40 фоизни ташкил этган.

“Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 8-моддасининг иккинчи қисмига кўра, жами улушлари жамият устав фондининг (устав капиталининг) камида ўн фоизини ташкил этадиган жамият иштирокчилари ўз мажбуриятларини қўпол бузаётган ёхуд ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан жамиятнинг фаолият кўрсатишига имкон бермаётган ёки уни жиддий тарзда қийинлаштираётган иштирокчини жамиятдан суд тартибида чиқарилишини талаб қилишга ҳақлидирлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг “Иқтисодий судлар томонидан корпоратив низоларни ҳал этишнинг айрим масалалари тўғрисида” 2014 йил 20 июндаги 262-сонли қарорининг 19-бандида “Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 8-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ иштирокчини жамиятдан чиқариш талаби билан судга фақат жами улушлари жамият устав фонди (устав капитали)нинг камида ўн фоизини ташкил этадиган жамият иштирокчилари мурожаат қилишлари мумкинлиги, ушбу тоифадаги ишларни кўришда жавобгар ўз мажбуриятларини қўпол бузаётганлиги, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан жамиятнинг фаолият кўрсатишига имкон бермаётганлиги ёки уни жиддий тарзда қийинлаштираётганлиги ҳолатлари мавжудлигини аниқлаш лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Биринчи инстанция суди дастлабки даъво талабининг МЧЖ таъсисчиси Ш.Носировни МЧЖ таъсисчилари сафидан чиқариш қисмини Ш.Носиров бир вақтнинг ўзида “Соҳибкор” жамоат фонди раҳбари ва МЧЖ раҳбари ўринбосари лавозимида ишлаётганлиги, қарши даъво талабини МЧЖ таъсисчиси Б.Ваҳобов МЧЖнинг бошқа таъсисчиларига ҳисоботларни тақдим этмасдан, МЧЖ таъсисчиларининг умумий йиғилишини ўтказилишга тўсқинлик қилаётганлиги уларни “Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 8-моддаси талабларига асосан, МЧЖ таъсисчилари сафидан чиқариш учун асос бўлмаслигини инobatга олиб, қаноатлантиришни рад этиш ҳақида тўғри хулосага келган бўлса-да, бироқ дастлабки даъво талабининг МЧЖ таъсисчиси “Соҳибкор” жамоат фондини МЧЖ таъсисчилари сафидан чиқариш қисмини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида нотўғри хулосага келган.

Чунки “Жамоат фондлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 22-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ, фонд тижорат ташкилотларининг устав фондида (устав капиталида) иштирок этишга ҳақли эмас, бундан очиқ савдоларда акциядорлик жамиятларининг акцияларини сотиб олиш мустасно.

Кассация инстанцияси суди қайд этилган ҳолатларни инobatга олиб, тўғри хулосага келганлигини инobatга олиб, Олий суднинг судьяси ИПК 312-моддаси учинчи қисмининг 3-бандига мувофиқ, суд ҳужжатларини назорат тартибида текшириш асослари мавжуд бўлмаганлиги сабабли назорат шикоятини Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатида кўриб чиқиш учун ўтказишни рад этиш тўғрисида ажрим чиқарган.

Назорат шикоятини Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатида кўриб чиқиш учун ўтказишни рад этиш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилинмайди. Аммо бундай ажримни бекор қилиш ҳақидаги ариза суд ҳужжати устидан назорат тартибида шикоят қилиш учун белгиланган муддат доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ёки унинг ўринбосарига берилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси ёки унинг ўринбосари назорат шикоятини кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига ўтказишни рад этиш тўғрисидаги судьянинг ажримига қўшилмасликка ҳамда назорат шикоятини берган шахснинг аризаси асосида уни бекор қилиш ва иш билан бирга кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига ўтказиш ҳақида ажрим чиқаришга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси назорат шикоятини иш юритишга қабул қилиш ва уни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига ўтказиш ҳақидаги масала тўғрисида қарор қабул қилиш билан бир вақтда низолашилаётган суд ҳужжатининг ижросини шикоятни берган шахснинг илтимосномасига кўра, назорат тартибида иш юритиш тамомлангунига қадар тўхтатиб қўйишга ҳам ҳақли.

Иш назорат шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилиш тўғрисида ажрим чиқарилган кундан эътиборан бир ойлик муддатдан кечиктирмай кўрилади.

Иш назорат тартибида кўрилаётганда барча масалалар ишни кўриб чиқишда иштирок этаётган судьяларнинг кўпчилик овози билан ҳал этилади.

Ишни назорат тартибида кўриб чиқиш натижалари бўйича қарор қабул қилинади.

НАМУНА

“Темир” МЧЖ Тахтакўпир туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси томонидан 2011 йил 15 июнда 190-сонли реестр тартиб рақами билан давлат рўйхатига олиниб, ушбу тўғрисида унга 218-сонли гувоҳнома берилган.

МЧЖнинг устав фонди 50 000 000 сўмни ташкил қилган ҳолда, унинг таъсисчилари сифатида жисмоний шахслар М.Баймуратов, П.Саматов ва П.Пайзиевлар қайд этилган. МЧЖ уставига киритилган ўзгартиришларга кўра, унинг иштирокчилари М.Баймуратов (93,7 фоиз улуши билан) ва Б.Сейтмуратов (6,3 фоиз улуш билан) эканлиги ва М.Баймуратов 6,3 фоизлик улуш ҳақини Б.Сейтмуратовга тўлиқ тўлагандан сўнг у МЧЖнинг ягона 100 фоизлик улушга эга бўлган иштирокчиси бўлиши қайд этилган.

2015 йил 18 мартда бўлиб ўтган жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишида жамият иштирокчилари М.Баймуратов ва Б.Сейтмуратовлар томонидан ўзларига тегишли жамиятдаги улушларини П.Саматовга сотиш ва уларни иштирокчилар сафидан чиқариш ҳамда жамият раҳбарини сайлаш масалалари кўриб чиқилган. Йиғилиш натижаси бўйича расмийлаштирилган баённома билан М.Баймуратов ўзига тегишли 99,96 фоиз улушни П.Саматовга ҳада қилиш ва Б.Сейтмуратов томонидан ўзига тегишли 0,04 фоиз улушни П.Саматовга сотиш ҳамда П.Саматовни жамият раҳбари сифатида сайлаш ва уни ягона иштирокчиси сифатида эътироф этиш ҳақида қарор қилинган.

Мазкур йиғилиш баённомасига асосан МЧЖнинг уставига тегишли ўзгартиришлар киритилиб, П.Саматов жамиятнинг ягона иштирокчиси сифатида қайд этилган.

2016 йил 8 августда П.Саматов томонидан ёзилган тилхатда М.Баймуратов жамиятдаги

ўзига тегишли улушни унга уч йилда бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан 90 000 000 сўмга сотганлиги қайд этилган.

Аммо П.Саматов М.Баймуратовни алдаб, ўтказиб берилган улуш учун 90 000 000 сўм пул маблағини тўлаб бермаганлиги, улушни сотишда М.Баймуратовнинг турмуш ўртоғи З.Баймуратованинг розилиги олинмаганлиги ва шунга кўра, нотариал ҳаракатлар ноқонуний амалга оширилганлиги важ қилиниб, М.Баймуратов ва З.Баймуратовалар жавобгарлар П.Саматов ва Тахтакўпир туман ҳокимлиги ҳузурдаги “Бир ойна” дарчасига нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг 2015 йил 18 мартдаги баённомасини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Суднинг 2017 йил 26 сентябрдаги ажримлари билан ишга жамият иштирокчиси Б.Сейтмуратов низонинг предметиға мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ва МЧЖ жавобгарлар сифатида жал қилинган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 4 октябрдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаблари қисман қаноатлантирилган. Жамият иштирокчиларининг 2015 йил 18 мартдаги умумий йиғилиш баённомасинининг 2-банди, яъни жамият иштирокчиси М.Баймуратов ўзига тегишли жамиятдаги 99,96 фоиз улушини П.Саматовға ҳада қилиши ҳамда 6-банди, яъни 2013 йил 24 апрелдаги 218-сонли реестр тартиб рақами билан жамият уставига киритилган ўзгартиришлар бўйича тузилган таъсис шартномасини бекор қилиш қисмлари ҳақиқий эмас, деб топилган. Даъвонинг Тахтакўпир туман ҳокимлиги ҳузурдаги “Бир ойна” дарчасига нисбатан қисми бўйича иш юритиш тугатилган. П.Саматовдан суд ҳаражатлари ундирилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2017 йил 14 декабрдаги қарори билан ҳал қилув қарори қисман бекор қилинган. Ҳал қилув қарорининг жамият иштирокчиларининг 2015 йил 18 мартдаги умумий йиғилиш баённомасинининг 2-банди, яъни жамият иштирокчиси М.Баймуратов ўзига тегишли жамиятдаги 99,96 фоиз улушни П.Саматовға ҳада қилиши ҳамда 6-банди, яъни 2013 йил 24 апрелдаги 218-сонли реестр тартиб рақами билан жамият уставига киритилган ўзгартиришлар бўйича тузилган таъсис шартномасини бекор қилиш қисмларини ҳақиқий эмас, деб топил ва суд ҳаражатларини ундириш қисмлари бекор қилиниб, даъво талабларини қаноатлантиришни рад этиш ва суд ҳаражатларини М.Баймуратовдан ундириш тўғрисида янги қарор қабул қилинган. Ҳал қилув қарорининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Назорат шикоятда судлар томонидан моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари бузилганлиги, ишга жавобгар сифатида МЧЖ жалб қилинмаганлиги, даъвонинг фуқаро З.Баймуратова томонидан берилган қисми бўйича иш юритиш тугатилиши лозимлиги, жамият уставига кўра, иштирокчиларининг умумий йиғилиши иштирокчининг улушини ҳада қилиш ёки сотиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли бўлмаганлиги, улушни ҳада қилиш шартномаси кўзбуйамачилик учун тузилганлиги, ҳада қилинган улуш М.Баймуратов ва унинг турмуш ўртоғи З.Баймуратовга тегишли эканлиги ва улушни тасарруф қилганда З.Баймуратованинг розилиги олинмаганлиги, суд томонидан ушбу ҳолатлар инobatга олинмаганлиги ҳақида важлар келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг “Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида” 2007 йил 15 июндаги 161-сон қарорининг 3-бандида қарор қачонки, унда иш учун аҳамиятли барча ҳолатлар баён этилган ва тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги хулосаларини тасдиқловчи далиллар келтирилган бўлса, асослантирилган ҳисобланиши, қарор иш ҳолатлари ҳақидаги тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва у далилларга унинг дахлдорлиги ва йўл қўйилишлилиги, ишончлилиги ва етарлилик ҳақидаги ИПКнинг 69 – 75-моддалари талабларини инobatга олган ҳолда асослантирилган бўлиши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Даъво аризаси даъвогарлар жамият иштирокчиси М.Баймуратов ва унинг турмуш ўртоғи З.Баймуратова томонидан берилган. Ишни судда кўриш жараёнида З.Баймуратова томонидан даъво аризасига жамиятга уставига киритилган ўзгартиришларни ноқонуний, деб топил тўғрисида кўшимча тақдим қилинган бўлиб, мазкур ариза биринчи инстанция судининг 2017 йил 4 сентябрдаги ажрими билан иш юритишга қабул қилиб олинган. Бироқ суд томонидан З.Баймуратованинг даъво талаби муҳокама қилинмасдан, фақатгина М.Баймуратовнинг даъво талаби бўйича қарор қабул қилинган. Ҳолбуки, З.Баймуратова низоли баённомани ҳақиқий эмас, деб топиш учун М.Баймуратов ўз улушини ҳада қилишда турмуш

ўртоғининг, яъни унинг розилиги олинмаганлигини асос сифатида келтирган.

Апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция суди томонидан йўл кўйилган хатони тузатмаган ва З.Баймуратованинг даъво талаби бўйича қарор қабул қилмаган.

Билдирилган талаб бўйича суд томонидан қарор қабул қилинмаганлиги сабабли назорат инстанцияси суди қўйи суд ҳужжатларини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборган.

ЁДДА ТУТИНГ!

Назорат инстанцияси судида иш юритишнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, ИПКнинг 322-моддасига кўра, суднинг мазмунан тўғри бўлган ҳал қилув қарори фақат юзаки асослар бўйичагина бекор қилиниши мумкин эмас.

НАМУНА

2014 йил 10 ноябрда фуқаролар Назарқулов Раҳим Салимович, Жўраев Комил Алимович ва Файзиев Салоҳиддин Рўзметович томонидан “Караван” МЧЖ ташкил этилган бўлиб, МЧЖнинг таъсис ҳужжатлари туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш Инспекцияси томонидан 2014 йил 20 ноябрда рўйхатга олинган ва бу ҳақда МЧЖга гувоҳнома берилган.

Таъсис ҳужжатларига кўра, МЧЖнинг устав фонди 15 000 000 сўм миқдорига белгиланиб, унда Р.Назарқулов 5 000 000 сўм ёки 33,4 фоиз, К.Жўраев 5 000 000 сўм ёки 33,3 фоиз, С.Файзиев 5 000 000 сўм ёки 33,3 фоиз улушга эга бўлган. МЧЖнинг 33,4 фоиз улушига эга бўлган иштирокчиси Р.Назарқулов 2015 йил 15 январь куни вафот этган.

МЧЖ иштирокчиси К.Жўраевнинг даъво аризасига асосан, Тошкент вилоят хўжалик (ҳозирда иқтисодий) судининг 2016 йил 6 январдаги ҳал қилув қарори билан МЧЖ иштирокчиси С.Файзиев МЧЖнинг фаолият кўрсатишига имкон бермаётганлиги ҳамда уни жиддий тарзда қийинлаштираётганлиги асоси билан МЧЖ иштирокчилари сафидан чиқарилган.

МЧЖнинг ягона иштирокчисига айланган К.Жўраев томонидан 2016 йил 30 апрелда иштирокчилар умумий йиғилиши ўтказилиб, унда МЧЖ иштирокчиси С.Файзиев суднинг ҳал қилув қарорига асосан, МЧЖ иштирокчилари сафидан чиқарилганлигини инobatга олиш, МЧЖ иштирокчиси Р.Назарқуловнинг меросхўри Назарқулов Рашид Раҳимовични МЧЖ иштирокчилари сафига киритишни рад этиш ҳамда меросхўрга МЧЖ иштирокчиси вафот қилиш кунидан олдинги ҳисобот даври учун МЧЖнинг бухгалтерия ҳисоботлари маълумотлари асосида аниқланадиган улушнинг ҳақиқий қийматини МЧЖнинг молиявий аҳволидан келиб чиқиб тулаш, шунингдек, МЧЖ иштирокчилари сафидан суднинг ҳал қилув қарори асосида чиқарилган С.Файзиевнинг ва вафот этган Р.Назарқуловнинг улушларини К.Жўраевга тақсимлаган ҳолда МЧЖ уставига тегишли ўзгартишлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Шу сабабли МЧЖ иштирокчиси Р.Назарқуловнинг меросхўри Назарқулов Рашид Раҳимович судга ариза билан мурожаат қилиб, МЧЖ иштирокчиларининг 2016 йил 30 апрелдаги умумий йиғилиш қарорини ҳақиқий эмас, деб топишни ва уни МЧЖнинг 33,4 фоиз улушга эга бўлган иштирокчиси, деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан ариза талабларини қаноатлантириш рад этилган. Кассация инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгартирилган. Ушбу қарорлар қонуний ва асосли чиқарилган.

Чунки МЧЖ уставининг 4.6-бандида жамиятнинг иштирокчиси бўлган фуқаро вафот этган ҳолда жамиятнинг розилиги билан меросхўр жамиятга кириши, жамият меросхўрини ўз таркибига киритишни рад этган ҳолларда эса унинг устав фондидаги улуши иштирокчи вафот этган кундаги ҳақиқий қийматида ҳисоблаб берилиши белгиланган.

“Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 20-моддасининг ўн иккинчи, ўн учинчи ва ўн тўртинчи қисмларида белгиланишича, жамиятнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушлар жисмоний шахсларнинг меросхўрларига ва жамиятнинг иштирокчилари бўлган юридик шахсларнинг ҳуқуқий ворисларига ўтади. Жамиятнинг иштирокчиси бўлган юридик шахс тугатилган тақ-

дирда, унинг кредиторлари билан ҳисоб-китоб тугалланганидан сўнг қолган унга қарашли улуш, агар қонун ҳужжатларида ёки тугатилаётган юридик шахснинг таъсис ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, тугатилаётган юридик шахснинг иштирокчилари ўртасида тақсимланади. Жамиятнинг уставида ушбу модданинг ўн иккинчи ва ўн учинчи қисмларида белгиланган улушнинг ўтиши ва тақсимланишига фақат жамият қолган иштирокчиларининг розилиги билан йўл қўйилиши назарда тутилиши мумкин. Шу боис назорат инстанцияси суди Қонуннинг 20-моддаси ва МЧЖ уставининг 4.6-бандига асосланган ҳолда, яъни жамият иштирокчиси бўлган жисмоний шахснинг меросхўрлари фақат қолган иштирокчиларнинг розилиги билан жамият иштирокчилари таркибига киритилиши мумкинлигидан келиб чиқиб, суд ҳужжатларини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топган.

**КОРПОРАТИВ НИЗОЛАР:
ТУШУНЧАСИ, ТУРЛАРИ
ВА УЛАРНИ СУДДА КЎРИШНИНГ
ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ**

Амалий қўлланма

Муҳаррир:
О.Раҳимов

Дизайнер:
Э. Муратов

Нашриёт лицензияси Ai №004, 20.07.2018 й.
Босишга рухсат этилди 08.02.19. Бичими 60*84 1/16.
«Ubuntu» гарнитураси. Офсет босма усулида босилди
Босма табоғи 15. Адади 1000. Буюртма № РО/0823/18-2

«Complex Print» нашриёти
Тошкент ш., А.Навоий кўчаси, 24,
тел. +99871 244-40-89

«PRINT MEDIA» босмахонасида чоп этилди.
Тошкент ш., Ўзбекистон овози кўчаси, 32
тел: +99871 233-03-21

